


66.2(5Y)

к.23

169

Леонид Левитин
Дональд С. Карлайл билан ҳамкорликда

ИСЛОМ КАРИМОВ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ





Австрия Республикаси

Федерал канцлер



Совет Иттифоқи парчаланиши билан Ўрта Осиё минтақаси чекка-чеккалардан жаҳон ҳамжамияти сиёсий манфаатларининг марказига силжиб ўтди.

Минтақанинг янгидан ташкил топган мамлакатлари: коммунизм месоридан халос бўлиш, бозор иқтисодиёти, бақувват инфраструктура, замонавий бошқарув аппаратини яратиш заруритлари сингари катта муаммоларга тўқнаш келди.

Бир вақтнинг ўзида демократияни ва хуқуқий давлат принциплари ни уларнинг минг йиллик тарихи билан ва ҳар бир алоҳида давлатнинг турли-туман маданий анъаналари билан боғлаган ҳолда ҳаётнинг барча соҳаларида мустаҳкамлаш зарур.

Бу бир неча йил давомида ҳал этилиши мушкул бўлган улкан ва мураккаб вазифалардир.

Шунинг учунҳам бу мажмуавий янгиланиш жараёнида сиёсий арбоб сифатида иштирок этаётган ва бунга жавоб берадиган кишилар билан танишув мухимдир.

Президент Каримов давлат раҳбарларининг янги авлодини ўзида бошқалардан кура тугалроқ мужассам этган. Китоб айнан шу жиҳати билан Европа ва бутун дунё учун ниҳоятда мухим бўлган минтақанинг нуфузли сиёсий арбобларидан бирининг шаклланиши ва сиёсий истиқболлари билан жамиятнинг кенг қатламларини таништирган ҳолда ахборот кемтигини тўлдиради.

Франц Вранцикли

Леонид Левитин
Дональд С. Карлайл билан ҳамкорликда

ИСЛОМ КАРИМОВ –
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИ

Леонид Левитин — юридик фанлар доктори, Қирғизистон Республикасида хизмат күрсатгандан фан арбоби ва хизмат күрсатгандын юрист. Адвокат, прокурор бўлиб ишлаган, Қирғизистон Давлат Университети юридик факультетининг кафедрасига мудирлик қилган. Бишкек шаҳридаги Халқаро менеджмент ва бизнес мактабида ректор ўринбосари бўлиб ишлаган. Қирғизистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг Л. Левитин бир неча йил Қирғизистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси бўлиб ишлади. Кўплаб қонунлар лойиҳаларини ва Қирғизистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлашда иштирок этган. Ҳозирги пайтда Германия Федератив Республикасининг, Майн-бўйида-Франкфурт шаҳрида яшайди.

Дональд С. Карлайл — тарихий ва сиёсий фанлар профессори, узоқ йиллар АҚШ ва Канада университетларида (Висконсинс, Торонто, Гарвард) ишлаган. Ҳозирда Бостон коллежи ва Гарвард университетининг илмий ходими. У Ўзбекистон тарихига ва унинг ҳозирги сиёсий хаётига оид бир қатор машҳур тадқиқотларнинг муваллифи. Д. Карлайл — Американинг Ўрта Осиё сиёсий муаммолари бўйича кўзга кўринган мутахассиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маслаҳатчиси.

СҮЗ БОШИ

(Дональд С. Карлайл)

Бу китоб ноёб қобилиятли киши амалга оширган тадқиқотdir. Мен ҳам унинг ёзилишига алоқадор эканимдан баҳтиёрман. Менинг ушбу китобдаги иштироким ва ҳиссам тўғрисида бир-икки оғиз сўзлашга ижозат бергайсиз. Мен доктор Леонид Левитин билан 1994 йилнинг июнида Бишкекка бориб, у ерда БМТнинг тараққиёт дастури маслаҳатчиси сифатида бир неча ҳафта турганимда танишган эдим. Мен илгари ҳам унинг шиҳоатли ва қобилиятли инсон эканини эшитган, А. Акаев билан қалин муносабатини, Президент унинг сиёsat бўйича маслаҳатларини ниҳоятда ҳурмат қилишини билар эдим.

Мен Левитин билан биринчи марта учрашганимдаёқ, биз бир-бири мизни ёқтириб қолдик. Менга унинг акл-заковати ва шиҳоати маъқул бўлди. Мен учун яна бир кутилмаган ҳол — унинг тадқиқотларим бош обьекти бўлмиш Ўзбекистон тўғрисида кўп нарса билиши ва бу мамлакат ишларига қизиқиши эди. Қолаверса, иккимизни ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шахси хайратга solaётгани аён бўлиб қолди. Биз Президент давлатни бошқариш жараённада дуч келаётган мاشаққатларни яхши тушунамиз. Левитин иккимизнинг қарашларимиз бир-бирига жуда яқин ҳамда бу борада бир-бири мизни тўлдиришимиз мумкин бўлганидан ўша муаммоларни биргаликда ҳал этишни таклиф қилди. Каримов билан учрашиш ғояси ва уни амалга ошириш менга жуда маъқул тушди.

Биз 1994 йилнинг июль ойида автомашинада Ўшдан Андижонга жўнадик, сўнгра Фарғона водийси орқали Тошкентга етиб келдик. У ерда биз Президент Каримов билан учрашдик. Суҳбатимиз икки ярим соатга чўзилди. Бир қанча мавзуларни муҳокама қилдик. Шундан сўнг биз Левитин билан биргаликда Ўзбекистон ва Каримов тўғрисида тадқиқот — китоб ёзишга қарор қилдик. Кейинчалик биз Президентнинг Матбуот котиби Мурод Мухаммад Дўст ҳамроҳлигида Самарқандга ва қўшни Ургут туманига бордик.

1995 йил ёзида биз биргаликда фаолиятимизни муҳокама қилиш учун Тошкентга қайтдик. Ўтган вақт мобайнида ёзиг тугаллаган қўлёзмаларимизни ўзимиз билан бирга олиб келдик. Қўлёзмалар айrim муаммоларга бўлган қарашлар жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиласди. Менинг "Ўзбекистон ва Марказий Осиё" номли қораламам минтақа умумий тарихининг кўпгина жиҳатлари тадқиқига бағишлиланган бўлиб, Ўзбекистон тарихи, унинг ҳалқлари ҳаёт тарзи, шунингдек, бугун бу мамлакатда рўй берадиган воқеаларни ҳам қамраб олган эди. Унда, шунингдек, Президент Каримов тўғрисида ҳам алоҳида боб бор эди. Ле-

витин эса бутун диққат-эътиборини яқин ўтмиш воқеалари ва Каримов фаолиятига қаратган эди. Кўпдан-кўп самарали муҳокамалар ва бир-бirimizning ишимизга билдирган таңқидий мулоҳазаларимиздан сўнг ёзган китобларимиз олиб борган тадқиқотларимизнинг табиий натижаси, деган холосага келдик. Бундан кейин ҳам ҳамкорликни давом эттиришга, китобларимизда биримиз иккинчимизнинг натижаларимиздан, тегишли материалларимиздан, манбани кўрсатган ҳолда, ўзаро фойдаланишга келишиб олдик.

Шундай қилиб, ушбу китобга асос қилиб олинган кўлёзма асли Левитинга тегишли. Бу, асосан, унинг иши. Бу матнни биз ўтган йили ёзда муҳокама қилган эдик. Китоб шу матн асосида ёзилган. Албатта, китобни ёзишда Левитин менинг қораламамдан ҳам фойдаланган, ўзига маъқул бўлган ўринлардан кўчирмалар олган. Бундан ташқари, менинг қарашларимни ўзича изоҳлаган ва тез-тез бизнинг 1994 ва 1995 йиллар ёзидағи кўшма тадқиқотларимизни эсга олган.

Левитиндай юксак малакали тадқиқотчининг ишончига сазовор бўлиш ҳам мароқли, ҳам қувончлидир. Узоқ йиллар Осиёда яшаган, Президент Акаев билан яхши таниш бўлган Левитин сўнгги воқеаларни таҳлил қилишда ажойиб имкониятга эгадир. Айниқса, 1990 йили июнда ўшда содир бўлган қонли воқеаларни ва ўша пайтда Каримовнинг шахсини давлат арбоби сифатида идрок этиш ўта муҳим ва ноёб ҳодисадир. Левитин келтирган маълумотларга қараганда, Каримов бутун Фарона водийсида миллатлараро фожиани тўхтатишга ёрдам берган. Акс ҳолда, бу фожиа Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳақиқий урушга айланниб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Левитин ўша ерда яшагани учун сиёсий воқеаларга бевосита гувоҳ бўлган. У биздан "четдан" кузатувчилар ва онда-сонда Ўрта Осиёга келиб-кетувчиларга нисбатан анча устунликка эга. Шунинг учун ҳам у баъзан ташқи кузатувчилар ўзида айтишга журъат сезмайдиган кескин мулоҳазалар билдириш ва теран холосалар чиқаришдан тап тортмайди. Лекин унинг воқеаларни қалбан ҳис этишга ундовчи талқинлари ўзига хосдир. Етти ўлчаб, бир кесишига, ҳар бир мулоҳазаси жўяли бўлишига интилган академик тадқиқотчи эса бундай қилолмайди. Шу сабабдан ҳам унинг воқеаларни ичдан ҳис этиши қийинроқ кечади.

Бизнинг йўлларимиз кутилмаганда бир тушиб қолди. Қарашларимиз турличалигидан қатъи назар, ўртамиизда ўзаро ҳурмат, қачон ва қайда учрашмайлик, дўстлик пайдо бўлди. Мен ўзаро ҳамкорлигимиздан беҳад мамнунман ва Левитин ҳам келгусида менинг китобимга худди шундай сўз боши ёзиб беради, деб умид қиласман.

КИТОБХОНЛАРГА (Леонид Левитин)

Китобимни ўрта асрларда яшаган англиялик шоир Жон Доннинг қуйидаги сўзлари билан бошламоқчиман: "Ўз ҳолича Орол каби яшайдиган одамнинг ўзи йўқ, ҳар бир киши материкнинг, қуруқликнинг бир бўлағи, агар тўлқин соҳилдаги чўққини дengизга қулатиб қуруқлик чеккасими ювib кетса, сенинг ёки дўстингнинг қўргонини кунпаякун этса, Европа кичраяди, шунда ҳар бир кишининг ўлими менинг ҳам бағримдан ниманидир юлиб кетади. Чунки мен одамзод билан биргаман, шул боис жом кимга бонг уряпти, деб мендан сўрама, у сенга бонг уряпти".

Бугун дунёда рўй берадиган жараёнлар бир-бирига мутлақо зид, шу билан бирга, ўзаро боғлиқ қонуниятлар — табакаланиш ва бирлашишга бўйсунади. Давлатлар парчаланади, ҳатто, бир мамлакатдаги турли маданиятлар ва миллатлараро зиддиятлар кескинлашиб кетади, ўз навбатида кўз илгар-илғамас ришталар катта куч билан узоқ-яқин мамлакатларни бир-бирига боғлайди, қитъаларни ўзаро яқинлаштиради.

Сиёсий онгимизда ҳам худди шу жараён: бир-биrimizni тушунишни истамаслик, шунинг баробарида бир-биrimizga бўлган қизиқишининг кескин ортиши рўй беради. Шуни ҳам айтмоқчиманки, одамлар XXI аср бўсағасида илгари биз ўйлаганчалик бепоён бўлмаган Заминимизда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ эканини тобора чуқурроқ англаб етмоқдалар.

Бутун сайёрамиз экстремизм портлашларига тўлиб-тошган, дунё ҳамжамиятининг саъи-ҳаракатига қарамай, одамлар бир-бирини қони ва эътиқоди бошқа экани учун үлдираётган бугунги кунда собиқ коммунистик мамлакат — Ўзбекистон тажрибаси, унинг раҳбари Ислом Каримовнинг сиёсий портрети Farb мамлакатларида қизиқиш уйфотиши бежиз эмас. Бинобарин, Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида миллатлараро ва динлараро қонли тўқнашувлар оловини ўчиришга эришган, бузғунчилик мантиқи ўрнини яратувчиликка интилиш эгаллаган жуда камёб юртлардан биридир.

Ҳокимият мамлакатни вайрон қиласидими ёки аксинча, кўкларга кўтадими? Бу савол собиқ СССР ўрнида пайдо бўлган ҳар бир давлатнинг миллионлаб фуқаролари олдида кўндаланг турибди. Унга жавоб топиш осон иш эмас. Келгуси иқтисодий ва, умуман олганда, ижтимоий тараққиёт учун одамлар зиммасига тушадиган юқ жуда оғирдир.

Ўзбекистон собиқ коммунистик давлатлар орасида иқтисодиётни сиёсатдан устун қўяётган, оддий инсон сари юз бурган жуда кам сонли мамлакатлар қаторига киради.

Ўзбекистоннинг тарихи жуда қизиқарли ва ноёбdir. Турли маданий ва сиёсий оқимлар чорраҳасида жойлашган ва қад ростлаган бу мамлакат гоҳо бир-бирига мутлақо зид таъсиrlарни бошидан кечирди. Ўзбек халқи ўзининг ҳам кўхна, ҳам янги сиёсий қиёфасини дунёга кўрсатиши керак.

Ўзбекистоннинг сиёсий раҳбари, Президенти Ислом Каримов ниҳоятда ўзига хос хислатларга эга шахсdir. Унинг табиатида бир кишида учраши қийин хислатлар: миллий уйғониш foясига мутаассибларча ишонч ва хомхаёлга мутлақо берилмаслик, романтизм ва соғлом сиёсий мўлжал омухта бўлиб кетгандир.

Таассуфки, Farb ўқувчиси бугунги Ўзбекистон ва унинг раҳбари тўғрисида нотўғри ахборот олади ёки жуда кам нарса билади.

Маълумки, ҳақиқат таққосларда юзага чиқади. Муҳими, координатларнинг тўғри тизимини топа билишда. Мен уни шундай тасаввур қиламан: Ўзбекистоннинг бугунги ва кечаги куни, Ўзбекистон ва МДҲнинг бошқа мамлакатлари. Ва яна бир муҳим жиҳати шуки, биз Ўзбекистонда содир бўлаётган воқеалар тўғрисидагина эмас, имкон қадар муаллифнинг ўз қарашлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Бундай ёндашувдан ўқувчи Ўзбекистонда ҳокимият демократик ва бозор иқтисодиёти foясини обрўсизлантирмасликка интиляпти, деган бир қарашда файритабиий бўлиб туюладиган хулоса чиқариши мумкин.

Нега мендай умр бўйи Қирғизистонда яшаган киши Ўзбекистон мавзусига кўл урди, деган савол туғилиши табиий. Аввало, шуни айтмоқчиликни, Ўзбекистон кўнглимга жуда яқин. Мен бу ерда яшаганман ва ўқиганман. Мен бу халқ олдида қарздорман. Хизмат тақозосига кўра, мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан кўп марта учрашганман ва у давлат раҳбари сифатида амалга ошираётган ишларни ўрганишимга тўғри келган. Мен уни XX аср охирида рўй берган демократик инқилобларнинг энг ёрқин намояндларидан бири деб ҳисоблайман. Шунинг учун мен сизлар билан Президент ва унинг мамлакати ҳақидаги мулоҳазаларимни баҳам кўрмоқчиман.

Китобни ёзаётган пайтимда, баҳтли тасодифни қарангки, Гарвард университетининг профессори Дональд С. Карлайл билан учрашиб қолдим. У ҳам ўша пайтлар ўзининг "Ўзбекистон ва Ўрта Осиё. Истиқболдаги ўтмиш ва ҳозирги кун" китоби устида ишлаётган экан. Америкалик профессор қўлёзмаси қуйидаги сўзлар билан бошланади: "Farb тадқиқотчилари Ўрта Осиё минтақаси давлатлари орасида, аввало, Ўзбекистонга ва унинг Президенти Ислом Каримовга эътибор қилишлари керак. Чунки Ислом Каримов коммунизмдан кейинги Ўрта Осиё минтақасидаги энг буюк давлат арбобидир". Бир сўз билан айтганда, принципиал қарашларимиз ва мулоҳазаларимиз бир-бирига мос тушган эди. Биз ишни тугаллагач, қораламаларни бир-биримизга юборишни ва ҳар биримиз ундан хоҳлаган нарсасини олиб, истифода этишимизни келишиб олдик.

Ўзбекистоннинг тарихи жуда қизиқарли ва ноёбдир. Турли маданий ва сиёсий оқимлар чорраҳасида жойлашган ва қад ростлаган бу мамлакат гоҳо бир-бирига мутлақо зид таъсиrlарни бошидан кечирди. Ўзбек халқи ўзининг ҳам кўхна, ҳам янги сиёсий қиёфасини дунёга кўрсатиши керак.

Ўзбекистоннинг сиёсий раҳбари, Президенти Ислом Каримов ниҳоятда ўзига хос хислатларга эга шахсdir. Унинг табиатида бир кишида учраши қийин хислатлар: миллий уйғониш foясига мутаассибларча ишонч ва хомхаёлга мутлақо берилмаслик, романтизм ва соғлом сиёсий мўлжал омухта бўлиб кетгандир.

Таассуфки, Farb ўқувчиси бугунги Ўзбекистон ва унинг раҳбари тўғрисида нотўғри аҳборот олади ёки жуда кам нарса билади.

Маълумки, ҳақиқат таққосларда юзага чиқади. Муҳими, координатларнинг тўғри тизимини топа билишда. Мен уни шундай тасаввур қиламан: Ўзбекистоннинг бугунги ва кечаги куни, Ўзбекистон ва МДҲнинг бошқа мамлакатлари. Ва яна бир муҳим жиҳати шуки, биз Ўзбекистонда содир бўлаётган воқеалар тўғрисидагина эмас, имкон қадар муаллифнинг ўз қарашлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Бундай ёндашувдан ўқувчи Ўзбекистонда ҳокимият демократик ва бозор иқтисодиёти foясини обрўсизлантирумасликка интиляпти, деган бир қарашда файритабиий бўлиб туюладиган хулоса чиқариши мумкин.

Нега мендай умр бўйи Қирғизистонда яшаган киши Ўзбекистон мавзусига қўл урди, деган савол туғилиши табиий. Аввало, шуни айтмоқчиликни, Ўзбекистон кўнглимга жуда яқин. Мен бу ерда яшаганман ва ўқиганман. Мен бу халқ олдида қарздорман. Хизмат тақозосига кўра, мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан кўп марта учрашганман ва у давлат раҳбари сифатида амалга ошираётган ишларни ўрганишимга тўғри келган. Мен уни XX аср охирида рўй берган демократик инқилобларнинг энг ёрқин намояндларидан бири деб ҳисоблайман. Шунинг учун мен сизлар билан Президент ва унинг мамлакати ҳақидаги мулоҳазаларимни баҳам кўрмоқчиман.

Китобни ёзаётган пайтимда, баҳтли тасодифни қарангки, Гарвард университетининг профессори Дональд С. Карлайл билан учрашиб қолдим. У ҳам ўша пайтлар ўзининг "Ўзбекистон ва Ўрта Осиё. Истиқболдаги ўтмиш ва ҳозирги кун" китоби устида ишлаётган экан. Америкалик профессор қўлёзмаси қуйидаги сўзлар билан бошланади: "Farb тадқиқотчилари Ўрта Осиё минтақаси давлатлари орасида, аввало, Ўзбекистонга ва унинг Президенти Ислом Каримовга эътибор қилишлари керак. Чунки Ислом Каримов коммунизмдан кейинги Ўрта Осиё минтақасидаги энг буюк давлат арбобидир". Бир сўз билан айтганда, принципиал қарашларимиз ва мулоҳазаларимиз бир-бирига мос тушган эди. Биз ишни тугаллагач, қораламаларни бир-биримизга юборишни ва ҳар биримиз ундан хоҳлаган нарсасини олиб, истифода этишимизни келишиб олдик.

Китобнинг дунёга келишига жуда катта ҳисса қўшган, ҳатто, унинг яратувчиларидан бири дейиш мумкин бўлган ажойиб инсон Борис Қандов тўғрисида ҳам бир-икки оғиз гапирмоқчиман. У Венадаги "Агротек" фирмасининг бошлиғидир. Асли Самарқандда туғилиб ўсан Б. Қандов чорак асрдан буён Австрияда яшайди. У ўтган давр мобайнида ишбилармонлар оламида ва сиёсий доиралардаги таникли шахслардан бирига айланди. У ўзини қалбан самарқандлик деб билади. Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвари, унинг Farb билан яқинлашуви учун бор куч-файратини аямаётган бу инсон ушбу китобни бир йўла уч — инглиз, рус ва немис тилларида нашр этиш билан боғлиқ моддий ва ташкилий масалаларни қисқа вақт ичida ҳал этиб берди. Ишончим комилки, у ёрдам бермаганида, китобнинг дунё юзини кўриши даргумон эди. Б. Қандовга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Китоб шу тариқа дунёга келди.

МУНДАРИЖА

Биринчи боб. ПРЕЗИДЕНТНИНГ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР:	
"ЭНГ МУХИМИ, ЎЗИНГГА ИШОН"	1
Таржимаи ҳол	1
Мамлакат бошида	3
Илдам қадам	10
Президентнинг аъмоли: ақл-идрок, эзгулик, кучга таянувчи ҳокимият	13
Ўзгалар эътирофи	21
Иккинчи боб. ТАРИХ АЛГОРИТМЛАРИ	31
Фарб, бу — Фарб, Шарқ, бу — Шарқдир	31
Алоҳида цивилизациями?	32
Ёши ўз номидан улуф ҳалқ	36
Ўтмиш орқали келажакка	40
Учинчи боб. ЎТИШ ДАВРИДА КИМ АРАВАНИ ОТДАН ОЛДИН ҚҮЙМОҚДА?	47
Жар ёқасида	48
Ўзбекистонда ўтиш даврининг мантиқи: зиён-захмат етказмаслик ..	52
Янги уй курмай туриб, эскисини бузма	56
Янги омиллар ва мақсадлар	64
Ислоҳотларнинг бакувват хамиртуруши	70
"Барча байроқлар меҳмонимиз бўлади"	72
Турт йилдан сўнг: бугунги Ўзбекистон	85
Туртинчи боб. ЎТИШ ДАВРИ ДАВЛАТИ: ХОМХАЁЛЛАР ВА ВОҚЕЛИК	89
Демократия эраси: утопиянинг янги ривояти	89
Демократия олди авторитаризмими ёхуд феодал олигархиями? ..	94
Тоталитаризм ва либерал демократия ўртасида	97
Обрў-эътибор ҳокимияти ва ҳокимият обрў-эътибори	104
Парламентаризм: илк одимлар	107
Хукукий ислоҳот: одамлар ва қонунлар	114
Яна маҳалла ҳақида	117
Ҳокимият қонунийлиги: бугун ва эрта	119

Бешинчи боб. КЕНГАЯЁТГАН ЭРКИНЛИК МАЙДОНИ.....	125
Audiatur et altura pars	125
Қайси эркинликларни Яратганинг ўзи ато этган?	128
Мухолифат эркинлиги	132
Сўз ва фикрни ифода қилиш эркинлиги	141
Эътиқод ва виждан эркинлиги	146
Озодликни эълон қилишдан кафолатлаш сари	149
ХУЛОСА ЎРНИДА	156

БИРИНЧИ БОБ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР: "ЭНГ МУҲИМИ, ЎЗИНГГА ИШОН"

Бир қарашда Ислом Каримов мамлакат раҳбарлигига тасодифан чиқиб қолганга ўхшайди. Лекин бундай тасодифлар тариҳда у ёки бу мамлакатда, у ёки бу даврларда қайтарилиб туради.

Чалкаш, чорасиздай пайтларда жамият ҳаётида кутилмаганды буюк шахслар юзага чиқади.

Ҳар қандай халқ ҳаётининг талотўмларида, тарихининг кескин бурилиш босқичларида халқ ўз тарихини шахсий фазилатлари бўртиб турган, миллатни бирлаштиришга қодир, унда тараққиёт ва тикланиш муваффақиятларига ишонч уйғота оладиган етакчига топшириши жамият ҳаётида кўп бор исботланган. Мен Авлиё Павелнинг "Ҳар қандай ҳокимиёт худодан" деган машҳур гапини шу аснода қабул қиласман. Чиндан ҳам бунда қандайдир олий қонуният, қандайдир олий мазмун бор.

1994 йил августда Дональд Карлайл ва мен БМТнинг Ўрта Осиё республикаларидағи фаолиятига боғлиқ масалалар юзасидан Президент И. Каримов қабулида бўлдик. Сұхбат сұнгига Карлайл "Жаноб Президент, мен сизнинг таржимаи ҳолингизни ёзмоқчидим" деб сўради. Каримов жавоб берди: "Керак эмас, бу ҳеч кимга керакмас, менгаям, бошқаларгаям". "Лекин мен аниқлик киритсам,— деди профессор.— Балки бу таржимаи ҳол эмас, сиёсий портрет бўлар". "Фарқи йўқ, деди Каримов.— На сиёсий таржимаи ҳол, на сиёсий портрет ёзиш керак эмас, агар сиз мамлакатимизда кейинги йилларда юз берган воқеалар ҳақида ҳикоя қилсангиз, бу менимча қизиқиш уйғотади, бу одамларга керак бўлади. Бизда ҳам, Сизнинг мамлакатингизда ҳам".

Бу аслида тўғри эди. Лекин бутунлай таржимаи ҳолсиз ҳам иш битмайди.

Таржимаи ҳол

.И. Каримов 1938 йили Самарқандда анчайин камбағал оилада туғилди. Болалиги уруш вақтига, ёшлиги урушдан кейинги оғир вақтларга тўғри келди. Мактабни Самарқандда тугатди. Оддий мактаб, унча катта бўлмаган икки қаватли бино. Диққатга сазовор томони шундаки, мактабнинг қаршисида — йўлнинг у томонида, ўрта асрнинг буюк меъморий ёдгорлиги, ўзбек миллий қадамжоларидан бири — Бибихоним масжиди жойлашган. Мактабда И. Каримовга бағишилаб музей ташкил қилишмоқчи бўлишди, лекин у тақиқлаб кўйди. Хайриятки, бу мактабда бўлажак академик В. А. Коптюг ҳам ўқиган. Шу баҳона мактаб "Шоншурат музейи" ташкил бўлди.

Музейда Каримов ҳақидаги бор-йўқ экспонат унинг учта сурати: битасида у иккинчи синфда ўқиган вақти, юпун кийинган болалар, худди ўқатори юпун кийинган болалар орасида. Оғир дамлар эди. Кейин сурат 9 синфдалигига олинган. Бўлажак Президент ўртоқлари битавиамодель ясамоқда. Ва мактабни битирув кечаси сурати — ҳаммада ўқатори йигит. Менинг Президентнинг ёшлиги ҳақида гапириб бериши сўраган илтимосимга музей учун масъул ўқитувчи аёл шундай деди: "Президент у тўғрисида кўшиб-чатиб гапирмасликни илтимос қилганинг ҳам, мактабга ҳам уят бўлади, деган". Бу сўзларни Президент суратига биринчи чизгилар деб қабул қиласми.

Мактабдан кейин Тошкент Политехника институти. 1960 йили — инженер-механик дипломи. Унинг курсдошлари менга ҳикоя қилиб бўришларича, Каримовни меҳнатсевар, мулоҳазали талаба ва яхши ўртоқ сифатида эслашади. Бир сўз билан айтганда, бу ерда ҳам файритаби ҳеч нарса йўқ. Талабалик йиллари унга енгил бўлмаган, ота-онасини ёрдам беришга қурбилиари етмасди.

Институтни тугатгач аспирантурада қолиш имконияти бор эди, лекин у қишлоқ хўжалиги машиналари заводида ишлашни маъкул кўрдиди. Устага ёрдамчи, уста, технолог бўлиб ишлади. Кейин бошқа завод — собиқ Совет Иттифоқидаги энг йирик ҳарбий саноат комплекси корхоналаридан бўлган Авиация заводида ишлади. У билан заводда ишланган одамларнинг айтишича, у гарчи чапани бўлса-да, ҳақиқатгўй, ҳаломликни ва оқилликни қадрлаган, тез жахли чиқиб кетиши, ҳатто қатти уришиб қолиши ҳоллари бўлган, лекин кўнглида кир сақламаган. Президент бўлгач ҳам йўли тушиб заводга келганида, кўплаб кишиларни исмини айтиб мурожаат қиласди ва ҳеч вакт адашмасди.

1966 йили Каримов Госпланга ишга ўтди, у ерда фан бўлимида бози мутахассисликдан биринчи ўринbosар даражасигача кўтарилиди, жиҳдий ва ўзига хос иқтисодчи сифатида обрў топди.

1983 йилда республика Молия вазири, 1986 йилдан Госплан раиси ва Баш вазирнинг ўринbosари, шу йили у Қашқадарё вилоят партия кўмитасига биринчи котиби бўлиб сайланди. Каримов 1989 йили Ўзбекистон КП МҚсининг биринчи котиби, 1990 йилда Ўзбекистон Президенти бўлди.

Бу эса Президентнинг ўз таржимаи ҳоли тўғрисидаги ҳикояси (манинг тасмасига ёзиб олинган сухбат). "Мен оиласда етти фарзандни олтинчиси эдим. Оиласиз камбағалгина, ҳатто катта уруғ эмасди. Отам — оддий хизматчи, онам — уй бекаси. Бирорга орқа қиласиганим йўқ эди. Фақат ўзимга, ўз кучим ва қобилиятимга ишониб иш кўришим мумкин эди, холос. Болалигимданоқ меҳнат ва бир бурда ноннинг қадрини билб үсдим. Елкама-елка туриб яшаганларим — оддий одамларнинг дарди-ўйини яхши билардим.

Эсимни таниганимдан бери ўқиши, ҳар нарсанни тагига етишни яхши кўраман. Ўқиши менга ҳам доим завқ бағишилар, янги-янги нарсаларни ўрганганимдан таним яйради. Ёшлигимда битта мақсадни олдим:

бите-
ди ўзи
йинги
билан
хамма
ишини
деди:
млган,
н т су-

— ин-
б бе-
ўртоқ
обий
ининг

и ле-
урди,
од —
архо-
шла-
шол-
маттиқ
Пре-
ларга
бош
жид-
раси
протия
зебе-
рези-

маг-
зинг
и—
эди,
жкин
би-
зар-
ши
ни
шга

кўйгандим: ўз касбимнинг шунағанги устаси бўлиб етишишим керакки, одамлар менинг ҳақимда ҳурмат билан: "Ха, бу одам ўз ишининг билимдони. Ҳақиқий профессионал" деб юришсин".

Президент бир нимани эслади-да, қулимсираб деди: "Ишониш қийин, лекин талабалик йилларининг энг кучли хотиралари мен кечкида ўқиб битирган иккинчи олий ўқув юрти билан боғлик. Бу Тошкент халқ ҳужалик институтидир. Мен бир нарсани эслайман. Бухгалтерия ҳисоб-китоби фанидан уч марта имтиҳон топширганман. Икки марта ўқитувчидан узр сўраб ўзим чиқиб кўтдим, чунки шу фандан олган билимим аввало ўзимни қониқтирмасди. Биласизми, мен ўзимнинг энг зўр ютуғим деб нимадан гурурланаман? Бир неча йил авиазаводда ишлаб, биринчи тоифа конструктор бўлиб етишганимдан.

Ахлоқий принципларим тўғрисида. Бу — ҳақиқатгўйлик, ҳалоллик, ўз ишига ва сўзига содиклик".

"Энг муҳими, ўзингга ишон. Шунда сен ҳеч кимни сотмайсан". Бу Шекспирона ҳикматга ҳаётнинг олатасир сўқмоқларида айrim кишиларгина амал қилишнинг уддасидан чиқишиди. Менда Ислом Каримов ана шундай инсонлар сирасига киришига тұла асос бор.

"Энг муҳими, ўзингга ишон". Бу ақидага у ёшлигидан амал қиласди. Бу унинг ҳаёт йулида Йўлчи юлдуздай ҳамиша ҳамроҳ.

Каримов оиласи. Унинг турмуш ўртоғи Татьяна Акбаровна — Ўзбекистон Фанлар Академияси иқтисод институтининг илмий ходими. Уларнинг иккита қизлари бор, биттаси турмушга чиққан. Неваралари бор.

Ҳеч ким, ҳатто Каримовнинг ашаддий душманлари ҳам унга бир масалада мутлақо таъна тошини отолмайдилар — унинг хотини ёки қариндош-уруғлари кадрлар масаласида, давлат кредитларини ажратишда ёки бошқа давлат ишларини ҳал қилишда аралашолмайдилар. Ўзбекистондаги жараёнлар билан шуғулланувчи Farb тадқиқотчилари билан бу ҳақда гаплашганимда, улар "бунинг нимаси ажабланарли, ахир бу цивилизацияга эришган сиёсий ҳаётнинг оддий ҳолати-ку", дейишиди. Энг аввало, менга Ўзбекистон Президенти бу масалада Farb сиёсий қолилларига амал қилиши ўта маъқулдир. Ваҳоланки, янги мустақил давлатларда бунинг тескариси бўлган мисоллар ҳам талайгина.

Мамлакат бошида

Тўқсонинчى йилларнинг бошига келиб бирорта ҳам шўро республикаси Ўзбекистон сингари оғир, фожиали аҳволда эмасди. Бу ерда кучли ижтимоий портлашлар етилиб келмоқда эди.

"Ўзбек иши" тўғрисида эслаш кифоя. Пахта етиштириш ва уни сотиш билан боғлик коррупцияга қарши кампания шундай номланганди. Москва томонидан белгиланган нореал топширикларга кўра Ўзбекистон ҳар йили 6 миллион тонна пахта бериши керак эди. Бундай планлаштириш натижасида ҳамма жойда ҳисоб-китобларда қўшиб ёзиш авж олиб кетди, оқибат, давлат 1978 йилдан 1983 йилгача пахта ишлаб

чиқарувчиларга 1 миллиард рублдан ортиқ асоссиз пул тұлади. 1983 йили шу иш соҳасидан СССР прокуратурасининг маҳсус тергов комиссияси тузилди.

Кадрларни қириш бошланды: 13 та вилоят партия құмитасининг биринчи котибларидан 10 таси ишдан олинди, улардан 5 таси қамалди, 1 таси үлем жазосига ҳукм қилинди. Компартия Марказий Құмитаси аъзоларининг 3/4 қисми алмаштирилди. Мен бу үринде, "пахта мажароси"-ни чуқурлаشتыриб үтиromoқчи әмасман, лекин күйидагиларни айтмасам бўлмас.

Москва ўзбек раҳбар қатламиға ёппасига, эскича синашта услубда хужум бошлаб, бу гал халқ ғазабини яхудийларга әмас, ўзбекларнинг ўзига қаратди. Ажабланарлisisи шунда әдики, коррупция ва ноҳалоллик түғрисида Ўзбекистон раҳбаријатига қўйилаётган айбларни аслида бемалол ундан-да кўпроқ тарзда москвалик раҳбарларга ҳам қўйиш мумкин. Роса алам қиладигани шундаки, дунёдаги энг меҳнаткаш ва камсуқум ўзбек деҳқони коррупциянинг жафосини тортган әмас, аксинча, ундан манфаат кўрганлар сифатида талқин қилина бошланды. Бутун республика бўйлаб одамларни турмага тиқиши авж олди. Улар орасида айборлар ҳам, беайблар ҳам бор эди. Юрт қандайдир аждаҳонинг комига тушиб қолгандай эди.

Яқинда Германияда чоп этилган бир асарда "ўзбек иши"га тааллуқли бир холосани учратдим: халқни эзувчи ва қонини ичувчи Моквадаги марказий аппарат ўзбек халқини "емаган сомсасига пул тўлаттириди".

Бу республика туб аҳолисининг ички қаршилиги, норозилигини уйғотди, ўзбек халқининг ҳамиятига тегди.

Совет Иттифоқининг барча жойларида бўлгани каби горбачевча қайта қуришнинг бошбошдоқлиги Ўзбекистон шароитида турли хил чиқишиларга нисбатан қаттиқ давлат назоратининг сусайишига олиб келди.

Эркин фикр ва сўзга йўл очилди, сиёсий ва мафкуравий ҳётнинг олатасир демократиялашиш жараёни бошланди.

Миллий зиёлилар орасида демократик ҳаракатлар бошланиб кетди, "Бирлик", "Эрк", "Туркистан" каби партиялар ташкил топди, улар ватанпарварлик ғояларинигина әмас, балки миллатчилик кайфиятларини ҳам олға суришарди. Бу ғоялар узоқ йиллар эркин фикрга имкон берилмаганлиги, миллий онг топталгани боис энди эҳтиросларни жуштириди, айниқса ўшларни шовқин-суронли митинглар, намойишлар ва бошқа сиёсий йиғилишларга уннади.

Республика аҳолисининг учдан иккисини ташкил қилган қишлоқ аҳолиси эса узоқ йиллар оғир меҳнатда эзилиб келишди. Улар пахта як-каҳокимлиги даврида машаққатли, чидаб бўлмас меҳнат эвазига арзимаган ҳақ олишар, тирикчиликларини амал-такал юргизишар эди. Бу бир тарафдан жамият тизимининг адолатсизлигидан бўлса, иккинчи томондан улар маҳаллий ҳокимиятларнинг ноқобиллигидан ҳам кўп азият чекишарди. Аҳоли катта қисмининг шу йўсун оғир меҳнатда эзилиши

ва чор-ночор турмуш кечириши халқнинг сабр косасини тўлдириб келмоқда эдик, у Фаргона ва Қўқондаги қонли тўқнашувларда ўзини на-моён қилди.

Қайта қуриш бутун Иттифоқда, айниқса Ўзбекистонда руҳоний кучларнинг уйғонишига йўл очиб берди. Шўро ҳокимияти даврида ҳам бу ерда маҳаллий аҳолининг диний эътиқоди нисбатан юқори даражада эди. Диндорлар орасида ўзига хос Ислом аламзадалиги кайфияти кучга тўлди, уларнинг сиёсий ҳаётга аралашуви авж олди, фундаментализм ғоялари ўзига йўл топа бошлади. Дин арбоблари бу йилларда Ислом партиясини тузиш саъии-ҳаракатларига тушиб қолишиди, сиёсий жараёнларга аралашувлари кучайди, улар ўзбек етакчисининг республиканинг жаҳон ҳамжамиятияга тезроқ кириши учун нисбатан мақбул йўл деб "Эрон йўлини" эмас, балки "Турк йўли"ни танлаганлигига норозилик билдиришиди.

Бу даврда Ўзбекистонда хуфёна иқтисодиётида савдо мафияси бошлиқларининг, моддий ва молия ресурсларини тақсимлаш тармоғидаги наҳангларнинг, яширин жиноий гурух етакчиларининг нуфузи жуда баланд эди. Бу кучлар бирлашганда эса ҳар лаҳзада ҳар қандай жараёнга таъсир ўтказиши мумкин эди.

Шу аснода, шу йўсун ўзаро алоқадорлик орқасида республика рахбарияти бир неча бор алмаштирилди. Раҳбарларнинг бу қадар кўнимсизлиги шусиз ҳам таранглашиб бораётган ижтимоий сиёсий вазиятнинг чукурлашувига олиб келди, гурухбозлик, маҳаллийчилик, уруғдошлик кайфиятларини кучайтириди. Натижада бу мамлакат мустақил давлат сифатида ўзини сақлай оладими, халқининг ахволи нима кечади деган фикрлар ҳам юзага чиқа бошлади.

Яқин ва узоқ чет элдаги кузатувчилар воқеалар ривожининг кескинлашувини башорат қилишарди. Мана, ўша пайтлардаги Москва нашрларидаги мақолаларнинг номлари: "Узб кўйилган вагон", "Ўзбекистон — эриб кетган самовар", "Ўзбекистон — нонсиз ўлка", "Кўёш ботиш олдиндан". Farb сиёсатдонларининг хулосалари эса ундан ҳам баттар эди: (мисол учун, "Uzbekistan and the uzbeks". Problems of communism. September — October 1991). Хайриятки, Россияядаги ва бошқа мамлакатлардаги журналист ва сиёсатчиларнинг Ўзбекистондаги сиёсий ҳаётнинг фожиавий ривож топиши тўғрисидаги (тожик вариантига ўхшаш) таҳминлари пуч бўлиб чиқди. Пуч бўлиб чиқишининг сабаби эса, ўша кезда давлат тепасига Ислом Каримов келганди.

Мен бунга аминман ва бу ишончни ҳеч ким сўндиrolмайди, чунки у фактларга асосланган.

Мен собиқ социалистик мамлакатлардаги коммунизмдан кейинги муаммоларга бағишилаб Farbda ёзилган ўнлаб таҳлилли мақолалар ва бир неча монографияларни ўкиб чиқдим. Уларда Ўзбекистон ва унинг Президенти тўғрисида гап кетганда, Каримов, шубҳасиз "Коммунистик Президент", "Компартиянинг собиқ шефи", "Номенклатуранинг ёрқин вакили" каби таърифчалар ишлатиларди. Кейинги пайтларда эса бош-

хусусиятга эга йўлбошчилар дунёда унча кўп эмаслигини Қорабоғ ва Босния, Чеченистон ва Курдистон воқеаларидан билса бўлади. Афсуски, бундай мисолларнинг сон-саноғи йўқ.

Иккинчи жаҳон урушининг кўзга кўринган солномачиларидан бири Константин Симонов Маршал Георгий Жуков билан сұхбатлари ҳақида мисол қила туриб, кутилмаган аниқ факт келтиради: Симонов Жуковдан ўз биографиясидан қайси жангни энг аҳамиятли, катта муваффақиятга эришган жанг деб ҳисоблашини сўрайди.

Жуков ўйлаб ўтирасдан Халхин-Гол, деб жавоб беради: Ватан урушида жуда катта ғалабаларга эришган саркарданинг оғзидан бу сўзни эшитиш жуда файриоддий эди. Симонов аввалига бу қайтариб бўлмайдиган ўтмишни кўмсаш жараёнида йўл кўйилган адашиш бўлса керак, деб ўлади. Ўртага узоқ жимлик чўкади. Нихоят, ўзининг ва Симоновнинг фикрларига жавоб бериб дейди: "Мен у ерда саркарда сифатида шаклландим"

Менинг назаримда Ислом Каримовнинг ҳам Ўш ҳақида шундай ўйлашга барча асоси бор. Ҳозир мен Ўш воқеаларини кўп сабабларга кўра бутунича таҳлил қилишни лозим топмадим. Фақатгина И. Каримов шахси билан боғлиқ ўз фикрларимни билдирамоқчиман, холос.

Қирғизистон Республикаси Президенти А. Ақаевнинг гувоҳлик беришича, 1990 йил июнь ойининг икки кунида "бу бемаъни миллий низода юзлаб ўзбеклар ва қирғизлар ҳалок бўлишди. Республика иккинчи Қорабоғга айланишидан зўрга кутқариб қолинди. Бунда Президент Каримовнинг доно сиёсати ёрдам берди" (Известия, 05. 10. 1994).

Ўшда гумбурлаган момақалдироқ садоси бутун Қирғизистонга ёйилди. Бишкеқда тинимсиз митинглар бўлди. Миллатчи нотиклар оломонни жазавага келтириб ўзбеклар устига юриш қилишга чақирдилар. Талабалар, сессия имтиҳонларини ташлаб қандайдир мусиқа ва лақашақилдоқлар садоси остида Бишкеқ кўчаларини тўлдирдилар.

Коронги тушиши билан улар кўлларига илинган нарсалар билан павильонлар, дўконлар, ресторонларни талон-торож этишиди. Шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилиниб, кўчаларда танк ва жанговар машиналардаги аскарлар кўриқчилик қилишди. Бу пайтда жанубда — Ўш ва Ўзганда нималар бўлганини хис қилиш қийин эмас.

Қирғизистоннинг жанубида 600 мингдан кўпроқ ўзбеклар яшайди. Улар ҳар бирининг Фарғона водийиси туманларида бир нечтадан туғишиган уруғлари бор. Ўн минглаб куролланган ва куролсиз одамлар ўз туғишиганларини ҳимоя қилиш шиори билан Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасига йиғила бошладилар. Одамлар милиция ва ҳарбий кучлар ёрдамида ушлаб турилди. Аммо вазият соат сайин кескинлашиб боради. Нафақат Ўшда, балки бутун Қирғизистонда вазиятнинг давомини қўрқинч ва даҳшат билан кутишарди.

Бундай жуда қалтис вазиятда Президент И. Каримов шундай деди: мен Ўзбекистон Президенти эканман, биронта ўзбек ёмон ният билан Қирғизистон худудига ўтмайди. Нима билан боғлиқ бўлмасин ҳеч қан-

ни Корабоғ ва бўлади. Афсус-чилиридан бири батлари ҳакида Симонов Жуковга мувваффақи-ти: Ватан уруғидан бу сўзни тартиб бўлмайши бўлса, керак, ва Симоновга сифатида шундай ўйла-బабларга кўра Каримов шахси турвохлик бе-ни миллий ни-блика иккинчи Президент Ка- (1994). Стонга ёйилар оломон-ордилар. Та-ка ва лақа-лар. Бор билан па-ш. Шаҳарда бер машина- — Ўш ва яшайди. Тудан туғиши-лар ўз тү-Кирғизистоний кучлар ташиб бо-г давоми-нди деди: Ният билан хеч қан-

дай қассос олишга йўл қўймайман. Шу ерда сўз қўшни юзини ҳам тўса олиши мумкин, деган шоирона сўзларни эслашга тўғри келади. Бунда муболага бор, албатта. Аммо ўзида ҳақиқатни акс эттирган сўз ростдан ҳам инсон онгига кучли таъсир қилади. И. Каримовнинг сўзлари шундай кучга эга эди. Унинг иши ҳам сўзи билан тўғри келди. Каримов қарама-қаршилик юзага келмаслиги учун қўлидан келадиган барча имкониятларни ишга солди. Бу ҳайратланарли маънавий жасорат ва ҳозирги дунёда жуда кам учрайдиган қаҳрамонлик эди.

1991 йилнинг марта И. Каримов Ўзбекистон ва Кирғизистон ўтасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш учун Ўшга учиб келди. Балки бу сал лоффек эшишилар, аммо ҳақиқатан ҳам бутун шаҳар уни кутишга ва кутлашга чиқди. Автомашиналар кортехи тўхтаб-тўхтаб зўрга юради, бир марта тўхтаганда Каримов машинадан тушди. Уни минглаб одамлар ўраб олдилар. Миннатдорчилик сўзлари айтишди, унинг қулига ёш болаларни бердилар. Бир чол эса уни бағрига босди ва кўкрагига бош қўйиб йиглаб юборди. Каримов ҳам атрофини ўраб турган одамлар билан самимий сухбатлашди.

Шартномани имзолаш маросимидан сўнг вилоят театри биносида ўзбек ва қирғиз артистларининг концерти бўлди. Каримов залга чиқ-қанда эса залдагилар ўринларидан туриб, 15 минутдан кўпроқ қарсак чалиб турдилар. Ўзбеклар, қирғизлар, руслар унинг 1990 йилнинг июнида қилган ҳизматлари учун беҳад ҳурматини, ўзларининг ишончини ва инсоний миннатдорчилигини шундай изҳор этдилар.

Кечкурун аэропортда хайрлашув дастурхонида Каримов индамас ва фамгин бўлиб қолди, гапиришдан олдин узоқ вақт фикрларини йиғди. Балки, Ўш шаҳри аҳолисининг унга бўлган муносабати ўзини ҳам ҳаяжонлантириб юборгандир. У тахминан шундай деди: "Мени бугун бу ерда жуда олқишлидилар. Аммо одамларнинг хиссиёти давлат раҳбарларига нисбатан жуда ўзгарувчан бўлади. Инсонийлик нуқтаи назаридан эса ҳалқнинг муҳаббати ва ишончи ўрнини лоқайдлик, ёки ундан ҳам ёмони менсимаслик эгалласа, бундан ёмони йўқ. Энди мени Президентлик лавозимида муносиб яшаш foяси кўпроқ ташвишлантиради".

Президентнинг аъмоли: акл-идрок, эзгулик, кучга таянувчи ҳокимият

Ислом Каримов Президент сифатида ўз аъмолини ўз мамлакати — Ўзбекистонга ҳам, дунёга ҳам такрор-такрор баён қилди. Булар инсонни ижтимоий тана-тўшда шунчаки бир заррача деб билувчи инқилоб эмас, балки ислоҳотларнинг шахсни бало-оғатлар ва беқарорликлардан муҳофаза эта оладиган тадрижоти, мунтазамлиги, босқичма-босқичлиги; иқтисодиётнинг сиёsatдан, ижтимоий дастурларнинг иқтисодиётга оидларидан устуворлиги; жамият тартиби ва жамоат интизомини, ҳар бир хонадонда нон-насиба, илиқлик ва осойишталикини, Ислом ёхуд бошқа динда бўла олиш, кундалик турмушда юксак ахлоқий-маънавий идеалларни асослаш имкониятини таъминловчи кучли давлат.

Ўз стратегиясининг моҳиятини таърифлар экан, И. Каримов Олий Мажлисга қарата тамомила аниқлик билан шундай деди: "Ижтимоий ривожланишнинг ибтидоий-ёввойи кўриниши сифатида инқилоб Ўзбекистонга тўғри келмайди".

Тахминимча, Ўзбекистон Президентининг ўз мамлакати истиқболлари ҳақидаги, мулк тўғрисидаги, ҳокимият борасидаги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари хусусидаги мулоҳазалари билан танишиб чиқиш қизикиш уйғотмасдан қолмайди.

У Ўзбекистон жаҳон ҳўжалиги тузилмасида ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун ишончли заминга эга эканлиги тўғрисида кўп марта сўз юритган. Минтақа транспорт, энергетика ва сугориш тизимларининг марказида бўлган мамлакат фавқулодда қулади жуғрофий жойлашишга моликдир. Ўзбекистон минтақадаги ўз кўшниларидан нуфуз ва илмий-техникавий имконияти бўйича устун бетакрор табиий-иклимий шароитга, қадимий деҳқончилик маданияти ва катта минерал-хом ашё ресурсларга эгадир. Бу нарса ўзини-ўзи озиқ-овқат билан таъминлашга, техникавий қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириш ва экспортни ривожлантиришга эришишга имконият беради. Мамлакатда экологик жиҳатдан тоза ва жаҳон бозорида рақобатбардош мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд.

Президент Ўзбекистон инсоният цивилизациясида муносиб ўрин эгаллаб келгани ва келажакда ҳам шундай бўлажаги, нафақат минтақадаги, қолаверса бутун дунёда ҳам турли-туман маънавий ва сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатажаги ҳақида фикр-ифтихор билан сўзлайди.

Каримов мулкий муносабатларнинг тубдан янгиланишини ислоҳотнинг ҳозирги босқичидаги энг долзарб вазифа деб ҳисоблайди. Бундай янгиланишнинг туб моҳияти, унинг фикрига кўра, мулкни асл эгалари қўлига топширишни жадаллаштириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш саналади. "Ўзбекистон,— деган эди Президент 1995 йил 26 августда мамлакат мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишлиланган брифингда,— мулқдорлар мамлакатига айланиши лозим".

"Мен бир нарсага қатъий ишонаман: бизнинг мамлакатимизда мулқдорлар синфи, кичик ва ўрта мулқдорлар синфи вужудга келганидаги на жамиятимизнинг равнақ топиш ва демократия (барчанинг қашшоқликдаги тенглигига эмас) йўлидаги барқарор ва дадил ҳаракатини таъминлаш мумкин бўлади". Каримовнинг бу қатъиятли ва ишончли сўzlари 1995 йил 16 ноябрда Боннда, ГФР Федерал Президенти Роман Херцог томонидан унинг шарафига ўюштирилган қабул чоғида янграган эди.

Мамлакатда давлат ҳокимиятини такомиллаштириш, Президентнинг комил ишончига кўра, марказий, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимият органлари ва давлат маъмуриятларининг функциялари ва ваколатларини аниқ тартибга солиб турилишини таъминлайдиган тегишли

Каримов Олий
и: "Ижтимоий
инқилоб Ўзбе-

ти истиқбол-
инсон ҳукуқ-
шишиб чиқиш

шамиятида
ти тўғрисида
сурориш ти-
чи жуғрофий
ларидан нут-
рор табиий-
катта мине-
ж-овқат би-
етиштириш
и. Мамла-
дом мева-
лар мав-

ўрин эгал-
интақадаги,
жараён-
иди.

ислоҳот-
иди. Бун-
и асл эга-
рликни ҳар
эди През-
идентнинг
иши ло-

мулк-
ганидаги-
кашшоқ-
тини таъ-
сузлари
Херцог
эди.
идентнинг
лар ҳоки-
ва вако-
тегишли

қонунлар тизимининг қабул қилиниши билан чамбарчас боғлиқдир. Профессионал парламент, кучли ижроия ҳокимияти, мустақил судлов тизими, ривожланган маҳаллий ўзини-ӯзи бошқарув — Ўзбекистонда давлатчиликни такомиллаштириш ва мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари.

Сўнгги вақтларда Президент "инсон — давлат" муносабатларида устуровлик инсонга берилиши лозимлиги тўғрисида анча кўп сўз юритаёттир. "Давлат, ҳокимиятнинг барча тармолари,— дейди у,— фақат уларнинг фаолияти инсон ҳукуқларини муҳофаза қилишга бўйсундирилган дагина ўзларини оқлаган бўлади".

Ўзбекистон Президентининг бир неча йил олдин: "Бизнинг кўчала-
римизда жиноятчилар эмас, ҳалол одамлар хўжайин бўладилар. Бунга
эришиш — менинг ҳалқ олдидаги бурчим" деган сўзларини ҳам яхши
эслайдилар.

И. Каримов "бозорга юз" ёхуд "беш юз" кун нуқтаи назаридан ёнда-
шиш мумкин эмаслиги тўғрисида кўп маротаба гапирган. У фикрини
қўйидагича асослайди: "Бу — мавжуд турмуш тарзини, ҳалқнинг бутун
психологиясини ўзгартириш демакдир. Бизнинг бош вазифамиз ҳеч
қандай ижтимоий талафотларсиз ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг
янги погонасига яқинлашишда мужассамлашгандир".

Мана, Президент маърузаларидан яна бир кўчирма: "Яқиндагина
Москва газеталаридан биридан ўқидим, Биробиджонда бутун бошли оила
— саккиз нафар одам заҳарланибди. Улар ахлатхонада туз деб ўйлаган
нарсадан заҳарланганлар. Бундай фожиалар ҳақида эшитганимда, ме-
нинг юрак-бағрим қонга тўлади. Бизда, Аллоҳга шукрки, гадойлар йўқ,
ахлат ҳандакларини ковладиганлар ҳам йўқ. Рост, ҳаёт эндиликда оғир.
Аммо мен республика Президенти сифатида одамлар очлик ва юпун-
ликка тушиб қолишиларига йўл қўймайман. Давлат фақат ўз фуқаролари-
ни ҳимоя қилишга қодир бўлгандагина давлат бўла олади".

Ғарблик тадқиқотчилар И. Каримовнинг Исломга нисбатан юксак
эҳтиромини, жумладан, Президент лавозимини эгаллаётган пайтда
Қуръонга қўлини қўйиб қасамёд қилиш воқеасини алоҳида қайд этади-
лар. Бироқ, улар айни чоғда Президентнинг либерал диний сиёсати
диндор экстремистлар диний эркинликдан мамлакатнинг у ёки бу ту-
манида вазиятни издан чиқариш, давлат аппаратига тазиик ўтказиш
мақсадларида фойдаланиш бошланган жойда тугаши тўғрисида ҳам ёза-
дилар.

Баён этилган сиёсат ҳаёт билан чиқишимаслиги ёхуд унга бутунлайи-
ча тўғри келмаслиги мумкин. Аксарий ҳолларда шундай ҳам бўлади.
Буни И. Каримовга нисбатан қўллаш мумкин эмас. У сўзининг устидан
чиқади. Айтганларига содик. У қадам-бақадам, ўзида қанча кучи бўлса,
ижтимоий онгнинг айнишига, меҳнатга, қарияларга ва аёлларга хур-
матнинг орадан кўтарилишига, ҳалқ ахлоқи ва, умуман, маънавиятнинг
қадрсизланишига йўл қўймасликка интилади. Бу ҳақда нафақат унинг
дўстлари, қолаверса душманлари ҳам билади.

Ҳозирги дунёнинг ишлаб турган ва ҳаётдан кўз юмган давлат арбоблари орасида, бизнинг ҳар биримизда ўз қаҳрамонларимиз ва аксилқаҳрамонларимиз, хурмат ва ҳатто мафтунлик, ёхуд, аксинча, нафрат ва номеҳрлик уйғотадиган одамларимиз бор. Шахсан мен учун биринчилар орасида Жон Кеннеди туради.

Бу зотнинг аъло жиҳатлари орасида унинг нафақат Американинг ҳақиқий ватанпарвари эканлиги, қолаверса дунё фуқароси бўлганлигини кўраман. Уни, одамлар қандай заминда ва қанақа осмон остида яшаётганларидан қатъи назар, барчасининг ташвишлари ва кўргуликлари ҳаяжонга солар эди.

Мен Вашингтон теварагидаги Арлингтон қабристонида, Потомак дарёсининг нариги қирғоғида бир неча бор бўлганман, ва ҳар дафъа Кеннедининг турбатини зиёрат қилганман. У ўзининг улуғвор одийлиги билан кучли таассурот уйғотади. Одмигина қабр тоштахтасида борйўғи уч калима: Жон Фитцджиральд Кеннеди. Турбат қаршисида лавҳ ва унда Президентнинг: "Биз, озодликни муҳофаза қилиш учун исталган дўстни кўллаб-кувватлаймиз ва ҳар қандай душманга қарши турамиз" деган сўзлари битилган. Кеннеди 1963 йилда Берлинга келган эди. У наздида инсон хукукларини оёқости қилишнинг рамзи бўлмиш Берлин деворига яқин келиб: "Мен — берлинликман" деган тарихийга айланиб кетган жумлани ирод этади. Американинг бошқа Президенти Р. Рейган 1985 йили ГФРда нутқ сўзлаётганда бу сўзларни эслар экан, "Бугун сайёрамизнинг барча эркесвар кишилари, Кеннедига үхшаб: "Биз — дунёда аксилсомийлик (антисемитизм) таҳдид солаётган яхудийлармиз, биз — афғонийлармиз, биз — лаосликлармиз, кхмерлармиз, биз — ҳам тоталитариzmнинг "потенциал қурбонларимиз" деб айтиши лозим", деган эди.

Айни чоғда бунга қадар бир неча ўн йилликлар олдин ўзбек шоири Faфур Гулом кўрошин ва пороҳ ҳидига тўлган 1941 йилда "Мен — яхудийман" шеърини ёзганча геноцид (халқ қирғини) қурбонлари ва жабдийдалари билан буюк инсоний бирдамлик туйғусини намойиш этган эди. Ўзбек халқига асрлардир хос бўлган томирида қандай қон оқаётганидан, қайси тилда сўзлашаётганидан қатъи назар, жабрдийдаларга ачиниш, азоб чекаётганиларни кўллаб-кувватлаш анъанасини Президент И. Каримов ҳам бардавом этмоқда. Камина бу ўринда Тожикистон мисолида сўзлаб беришни хоҳлайман.

МДХ мамлакатлари раҳбарларининг Москвада бўлиб ўтган 1992 йил 6 июнь Кенгашида (мен унда Қирғизистон делегацияси аъзоси сифатида иштирок этган эдим) Президент Каримов Тожикистонда етилиб келаётган фуқаролар уруши тўғрисида катта ташвиш ва дард билан гапирганини эслайман. Тожикистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Раҳмон Набиев бу сўзларни ўшанда қандай қабул қилганини ҳам хотирлайман. У Каримовнинг бегона давлатда нималар бўлаётгани билан иши бўлмаслиги керакки, бу нарса тожикларнинг иши ва ташвиши, деган маънода писанда қилган эди.

учрашувда ҳар иккала томондан ҳам муросага, максимализмдан воз кечишга интилиш, позицияларни яқинлаштириш хоҳиш-истаги намо-ишиш этилган. Ўзбекистон Президенти маслаҳатлашув органи сифатида музокаралар жараёни ҳамда миллий муроса бўйича сиёсий қарорларни ишлаб чиқиши учун подиум бўла оладиган Тожикистон халқлари конгрессини чақириш мулоҳазасини билдирганди.

Бу конгрессни чақириш тўғрисидаги таклиф кейинчалик БМТ Бош Котибининг маҳсус вакилига етказилган, у эса кўрсатилган ташаббусни кўллаб-кувватлаган эди. 1995 йил 19 июлда Техронда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва тожик мухолифатининг раҳбари Сайд Абдуллоҳ Нурий учрашдилар. 1995 йилнинг сентяброда БМТ раҳбарлигига Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммолари бўйича семинар-кенгаш бўлиб ўтди, унда асосий масалалар қаторида Афғонистон ва Тожикистондаги можароларни тинч изга солиш муаммоси кўриб чиқилди. Ҳа, И. Каримов янгича рух бағишлаган музокаралар жараёни "қиёмига етмоқда".

И. Каримовнинг кўшини, Ўзбекистонга яқин ва ёвуқ қариндош мамлакатда тинчлик, осойишта ярашувилик ҳаёти ўрнатишга кўмаклашиш борасидаги узлуксиз кўп йиллик зўр беришларининг оралиқ якунлари ана шулардан иборат.

Д. Карлайл ёзади: "Тожикистондаги ўлим уруғини сочувчи уруш оқибатлари Ўрта Осиёда бошқа бутун ташки, балки ички муаммолар орасида ҳам биринчи ўринга чиқсан пайтда Президент Каримов минтақада энг муҳим сиёсий арбобга айланди".

Каримовнинг ўз мамлакатини таниширишдаги улуғвор лаёқатини, халқаро миқёсда ўзини тутишда таянадиган ботиний қудратини ҳеч ким рад эта олмайди.

И. Каримовнинг АҚШ давлат котиби Д. Ж. Бейкер билан 1992 йилдаги Тошкент учрашуви чоғида Ўзбекистондаги мухолифат ҳақидаги масала кўтарилган ва Бейкер "Бирлик" партиясини рўйхатдан ўтказишга кўмак беришни астойдил илтимос қилган эди. Каримов унга: "Бизда қонун бор — рўйхатдан ўтказиш учун ҳар қандай партиянинг сафида камида уч минг аъзо бўлиши лозим. Айни чоғда "Бирлик" аъзоларининг сони бир яримга ҳам етмайди", деб жавоб берган эди. Бейкернинг такрор илтимосига жавобан Каримов: "Жаноб давлат котиби! Шунга ўхшаган нарса Қўшма Штатларда рўй беришини кўз олдингизга келтиринг-а. Мен, бошқа давлат Президенти Сиздан ёхуд Президент Бушдан у ёки бу партияни қонунни четлаб ўтиб рўйхатдан ўтказишни илтимос қилаётирман, деган фикрга Сиз йўл қўя оласизми?"

Каминага маълумлигига кўра, И. Каримов АҚШ давлат котибининг ўринбосари Строб Тэлбот билан сұхбат чоғида ҳам ким томонидан ва қандай шаклда намоён бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг ички ишларига аралашишларига йўл қўйилмаслигини айтган эди. Равшанки, музокараларнинг бундай услуги, ҳозир гапириш ёқимли туюлганидек, АҚШ томонидан Ўзбекистонга молиявий ёрдам масалаларида "сил-

жишлар"га ёрдам бериши ҳам гумон. Бироқ И. Каримов бунга үхшаш вазиятларда ўзини бошқача тута олмас эди ҳам. У ҳамиша мустақил шахс бўлган. Бу зот ўз мамлакатининг обрў-эътиборини бутун дунёning олтини билан ҳам ўлчаб кўрмайди.

И. Каримов ўз маърузаларидан бирида ҳеч қандай хаспушлашлар-сиз шундай дейди: "Сўнгги вақтларда "улуг оға" сифатида Россия ўрнини эгаллашни кўзлаётган кучлар пайдо бўлди. Баъзи бир кўшни Осиё давлатлари бунга зўр бериб даъвогарлик қилмоқдалар. Бизнинг иқтисодиёт масалаларидаги нисбатан тажрибасизлигимиздан фойдаланиб, ҳалол ҳамкорлик ўрнида ноҳалол йўлга ўтиб олмоқдалар. Бизга эскирган технологиялар ва ускуналарни келтириб, хўжалик раҳбарларимиз ва тадбиркорларимизни алдашни хоҳламоқдалар. Биз ҳеч қанақа "улуг оғалар"га муҳтоҷ эмасмиз".

Д. Карлайл И. Каримовнинг ғайритабиий сиёсий сезими ҳақида ёзади (171 саҳ.) Дарҳақиқат, унинг сиёсий интуцияда, хавф-хатарларга нисбатан алоҳида сезирлигига, бу хавф-хатарларга зарба остидан чиқишида шиддат билан жавоб бериш ёхуд зарбага зарба қайтариш қобилияти ўз ифодасини топади. Айни чоғда стратегик олдиндан кўра билиш истеъоди, ҳаракат йўналишини ўзгартириш, янги тарафдорлар топиш, илгаригидан кўра бошқа концепцияларни шакллантириш, ижтимоий жараёнларни тезлигига таъсир ўтказиш қобилияти ҳам сиёсатчи Каримовнинг кучли жиҳатларидан саналади.

Мавриди экан, шуни айтиб ўтмоқчиманки, АҚШ Президенти Р. Рейган ўзи раҳбарлик қилган маъмуриятнинг фаолиятини тавсифлаш учун В. Шекспирнинг қуйидаги сўзларини келтиришни хуш кўрарди: "Кишиларнинг ишларида тўлиб-тошмоқ, ҳам саёзлашмоқ бор. Тўлиб-тошмоқ билан биз муваффақиятларга эришамиз. Ҳозир ҳали тўлиб-тошмоқ илинга сузмоқдамиз, Биз оқим шиддатидан фойдаланмасак, юқдан айрилиб қоламиз". Фикримча, Ўзбекистон Президентининг фаолияти ҳам айнан шундай аъмолга асослангандир.

Бу мавзуда иккита мисолни келтиришни истардим.

1995 йил май ойининг бошларида АҚШ Президенти Б. Клинтон Эронга нисбатан, АҚШнинг Фикрича, Эрон ҳалқаро терроризмни қўллаб-куватлагани сабабли, эмбарго жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан олдин АҚШнинг Россияга нисбатан бу мамлакат Эронга иккита атом реактори сотиши важидан демарш бўлиб ўтган эди.

МДХ давлатлари бошликларидан биргина И. Каримов Россиянинг Эрон билан битишувини қоралади ва АҚШнинг Эронга нисбатан эмбарго тўғрисидаги қарорини қўллаб-куватлади. Бир неча таниқли американлик экспертларнинг Фикрига кўра, у бирданига бир неча қўённи сулайтирадиган ниҳоятда кучли дипломатик юриш қилиб, бозор ислоҳотлари соҳасида Американинг Ўзбекистонга ёрдамини кучайтиришда яхши имкониятга эга бўлди. МДХ мамлакатларининг айрим раҳбарларини нокулай ахволга солиб қўйди; ички муҳолифатни заифлаштириди.

қа овозлар ҳам эшитила бошлади. Улар ичида Д. Карлайл ҳам бор. Улар юқоридаги каби таърифларнинг асослигини кўрсатиб беришмоқда. Шахсан менга бу масалада Президент Каримовнинг фикрлари жуда ҳам қизиқарлидир. Куйида у билан бўлган суҳбатдан келтириб ўтаман.

"Мени Farb мамлакатларида собиқ Совет Иттифоқидаги партноменклатура ҳамиша ҳам бир хил, бир қолигда эмаслигини тушунмаслик ажаблантиради. Улар ўз моҳиятига кўра ҳам ҳар хил бўлишган. Ҳар қандай одамларнинг сифат жиҳатдан турлича бўлган уч тоифасини мен мутлақо аниқ кўрсатиб бероламан. Биринчиси — коммунистик утопияга жон-жаҳди билан ишонувчи фанатиклар. Улар учун марксизм-ленинизм диндек муқаддас эди. Эътиқодлари билан сўзлари ўртасида фарқ бўлмасди. Лекин ишлари-чи? Фойдали нима ҳам қила олардилар? Улар ҳаётдан, унинг реалликларидан узилиб қолган маддоҳлар эдилар, холос.

Иккинчи тоифа юмшоқроқ қилиб айтадиган бўлсак — конформистлардир. Уларнинг ҳақиқий ўз касби йўқ, ундан ҳам баттари виждони ҳам йўқ одамлардир. Қанақанги ғоялар? Қанақанги коммунизм? Улар қорни тўқ яшаш учун ҳар қандай ҳукуматга хизмат қилишга тайёр одамлар. Коммунизмми, аксиликомунизмми, национал-социализмми ёки қандайдир рус фашизмими — уларга барибир. Буни уларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқи ва КПСС тарқагандан кейин исбот қилишди. Партиявий ўйинлар қоидаларини улар маҳорат билан эгаллашган. Кимга қандай гапириш, қаерда жим туриш, кимга хушомад қилиш ва кимга дўй уриб, пўписа қилишни билишарди. Уларнинг кучи ҳам шунда. Бир гапни гапириб бошқасини ўйлашади. Учинчисини қилишади десак бўларди-ю, лекин бу нотўри бўлиб чиқади. Чунки бирор-бир соҳада бирорта иш қўлларидан келмайди уларнинг. Махсус малака тайёргарлиги йўқ одамлар булар.

Аммо ҳар қандай тоталитар режим каби коммунистик режим ҳам иқтисодиёт, молия иши, қишлоқ ҳўжалиги, саноат соҳаларида маҳсус билимга эга бўлган малакали, билимдон мутахассисларсиз бир кун ҳам яшолмасди.

Бундай одамларни технократлар дейишади. Айнан партноменклатуранинг мана шу қатлами халқ ичида партиянинг обрўсини ушлаб туришарди. Булар қаторига мен ўзимни, Қозогистон Президенти Нурсултон Назарбоевни, Қирғизистон Президенти Аскар Акаевни қўшардим. У ҳам Қирғизистон компартияси марказий қўмитаси аппаратида ишлаган, фан ва олий ўкув юртлари бўлимини бошқарган (дарвоҷе, собиқ СССР молия вазири, йирик совет молия арбоби Василий Горбузов И. Каримовни ўз касбининг билимдони сифатида иттифоқдош республикалар молия вазирлари ичида энг кучлиси ҳисоблар, уни бу лавозимда ўтирган партия арбобларидан устун қўярди. Уни технократ деб биларди).

Д. Карлайлнинг фикрича, Ўзбекистоннинг сиёсати бошқа Ўрта Осиё давлатларидағи каби нафақат гуруҳнинг вакили (урӯғ-қабиланинг, ҳудудий бирликнинг), балки авлоднинг вакили сифатида қаралмоғи керак.

Сиёсий авлодни аниқлашда ҳал қилувчи омил уларнинг бир хил сиёсий тажрибаси, маданийлашиш жараёнидаги яқинликлари, ҳокимият тепасига чиқишдаги ўхшаш йўллари белгилайди. Авлод вакили бўлиш—ўзига хос сиёсий маданиятга тааллуқли феномен бўлиб, унинг ахлок ва феъл-атворларини ўзлаштириш, сиёсий соҳада ва бошқарув жабҳасида муйян бир услубда фаолият кўрсатмоқни билдиради. (10-с. шунингдек қаранг: Jerri F. Hough, Soviet Leadership in Transit, The Brookings Institution, Washington, 1980).

Карлайлнинг фикрига кўра, сиёсий авлоднинг ичидаги уларнинг турфа хиллигини ажратиш мумкин. Уларнинг айримлари бошқалардан анчагина фарқ қиласи ва ўзига хос бўлиб, бўлажак авлод учун ўзига хос кўпrik вазифасини ўтайди. Коммунистик режимнинг сўнгги ўн йиллигидаги бундайлар тоифасига технократлар ҳам кираради.

И. Каримов билан сұхбатнинг давоми: “Мен ҳеч қачон тўла маънодаги партия ходими бўлмаганман. Ҳатто ҳаётимда бундай туб бурилишнинг содир бўлишини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Бирданига вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб қолдим. Иш бундай бўлган эди. 1986 йили Госплannинг раислиги давримда ишларнинг аҳволини чуқур ўрганиб чиқиб билдимки, республика иқтисодий инқироз ёқасида турибди. Менинг шахсан иштирокимда “Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг истиқболлари ва муаммолари тўғрисида”ги ҳужжат тайёрланиб республика раҳбариятига топширилди. Жиддий сұхбатга тайёргарлик кўргандим. Аксинча, дўқ-пўписа эшитдим. Москванинг одами бўлмиш МҚнинг иккинчи котиби Анишчев менга қаттиқ дўқ қилди. Ўша пайтда бир нарсани сездимки, мендан ётсираш, ўзини олиб қочиш бошланди. Раҳбарият ҳам ўзини торта бошлади. Тошкентда қолишим бундай шароитда тўғри бўлмасди. Қисқа қилиб айтганда, менинг Қаршига, Қашқадарё вилоятига бадарга қилинишим тарихи шундай.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу ўринда партияда ўрнатилган вилоят биринчи котибларини қўйиш тартиби бузилганди. Мен КПСС МҚ аппаратида стажировкадан ҳам ўтмадим, аниқроқ қилиб айтсан, у ерда текширилмадим ҳам, ҳатто Сиёсий Бюронинг мажлисида сиртдан тасдиқлаб юборишиди.

Қашқадарё вилояти ҳалқи мени қандайдир бефарқ қарши олди. Мендан олдинги иккита биринчи котиб ўзидан ёмон ном қолдирган эди. Биттаси қандайдир қінғир ишлар жавобгарлигидан кўрқиб ўз жонига ўзи қасд қилганди. Иккинчиси эса қамалганди. Айрим одамлар: “Бу ҳам ўшаларнинг биттаси бўлса керак-да” дейишарди. Эртаю кеч бошимдан бир фикр айланади: одамлар ишончини қозониш. Ва мен баҳтлиманди, бу ниятимга эришдим. Мен уч йил обком биносининг ўзидаги битта хонада яшадим. Кечасию кундузи жон жаҳдим билан ишладим. Нокамтарликка йўймангу: нималарнидир қилишга улгурдим. Пахта етиштириш 330 мингдан 550 минг тоннагача ошди, 300 км янги йўллар қурилди, бозорлар, чойхоналар ва бошқа майший обьектлар қурилди. Лекин

нарли. Кетишига рухсат беринг". У: "Агар шуни хоҳлаётган бўлсангиз, кетаверинг"— деди. Мен Тошкентга учдим ва заводга қайтмоқчи бўлдим. Оилам каттамас. Кўп нарса керакми, ахир.

Лекин орадан икки кун ўтиб Нишонов уйимга телефон қилди ва Москва менинг номзодимни маъқуллаганини айтди. 23 июнь куни Ўзбекистон Компартияси МҚсининг пленуми бўлди ва мен биринчи котибликка сайдандим". (Дарвоҷе, Каримовнинг бу сўзларини тегишли архив материалари тасдиқлайди).

Каримов мамлакат раҳбари сифатида ҳамма томондан яхши қабул қилинган эди: ҳалқа ҳам, партноменклатурага ҳам, оппозицияга ҳам маъқул эди. Ҳалқа маъқуллиги шундаки, у кўлдан бери ҳалол, ақлли, кучли давлат раҳбарини кутарди. Партиноменклатурага ёққани шундаки, у ҳеч бир гуруҳнинг вакили эмасди. Мухолифат эса у пайтда ҳали кучли етакчига эга эмасди, ҳокимиятни олиш мақсадида хужумга ўтишга қурби етмасди. Ҳатто хуфия-нохуфия тижоратчиларга ҳам,— мамлакатдаги бошбошдоқлик чидаб бўлмас даражада жонга текканди. Улар учун ҳам энг аввало, мамлакатда тартиб ўрнатилиши маъқул эди. Умуман, ҳар қандай одам уч карра мунофиқ бўлгандана ҳам мамлакат тепасида ҳалол раҳбар бўлишини хоҳлайди. Албатта, у одамда бир мисқол бўлса-да ватанпарварлик бўлса.

Шу тарзда, шундай шарт-шароит ва ҳолатларда Каримов Ўзбекистон етакчилигига кўтарилди.

Маълум маънода буни 1940 йили Уинстон Черчилл мамлакат учун ўта оғир пайтларда Англияни бошқаришга киришган давр билан қиёслаш мумкин. Черчиллининг Умумий Палатадаги нутқи ёдга тушади. Ўшанда у шундай деганди: "Мен факат... меҳнат, кўз ёш ва пешона терини тавсия қилоламан, холос. Бизга энг оғир имтиҳонлардан ўтиш лозим бўлади. Узоқ муддат курашиш ва азоб чекиш лозим бўлади. Мақсадимиз қандай, деб сўрашингиз мумкин. Бир сўз билан жавоб беришим мумкин — ғалаба, гарчи унга етиш йули қанчалик узоқ бўлмасин, унга етишимиз керак, акс ҳолда биз ҳалок бўламиз. Мен ишонаманки, одамларимиз бизнинг мағлуб бўлиши мизга йўл қўйишмайди. Мен ҳозирги шароитда айни пайтда ҳаммадан бир нарсани талаб қилишга ҳақлиман деб ўйлайман ва сўрайман: келинглар, биргаликда олға юрайлик, куч ва интилишларимизни бирлаштирайлик".

Каримов ҳам Ўзбекистон раҳбарлигига келгач шундай деган бўлиши мумкин: "Тасаввур қилинг, Ўзбекистон йўқ бўлиб кетса, бизнинг цивилизация барбод бўлиб кетса, ҳалқимизни олий мақсадларга элтувчи асрий қадриятларимиз барҳам топса, нима бўлади?" Каримов шундай дейишга ҳақли эди. Унинг ягона мақсади ҳам — ғалаба, яъни давлатчилик, иқтисодиёт ва маданиятнинг емирилишини тұхтатиб қолиш маъносидаги ғалаба эди. Ҳар қандай йўл билан бўлса-да ғалаба лозим эди. Ва ниҳоят, бу барча сиёсий кучларга мана шу олий мақсадлар, буюк ғалabalар йўлида бирлашишни таклиф этиш лозим эди. Ўзбекистон Президенти шундай қилди ҳам. Лекин унинг узатилган қўлини узоқни кўра билмайдиган ва жizzаки сиёсатдонлар олишни хоҳламаганлиги, бу, унинг айби эмас эди.

энг муҳими, вилоятда бирор киши ҳам Каримов нопок одам деёлмайди. Аксинча, одамлар ҳозир ҳам мени ҳалол одам сифатида эслашаркан. Мен бундан фаҳрланаман".

Бирдан И. Каримов Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиблигига ягона муносаб номзод сифатида М. Горбачев ва Е. Лигачевларнинг назарига тушиб қолди.

Шароф Рашидов ва ундан кейинги биринчи раҳбарнинг шовшувли фош қилинишидан сўнг КПСС раҳбариятида Ўзбекистон партия давлат аппарати бутунлай бузилган, деган фикр қарор топди. Ҳокимият тепасида ёки унинг атрофида бўлган ҳамма шубҳа остига олинган эди. Ҳатто Қозоғистон етакчиси Динмуҳаммад Қўнаевни алмаштирилгани каби, Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарини шу йўсун янгилаш варианти ҳам кўрилганди. Лекин КПСС МҚсининг Сиёсий Бюроси 1985 йили Олмаотадаги оммавий тартибсизликларнинг аччиқ оқибатларидан чўчиб, Ўзбекистон раҳбарлигига Россиядан одам юборишга бормади ва маҳаллий сиёсий арбобларидан бу ўринга муносабини ахтаришга тушди. Ҳалол ва ҳар қандай кучлар томонидан сотиб олиб бўлмайдиган жасоратли киши керак эди. Ўзбекистонда Ислом Каримовдан муносаброқ номзод умуман йўқ эди.

Президент билан сұхбатнинг давоми: "Мен қандай қилиб Ўзбекистон Компартияси МҚсининг биринчи котиби бўлдим? 1989 йилнинг июни эди. Таҳликали кунлар. Фарғона, Қўқон, Қувасой, Гулистон, Паркент, Бўқада қонли тўқнашувлар пайти.

Худди буғ қозоннинг қопқоғи отилиб кетгандек. Ҳўрлик ва таҳқирилийларда йиғилиб қолган аламлар бутун республикада тўлқин бўлиб кўтарилиган. Ҳокимият вазиятни бошқаролмай қолганди.

Бу бошбошдоқликни тўхтата оладиган, республикани жар ёқасидан қайтара оладиган одамни ахтаришарди.

Натижада менда тўхташди. Мен, албатта, қандай масъулиятни бўйнимга олаётганимни билардим. Нафақат мансабу обрўйимни, балки бутун ҳаётимни гаровга қўяётганимни билардим. Баландпарвоз гап деб ўйламангу, халқ мени тўғри тушунади ва қўллаб-кувватлайди, деган ишонч менга куч бағишлиарди.

Ҳозир аниқ эсимда йўқ, 10 ёки 11 июнь эди, Сиёсий Бюро Ўзбекистон Компартияси МҚсининг биринчи котиби масаласини кўрарди. Муҳокама танқидийгина эмас, хурматсизлик руҳида бораради. Шивир-шишвирлар, майда пичинглар, кесатиқлар билан ўтарди йиғилиш. Шунда мен минбарда туриб, Горбачевга қараб дедим: " Михаил Сергеевич! Менинг номзодимни олиб ташланг. Кўриб турибманки, кимларгадир ёқмаяпман. Яна олти ойга Рафиқ Нишоновни қолдиришни таклиф қиласман. У тартиб ўрнатади. Шундан кейин бу масалага яна қайтиш мумкин. Менга эса кетишга рухсат беринг". Горбачев мени тўхтатиб қолмоқчи бўлди. Мен дедим: "Кўндиришга овора бўлманг. Ҳаммаси тушу-

Илдам қадам

1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Бу даврга келиб Каримов мамлакатда унинг обрўсини бекиёс даражада ошириб юборадиган бир қатор катта сиёсий муваффақиятларга эришган эди. У тўс-тўполон жараёнларининг асири бўлиб қолмай, вазиятни қўлга ола билишга бемалол тайёр раҳбар бўлиб чиқди ва уни бошқара бошлади. У томонидан ҳокимиятни мустаҳкамлаш, хукукни ҳимоя қилиш органлари — милиция, давлат хавфсизлиги хизмати тизимини кучайтириш бўйича қатор қатъий қадамлар ташланди. Унинг шахсан иштироки билан республиканинг турли жойларида олов олаётган можаро ва тўқнашувлар га барҳам берилди. У тўқнашувга олиб келадиган ҳолатларда ҳалққа шундай дерди: "Ўзбекистон иккинчи бор Фарона фожиасини кўтаролмайди" ва бундай ҳолларда беҳад қатъият ва жасорат билан иш кўрарди. Каримов жамият осоиишталигини бузишига олиб келадиган билибми-бilmайми қилинган ҳар қандай ҳараратни, ижтимоий омилларни, кучларни пайнини қирқиш бўйича жуда ҳам пишиқ-пухта, бир текис иш кўрди. Айнан шу муносабат билан юқоридағи фикрлар асносида мен матбуот учун, ошкоралик учун қўйилган айrim чеклашлар тўғрисида гапирмоқчи эдим. Бу шунинг учун ҳам юзага чиқкан эдики, матбуот ўз эркинлигига чекланмаган имкониятларга эга бўлса, бузгунчилик кайфиятидаги оппозиция қўлида қулай дастур — жамоат тартибини бузишига, тўқнашув ва қон тўқилишларга олиб келар эди.

Коммунизмдан кейинги мамлакатларда эркин матбуот, сўнгги воқеалар шуни кўрсатиб турибдики, сиёсий турғунликни бузиш мурвати сифатида ижтимоий тўқнашувлар, оммавий тартибсизликлар, охир-оқибатда эса фуқаролар уруши бошланишига хизмат қиласарди. Лекин кимлар ва нима учун сўз эркинлигини суистеъмол қилишгани, унинг моҳиятини бузиб кўрсатгандар — бу, бошқа масала. Бу ўринда мен шуни айтмоқчиманки, Каримовнинг ўша кезлардаги хатти-ҳаракатлари мутлақо ўринли бўлган эди.

У бир неча аниқ зарбалар билан республикадаги ижтимоий тузумга хавф solaётган, Ўзбекистонда жамоатчиликни яна бўлиб юборишга қодир мафия гурухлари билан яқин алоқада бўлган юқори лавозимлардаги хавфли шахсларни йўқотди.

Каримов тезлик билан хийла-найранг орқали оломонни ўзига эргаштирган ўтакетган миллатчи экстремистлар ҳушини ўзига келтириб қўйди. У "йўқ" дейишдан қўрқмайдиган давлат раҳбари сифатида ўзини кўрсата олди. У ўзбек "Шаҳидони"га (Тожикистоннинг Ислом миллатчилари қонли тўқнашуви бошлаган Душанбедаги майдон) йўл қўймади.

Ва у бир неча республикаларнинг раҳбарлари миллатчи мухолифларга хушомад қилган ва ҳатто уларнинг олдида тилёғламалик қилган пайтда шундай қила олди.

Ислом Каримов емирилаётган шўролар империяси республикалари раҳбарлари орасида foятда тез томир ота бошлаган миллий-патриотизм йўлига ғов бўлди, қўшқутбли (ўзимизники ва бегона) деган фикр-

лар ва қарашларга қарши чиқди. Унинг фактлари ҳам сўзни ҳам тан олмайдиган фанатикларга қарши қандай факт ва сўзлар топгани — бу номаълум. Бу Худонинг құдратидан бұлса керак.

Мен жуда күп марта "Каримовнинг феномени" ҳақида, ўша кунлардаги Каримов ҳақида ўйладым. Шу мавзуда Карлайл билан суҳбатлашдим. Биз иккимиз ҳам шундай хulosага келдикки, бу бўхрон ўша пайтдаги жуда күп йўлбошчиларнинг нуқтаи-назари кўпларида зоҳир эди ва улар фақат кўзлари олдидагини кўрдилар, Каримов эса Ўзбекистонга раҳбар бўлган биринчи кунданоқ инқирознинг чуқурлиги ва кучини ҳамда ундан кутулишнинг ягона йўлини кўрди ва ҳис қилди.

1990 йилнинг март ойида у ўша пайтдаги иттифоқдош республикалар раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Президентликка сайланди. Москва буни жуда салбий қабул қилди. Горбачев очиқдан-очиқ ғазабланди. Бошқа республикалар раҳбарлари эса Каримовнинг Президентликка сайланганини қалбан кўллаб-кувватласа-да, унга ҳавас қилсада, телевидение ва минбарларда Горбачевнинг "16 президенти бор давлат қандай давлат бўлади" деган сўзларини қайтариш билан банд бўлдилар. (Бу Горбачевнинг навбатдаги мантикий фикри эди — янгидан пайдо бўлаётган давлатлар иттифоқида 16 та парламент раислари бўлиши мумкин эмишу, 16 та Президент бўлиши мумкин эмес эмиш).

Каримовдан кутулиш учун, унинг ўзининг гапига қараганда, тазиқнинг барча йўлларидан фойдаланиб қўришди. Горбачев уни ўтакетган амалпараст деб айблади. Бу вақтда, мен ишонаманки, Каримов ҳақоратланган ва хўрланган Ўзбекистоннинг обрўсини кўтариш ҳақида ўйларди. "1990 йилнинг 26 марта Ўзбекистон Олий Совети Президентликни жорий этди ва мени шу лавозимга сайдади. Шундан сўнг мен Москва га СССР Давлат Кенгashi йиғилишига келдим. Горбачев мени Ўзбекистон Президенти дея пичинг, ҳақоратомуз сўзлар билан кенгаш аъзоларига таништириди ва тартибга солиб қўйишга ваъда берди. Бу ерда у президентликни бекор қилишни назарда тутди. Мен унга шундай жавоб бердим: "Агар суҳбат шундай давом этадиган бўлса, мен кенгашни ташлаб кетаман". Сўнг Москва ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам мени олиб ташлашга уринди, аммо ҳеч нарсага эриша олмади. Кучлар энди бошқача эди. Мени қўллаб-кувватлаган халқ ҳам бошқача фикрлай бошлаганди"

Ва бу курашда Каримов ўзи ва халқи учун ҳамма нарсага тайёр йўлбошли сифатида ғолиб чиқди.

Нихоят, Каримовнинг сиёсий биографиясида ўш — ташқаридан туриб уюштирилган қўрқинчли, қонли ва бемаъни миллий низо пайдо бўлди.

Каримовнинг бу низони олдини олишдаги хизматлари энг юксак баҳо-га лойик. Аммо мен ҳозир бошқа нарса ҳақида гапирмоқчиман. Каримов бу ерда "ўз қўшнисини ҳам тузатадиган" йўлбошли сифатида кашф этилди. У ўзини буюк келишув устаси сифатида намоён этди. Бундай

хусусиятга эга йўлбошчилар дунёда унча кўп эмаслигини Қорабоғ ва Босния, Чеченистон ва Курдистон воқеаларидан билса бўлади. Афсуски, бундай мисолларнинг сон-саноғи йўқ.

Иккинчи жаҳон урушининг кўзга кўринган солномачиларидан бири Константин Симонов Маршал Георгий Жуков билан сұхбатлари ҳақида мисол қила туриб, кутилмаган аниқ факт келтиради: Симонов Жуковдан ўз биографиясидан қайси жангни энг аҳамиятли, катта муваффакиятга эришган жанг деб ҳисоблашини сўрайди.

Жуков ўйлаб ўтирмасдан Халхин-Гол, деб жавоб беради: Ватан урушида жуда катта ғалабаларга эришган саркарданинг оғзидан бу сўзни эшитиш жуда гайриоддий эди. Симонов аввалига бу қайтариб бўлмайдиган ўтмишни кўмсашиб жараёнида йўл қўйилган адашиш бўлса керак, деб ўйлади. Ўртага узоқ жимлик чўқади. Нихоят, ўзининг ва Симоновнинг фикрларига жавоб бериб дейди: “Мен у ерда саркарда сифатида шаклландим”

Менинг назаримда Ислом Каримовнинг ҳам ўш ҳақида шундай ўйлашга барча асоси бор. Ҳозир мен ўш воқеаларини кўп сабабларга кўра бутунича таҳлил қилишни лозим топмадим. Фақатгина И. Каримов шахси билан боғлиқ ўз фикрларимни билдиримоқчиман, холос.

Қирғизистон Республикаси Президенти А. Ақаевнинг гувоҳлик беришича, 1990 йил июнь ойининг икки кунида “бу бемаъни миллий низода юзлаб ўзбеклар ва қирғизлар ҳалок бўлишиди. Республика иккинчи Қорабоғга айланишидан зўрга кутқариб қолинди. Бунда Президент Каримовнинг доно сиёсати ёрдам берди” (Известия, 05. 10. 1994).

Ўшда гумбурлаган момақалдироқ садоси бутун Қирғизистонга ўйилди. Бишкеқда тинимсиз митинглар бўлди. Миллатчи нотиклар оломонни жазавага келтириб ўзбеклар устига юриш қилишга чақирдилар. Талабалар, сессия имтиҳонларини ташлаб қандайдир мусиқа ва лақашақилдоклар садоси остида Бишкек кўчаларини тўлдиридилар.

Қоронги тушиши билан улар қўлларига илингандар нарсалар билан павильонлар, дўконлар, ресторонларни талон-торож этишди. Шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилиниб, кўчаларда танк ва жанговар машиналардаги аскарлар қўриқчилик қилишди. Бу пайтда жанубда — ўш ва Ўзганда нималар бўлганини ҳис қилиш қийин эмас.

Қирғизистоннинг жанубида 600 мингдан кўпроқ ўзбеклар яшайди. Улар ҳар бирининг Фарғона водийси туманларида бир нечтадан туғишиган уруғлари бор. Ўн минглаб қуролланган ва қуролсиз одамлар ўз туғишишганларини ҳимоя қилиш шиори билан Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасига йиғила бошладилар. Одамлар милиция ва ҳарбий кучлар ёрдамида ушлаб турилди. Аммо вазият соат сайин кескинлашиб борарди. Нафақат Ўшда, балки бутун Қирғизистонда вазиятнинг давомини кўрқинч ва даҳшат билан кутишарди.

Бундай жуда қалтис вазиятда Президент И. Каримов шундай деди: мен Ўзбекистон Президенти эканман, биронта ўзбек ёмон ният билан Қирғизистон ҳудудига ўтмайди. Нима билан боғлиқ бўлмасин ҳеч қан-

дай қасос олишга йўл қўймайман. Шу ерда сўз қўшни юзини ҳам тўса олиши мумкин, деган шоирона сўзларни эслашга тўғри келади. Бунда муболага бор, албатта. Аммо ўзида ҳақиқатни акс эттирган сўз ростдан ҳам инсон онгига кучли таъсир қиласди. И. Каримовнинг сўзлари шундай кучга эга эди. Унинг иши ҳам сўзи билан тўғри келди. Каримов қарама-қаршилик юзага келмаслиги учун қўлидан келадиган барча имкониятларни ишга солди. Бу ҳайратланарли маънавий жасорат ва ҳозирги дунёда жуда кам учрайдиган қаҳрамонлик эди.

1991 йилнинг марта И. Каримов Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш учун Ўшга учиб келди. Балки бу сал лоффек эшишилар, аммо ҳақиқатан ҳам бутун шахар уни кутишга ва қутлашга чиқди. Автомашиналар кортежи тўхтаб-тўхтаб зўрга юрарди, бир марта тўхтагандан Каримов машинадан тушди. Уни минглаб одамлар ўраб олдилар. Миннатдорчилик сўзлари айтишди, унинг қўлига ёш болаларни бердилар. Бир чол эса уни бағрига босди ва кўкрагига бош қўйиб йиғлаб юборди. Каримов ҳам атрофини ўраб турган одамлар билан самимий сухбатлашди.

Шартномани имзолаш маросимидан сўнг вилоят театри биносида ўзбек ва қирғиз артистларининг концерти бўлди. Каримов залга чиққанда эса залдагилар ўринларидан туриб, 15 минутдан кўпроқ қарсак чалиб турдилар. Ўзбеклар, қирғизлар, руслар унинг 1990 йилнинг июнида қилган ҳизматлари учун беҳад ҳурматини, ўзларининг ишончини ва инсоний миннатдорчилигини шундай изҳор этдилар.

Кечқурун аэропортда хайрлашув дастурхонида Каримов индамас ва фамгин бўлиб қолди, гапиришдан олдин узоқ вақт фикрларини йиғди. Балки, Ўш шахри ахолисининг унга бўлган муносабати ўзини ҳам ҳаяжонлантириб юборгандир. У тахминан шундай деди: “Мени бугун бу ерда жуда олқишиладилар. Аммо одамларнинг ҳиссияти давлат раҳбарларига нисбатан жуда ўзгарувчан бўлади. Инсонийлик нуктаи назаридан эса ҳалқнинг муҳаббати ва ишончи ўрнини лоқайдлик, ёки ундан ҳам ёмони менсимаслик эгалласа, бундан ёмони йўқ. Энди мени Президентлик лавозимида муносиб яшаш foяси кўпроқ ташвишлантиради”.

Президентнинг аъмоли: акл-идрок, эзгулик, кучга таянувчи ҳокимият

Ислом Каримов Президент сифатида ўз аъмолини ўз мамлакати — Ўзбекистонга ҳам, дунёга ҳам такрор-такрор баён қиласди. Булар инсонни ижтимоий тана-тўшда шунчаки бир заррача деб билувчи инқилоб эмас, балки ислоҳотларнинг шахсни бало-офатлар ва бекарорликлардан муҳофаза эта оладиган тадрижоти, мунтазамлиги, босқичма-боқичлиги; иқтисодиётнинг сиёсатдан, ижтимоий дастурларнинг иқтисодиётга оидларидан устуворлиги; жамият тартиби ва жамоат интизомини, ҳар бир хонадонда нон-насиба, илиқлик ва осойишталикни, Ислом ёхуд бошқа динда бўла олиш, кундалик турмушда юксак ахлоқий-маънавий идеалларни асослаш имкониятини таъминловчи кучли давлат.

Ўз стратегиясининг моҳиятини таърифлар экан, И. Каримов Олий Мажлисга қарата тамомила аниқлик билан шундай деди: "Ихтимоий ривожланишнинг ибтидоий-ёввойи кўриниши сифатида инқилоб Ўзбекистонга тўғри келмайди".

Тахминимча, Ўзбекистон Президентининг ўз мамлакати истиқболлари ҳақидаги, мулк тўғрисидаги, ҳокимият борасидаги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари хусусидаги мулоҳазалари билан танишиб чиқиш қизиқиши уйғотмасдан қолмайди.

У Ўзбекистон жаҳон ҳўжалиги тузилмасида ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун ишончли заминга эга эканлиги тўғрисида кўп марта сўз юритган. Минтақа транспорт, энергетика ва суғориш тизимларининг марказида бўлган мамлакат фавқулодда қулай жуғрофий жойлашишга моликдир. Ўзбекистон минтақадаги ўз қўшниларидан нуфуз ва илмий-техникавий имконияти бўйича устун бетакрор табиий-иқлимий шароитга, қадимий дехқончилик маданияти ва катта минерал-хом ашё ресурсларга эгадир. Бу нарса ўзини-ўзи озиқ-овқат билан таъминлашга, техникавий қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириш ва экспортни ривожлантиришга эришишга имконият беради. Мамлакатда экологик жиҳатдан тоза ва жаҳон бозорида рақобатбардош мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд.

Президент Ўзбекистон инсоният цивилизациясида муносиб ўрин эгаллаб келгани ва келажакда ҳам шундай бўлажаги, нафақат минтақадаги, қолаверса бутун дунёда ҳам турли-туман маънавий ва сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатажаги ҳақида фикр-ифтихор билан сўзлади.

Каримов мулкий муносабатларнинг тубдан янгиланишини ислоҳотнинг ҳозирги босқичидаги энг долзарб вазифа деб ҳисоблайди. Бундай янгиланишнинг туб моҳияти, унинг фикрига кўра, мулкни асл эгалари қўлига топширишни жадаллаштириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш саналади. "Ўзбекистон,— деган эди Президент 1995 йил 26 августда мамлакат мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланган брифингда,— мулкдорлар мамлакатига айланиши лозим".

"Мен бир нарсага қатъий ишонаман: бизнинг мамлакатимизда мулкдорлар синфи, кичик ва ўрта мулкдорлар синфи вужудга келганидагина жамиятимизнинг равнақ топиш ва демократия (барчанинг қашшоқликдаги тенглигига эмас) йўлидаги барқарор ва дадил ҳаракатини таъминлаш мумкин бўлади". Каримовнинг бу қатъиятли ва ишончли сўzlари 1995 йил 16 ноябрда Боннда, ГФР Федерал Президенти Роман Херцог томонидан унинг шарафига ўюштирилган қабул чогида янграган эди.

Мамлакатда давлат ҳокимиятини такомиллаштириш, Президентнинг комил ишончига кўра, марказий, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимият органлари ва давлат маъмуриятларининг функциялари ва ваколатларини аниқ тартибга солиб турилишини таъминлайдиган тегишли

қонунлар тизимининг қабул қилиниши билан чамбарчас боғлиқдир. Профессионал парламент, кучли ижроия ҳокимиюти, мустақил судлов тизими, ривожланган маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув — Ўзбекистонда давлатчиликни такомиллаштириш ва мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари.

Сўнгги вақтларда Президент “инсон — давлат” муносабатларида устуворлик инсонга берилиши лозимлиги тўғрисида анча кўп сўз юритаёттир. “Давлат, ҳокимиятнинг барча тармоқлари,— дейди у,— факат уларнинг фаолияти инсон ҳукуқларини муҳофаза қилишга бўйсундирилган-дагина ўзларини оқлаган бўлади”.

Ўзбекистон Президентининг бир неча йил олдин: “Бизнинг кўчала-римизда жиноятчилар эмас, ҳалол одамлар хўжайин бўладилар. Бунга эришиш — менинг ҳалқ олдидаги бурчим” деган сўзларини ҳам яхши эслайдилар.

И. Каримов “бозорга юз” ёхуд “беш юз” кун нуқтаи назаридан ёнда-шиш мумкин эмаслиги тўғрисида кўп маротаба гапирган. У фикрини қўйидагича асослайди: “Бу — мавжуд турмуш тарзини, ҳалқнинг бутун психологиясини ўзгартириш демакдир. Бизнинг бош вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий талафотларсиз ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг янги поғонасига яқинлашишда мужассамлашгандир”.

Мана, Президент маърузаларидан яна бир кўчирма: “Яқиндагина Москва газеталаридан биридан ўқидим, Биробиджонда бутун бошли оила — саккиз нафар одам заҳарланнибди. Улар ахлатхонада туз деб ўйлаган нарсадан заҳарланганлар. Бундай фожиалар ҳақида эшитганимда, менинг юрак-бағрим қонга тўлади. Бизда, Аллоҳга шукрки, гадойлар йўқ, ахлат ҳандакларини ковладидиганлар ҳам йўқ. Рост, ҳаёт эндиликда оғир. Аммо мен республика Президенти сифатида одамлар очлик ва юпунликка тушиб қолишларига йўл қўймайман. Давлат факат ўз фуқаролари-ни ҳимоя қилишга қодир бўлгандагина давлат бўла олади”.

Ғарблик тадқиқотчилар И. Каримовнинг Исломга нисбатан юксак эҳтиромини, жумладан, Президент лавозимини эгаллаётган пайтда Куръонга қўлини қўйиб қасамёд қилиш воқеасини алоҳида қайд этадилар. Бироқ, улар айни чоғда Президентнинг либерал диний сиёсати диндор экстремистлар диний эркинликдан мамлакатнинг у ёки бу туманида вазиятни издан чиқариш, давлат аппаратига тазиик ўтказиш мақсадларида фойдаланиш бошланган жойда тугаши тўғрисида ҳам ёза-дилар.

Баён этилган сиёсат ҳаёт билан чиқиши маслиги ёхуд унга бутунлайи-ча тўғри келмаслиги мумкин. Аксарий ҳолларда шундай ҳам бўлади. Буни И. Каримовга нисбатан қўллаш мумкин эмас. У сўзининг устидан чиқади. Айтгандарига содик. У қадам-бақадам, ўзида қанча кучи бўлса, ижтимоий онгнинг айнишига, меҳнатга, қарияларга ва аёлларга ҳур-матнинг орадан кўтарилишига, ҳалқ ахлоқи ва, умуман, маънавиятнинг қадрсизланишига йўл қўймасликка интилади. Бу ҳақда нафақат унинг дўстлари, қолаверса душманлари ҳам билади.

Хозирги дунёning ишлаб турган ва ҳаётдан кўз юмган давлат арбоблари орасида, бизнинг ҳар биримизда ўз қаҳрамонларимиз ва аксил-қаҳрамонларимиз, ҳурмат ва ҳатто мафтунлик, ёхуд, аксинча, нафрат ва номеҳрлик уйғотадиган одамларимиз бор. Шахсан мен учун биринчилар орасида Жон Кеннеди туради.

Бу зотнинг аъло жиҳатлари орасида унинг нафақат Американинг ҳақиқий ватанпарвари эканлиги, қолаверса дунё фуқароси бўлганлигини кўраман. Уни, одамлар қандай заминда ва қанақа осмон остида яшаётгандаридан қатъи назар, барчасининг ташвишлари ва кўргуликлари ҳаяжонга солар эди.

Мен Вашингтон теварагидаги Арлингтон қабристонида, Потомак дарёсининг нариги қирғофида бир неча бор бўлганман, ва ҳар дафъа Кеннедининг турбатини зиёрат қилганман. У ўзининг улуғвор оддийлиги билан кучли таассурот уйғотади. Одмигина қабр тоштахтасида борйўғи уч калима: Жон Фитцдиральд Кеннеди. Турбат қаршисида лавҳа унда Президентнинг: "Биз, озодликни муҳофаза қилиш учун исталган дўстни қўллаб-кувватлаймиз ва ҳар қандай душманга қарши турамиз" деган сўzlари битилган. Кеннеди 1963 йилда Берлинга келган эди. У наздида инсон хуқуқларини оёқости қилишнинг рамзи бўлмиш Берлин деворига яқин келиб: "Мен — берлинликман" деган тарихийга айланиб кетган жумлани ирод этади. Американинг бошқа Президенти Р. Рейган 1985 йили ГФРда нутқ сўзлаётганда бу сўзларни эслар экан, "Бугун сайёрамизнинг барча эркесвар кишилари, Кеннедига ўшаб: "Биз — дунёда аксилсомийлик (антисемитизм) таҳдид солаётган яхудийлармиз, биз — афлонийлармиз, биз — лаосликлармиз, кхмерлармиз, биз — ҳам тоталитаризмнинг "потенциал қурбонларимиз" деб айтиши лозим", деган эди.

Айни чоғда бунга қадар бир неча ўн йилликлар олдин ўзбек шоири Faфур Ғулом қўроғошин ва пороҳ ҳидига тўлган 1941 йилда "Мен — яхудийман" шеърини ёзганча геноцид (халқ қирғини) қурбонлари ва жабрдийдалари билан буюк инсоний бирдамлик туйғусини намойиш этган эди. Ўзбек халқига асрлардир хос бўлган томирида қандай қон оқаётганидан, қайси тилда сўзлашаётганидан қатъи назар, жабрдийдаларга ачиниш, азоб чекаётгандарни қўллаб-кувватлаш анъянасини Президент И. Каримов ҳам бардавом этмоқда. Камина бу ўринда Тожикистон мисолида сўзлаб беришни хоҳлайман.

МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг Москвада бўлиб ўтган 1992 йил 6 июнь Кенгашида (мен унда Қирғизистон делегацияси аъзоси сифатида иштирок этган эдим) Президент Каримов Тожикистонда етилиб келаётган фуқаролар уруши тўғрисида катта ташвиш ва дард билан гапирганини эслайман. Тожикистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Раҳмон Набиев бу сўзларни ўшанда қандай қабул қилганини ҳам хотирлайман. У Каримовнинг бегона давлатда нималар бўлаётгани билан иши бўлмаслиги керакки, бу нарса тожикларнинг иши ва ташвиши, деган маънода писанда қилган эди.

Каримов бу нарса барчага ва унга ҳам дахлдорлигини айтганча унга эътиroz билдирган эди. "Биз, барчамиз одамлармиз,— деганди у,— бу, умуман, жаҳон ҳамжамиятига ҳам дахлдордир. Устига-устак, Ўзбекистонда кўплаб тоҷиклар, Тоҷикистонда эса кўплаб ўзбеклар яшайди, ўзбекларнинг томирида тоҷикларнинг қони ҳам оқар экан, ўзбеклар четдан шунчалик томошабин булиб тура олмайдилар". Сўнгра орага жимлик чўқди. Умум тилини тишлаган суқунатда Каримов сокин, аммо аниқ ва тушунарли қилиб деди: "Бало-қазода сеники, меники бўлмайди. Йўқса, барчамиз бу ерда нега йиғилиб ўтирибмиз?" Менга бошида бу баҳслашувга унчалик ҳам қулоқ тутмагандек туюлган Б. Ельцин бошини тиклади ва Каримовга дикқат билан тикилди.


Бало-қазода сеники, меники бўлмайди — бу нарса Ўзбекистон Президентининг қон-қонига сингган, бу унинг ҳаёт тамоили, у бу принципга ҳеч қачон хиёнат қилмайди.

Кейинчалик, 1992 йилнинг сентябрида ва 1993 йилнинг мартаиди Каримов БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Голийга мактублар ёзди. Энди у жаҳон ҳамжамияти дикқат эътиборини Тоҷикистонда ўзаро бир-бираiga қарши турган сиёсий кучлар ўртасида кескинликнинг ортаётганига, қочоқлар сони кўпайиб бораётганига қаратишга уринди, бу муаммони ҳалқаро ташкилотларнинг иштирокисиз ҳал этиш мумкин эмаслиги тўғрисида сўзлади. У Амударёнинг нариги қирғоги бўйлаб ёпирилиб келаётган фуқаролар уруши сабабли қочоқларга айланган минглар ва ўн мингларнинг лагерларда чидаб бўлмас майший шароитларда яшаётгани ҳақида сўз юритди.

Шундан сўнг Каримов Тоҷикистонда фуқаролар урушини тўхтатиши механизмини назарда тутувчи ташаббусларни кетини узмай илгари сурди, булар қуйидагилардир: биринчидан, тоҷиклар муаммосини фақат музокаралар даврасида тинч йўл билан ҳал этиш; иккинчидан, Тоҷикистон ҳукумати ва Афғонистон расмий доиралари, зарур бўлган ҳолларда эса Покистон, Эрон ва миңтақанинг бошқа давлатлари раҳбарлари билан можаронинг тезроқ ҳал этилиши бўйича фикр алмашиш; учинчидан, ўз мамлакати келажаги хусусида қайгурадиган муомалага киришувчи муҳолифат билан мулоқот юритиш; тўртинчидан, Тоҷикистон сиёсий ва жамоатчилик ҳаётининг кенг соҳаларига қонуний тус бериши мумкин бўлган янги қонунлар устида ишлашни жадаллаштириш; бешинчидан, сиёсий кучларни бирлаштириш, демократик сайловлар ўтказиш, бу ишга жамиятнинг кенг қатламларини жалб этиш.

И. Каримов БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясининг минбаридан нутқ сўзлар экан, БМТнинг Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик буйича, энг аввало тоҷиклар можаросини бартараф этиш масалаларига бағишланган доимий ишловчи семинарини чақиришни таклиф қилган эди.

1995 йилнинг 3 апрелида Президент И. Каримовнинг ташаббусига кўра унинг тоҷик муҳолифати раҳбарларидан бири Акбар Тўражонзода билан учрашуви булиб ўтди. Кузатувчиларнинг гувоҳлик беришича, бу



урешувда ҳар иккала томондан ҳам муросага, максимализмдан во-
кечишга интилиш, позицияларни яқинлаштириш хоҳиш-истаги намо-
йиш этилган. Ўзбекистон Президенти маслаҳатлашув органи сифатиди
музокаралар жараёни ҳамда миллий муроса бўйича сиёсий қарорлар
ни ишлаб чиқиш учун подиум бўла оладиган Тожикистон халқлари кон-
грессини чақириш мулоҳазасини билдирганди.

Бу конгрессни чақириш тўғрисидаги таклиф кейинчалик БМТ Бош
Котибининг маҳсус вакилига етказилган, у эса кўрсатилган ташаббусни
кўллаб-кувватлаган эди. 1995 йил 19 июлда Техронда Тожикистон Пре-
зиденти Имомали Раҳмонов ва тожик мухолифатининг раҳбари Сайдид
Абдуллоҳ Нурий учрашдилар. 1995 йилнинг сентяброда БМТ раҳбар-
лигига Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммолари бўйи
ча семинар-кенгаш бўлиб ўтди, унда асосий масалалар қаторида Афго-
нистон ва Тожикистондаги можароларни тинч изга солиш муаммолари
кўриб чиқилди. Ҳа, И. Каримов янгича руҳ бағишилаган музокаралар
жараёни “қиёмига етмоқда”.

И. Каримовнинг қўшни, Ўзбекистонга яқин ва ёвуқ қариндош мам-
лакатда тинчлик, осойишта ярашувчилик ҳаёти ўрнатишга кўмаклашиш
борасидаги узлуксиз кўп йиллик зўр беришларининг оралиқ якунлари
ана шулардан иборат.

Д. Карлайл ёзади: “Тожикистондаги ўлим уруғини сочувчи уруш оқи-
батлари Ўрта Осиёда бошқа бутун ташки, балки ички муаммолар ора-
сида ҳам биринчи ўринга чиқкан пайтда Президент Каримов минтақа-
да энг муҳим сиёсий арбобга айланди”.

Каримовнинг ўз мамлакатини таништиришдаги улуғвор лаёқатини
халқаро миқёсда ўзини тутишда таянадиган ботиний кудратини ҳеч ким
рад эта олмайди.

И. Каримовнинг АҚШ давлат котиби Д. Ж. Бейкер билан 1992 йил-
даги Тошкент учрашви чоғида Ўзбекистондаги мухолифат ҳақидаги ма-
сала кўтарилиган ва Бейкер “Бирлик” партиясини рўйхатдан ўтказишга
кўмак беришни астойдил илтимос қилган эди. Каримов унга: “Бизда
қонун бор — рўйхатдан ўтказиш учун ҳар қандай партиянинг сафида
камида уч минг аъзо бўлиши лозим. Айни чоғда “Бирлик” аъзоларининг
сони бир яримга ҳам етмайди”, деб жавоб берган эди. Бейкернинг
такрор илтимосига жавобан Каримов: “Жаноб Давлат котиби! Шунга
ўхшаган нарса Кўшма Штатларда рўй беришини кўз олдингизга келти-
ринг-а. Мен, бошқа давлат Президенти Сиздан ёхуд Президент Буш-
дан у ёки бу партияни қонунни четлаб ўтиб рўйхатдан ўтказишни илти-
мос қилаётирман, деган фикрга Сиз йўл қўя оласизми?”

Каминага маълумлигига кўра, И. Каримов АҚШ Давлат котибининг
ўринбосари Строб Тэлбот билан сухбат чоғида ҳам ким томонидан ва-
қандай шаклда намоён бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг ички
ишларига аралашишларига йўл қўйилмаслигини айтган эди. Равшани
музокараларнинг бундай услуби, ҳозир гапириш ёқимли туюлганидек
АҚШ томонидан Ўзбекистонга молиявий ёрдам масалаларида “сил-

жишлар"га ёрдам бериши ҳам гумон. Бироқ И. Каримов бунга үхшаш вазиятларда ўзини бошқача тута олмас эди ҳам. У ҳамиша мустақил шахс бўлган. Бу зот ўз мамлакатининг обрў-эътиборини бутун дунёнинг олтини билан ҳам ўлчаб кўрмайди.

И. Каримов ўз маърузаларидан бирида ҳеч қандай хаспушлашларсиз шундай дейди: "Сўнгги вақтларда "улуғ оға" сифатида Россия ўрнини эгаллашни кўзлаётган кучлар пайдо бўлди. Баъзи бир қўшни Осиё давлатлари бунга зўр бериб даъвогарлик қилмоқдалар. Бизнинг иқтисодиёт масалаларидағи нисбатан тажрибасизлигимиздан фойдаланиб, ҳалол ҳамкорлик ўрнида ноҳалол йўлга ўтиб олмоқдалар. Бизга эскирган технологиялар ва ускуналарни келтириб, ҳўжалик раҳбарларимиз ва тадбиркорларимишни алдашни хоҳламоқдалар. Биз ҳеч қанақа "улуғ оғалар"га муҳтоҷ эмасмиз".

Д. Карлайл И. Каримовнинг файритабиий сиёсий сезими ҳақида ёзади (171 саҳ.) Дарҳақиқат, унинг сиёсий интуицияда, хавф-хатарларга нисбатан алоҳида сезирлигига, бу хавф-хатарларга зарба остидан чиқишда шиддат билан жавоб бериш ёхуд зарбага зарба қайтариш қобилияти ўз ифодасини топади. Айни чоғда стратегик олдиндан кўра билиш истеъдоди, ҳаракат йўналишини ўзгартириш, янги тарафдорлар топиш, илгаригидан кўра бошқа концепцияларни шакллантириш, ижтимоий жараёнларни тезлигига таъсир ўtkазиш қобилияти ҳам сиёсатчи Каримовнинг кучли жиҳатларидан саналади.

Мавриди экан, шуни айтиб ўтмоқчиманки, АҚШ Президенти Р. Рейган ўзи раҳбарлик қилган маъмуриятнинг фаолиятини тавсифлаш учун В. Шекспирнинг куйидаги сўзларини келтиришни хуш кўрарди: "Кишиларнинг ишларида тўлиб-тошмоқ, ҳам саёзлашмоқ бор. Тўлиб-тошмоқ билан биз муваффақиятларга эришамиз. Ҳозир ҳали тўлиб-тошмоқ ила бирга сузмоқдамиз, Биз оқим шиддатидан фойдаланмасак, юқдан айрилиб қоламиз". Фикримча, Ўзбекистон Президентининг фаолияти ҳам айнан шундай аъмолга асослангандир.

Бу мавзуда иккита мисолни келтиришни истардим.

1995 йил май ойининг бошларида АҚШ Президенти Б. Клинтон Эронга нисбатан, АҚШнинг фикрича, Эрон ҳалқаро терроризмни қўллаб-куватлагани сабабли, эмбарго жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан олдин АҚШнинг Россияга нисбатан бу мамлакат Эронга иккита атом реактори сотиши важидан демарш бўлиб ўтган эди.

МДХ давлатлари бошликларидан биргина И. Каримов Россиянинг Эрон билан битишувини қоралади ва АҚШнинг Эронга нисбатан эмбарго тўғрисидаги қарорини қўллаб-куватлади. Бир неча таниқли американлик экспертларнинг фикрига кўра, у бирданига бир неча қўённи сулайтирадиган ниҳоятда кучли дипломатик юриш қилиб, бозор ислоҳотлари соҳасида Американинг Ўзбекистонга ёрдамини кучайтиришда яхши имкониятга эга бўлди. МДХ мамлакатларининг айrim раҳбарларини ноқулай ахволга солиб кўйди: ички муҳолифатни заифлаширди.

1994 йилнинг августида Исройлнинг ўша кезларда ташқи ишлар вазири Шимон Переснинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди. Бу ташриф вазияти чинакамига самимий ва дўстона бўлди. Ш. Пересни қабул қиласр экан, Ўзбекистон Президенти унга энг теран эҳтиромини ва унинг яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш фаолиятидан миннатдорлигини изҳор этди. У шунингдек, ўзбек ва яхудий халқлари ўртасида узоқ тарихга эга анъанавий самимий муносабатлар борлиги тўғрисида сўзлади. Бу қадамлар муносабати билан айрим мусулмон давлатларида юзага келган жizzакилик ва норозиликни И. Каримовнинг шунчаки назар-писандга илмаслиги И. Каримов сиёсий жасоратини алоҳида қайд этган ғарблик кузатувчиларнинг ҳурмат билан баҳолашига сабаб бўлди.

Ҳозирда, қайта қуришдан 10 йил кейин, собиқ шўро республикала-ри давлат мустақиллигининг бешинчи йилида, россиялик таникли олимлар, масалан, шу жумладан РНФ ХИХМИ қиёсий сиёсий ва иқтисодий тадқиқотлар маркази раҳбарининг ўринбосари Л. Гордон уларнинг эндиликдаги билимлари ўтиш даври ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларининг тенденциялари мавзуси юзасида фақат анъанавий (схематик) ва фаразий (гипотетик) кўрсатмалар билдиришгагина имкон бериши тўғрисида ёзади. Ўта даражада ноаниқлик ҳукм сурган шароитда ҳархолда аниқ, ҳаётий жиҳатдан муҳим қарорлар қабул қилган сиёсий арбобларнинг чекига эса нималар тушдийкин?

Чамаси, Президент Каримов ўзининг иқтисодий сиёсатида мисқолча бўлса-да жиддий хатоларга йўл қўймади, чунки бу масалаларда у шу қадар иқтидорлики, бинобарин маслаҳатчилар ундан маслаҳат олиш, ёрдамчилар эса унинг ёрдамидан фойдаланишлари учун керак деяётган чет эллик объектив кузатувчилар ҳақдирлар. Сиёсий ёхуд ҳукукий сиёсат бобидаги масалаларда эса Президент теварагидаги синчилар (экспертлар) унга бир неча бор “панд бериши”.

Шахсан менга, худди Ғарбдаги кўплаб бошқаларга ҳам, Президентнинг лавозимида бўлиш муддатини 2000 йилгача узайтирган референдумнинг ўтказилиши билан боғлиқ янглиш шак-шубҳасиздек туюлади. Энг аввало, Олий Мажлис Раиси референдум зарурлигини асослашда келтирган важ, юмшоқ қилиб айтганда, шунчаки кулгуни қистайвериши мумкин, холос. Бу далиллаш шўровий ўтмишдан қолган. Агар маслаҳатчилар Президентни сиёсий барқарорлик манфаатлари референдумни 1996 йилнинг охиридаги муқобилли сайловлар ўрнида 1995 йилнинг бошида ўтказилишини талаб этаётганига тўлиқ ишонтира олганларида, Конституцияга тегишли ўзгартиришлар киритиш керак бўлар эди. Тарих қонунни четлаб ўтиш эвазига осон қўлга киритилган муваффакият истиқболда анча катта талафотларга олиб келишидан ўта ишончли ва рад этиб бўлмас даражада гувоҳлик беради.

Баридан ачинарлиси шундаки, И. Каримов энг талабчан халқаро кузатувчилар назорати остида муқобил сайловларда ҳам ҳеч шак-шубҳасиз музafferона ютиб чиққан ва ўзининг ўз мамлакатининг демокра-

тик имиджини (нуфузли қиёфа) кучайтирган бўлур эди. Бу нафақат менинг, Карлайлнинг ҳам мулоҳазасидир. Фарбнинг жиддий мутахассислари ҳам шундай деб ҳисоблайдилар.

Адолат юзасидан Ўзбекистон фуқароларининг мутлақ кўпчилиги референдумда Президент Каримовга "ҳа" деб жавоб берганларини қайд этиб ўтмаслик ҳам мумкин эмас.

Билиш жараёни сифатида сиёсат, кўп ҳолларда тушунарсиздан тушунарлига, аксинча тушунарлидан тушунарсизга томон ҳаракатланади. Бу олди-қочди эмас, балки тарихнинг дум тутқазмас парадоксидир. Ва айнан шу ерда сиёсий демократиялашнинг энг кучли импульсларидан бири, фикрлар хилма-хиллиги импульслари барқарор бўлади. Бунда, дарвоҷе, гносеологик ўзгарувчанлиқда, демократия — бу, сиёсий йўлбошининг шубҳага ҳуқуқи ва шубҳаланиш мажбуриятидир. Бу, ўзининг, бир қарашда, мутлақо тўғридай туюлган ғояларини номукаммал эмаслигини англаб етиш, бу, инсоний билимларнинг чекланганлиги тўғрисида тасаввурдир. Ва ўшанда энг етуқ раҳбарларга онглироқ бўлгани учун эмас, балки у бегона бўлгани учун мухолиф керак бўлади. Айнан мушоҳадалар ва нұқтаи назарлар тафовути ҳақиқатга томон дадил юришини таъминлайди.

Мен Ислом Каримовни таниганим-билганимдан буён у шу пайтгача мусоҳибларининг фикри унинг фикрига айнан мос келишини талаб этмаган. Устига-устак, бундай сухбатдош уни қизиқтиромай қўяди. Унга қачондир ўз фикрини мустаҳкамловчи айнан уникидай мушоҳада талаб этилишини худо кўрсатмасин. Йўқ, унга, ҳали у Президент курсисида экан, уни маъқулламайдиганлар ҳам сув ва ҳаводек зарурдир.

Баъзида, нима ҳам қилар эдик, бизнинг ҳар биримиз бизникидан бошқача мулоҳаза бўлмаслигини истаб қоламиз. Бизга эътиroz билдиришини кўтармаймиз. Бу қисқа фурсатли қулагий түғдиради. Бироқ, бундай хоҳиш-истакда, алал оқибатда, келажакдаги омадсизликларнинг сабаблари ва шароитлари дарж этилган. Ғоялар, мушоҳадалар, фикрлар қарама-қаршилиги, бу, танлаб олиш имкониятидир. Танлаб олиш эса ҳар доим — бу ҳам эркинлик, ҳам масъулият, ҳам баҳтсизлик, ҳам саодатdir. Адолат ва донолик ила демишлар: бирлик сайд-ҳаралклар учун, кўплашганлик — фикрлаш учун зарурдир. Ва бирори бошқасининг устидан мазаффар бўлмасин.

Мана, китобнинг мазкур қисми контекстидан келиб чиқадиган тиљакларим.

Ўзгалар эътирофи

Немис тадқиқотчиси Вернер Адам 1995 йилнинг январида "Россия ва унинг ислоҳотчилари" деган мақола чоп эттириди. У қўйидаги сўзлар билан бошланади: "Россияда ислоҳотлар ўтказишни хоҳлаган ҳар бир давлат бошлиғи лаънатга дучор бўлади. Бундай ислоҳотчи бошда маъқулланган, ва ҳатто, мақтовларга ишончи комил бўлиши ҳам мумкин. Унга осмондаги ойни узиб беришмоқчи бўлишади. Шундан сўнг у муно-

фиқлик, ёлғон, сотқинлик билан тұқнашади. Бирорлар, узоқ муддат имтиёзларға зәға бўлиб келганлар ўз мулкларини тишу тирноқлари билан химоя қиладилар. Бошқалар, олдин ҳам, ҳозир ҳам баҳт-саодат билан сийланмаганлар ҳаддан ташқари норозилик намойиш этадилар. Бу дунёда Россияни бошқаришдан мушкулроқ иш бўлмаса керак". Бу аччиқ сўзлар собиқ салтанатнинг барча посткоммунистик давлатлариға нисбатан айтилган ҳамдир.

Ислом Каримов бундан истисно эмас. У ҳақда нафақат ёмонлаб, балки яхшилаб ёзсалар-да, ҳатто баъзида ошириб юборишади. Мана, Ўзбекистон Президенти ҳақида мустақил кишиларнинг мулоҳазалари.

Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Ақаев: "Ислом Каримов — дўстни ҳеч қачон кулфатда қолдирмайдиган одам. Маълум маънода, мен уни ўзимга устоз деб биламан. Ўзбекистонда эндиликда қилингандар астойдил ўрганиш ва қабул қилишга муносибидир".

Шу муносабат билан Фарб, шу жумладан немис матбуоти баъзида Каримов ва Ақаев муносабатлари тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмаётган нарсаларни ёзаётгандари сабабли бир воқеа ҳақида хикоя қилиб бермоқчиман.

Воқеа 1994 йилнинг январида бўлган эди. Ақаев янги Конституция қабул қилиниши муносабати билан Президент сифатида ўзига қонуний тус бериши масаласи бўйича референдумни шу ойнинг охири кунига белгилади. Сиёсий вазият республикада ўта мураккаб эди. Ақаев муҳолифати кучга тўлиб бораради. Референдум натижаларини олдиндан ишонч билан фараз қилиш ҳеч бир мумкин эмас эди. Бу нарса баридан кўриниб турибдики, нафақат Ақаевни, қолаверса Каримовни ҳам ташвишга солди. Ҳар ҳолда у январнинг ўрталарида очиқасига жуда ҳам ишончли бўлмаган муносабат бўйича Бишкекка келишга розилик берди. Ва шундақаси ҳам бўлиб турар экан: Каримов қаттиқ шамоллади ва ётиб олди. Шифокорлар қатъий тўшак тартибини буюришди. Устига-устак, қирғизлар ютида сийрак учрайдиган қаттиқ совуқ ҳукмрон эди. Барибир, бемор Каримов Бишкекка учиб келди. У республика жамоатчилигининг истисно даражасида кўп одам тўплланган йигилишида ажойиб нутқ сўзлади. Ўзининг Ақаев билан шахсий дўстлиги ҳақида, бу дўстлик билан фахрланиш ҳақида, айнан Ақаев, Ўзбекистонда у билан Қирғизистон Президенти сифатида иш кўришни хоҳлашлари хусусида сўзлади. Буларнинг барчаси бағоят нозик, Шарқона лутфу карам ва Машриқона муомала билан сугорилган эди.

Ишончим комилки, Каримовнинг ташрифи референдум муваффақиятида арзирли аҳамият касб этди. Гап фақат Қирғизистонда кўп сонли ўзбек диаспораси истиқомат қилишдагина эмас. Ўш можаросининг тўхталишини, Қирғизистон жанубидаги миллатлараро кескинликнинг орадан кўтарилишини Президент Каримов билан боғлашади. Қирғизистон жамиятининг турли қатламларида Каримовнинг обруси жуда баланд.

Украина Президенти Леонид Кучма: "Ислом Каримов билан сухбатлар чоғида мен, шогирд сингари, ундан — у бозор ислоҳотларининг юқори амалий натижаларига қандай эришганини, у қандай қилиб иш-

лаб чиқариш, даражаси тушиб кетишига, одамларнинг қашшоқлашувига йўл қўймагани, ва хусусан, Ўзбекистоннинг жиноятчилик билан куршадаги муваффақиятининг асосий пружинаси нималарда мужассамлашганини билиб олишга интилдим. Эндиликда кучли ижроия ҳокимијатини сақлаб, олдинги давлат тузилмаларини инқилобчасига бузиб ташланишига йўл қўймаган Каримовнинг қанчалик ҳақ эканлиги ҳаммага аён бўлаётир".

Белоруссия Президенти Александр Лукашенко: "Биз, Ўзбекистонда тартиб ва интизомни кўрдик. Биз, белоруслар учун, бу ислоҳотларни қандай ўтказиш кераклиги ва ўтиш давридаги ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти нима эканлигининг кўргазмали мисолидир. Ўзбекистон халқининг баҳти бор экан, чунки унинг пешонасига Ислом Каримовдек йўлбошли битган".

ГФР Президенти Роман Херцог 1995 йилнинг апрелидаги Ўзбекистонга давлат ташрифи натижалари мавзусидаги ўз интервьюсида, жумладан шундай дейди: "Биз, Ўзбекистонда демократик жамиятга йўл бошлаганини кузатамиз. Президент Каримовнинг мамлакатда ижтимоий ҳаётнинг демократик органларини бунёд этишга дадил уринишлари шахсан мен учун шубҳасиздир. Ва бу муносабатда Ўзбекистондаги ишлар аҳволи, масалан, Қозогистондагидан кўра албатта яхшидир".

Р. Херцог Ўзбекистон ҳокимијати томонидан бу мамлакатнинг немис аҳолисига нисбатан юритилаётган сиёsatни, бу аҳолига чиқиб кетиш эркинлигининг, ҳозир яшаб турган жойларида ўз миллий қиёфасини сақлаб қолиш имкониятларининг ҳам ҳавола этилишини юксак баҳолади.

Истроил Бош вазири Шимон Перес ҳам Президент Каримовнинг миллий сиёsatи тўғрисида айнан шундай юксак фикрда. 1994 йилнинг августида Ўзбекистонга ташрифидан кейин у бу мамлакатда нафақат аксилсомийликнинг бирор-бир кўриниши йўқ, қолаверса, аксинча яхудий маданиятига ва динига самимий хурмат кўрсатилади, яхудийлар Истроилга чиқиб кетаётган пайтда зарур кўмаклар берилади, деб айтди.

Халқаро валюта Фондининг ижроия директори Даниэль Кайзер Америка — Ўзбекистон савдо палатаси томонидан Америка — Туркия кенгаши йиллик конференцияси кўмагида 1995 йил 19 январида ташкил этилган Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши бўйича семинарда республикадаги иқтисодий вазият Президент Каримовнинг стратегик сиёsatи натижасида собиқ Шўро Иттифоқининг фалаж қилиб даволаш асосида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошираётган кўпгина мамлакатларидан кўра анча-мунча яхши эканлигини тан олишга мажбур бўлди.

"Даймлер-Бенц" концерни Башқарувининг Раиси Юрген Штамп: "Биз, Президент Каримовни йирик давлат арбоби сифатида, иқтисодиёт масалаларида чукур мулоҳаза юритадиган сиёsatдан сифатида биласиз. У ўз ғояларига ўралашиб қолган сиёsatчи-назоратчилар сирасидан эмас. У амалиётчи-арбобдир".

"Век" (Москва) газетасининг ёзишича, кўпгина сиёsatчилар хурмат қиладиган чеченистанлик гуру ва башоратчи Султанбек Шерипов газета мухбирининг: "Собиқ Совет Иттифоқи худудида вужудга келган давлат-

ларда сизнинг талабларингизга жавоб берадиган раҳбар борми?" деган саволига: "Ҳа, бор, бу Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовдир. СССР парчаланиб кетгандан кейинги энг даҳшатли воқеалар Ўзбекистонда содир булиши керак эди. Лекин Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бунга йўл қўйилмади. У ерда истиқболни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар кўлами XXI аср Ўзбекистон асри булишидан далолат бермоқда. Каримовнинг митингларни тақиқлаши, унинг қирғизлар ва тоҷиклар билан муносабатларда чигал муаммоларни ечгани каби, бирдан-бир йўлдир. Каримов келажакда мусулмон дунёси бошқа маданият билан қарама-қаршиликларга дуч келишини илохий бир заковат билан англаб етди ва бу тўқнашув йўлига тўsic қўиди. Булар барчаси Ислом Каримовнинг буюк инсон эканидан далолат беради".

Ўшлиқ жамиятшунос Салима Шарипованинг гапларига ҳам қулоқ тутайлик: "Аёл кишининг ақли панд бериши мумкин. Лекин юраги ҳеч қачон адашмайди. Мен Қирғизистон фуқароси бўлсан-да, қалбим амри билан Ислом Каримовга, менинг Президентим, деб мурожаат қилишим мумкин. 1994 йил январь ойида Бишкеқда Ислом Абдуғаниевич сўзланган нутқни эшитгач, унинг фазилатлари ёнига яна бир хислат — мардликни ҳам қўшиб қўйдим. Бошқа ҳалқнинг аёллари тўғрисида бу қадар самимий ва мўътабар сўзларни айтган давлат раҳбари энг юксак ҳурматга лойиқдир. Мен Аллоҳ таолодан Ислом Каримовга баҳт-саодат тилайман".

Энди танқидий мuloҳазаларни ҳам эсдан чиқармайлик. Улар ҳам оз эмас. Улар қаторига Farb ва айрим Россия оммавий ахборот воситалари хизматидан И. Каримовни танқид қилиш учун фойдаланаётган маҳаллий мухолифат ҳам киради. Улар танқид қилишда Farb манбаларидан кенг фойдаланишмоқда. Ҳуқуқ ҳимоячилари, журналистлар, публицистлар, профессионал тадқиқотчилар (сиёsatшунослар, жамиятшунослар) — барчаси танқидчилар сафини тўлдириб турган кишилардир.

Ўзбекистон Президенти танқидларининг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда мухолиф партиялар тақиқланган;
- оммавий ахборот воситаларини қаттиққўл цензура назорат қилади, ахборот тарқатишга давлат яккаҳокимлиги сақланиб қолган;
- ҳурфиксрилар жиноятчилар сифатида таъқиб қилинади.

Рад этиб бўлмайдиган муайян фактлар китобнинг бошқа бўлимларида куриб чиқлади. Бу ерда эса умумий кўринишдаги айрим мuloҳазалар билан ўртоқлашмокчиман.

Д. Карлайл қуйидагиларни ёзади: "Президент Каримовнинг ролига баҳо беришда ҳиссиятларга берилиш ярамайди. У ҳақда фақат бугунги кунда Ўзбекистон олдида турган қийинчиликлар ва иккиланишлардан келиб чиқиб фикр юритиш мумкин. Унинг фаолиятидаги манфий ва мусбат жиҳатларга мавҳум тушунчалар ёрдамида эмас, аксинча, аниқ ва мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда баҳо бериш мумкин. Тарих

идеалларига ўралган мавхумлик алдамчи эканини кўп марта исботланган. Агар уларнинг орқасидан кетилса, мақсадга етиш ўрнига жарга қулаб кетиш ҳеч гап эмас" (164-с). Д. Карлайлнинг фикрича, Каримовнинг мухолифат билан муносабатини баҳолаётгандা, аввало, 1992 йили Ўзбекистон сиёсий ҳаётида рўй берган воқеаларни эсдан чиқармаслик керак. Бу воқеаларга мухолифат бевосита алоқадор эди. Президентга қарши кучлар уюштирган талабалар намойиши кейинчалик оммавий тартибсизликларга айланиб кетган, алал-оқибат одамлар ўртасида курсон берилишига сабабчи бўлган эди. Сўнгра Президентга қарши тарғибот кўринишидаги сурбетларча кампания авж олиб кетди. Бунда имкон қадар оммавий ахборот воситаларидан фойдаланилди.

Йилнинг ўрталарига келиб, тоҷик мухолифати бошлаган фуқаролар уруши қисқа вақт ичидан ўн минглаб одамларнинг ёстигини қутилди. Ўзбек мухолифати тоҷик мухолифати билан ош-қатиқ бўлиб, Каримовга қарши биргаликда курашга даъват эта бошлади" (167-169 с.).

Мен Д. Карлайлнинг мулоҳазаларини тўлдирмоқчиман. Тошкентда 1992 йилнинг 16-17 январида содир бўлган талабалар ўртасидаги тартибсизликлар ўзининг шафқатсиз ур-сур ва жаҳолати билан Каримовни ташвишга солиб қўйди. Менинг фикримча, Фарғона ва Қўқондаги қонли воқеалар шарпаси ҳали унинг хотирасидан кетмаган эди. У иккиланиб ўтирасдан, тартиб ўрнатиш учун куч ишлатишига фармойиш берди. Оқибатда икки талаба ҳалок бўлди, ўнларчasi яраланди.

Бу тартибсизликлар тўғрисида кўп ёзилди: талабаларга вақтида сўм-купон берилмагани ва оқибатда улар нон сотиб ололмагани, уларнинг майший ҳаёти хароблиги, ижтимоий жиҳатдан химояланмаганилиги ва ҳ.к. И. Каримов кўп ўтилай, Тошкент жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви чоғида: "Талабаларнинг тартибсизликлари анча таъсир кучига эга бўлган мухолиф ҳукмрон доира-лар гурухи уюштирган фитнанинг оқибати эди", деб айтди.

Фарб матбуоти ҳали-ҳануз тартиббузарлар қурол ишлатиш йўли билан тинчтилганини эсдан чиқармайди. Россия демократик матбуоти ўша вақт ҳам, ҳозир ҳам айнан шу руҳда ёзмоқда. Иқтибос келтиришим мумкин: "Демократик жамиятда норозиликларга нима сабаб бўлганидан қатъи назар, бу қадар қонли исёнга қонгаботирар даражадаги бемазагарчиликларга олиб келиши мумкин эмас".

Бу ҳақиқий аҳволдан мутлақо бехабар бўлган кишиларга мўлжалланган иккизламачиликдан бошқа нарса эмас. Мен 1993 йил 1 май куни Нью-Йорк шахридаги оммавий тартибсизликларнинг гувоҳи бўлганман. Унда Американинг қора танли ахолиси суднинг ирқий нуқтаи назардан чиқарган адолатсиз қарорига қарши норозилик намойишига чиққанида, полиция кескин ва шафқатсиз тартиб ўрнатган эди. Немис полицияси ҳам 1995 йил 6 август куни Ҳанновер кўчаларида қонли тўполон уюштирган панкиларнинг эсини киритиб қўйиш учун бор воситаларни аямаган эди. Москвадаги октябрь (1993) қонли тўқнашувлари тўғрисида эса гапирмоқчи эмасман.

Мен Ўзбекистоннинг "Бирлик" ва "Эрк" демократик ҳаракатлари вакилларининг 1992 йили Шаҳидондан туриб, "Ҳақиқий демократия йўлини тутган тожик биродарларимиз коммунистик режим хукмрон мамлакатларда яшаётган кишиларнинг барчаси учун ҳақиқий намунаидир", деган гапларини бир неча мустақил манбадан ўқиган эдим. Шундан бир неча кун ўтиб, ўша "демократлар"нинг Исломнинг яшил байроби остида қилган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшйилкларини эшитиб, юраклар қонга тўлган эди. Бунга дунё ҳамжамияти гувоҳ.

Мен шуни дадил айтишим мумкинки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуqlари ҳақиқатан ҳам бузилгани тўғрисидаги маълумотларни Президент, умуман, эшитмаган ёки улардан, воқеа содир бўлгач, хабар топган. Бундай қонунбузарликлар учун давлат маъмуриятининг мансабдор шахслари бевосита жавобгардир. Бу ерда садоқат ва эътиқод ниқобини кийиб олган кимсалар, ҳатто, ҳокимиётнинг энг юқори поғоналарида ҳам оз эмас.

Ўзбекистондаги марказий, минтақавий ва маҳаллий давлат аппаратини Президентга менгзаш тўғри эмас. Бу аппарат бутунлай бошқа олам, жуда хилма-хил, кўп жихатдан зиддиятларга тўладир. Унинг таркибида Президентга садоқат билан хизмат қилаётгандар ҳам, ёки бўлмаса эгаллаб турган лавозимидан айрилиб қолишдан кўрқиб, ўзини фойдали иш билан шуғулланаётгандай қилиб кўрсатаётгандар ҳам оз эмас. Улар Президентнинг ғоя ва қарорлари амалга ошишига тўсиқ бўлади ёки уларни нотўғри талқин қиласи, негаки, бу уларнинг фаразли манфаатларига ёки яширин душманлик кайфиятига сираям мос келмайди.

Мазкур мулоҳазалар сирасида Президент Каримовнинг доимий ва изчил муҳолифатларидан бири, публицист Лерман Усмоновнинг 1992 йили "Альтернатива" сиёсий клубида айтган гапларидан парча келтириш, менимча, зиён қилмайди: "Нега ҳамма нарса учун Каримов жавоб бериши керак? Унинг командаси қани? Наҳотки, бир киши шундай оғир юкни тортиши керак? Бундан Президентнинг ўзи ҳам шикоят қилган эди. У ҳақиқатан ҳам ёрқин, ўзига хос ва фикрлайдиган шахс. Қани унинг ҳасад ва писмиқликни билмайдиган, ўз халқи тақдири тўғрисида ундан кам кайғурмайдиган, ўз дастурини ва мавжуд тангликтан чиқишининг бошқа йўлини таклиф этаётган муҳолифлари?" Менимча, бу ерда изоҳнинг ҳожати йўқ.

Умуман, Президент Каримов ғарблик танқидчиларга эътиroz билдириши мумкин. Менинг ишончим комилки, ғарбликлар, айниқса, собиқ коммунистик мамлакатлардаги сиёсий воқеликка фалсафий муносабат билдириш даражасига кўтарила олишмаяпти. Улар ушбу минтақадаги воқеалар ривожини ақлан идрок эта олмаяптилар.

Танқидчилар орасидаги соғлом тафаккурли теран файласуфлар ўрнини у ёки бу қофозда қайд этилган ақидани ишининг асосий мезони деб биладиган зиёлилар эгаллаб олган. Ўша принципларни эса ёллаган мутахассислар тайёрлаб беришади.

Уларнинг фикрича, Президент Каримовнинг қарорларидан бирортаси Фарбда шаклланган муйян ақидага тұғри келмай қолдими, демек, нотұғри қабул қилинган. Бу қарорнинг туб миллий манфаатлардан келиб чиқиб қабул қилингани билан эса ўша танқидчиларнинг бир чақалык иши йўқ.

Шу ўринда бир мулоҳаза ўринли, деб ўйлайман. Америка Қўшма Штатлари асосчилари ҳар бир халқнинг идеаллари ва уларни амалга ошириши йўллари турлича бўлиши мумкинлигини яхши тушунишган. АҚШнинг 1776 йили қабул қилинган мустақиллик баённомасида ҳар бир халқнинг ҳокимияти ўз хавфсизлиги ва баҳт-саодати учун мувофиқ келадиган тарзда ташкил этиш ҳуқуқи ўзгармас ҳақиқат экани таъкидланади.

Ўзбекистон Президентининг мухолифлари, авторитар ҳокимиятми ёки демократик ҳокимиятми, қабилидаги дихотомия¹ тўғрисида гапиргандада жамоатчиликни (балки, ўзларини ҳам) алдашади. Мавҳум мушоҳада эмас, реал ҳаёт тўғрисида гап кетганда, бундай бўлиниш ўзи йўқлиги маълум бўлади. Бугун бу ерда бошқа бир бўлиниш кўзга ташланади: ё демократия ва бозор иқтисодиёти асосларини яратадиган кучли ижро ҳокимияти, ёхуд мухолифат иштирокидаги, коалицион кучсиз ижро ҳокимияти. Мабодо, иккинчи йўл танланса, Ўзбекистонда демократия ва бозорга йўли узунроқ ва машақатлироқ кечиши турган гап.

Президент Каримовни танқид қилишга боғлиқ масалалар ичida қуидагиси эътиборга молиқдир. Farb мафкурачилари ўша ернинг ўзидағи муаммолар тўғрисида баҳс юритиб қолса, улар бир-бири билан тил топиша олади, ўртадаги баҳс ҳам осойишта ва маърифатли йўсинда кечади. Унда фикрлар хилма-хиллиги ва мавжудлигининг принципиал имконияти тан олинади.

Собиқ коммунистик мамлакатлар тўғрисида баҳс очилиб қолса борми, бунинг бутунлай акси кўзга ташланади. Унда асосий қадриятларга бўлган қарашларни ўзида ифода этувчи ижтимоий муроса унсурлари қаёққадир гумдон бўлади. Ўзбекистондагига ўхшаш янги бир вазият юзага келса, ўртага абжаги чиқиб кетган далиллар тушади, баҳс жараёни ҳам қўпоплашиб кетади. Мен ўта қўпоплашиб кетади, деб айтган бўлардим. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Германия газета ва журналларида ГФР Президенти Р. Херцогнинг 1995 йил апрель ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи муносабати билан босилиб чиқкан айrim мақолаларни ўқиши кифоя. Мен мақолаларнинг мазмуни ва услубини назарда туваётганим йўқ (Frankfurter Allgemeine Zeitung, 07.04.1995; Frankfurter Rundschau, 03.04.1995; Focus, 1995, 14, S.310-312 ва бошк.) Булар барчаси Ўзбекистонга МДХ мамлакатлари орасида энг истиқболли шерик сифатида катта қизиқиш билан қараётган мамлакат матбуотида чоп этилган. У ҳолда бошқа Farb мамлакатлари матбуотидан нимаям гина қилиш мумкин?

¹Дихотомия (юнонча)— бир бутуннинг икки қисмга бўлиниши дегани (нашр.).

Фарб билан мuloқот чоғида унинг профессионал ва маънавий ютуқларига қойил қолиш билан бирга шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, Фарбнинг дунёнинг бошқа кисмларига бўлган муносабатида бир ички иллат бор. Бу иллат, одатда, "қалбаки билим", яъни мафкура тушунчалиги билан боғлиқ. Гапнинг пўсткаласини айтганда, Фарб сиёсатчилари ўз даъволари, хатти-ҳаракатлари ва маслаҳатларини асосламоқчи бўлаётган файритабиий гояларга ақл бовар қилмайди. Пиночетнинг америкалик маслаҳатчилари бўлгани учун ҳам Чилини гуллаб-яшнатди. Эрон шоҳининг ҳам америкалик маслаҳатчилари бор эди. Лекин улар ҳокимият тепасига Ҳумайнини чиқариши ва бу мамлакатда Фарбни чўчитиб юборган Ислом мутаассиблиги қарор топишига имкон туғдирберишиди.

Фарбнинг ўзига таниш бўлмаган воқелик билан боғлиқ вазиятни аник баҳолай олмаслигига яна бир ажойиб мисол: улар, дейлик, Тожикистондаги қарама-қаршиликларга муносабат билдиришда доимо одатдаги "демократлар — коммунистлар" дихотомиясига мурожаат қилишдан чарчамайди. Бир қарашда бу тушунчаларнинг у ердаги воқеалар тўғрисида мушоҳада юритиш учун мутлақо яроқсизлиги ҳаммага равшандай туюлади, бироқ Фарб учун у ерларда "ёвузлик" ва "яхшилик"ни топиш ўта мўҳимдир. Бу ҳол у ерда ижтимоий воқеликка нисбатан муносабат билдиришнинг яккаю ягона усулидир. Ҳаётнинг ўзида эса бундай дихотомия йўқ, машҳур шоирона ташбиҳдагидай ҳамма нарса қоришиб кетган: "Комиссарларда самодержавие руҳи бор, подшолар инқилобий тўполонлар истайди".

"Демократлар — коммунистлар"га тааллукли мафкуравий тушунчадан сал чуқурроқ ковланса, дунёқарашларнинг барча гарбликларга тегишли асосий қатламига дуч келиш мумкин. Бу қадриятлар қиёсийлигидан, ҳокимият ва мухолифатнинг ҳалқ учун фойдалилик даражасидан қатъи назар, маълум бир мамлакатлар демократиянинг ҳокимият ва мухолифатнинг ўзаро маданий муносабати учун зарур бўлган иқтисодий, маданий, сиёсий, ҳуқуқий инфраструктураси бор-йўқлигидан қатъи назар ҳокимиятга мухолифат бўлиши керак, деган "муқаддас" тушунчадир.

Табиийки, Фарб бугунги кунда мухолифат ҳуқуқини муқаддас принцип даражасига кўтариши мумкин. Бироқ, уни умумбашарий ва "табиий" ҳуқуқ сифатида ҳимоя этаркан, у ўзининг ижтимоий-сиёсий демократик инфраструктураси юксак даражада шаклланганини, у ерда ҳуқмрон темир интизом ва, энг асосийси, мухолифат мазкур инфраструктура тараққий этгани ва интизом мустаҳкамлиги туфайли принциплар нуқтаи назаридан конструктив экани, ҳеч бўлмаганда, бузғунчи эмаслигини мутлақо англаб етмаган кўринади.

Билишимча, ҳали кўпчилик Фарбда жамиятни ривожлантириш йўллари тўғрисида баҳс бўлмиш демократиянинг орқа тарафида ҳануз собиқ коммунистик мамлакатлар ҳалқи тушунчага эга бўлмаган мутараққий бюрократия ва бошқарув усули борлиги, фуқаролик жамияти даражада

сидаги эркинликнинг эса иш жараёнида баҳсларга мутлақо ўрин қолдирмайдиган тартибдан иборат тескари томони ҳам мавжудлиги ҳақиқатини идрок этмаганга үхшайди.

Мухолифат ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларнинг унчалик етилмаган ҳолати — буни ҳар бир жамият демократияга эришиш йўлида босиб ўтиши керак — яратувчиликдан кўра кўпроқ бузғунчиликларга сабаб бўлади. Фарбликлар бу тарихий фактдан кўз юмишади.

Улар кўрмаётган ва тушунмаётган нарсаларни Президент Каримов яхшироқ кўради ва тушунади. Унинг кучи ҳам, Ўзбекистон халқи учун қадр-киммати ҳам ана шунда.

Икки йиллар чамаси олдин москвалик киночилар Ўзбекистон Президенти тўғрисида кичикроқ бир фильмни суратга олишган эди. Бу фильм маҳорат билан ишлангани, асосийси, И. Каримов характеристири ва хусусиятларининг айrim чизгиларини беришда аниқлиги билан менга ёқиб қолган эди. Айниқса, иккита сюжет хотиралига муҳрланиб қолди.

Биринчи сюжет: Каримов мұхбир билан сұхбатлашмоқда. У ҳамсұбатига қулоқ солади, уни тушунишга ҳаракат қиласади, баҳслашади, унинг гапларига қўшилади. Нихоят, у қандайdir бамаъни янгиликдан боҳабар бўлганига қувонади. У бундай дақиқаларда яшариб кетади, гайрати жўшади, томошабинни ўзига мафтун этади. У — одамлар билан мулоқот қилишни ва бунда ҳаётининг мазмунини кўраётган киши.

Иккинчи сюжет: Каримов ишдан кейин боғидаги дарахтлар тагига қўйилган ўриндиқда ўтириби. Чарчоқдан хиёл букчайган, бақувват қўлларини тиззасига қўйган кўйи хаёлга чўмади. Бугун оғир ва машаккатли ишларни уddeлаган, эртага ўзини бундан-да оғирроқ ва машаккатлироқ ишлар кутаётган инсон.

Асл айнимас. Бу доно сўзларни кейинги йилларда рўй берган сиёсий воқеалар кўп марта тасдиқлади. Қайта қуриш давридаги кўпгина демократ раҳбарларнинг баёнот ва бақир-чақирларидан ном-нишон ҳам қолмади. Умр бўйи сўзлар эмас, воқеликлар оламида яшаб келаётган Ўзбекистон Президенти эса ўзи раҳбар бўлган мамлакатнинг оламшумул ютукларини ўз халқига ҳам, жумлаи жаҳонга ҳам бирдай кўз-кўз қилишга минг бор ҳақлидир.

ИККИНЧИ БОБ

ТАРИХ АЛГОРИТМЛАРИ

Фарб, бу — Фарб, Шарқ, бу — Шарқдир

"Алгоритмлар" атамаси кенг тарқалган фалсафий маънода хатти-ҳаракат йўлларини белгиловчи дастурни ифодалайди. Тарих алгоритмлари дейилгандан ҳам айнан шу маъно назарда тутилади. У ҳалқ ҳаётининг тарихий кодига баробардир. Атамадан буюк ўзбек алломаси ал-Хоразмийга эҳтиром сифатида китобда фойдаланилди. Лотинча транскрипцияси — algorithmu. Сўз ҳам шундан келиб чиқкан.

Хотиралар, умуман олганда, исталган этноснинг барқарорлигини ташувчи кудратли кучдир. Бу маданий анъаналарнинг эстафетаси. Тарихни ҳалқларни унутилиш алғов-далғовидан чиқишида ёрдам берадиган Олтинқозиқ туркумининг йўлбошловчи шуълалари билан бекорга қиёсламайдилар. Ҳалқнинг тарихий хотираси унинг ўзига ҳам, бутун дунёга ҳам керак.

Қирғизистон Республикаси Президенти АҚШ Конгрессида ёхуд Колумбия университетидаги нутқларида демократия Қирғизистонга Олатов тизмаларидан тушгани ҳақида, унинг илдизлари қирғизларнинг минг йиллик тарихга эга ҳарбий демократиясида эканлиги тўғрисида сўзланганда бу таассурот уйғотади, бу мамлакат ва Президентининг ажойиб қиёфасини шакллантиради.

Латвия ва Эстониянинг давлат арбоблари уларнинг ҳалқлари бир неча асрлар муқаддам гарбий европача дунё "сафига тизилгани" ҳақида астойдил кўйиниб эслатишар экан, бу ҳам таассурот уйғотади.

Хўш, ажойиб тарихга эга Ўзбекистон бундай пайтда ўзини қандай тутсин? Дарвоқе, у, ёлланма ахборотлар деб аталадиганларидан ташкири, дунёга ўз буюк ўтмишининг, ўз инсонпарвар маданиятининг моддий далилларини ҳам ҳавола этиши мумкин.

Кечган замонларнинг нафаси қадимги цивилизацияларнинг афсонавий гўзал пойтахтларида: Шарқ дурдоаси Самарқандда, Ислом муқаддас шахри Бухорода ёхуд очиқ осмон остидаги шаҳар бўлмиш Хеввада кезиб юради.

Шарқнинг етук тадқиқотчиси Ҳерман Вамбери ўтган асрнинг ўрталарида шундай ёзган эди: "Бошида Хева қўрқинчли манзаралари саробдек кўз олдимда турган саҳро билан қиёслаб олганда менга шундай гўзал туюляпти, деб ўйладим. Бироқ, мен улуғвор толлар кўланкасидаги ихчамгина қўргонсимон ҳовлиларга, далалар, ўтлоклар ва экинзорларга эга Хева теваракларини бугун Европанинг ҳар турли бурчакларида бутун кўришга мушарраф бўлганларимдан аълороқ эканлигини теран ҳис қилдим. Агар Шарқ шоирларининг ғазаллари ҳамишадаги-дек янграб турар экан, Сиз биронта ҳам муносиб қиёс топа олмайсиз".

Бугун ҳам — миноралари билан, масжидларнинг сержило гумбазлари билан, саройларнинг улуғвор пештоқлари билан ҳошияланган майдонлар, Шарқона ҳаёт бозор сари оқаётган айқаш-үйқаш торқуҷалар,— ҳар қандай мамлакат ҳам эга бўлавермайдиган тирик тарихий ҳужжатхонадир.

Ўз отаси Билга-ҳоқон ва ўз амакиси Кул-тегин қабртошларидағи битикларининг муаллифи, VIII аср турк адаби Йўллуқ-тегиннинг шундай сўзлари бор: “Авлодларнинг биринчи бурчи — ўз аждодларини унутилишдан асраб қолишдир. Ўшанда шафқатсиз ва қудратли вақт улар устидан ҳукм юрита олмайди”.

Шу ўринда таникли шарқшунос аллома С. Ф. Ольденбургнинг қуйидаги пайғамбарона сўзларини келтириб ўтиш, чамамда, ўринли бўларди: “Рӯҳ соҳасида буюк яратувчи бўлмиш кўхна Шарқ бизга ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган абадий образларни берди. Янги Шарқ ҳам буюк имкониятларга тўла, кўхнасининг аҳдлари унда сўнгани йўқ, лекин у уларни янги образларга татбиқ қилиши, янги ютуқлар тақдим этиши лозим”.

Алоҳида цивилизациями?

Халқ ҳаётининг Ўзбекистондаги кўп асрлик тарихи ўзбек миллий характерининг ғоятда жиддий ўзига хосликларини белгилаб берди. Ўзбекларнинг меҳнатга, турмушга, ўз тақдирига муносабатини, аниқроғи, ўз тақдирига жавобгарлик ҳиссини. Ҳар ҳолда, камина М. Е. Салтиков-Шчедриннинг ўз ватандошларига нисбатан ёзилган қуйидаги мушоҳадаларини ўзбекларга таалуқли деб топишга таваккал қила олмайман:

“Биз, барча тайёрининг бошида баковул бўлиб яшаш учун туғилганиз, бошқа халқлар томонидан кўплаб зўр беришлар ва миянинг ҳаддан ташқари ишлатилиши эвазига забт этиладиган муайян юксакликка кўтарилиш учун ҳеч қандай меҳнатнинг кераги йўқ, деб ўйлашади. Надоматлар бўлсинки, халқнинг замирида ташқи ёрдамга қандайдир фаталистик умидворлик ётадиган бундай одатлари бу фалати тасаввурни керагидан ортиқча оқлаб юборади”.

Америкалиқ таникли тарихчи ва жамиятшунос Фрэнсис Фукуяма бундан ўн йил муқаддам “тарих ниҳояси” атамасини илмий муомалага киритган эди. Бу атама бошда ўзининг буткул ошкора зиддиятлилиги билан илмий тафаккурни хижолатга солган эди. Кейинчалик унга кўнидилар ва, чамаси, тамомила йўл қўйса бўладиган фараз сифатида қабул қилдилар. Табиийки, айни ҳолатда “тарих ниҳояси” инсон ҳаётининг барча ташқи жиҳатдан намоён бўлишларида ҳаракат йўқ деган маънода эмас, балки инсоният барча тарихий сюжетлардан фойдаланиб бўлган қабилида тушунилади. Ф. Фукуяманинг фикрича, либерал демократия ижтимоий ташкил этишнинг гултожи саналадики, ўёнга-буёнга ташлаб кўрсанг ҳам, барibir устунроқ бирор нарса ўйлаб тополмайсан.

Эҳтимол, буларнинг барчаси чиндир, ҳар ҳолда бу бағоят янги ва ўзига хос тоғани осонгина рад этиш ёхуд йўқقا чиқаришга йўл қўйиб бўлмайди. Айни чоғда ҳар бир халқ ўз тарихини ўзи битади ва ўз тарихини ўз майлича қайта ёзиб чиқади дегувчиларни ҳам маъқулламаслик мумкин эмас. Қисқаси, ҳар бир халқнинг, образли қилиб айтганда, ўз "тарих ниҳояси" бор.

Агар ишлар айнан шу йўсун юзага чиқадиган бўлса, унда "кечаги Ўзбекистон — бугунги Ўзбекистон" муаммосига ё ичдан, ёхуд ташқаридан бош суқиш, шунга ишончим комилки, Фарбона андозалардан, шу жумладан, либерал демократиядан ҳам кўр-кўронна нусха омилини йўқقا чиқарадиган ҳаёттий куч-қудратини сақлаб қолган ўзбек миллий анъаналари омилини теран англашга ўзини уринтирмасдан туриб ҳеч мумкин эмас. Мазкур тизилган мулоҳазалар бу мамлакатда жамият ҳаётини демократиялаштиришнинг ҳозирги стратегиясини ишлаб чиқиш учун ўта мухимдек туюлади.

"Мустаҳкам яхлитлаштирилган мусулмонча анъанавий жамият,— деб ёзади Д. Карлайл,— Ўзбекистонда асрлар мобайнида мавжуд бўлган. У шуро даврига бардош берди ва коммунистларнинг уни йўқ қилиб ташлашга ашаддий уринишларига қарши чидаб келди. У, умуман олганда, замонавий ҳаётдан келиб чиқадиган ўзининг ички яхлитлигига тазиик қаршисида таслим бўлмади. Ва алалоқибатда "анъанавийлаштирилган ҳозирги замон" ёхуд "замонавийлаштирилган анъанавий тартибот" деб аташ мумкин бўлган доимиийлик юзага келди".

"Оила ва дўстлар, танишлар ва хеш-акраболар, уруф ва сулола, тоталитар коммунистик давлатнинг сунъий ихтиrolаридан эмас, халқнинг жонли ҳаётидан келиб чиқадиган воқеаликнинг асосий унсурлари бўлиб қолаверади" (17-с.).

Ўзбекистоннинг янгиланиши, чамаси, собиқ Шўро Иттифокининг бошқа янги мустақил давлатларидағи тегишли жараёнлардан, устига-устак Шарқий Европа мамлатларидағи мувоғиқ жараёнлардан жуда катта фарқланувчи ўзига хосликлар билан кечади.

Бунда жамият қурилишининг (иктисодий, сиёсий) етишиб турган модернизациясининг обьектив талаблари, иқтисодий, сиёсий, маданий аҳволи ва кўпгина бошқа нарсалар ўртасидаги узилишларни инобатга олмасдан бўлмайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда содир бўлаётган ислоҳотлар Farbий Европа ва АҚШнинг тарихий тараққиётида асрлар давомида тақдири тугал ҳал ечилган турли-туман жараёнларни: эркинлик қадрияларини, шахс мустақиллигини шакллантириш ва айни чоғда адолат, баҳт-саодат, ҳаёт мазмуни тўғрисидаги муайян тасаввурлар билан жипслашган этносни ривожлантиришни биргаликда ҳал қилиш вазифасини адо этиши лозим.

Тасаввуримча, дунё Ўзбекистон мисолида алоҳида цивилизацийий киёфа кучайиши билан, ўзига хос цивилизацийий ўз-ўзини англашнинг ўсиши билан иш кўраётир.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, инсоният тарихида йигирмадан ортиқ цивилизация ва бундан-да кўпроқ субцивилизацияларнинг шоҳиди бўлган экан. Улардан кўпчилиги ҳозирги дунёда ҳам амал қилаётир. Фарб, Ислом, конфуцийлик, япон, православ-славян, Лотин Америкаси, Африка цивилизациялари шулар сирасига киради. Европа ва Шимолий Америка, турк ва араб сингари субцивилизациялар ҳам бор. Фарб ва Шарқ: икки суперцивилизация саналади.

Цивилизациялар энг юксак тартибдаги маданий муштараклик, кишилар маданий қиёфасининг энг кўламли даражаси бўлган ва шундайлигича қолади. Улар бугунги кунда ҳам тил, тарих, дин, удумлар сингари умумий, мутлақо объектив жиҳатлар мавжудлиги билан бир-биридан ажралиб туради. Турли цивилизацияга мансуб кишилар индивид ва гурух, фуқаро ва давлат, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларга турлича қарайдилар, хукуклар ва мажбуриятлар, эркинликлар ва мажбуриятлар, тенглик ва иерархия мутаносиблиги тўғрисида ҳар хил тасаввурларга эга бўладилар. Бу тафовутлар юз йиллар давомида жамланади. Улар мафкуралар ва сиёсий тартиблар ўртасидаги тафовутларга қараганда янада бардошли бўлади.

Гарбнинг энг нуфузли сиёsatшуносларидан бири Гарвард университетининг профессори Сэмьюэль П. Хантингтон шундай ёзади: "Дунё чиндан ҳам мулокот воситалари (коммуникация) кучаюви оқибатида, ҳалқлар ўртасидаги ўзаро алоқалар кучаюви натижасида борган сайин торайиб бормоқда, аммо интеграция ва табақаланиш бирлиги қонунига кўра бу цивилизацийий ўз-ўзини англашнинг ўсишига, муайян цивилизация доирасида муштаракликнинг кучайишига, улар ўртасидаги тафовутни англаб этишга олиб келади". "Маданий ўзига хосликлар ва тафовутлар,— таъкидлайди у,— иқтисодий ёхуд сиёсийсидан кўра камроқ ўзгаришга учрайди. Собиқ Шўро Иттифоқидаги коммунистлар ўзлари буни хоҳлаган тақдирда демократга айланиши, ишчилар деҳқонлар турмушига ўтиши мумкин эди, бироқ рус кишиси, буни нақадар хоҳласин, эстонга, озарбайжон эса арманига эврила олмайди (Samuel P. Huntington. The Clash of civilisation. New-York, 1993).

Ва, Редъядр Киплингнинг "Шарқ ва Фарб ҳақида баллада" сидан: "Ў, Фарб, бу — Фарб, Шарқ, бу — Шарқдир. Улар Еру кўк ҳали кўрқинчли қиёмат кунида кунпаякун бўлмагунча бир жойда бошларини қовуштирмайдилар" сўзларининг Президент Каримов томонларидан кўчирма сифатида келтирилишини даъво қилувчи санаш адолатдан бўлиши эҳтимолдан холидир.


Жаҳон бир маданий ва умуман цивилизацийий қадриятларни бошқа маданиятга ва бошқа цивилизацияга олиб ўтишдаги истисно қийинчиликлар билан мусулмон мамлакатларни фарблаштириш деб аталади-



Харита



Президент ИСЛОМ КАРИМОВ



Президент И. КАРИМОВ Бухоро вилояти махаллаларидан бирининг
оқсоқоллари билан учрашмоқда




Президент И. КАРИМОВ Россия Федерацииси ҳукуматининг Раиси
В. Черномирдин билан Самарқанд шаҳридаги Музлатгичлар заводида



Президент И. КАРИМОВ атоқли адаб Ч. Айтматовга "Дўстлик" орденини топширганидан сўнг



Президент И. КАРИМОВНИНГ Нью-Йоркдаги ўзбек диаспораси вакиллари билан учрашуви, 1993 йилнинг сентябрини



Президент И. КАРИМОВ Бош Ассамблеянинг БМТ 50 йиллигига бағишенган махсус тантанали мажлисида нутқ сўзлаётир, 1995 йилнинг 24 октябри



Президент И. КАРИМОВ "Америкен интернешнл груп" кенгаши аъзоларига нутқ сўзламоқда, 1995 йилнинг 23 октябри, Нью-Йорк



Республика пойтахтининг қоқ марказида Амир ТЕМУР ҳайкали
ўрнатилиши — тарихий адолатнинг қайта тикланишидир



15-асрнинг буюк мунажжими-алломаси ва давлат арбоби
Улугбекнинг Нукусдаги ҳайкали




Хева — жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири



Шайхонтахур мадрасасининг инқилобгача кўриниши,
Тошкент шаҳри



Буюк ўзбек шоири Fafur Fулом қаламкаш дўстлари даврасида
шеър ўқимоқда



Иккинчи жаңын уруши даврида турли миллатларга мансуб 14 етимни асраб олган темирчи Шоаҳмад ота Шомаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи Баҳри аяга ўрнатилган мажмуавий ҳайкал, Тошкент шаҳри

ган жараёнда тўқнаш келди. Япония ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бу муаммоларга ягона маънодаги жавоб топиш қийин, баъзида эса имконияти бўлмаган кўплаб масалаларни ўртага ташламоқда. У ёки бу давлат бошлигининг ўз мамлакатини Farb андозалари томон буришга дадил зўр беришларига қарамай, одатда, эрта ё кеч сезиларли ортга кетиш бошланади.

Маълумки, швейцарияларнинг фуқаролик ва бошқа барча кодексларини қатъий ўзлаштиришдан тортиб ҳожидўппи кийишни ман этишгача борган Камол Ота Турк Туркияning ялпи гарбча маданийлашувини амалга оширишга интилган эди. Ҳозир бу мамлакатда Шарқ мусулмон маданияти уйғонишининг кўплаб нишоналари кўзга ташланади. Бугун Туркия бошқа мусулмон мамлакатлардан анча-мунча кам фарқ қиласиди, камолчилар инқилоби муваффақиятларидан кейин буни фақат тахмин этиш мумкин эди, холос. Farb ҳам, ўз навбатида, Туркияни ўз уюшмасига қабул қилишда иккиланиб турибди.

Цивилизациавий қадриятларнинг ўта кучли муҳофазакорлиги намунаси Япония саналади. Мэйдзи даврида деярли барча француз ва немис кодекслари таржима этилган ва уларнинг асосида тегишли япон кодекслари ва қонунлари қабул қилинган эди. Америка ҳукуқий доктриналарининг кучли таъсири остида 1946 йилда Японияда Конституция ишлаб чиқилган эди. Бирок, гарбча намуналаридан нусха кўчирилган ҳукуқлар Япония ижтимоий ҳаётининг арзимас қисминигина тартибга солиб туради.

Гап шундаки, Японияда ҳеч вақт мустаҳкам илдизлари мавжуд бўлмаган Farb ҳукуқлари индивидуалликка асосланган. Европача намунасади кодекслар томонидан тақозо этиладиган ижтимоий тузилмалар ва либерал рух япон воқелигида арзимас даражадагина мавжуд бўлди. Японлар учун муҳими — қонунлар эмас, балки анъаналар бўйича жорий этилган муомаладаги меъёрлардир. Судлар Японияда анча-мунча фаол, лекин хусусий шахслар ўртасидаги муносабатлар соҳасида улар фолиятининг катта қисмини ишни таг-туби билан ҳал этиш эмас, муроса ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, бунда изоҳнинг ҳожати йўқ. Цивилизация намуналари ва намуначиллари етарлича муайян ва ўта жиддий иш эканлиги маълум бўлади.

Шундай қилиб, миллий тикланиш Ўзбекистон халқи учун — кимлардир Farbда санагани сингари ҳар ҳолда ўтмишни ва ривоятга айланган турмушни қайта тиклаш эмаслигини воқелик сифатида қабул қиласиз. Бунда муаммолар бир неча карра кўламлироқдир. Сўз турмуш тарзи хусусида, ижтимоий — ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий ва хусусан, ижтимоий муносабатлар ҳамда кўплаб асосий масалалар устида бораёттир.

Тағин бир мулоҳаза. Ўзбекистон жойлашган минтақани турлича атайдилар: Туркистон, Ўрта Осиё, Марказий Осиё. "Туркистон" атамаси минтақа Россия томонидан мустамлакага айлантирилганидан сўнг кенг қўлланилган. "Ўрта Осиё" тушунчаси эса Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистонни умумлашма ифодалаш учун шўро даврида расмий муомалага киритилган эди. Қозогистоннинг жанубий вилоятларини ҳам жуғрофий жиҳатдан айни минтақага мансуб топган эдилар. Сиёсий маънода, гарчанд охиргисини Ўрта Осиёдан ажратиб кўрсатишнинг мезонлари хийла шартли бўлса-да, "Ўрта Осиё ва Қозогистон" атамаси қўлланган. Сўнгра инглиз ва америкалик тадқиқотчиларнинг "Ўрта Осиё ва Қозогистон"нинг ўрнида "Марказий Осиё" атамасини қўллай бошлиши маҳсус адабиётларга чалкашлик киритди.

Минтақа давлатлари раҳбарларининг 1993 йил январидаги Тошкент учрашви пайтида Қозогистон Президенти Н. Назарбоевнинг "ҳаволаси" билан "Марказий Осиё атамасини "қонунийлаштириш"га қарор қилинди. Нега? Ваҳоланки, "Ўрта Осиё" тушунчаси ўз ичига Қозогистонни ҳам қамраб олади, деб баёнот бериш мумкин эди. "Марказий" атамаси айни ҳолда "Ўрта" атамасидан нимаси билан аъло? Сиёсий таъсир Россиянинг тана-тӯшига бир зумдаёқ югарди. Фарблик мутахассислар кўп ҳолларда "олий даражадаги" Тошкент учрашувининг бу қарорига аҳамият бермадилар ва аввалгидек "Ўрта Осиё" атамасини унга Қозогистонни қўшган ҳолда қўллайдилар. Фикримча, бу мутлақо тӯғри. Ҳар ҳолда мен ҳам ўз қайдларимда Ўрта Осиё минтақасининг Қозогистонни ўз ичига олган чегараларидан келиб чиқкан ҳолда айнан шу атамадан фойдаланаман.

Ёши ўз номидан улуғ ҳалқ

Ўзбеклар тарихининг иирик тадқиқотчиларидан бири академик С. П. Толстов шундай ёзади: "Ўзбекларнинг, ҳалқ сифатида, уларнинг тили боис, ёши ўзларининг номидан анча улуғдир. Ўзбек ҳалқи ҳозирги Ўзбекистон худудида туркий тилли ҳалқ сифатида ўзбек ҳалқининг таркибида фақатгина таркибий қисмлардан бири аҳамиятга молик кўчманчи ўзбеклар 16 асрда бу ерда пайдо бўлишидан кўп асрлар олдин шаклланган эди".

Ҳозирги ўзбек ҳалқининг таркибига нафақат, Мовароуннаҳрнинг қадимги туркий аҳолиси, қолаверса 10-асрнинг охирлари — 11-асрнинг бошларида Қорахонийлар сулоласи билан бирга кўчиб келган турк қабилалари ҳам киради. Сўғдийлар ҳам, хоразмийлар ҳам, тожиклар ҳам, мўгулларнинг Темур мансуб бўлган барлос қабиласи ҳам, жалойирлар ҳам ўзбек ҳалқининг таркибига қўшилиб кетган.

Ўзбекистон ўз тарихида буюк миссияни бажарди: у ўз тупроғида шаҳар ва даштни, ўтроқ ва кўчманчи ҳалқларни ягона ҳалқа яхлитлаштирганча бошини бир жойга қовуштириди.

Ўзбеклар туркий миллат гуруҳига мансуб, бироқ ўз этногенези бўйича улар Марказий Осиёнинг бошқа халқларидан кўра туркий тилли бўлмаган тоҷикларга яқинроқдирлар. Ўзбекларнинг ҳам, тоҷикларнинг ҳам илдизлари Сўғд, Хоразм, Бақтрия, Фарғонага, минтақанинг қадимий шаҳар цивилизациясига бориб тақалади. Ҳар иккаласи ҳам — илк ўрта асрларнинг Мовароуннаҳр турклари томонидан сўғдийлар, бақтрияликлар, парфиёнлар, хоразмийлар билан биргаликда яратилган буюк маданиятига ворис.

Камина бу мавзуда сухбатлашишга мушарраф бўлган турли қатламларга мансуб ўзбекларнинг кўпчилиги ўз насл-насабини ҳам, ўз маданиятининг ўзига хосликларини, унинг алоҳида хусусиятларини ҳам айнан шундай тасаввур қиласар эканлар.

"Ҳамма халқлар ҳар доим ҳам дунё тарихи силсиласида бўғин бўлавермайди. Ҳар бири, ўз принципларига мувофиқ, ўз галида тегишли ўрнини эгаллайди". Ўзбек халқининг ўтмишига мурожаат қилган пайтда Гегелнинг ушбу бафоят аниқ ҳикмати хотирда жонланади. Бинобарин, ўзбекларнинг тарихида чинакамига юксалиш даврлари ҳам бўлган, тарихий лаёқатсизлик паллалари ҳам бўлган.

Ўзбеклар узоқ тарихининг неъматлари — уларнинг сугориш иншоотлари ва интенсив қишлоқ хўжалигига ниҳоятда бой тажрибаси, меъморчilik, мусиқа ва тасвирий санъат, маориф ва илму фаннинг ўзига хослиги ва нағислиги.

Ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳудуди асрлар давомида Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва Европа цивилизациялари ўртасидаги алоқалар зонаси бўлиб келди. Ўрта Ер денгизидан Пекингача чўзилган узундандузоқ Буюк Ипак йўли маълум даражада бунинг учун асос бўлган эди. Бу йўл нафакат товарларни, хусусан зеб-зийнат буюмларини ташишга хизмат қилди. Истилочилар шу йўллардан келдилар-кечдилар. Хайриятки, нафакат қўшинлар, қолаверса ғоялари билан ҳам. Бунда зардуштийлик, буддовийлик, насронийлик ва айниқса Ислом ғоялари пайдо бўлди ва томир отди.

Ўзбекистондаги маориф ва илму фан соҳасидаги улкан ютуқлар 8-асрдан 16-асргacha бўлган даврга тўғри келади. Нуфузли тарихчиларнинг маълумот беришича, Самарқандда бундан 2 минг йил кўпроқ муқаддам ўғил болаларга 5 ёшдан эътиборан хусниҳат ва ҳисобдан таълим беришар, ўсмирлик ёшларида эса савдо ишларини ўрганиш учун карбонларга қўшиб жўнатишар эди. Бир қанча вақтдан сўнг минтақа шаҳарларида сугориш ва саёҳат, қурилиш ва савдо-сотиқقا бўлган амалий эҳтиёжлар заминида ўсмирларни риёзатга (математикага) ўргатиш яхши йўлга кўйилган эди (нафакат ўша даврларда). Яна бир неча вақтдан сўнг, 10-аср бошларида бу ерда мусулмон ўрта ва олий мактаблари — мадрасалар бунёд эта бошлайдилар.

Ҳа, айтганча, ўзбек турмушининг гаройиб ўзига хосликларидан бири — оиласи педагогиканинг илдизи ҳам шу замонлардан сув ичади. Унинг мохияти шундаки, болалар — болаларга, катталар — кичикларга сабоқ беради.

Ўзбекистон тарихининг бу даври мунажжим ал-Фарғоний (9-аср), файласуф ал-Фаробий (9-аср), риёзатчи ал-Хоразмий (9-аср), комусий билимлар соҳиби Беруний (10-аср охири — 11-асрнинг биринчи ярми), лотин тилига ағдарилган тиббиётга оид қўлланмалари Европада ҳам шифокорлар учун дарслик бўлиб хизмат қилган Абу Али ибн Сино (10—11-асрлар) сингари дунё миқёсидаги даҳоларнинг ижоди билан алохида кўркамлик касб этган.

Мўғул-татарларнинг иқтисодиётни емирилишга ва маданиятни та-назулга олиб келган истиносидан сўнг Ўзбекистонда 14 асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан маданий ҳаётнинг янгидан юксалиши бошланади. Тағин турли-туман билимлар соҳаларида йирик олимлар ва мутафаккирлар. 15-асрнинг биринчи ярми — шогирдлари билан биргаликда ўша замон астрономиясида шукухли чўққи аҳамиятига молик бўлган юлдузларнинг нужумий зижини ва жадвалини тузган Улуғбек. 15-асрнинг иккинчи ярми-16 асрнинг боши — Шарқнинг бир неча маданиятларини ўзида мужассамлаштирган буюк ўзбек шоири Алишер Навоий.

Шунда-да Ўрта Осиё ҳалқарининг қолоқлиги тўғрисидаги мавзуда ва бошқа давлатларнинг амалда бу ҳалқарни маданиятлаштиришдаги алохида мавқеи ҳақида мушоҳада юритаётгандарнида узоқ ва яқин хорижлик баъзи бир “маърифатчилар”нинг писандасини эшитиш баробарида ҳам афсусланасан, ҳам кўнглинг зирқирайди. Ишончим комилки, ўзбек цивилизациясининг манбалари билан яқиндан танишиш уларнинг ўзларига ҳам катта фойда келтирган бўлурди. Мен ўзбек эмасман, ва боиси, шундай деб ёзиш хукуқига эгадирман.

1995 йил бошида немис алломаси профессор Й. Кальтернинг “Буюк Ипак йўли ворислари” деган мазмундор мақоласи чоп этилган эди. Афсуски, камина бу олим билан таниш эмасман, шундай бўлса-да, бу мақоладан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, у Ўзбекистонни яхши билади ва севади. У ўз мақоласида қуйидагича ёзади: “Ўзбекистондаги турмуш тарзи тўғрисидаги тушунча Европада бирёклама табиатга молик. Ўзбекистондаги янги маданий авлод Гёте ва Вердини, Пушкин ва Максим Горкыйни яхши билади. Беруний ва Навоийни Европада билишармикин?”

Ўзбекистон тарихида Амир Темур (1336—1405 й.й.) ҳам бор. Ҳозир Тошкентнинг марказида Темурга ёдгорлик ўрнатилган. Қўлини олдинга узатган шиддатли суворий — Темур жанговар отда. Президент Каримовнинг ниятича, бу ҳайкал ўтмиш ва келажак ўртасидаги боғлиқликнинг тимсоли бўлиб қолиши лозим. Мустакил Ўзбекистоннинг янгича расмий тарғиботи томонидан Темур ўзбек ҳалқи тарихида беназир

аҳамият касб этган етук давлат арбоби, буюк саркарда сифатида кўриб чиқилаётир. Бироқ, Фикримча, Темур шахсини баҳолаш унчалик ҳам осон иш эмас. Шу жумладан сиёсий маънода ҳам.

Мутлақ ҳукмдор сифатида унинг фаолияти авлодларнинг самимий хотирлашига муносиб кўплаб ижобий жиҳатларга эга бўлган. У ўз салтанатининг мукаммал давлат тузилмасини, етарли даражада ишлов берилган қонунлар тизимини яратди. Темур — бу, ўша замонга нисбатан олганда, улкан сугориш ишлари, ҳунармандчилик ва савдо-сотик шаҳарлар курилиши ва меъморчилигининг равнаси.

Д. Карлайлнинг Президент Каримов томонидан Темур шахсига қизиқиши үйғотилишига ёндашуви ҳам ўзига хос. У буни "Темурнинг реабилитацияси" деб атайди ва Ўзбекистоннинг собиқ йўлбошчиси, компартияning кўп йиллик раҳбари Шароф Рашидовнинг эътирофли номи қайта тикланиши билан боғлайди.

"Каримов бошлаган кампанияни шундай таърифлаш мумкин: "Ўтмиш орқали келажакка". Бундай кампаниялар ҳокимият режим қонунийлигini кучайтириш ва ҳалқнинг маънавий руҳини қўллаб-кувватлаш учун эъзозли тарихий сиймоларга ўз дикқат-эътиборини қаратадиган барча сиёсий тизимларда учраб туради.

Олдинга олиб чиқилаётган икки тарихий шахс — Темур ва Рашидов кўпроқ ёхуд камроқ даражада муносиб феъл-атвор жиҳатларига эга эдилар. Албатта, Темурнинг барча ишларини оқлаб ва фаолиятининг ҳамма кўринишларига тақлид қилиб бўлмайди. Москванинг қурбони бўлган Рашидов маҳаллий қаҳрамон эканлиги чин бўлса-да, унинг мақташга арзимайдиган салбий томонлари ҳам бор эди.

Ўзбекистон тарихий қаҳрамонларининг Пантеонига эъзозлаб жойлаштириш мумкин бўлган бошқа қаҳрамонлар жуфтлиги ҳам борки, бири — узок ўтмишдан, бошқаси — замонамизга яқинроқ даврдан. Биринчиси — Улуғбек, Темурнинг невараси ва вориси, нихоятда жозибали шахс. Ўзининг истилочи ва бузғунчи бобоси билан бир қаторда кўрилаётган аллома ва бунёдкор мустасно тарихий контраст яратган, ўзбек ҳалқи тарихига зарурий барқарорлик баҳш этган бўлур эди. Иккинчи сиймо XX асрдан. Киндик қони Бухорода томган ва Самарқандни жон-дилдан севган, Сталиннинг кўрсатмасига кўра 1938 йилда маҳв этилган Файзула Хўжаев ўзбеклар тарихи бағрига қайтарилиши лозим. Ўзбекистоннинг айнан шу навқирон Бош вазири ўз мамлакати порлоқ келажаги режаларининг, бугунги кунда Президент Каримов зўр қатъият ва иродада билан рӯёбга чиқараётган режаларининг яратувчиси эди" (193-с.).

Ўзбек тарихида Россиянинг юз йиллик мустамлакачилиги ҳам, шўролар ҳокимиятининг 70 йиллик даври ҳам бор. Бу, кўплаб ҳақиқатда ала-мангиз саволларга оқилона жавоб бериш ҳали қийин бўлган даврdir. Бинобарин, бу даврда ўзининг тўсқинлик қилувчи (регрессив) моҳиятига кўра буткул кутилиши табиий бўлган воқеалар ҳам бор. Жорий асрнинг йигирманчи йилларида амалга оширилган Ўрта Осиёда давлат че-

гараларининг мажбурлаб ўтказилиши ана шундай воқеалар сирасига киради. Президент Каримов бу нарсани "Туркистон деб аталадиган ягона худудда яшовчи миллат ва элатларни улар устидан ҳукм ўтказиш мақсадида сунъий бўлиб ташлашдир", деб таърифлайди.

"Москва томонидан 1924—1925 йилларда ўтказилган миллий чегараларни белгилаш,— деб ёзди Д. Карлайл,— бир-биридан фарқ қилувчи турли-туман этник жамоаларни битта тўдага кўшиб юборди. Айрим этнослар бундай пайтда қисмларга ажратилган ахволга тушиб қолдилар" (8-с.). Ўрта Осиёning таниқли немис тадқиқотчиси Паул Георгнинг маълумотларига қараганда, чегаралар белгилангандан кейин ўзбеклар Тоҷикистон аҳолисининг 21 фоизини ва Қирғизистондан 11 фоизини ташкил этганча Ўзбекистондан ажралиб қолган миллий туманлар вужудга келтирган эди. Очидан-очиқ сиёсий қаллоблик рўй берган эди, унинг оқибатларини ҳозирги замонда ўзгаришиш мумкин эмас.

Президент Каримов давлат чегараларининг белгиланиши бугунги кунда ҳам Ўзбекистоннинг кўплаб муаммоларини кучайтирувчи ва маълум маънода кўпгина масалаларнинг ижобий ҳал этиш учун тўсиқ бўлгувчи омиллигича қолгани тўғрисида асосли сўзлайди.

Ўтмиш орқали келажакка

Фарб ва Шарқни, уларнинг цивилизациавий асосларида турли-туман мезонларига қараб фарқлаш мумкин. Фикримча, улардан бири ниҳоятда мухимдир. Аввало шу ҳақда сўз юритамиз.

Ҳар қандай инсоний жамиятда икки аспектни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: ишчанлик ва мuloқot. Биринчи аспектда ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида сўз боради. Иккинчисида — одамлар ўзларининг кўпчилигини биладиган ва авлоддан-авлодга ўтганлари сайин биргаликда яшашлари лозим бўлган далилларга боғлиқ ҳолда киришадиган турлича ўзаро муносабатлар ҳақида. Бу аспектларнинг тафовути, улардан бири тошининг оғир келиши цивилизациянинг Фарб ва Шарқ намуналари ўртасида фарқларнинг энг теран асосларини ташкил этади.

Фарб жамияти, асосан, ишчанлик аспекти қонунларига кўра уюшади. Шарқонасида — мuloқot устуворлиги. Бунда — мамлакат миқёсида кишиларни бирлаштиришдаги ҳал қилувчи мавқе давлат иҳтиёрида бўлади. Шарқдаги давлатга, ҳокимиятга алоҳида муносабат ҳам шундан келиб чиқади.

Умуман олганда, ҳокимиятнинг асосланиши талаб этмайдиган факт сифатида тан олиниши ва унга бўйсуниш — юқори дараҷада тараққий этган инсоний ўшмаларнинг асосий формулаларидан бири. Мавжуд фарқ шундаки, ҳокимиятга муносабат Фарбда расмий мантиқа бўйсундирилса, Шарқда эса алоҳида маъно-мазмун, алоҳида туйғу ва куйинчаклик билан суғорилган.

Ўзбек халқининг анъаналарида ҳокимият вакилларига, давлатнинг мансабдор шахсларига тўла ҳурмат муносабати ва ҳатто эъзозлаш мавжуд. Ва, қоида тариқасида, бу кўркувдан эмас, балки одамлар ҳокимият аллақандай олий ибтидодан, шу жумладан, илоҳий хусусиятлардан келиб чиқсан ҳолда ўзлари тўғрисида қайғуришига самимий кўниги қолишган. Буни “патернализм”, “этник патернализм” ёхуд бошқача аташ мумкинdir — моҳият ўзгармайди. Бу мавжуд ҳаётнинг реализми. Бироқ, агар ҳокимият, агар унинг вакиллари кишилар ишончини оқламаса, агар улар ожиз ва ахлоқсиз бўлиб чиқишига борми, ўзларидан кўришсин. Одамларнинг ҳурмати ва эъзози теран нафратга айланади. Бу нарса Шарқда Фарбдагидан кўра юз чандон қўрқинчлироқdir.

Хуллас, ўзбекларнинг ҳокимиятга алоҳида муносабати — бу, тарих алгоритми. Ва, қачонки Ўзбекистонда ёхуд Киргизистонда мухолифат ўзининг сиёсий, кўп ҳолларда ўта фаразли мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ўз босма нашрларида Президентни ҳақоратлаш, давлат бошлиғи сифатида унинг ор-номусини поймол қилишга жазм этса,— бу халқ маънавияти нуқтаи назаридан ахлоқсизлик деб баҳоланади.

Умуман, анъаналарнинг бузилиши исталган жамиятда қимматга тушади: халқ ва ҳокимият мулоқоти анъаналари-ку — айниқса. Зоҳидлар тилида таърифлайдиган бўлсак, илоҳий неъматлар бўстонини Яратувчи тарк этади ва жинлар базми бошланади.

Ўзбеклар табиатининг мухим жиҳатларидан бири — уларнинг тадрижпарастлиги, етти ўлчаб бир кесиши, ҳар хил алғов-далғов ва қилмишларга салбий муносабатда бўлишидир. Ўзбекистонда шошма-шошарликни ёқтиришмайди ва бугунги ўзгаришларни, дейлик, Россиядаги сингари қабул қилмайдилар.

Мен вақтида Президент И. Каримовнинг тадрижийлик ва инқилобга қарашлари тўғрисида ёзган эдим. Уларнинг теран тарихий илдизлари бор. Ижтимоий амалиётда ҳам, ўтмиш мутафаккирларининг дунёқарашларида ҳам. Ал-Фаробий ўз вақтида шундай ёзганди: “Ўзларига муносаб шарт-шароитлар ва мухит билан мувофиқлашадиган босик, ўртacha саъй-ҳаракатлар қолган бутун ҳар хил вазиятларда саодатга етишиш учун кўпроқ фойдалидир”. Беруний эса айни мавзуда қўидагича ёзади: “Рубъи маскуннинг одамзод яшайдиган қисмida воеалар ё бирданига, ёки галма-гал содир бўлади. Биз учун уларнинг галма-гал бўлмоғи маъқулдир”. Ибн Синонинг бу мавзудаги мулоҳазалари ҳам юқоридагиларга ўхшаш: “Бир сифат доирасидан бошқа сифат доирасига бир туртки билан ҳам ўтиш мумкин. Босқичма-босқич ўтиш ҳам мумкин. Одамларга эса унинг босқичма-босқич содир бўлгани маъқул туюлади”.

Асрлардирки, ўзбек миллий табиатига жамоавийлик хосдир. У айни чоғда шўролар жамоавийлиги билан ҳеч қандай муштаракликка эга эмас. Агар одамлар, бирдамлик туйғуси билан кўтаринки кайфият туйсалар, тенг ваadolat асосида ўз меҳнати ва ўз маблагини умумий ишга қўшса-

лар, бунда фақат инсоний ор-номус ва маънавиятнинг юксак даражада намоён бўлмоғини кўриш мумкин. Шахс эркинликларини оёқости қилиш одамларни жамоавийликка мажбурлаганларида бошланади. Мажбурий ахлоқ ҳамиша ахлоқсизлик бўлиб қолаверади. Ўзбекона жамоавийлик ижтиомий ҳаётнинг барча даражаларида ва ҳамма соҳаларида намоён бўлади. Турмушда ва ишлаб чиқаришда ҳам, иқтисодиётда ва сиёсатда ҳам. Фарбда, хоҳ у Америка ёхуд Европа бўлсин, бундай умумият йўқ. Мисол учун, АҚШ ёхуд Германияни Ўзбекистон билан муқояса этадиган бўлсан, одамлар у ёқда чинакамига, ким билсин, ҳаддан ташқари мустақил ва муҳтордирлар. Ўзбекистонда эса улар гўё ҳар хил кўришишдаги норасмий ришталар билан бир-бирига боғланиб қолган.

Маҳалла ташкилоти ўзбек жамиятида жамоавийликнинг олий чўққиси саналади. Маҳаллий ҳамжамиятларнинг, маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг ташкилий шакли сифатида маҳалла асрларни қаритди, ўзбек тарихининг тегирмонларидан бутун чиқди. Бугунги кунда бир неча ўнлаб авлодларнинг бебаҳо тажрибалари жо этилган. Ҳаётий қувват уни тарк этмади, у тарихан сўниш сўнгсизлигига сингиб кетмади.

Маҳалла — савдо-хунармандчилик мавзеларини ифодаловчи арабий калима. У 10-асрдаёқ маълум эди. Хозирги Ўзбекистон ҳудудида бўлган шаҳарлардаги маҳаллаларнинг айрим мавзелари ўша пайтлардаёқ шу қадар катта эдиларки, уларни шаҳарнинг мустақил қисми сифатида кўриб чиқиш мумкинdir. Маҳаллага обрули шахслар — умумий йиғилишда сайланадиган шайх ёхуд юзбоши раҳбарлик қилар эди. Ҳар бир маҳалла ўзининг кўкаламзор ҳудудида масжид ва чойхона жойлашган жамоатчилик марказига эга бўлган. Маҳалладагилар ҳар хил турдаги жамоат ишлари ўтказиш учун зарур бўлган умумий асбоб-анжомларга эга бўлишган.

Тошкентда, масалан, 1865 йилда 140 маҳалла бўлиб, уларда 76 мингдан ортиқ одам умргузаронлик қилган. Жорий асрнинг йигирманчىйилларида бу шаҳарда маҳаллалар сони 280 тани ташкил этган. Бугунги кунда 300 дан зиёд. Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам моҳиятнан шунга ўхшаш манзаранинг шоҳиди бўламиз. (Уларнинг ахолиси ва ҳудуди мувофиқ бўлмоғи табиийдир.)

Узок йиллар маҳалла тарихи ва социологиясини тадқиқ этган Д. Карлайл ёзади: "Оила ва дўст-ёронлар маҳалла турмушининг бош асоси бўлиб келган ва шундайлигича қолади. У шахсий муносабатлар маҳатоши саналади. Улар "сулола" деб аталувчи, кишиларни бирлаштирувчи ва ажратувчи ўта муҳим тармоқ тузилмасини яратди. Якинлик муносабатларига асосланган ва насл-насад принциплари билан метинлашган маҳалла ўзбеклар дунёга келадиган, тарбияланадиган ва одатда ўзининг бутун ҳаётини ўтказадиган жой ҳисобланади. Дўстлик барқарор тушунча бўлган маҳаллада мойиллик сингдирилган бўлади.

Ҳамма маҳалла теварагида парвона бўлар, шахсий садоқат бутун шаҳар бўйлаб тарқалар, баъзан эса бутун бошли минтакани камраб олар эди. Бундай анъянапарастлик шароитида кимнингдир тажрибаси

шахсий мулоқотлар доираси тасарруфидан ташқарига ҳам зудлик билан тарқалиб кетади. Шахс ҳар қандай масоғадан туриб сулола аъзоларининг никоҳ тантаналарида, маросимларда қатнашиши мумкин. Рангбаранг оиласвий-қариндошчилик алоқаларининг маҳалладан ташқаридага ҳам кундалик турмушда тоши бор, лекин улар маҳалланини сингари тош боса олмайди” (165-саҳ.).

Бир-бирини ўзаро қўллаб-кувватлаш ва жамоавий меҳнат шакли бўлган ҳашар ҳам маҳаллада дунёга келди ва ривожланди. Асрлар утди ҳашар ёрдамида ҳамма уйлар, кўприклар, йўуллар курилди, ариклар ва каналлар қазилди. Йирик жамоат ишларини бажариш билан боғлик ҳашар мавжуд, ишончим комилки, келажакда ҳам бўлади. Ишониш анча қийин, лекин 160 минг одам 45 кун ичида Катта Фарғона каналини курган. Бугунги кунда ҳам, камина бунга шоҳидман, Ургутдаги телевизион марказ ҳашар асосида барто этилди.

Ўзбекларнинг кўпгина анъанавий ижтимоий тузилмаларини емирган коммунистик режим маҳалла билан курашда чекинишга мажбур бўлди. Маҳалла коммунистларнинг "тишига қаттиқ тегди". 1938 йилда 20-йилларнинг охирларидан бери давом этиб келган маҳаллага ҳужум тўхта-тилган эди. Шундай қарор қабул қилинган эди: маҳалла янги социалистик тузилмалар билан уларни тўлдирганча ёнма-ён мавжуд бўлиши лозим.

Гарбнинг ижтимоий руҳшунослари "бозор кўрган одам"нинг ўзига хос жиҳатлари сифатида амалиёт кўрганликни, ишчанлик, тежамкорликни, рақобатчиликка таваккал, ўз-ўзини интизомга чақириш ва ўз-ўзини ўюштира билишни тилга оладилар. Бундай сифатлар йўқ экан дейди улар, бозор иқтисодиёти ҳам бўлмайди, фақат унга ўхшаш аллакандай жамоа киёфаси бўлади.

Фикримча, исталган халқ учун бундай шахс типини шакллантириш муайян вактда ҳал этиладиган ишдир. Дейдиларки, аскар бўлиб туғилмайдилар, аскар бўлиб етишадилар. Ўзбеклар хусусида тұхталган бўлсак, тарих бу сифатларни аллақачон уларнинг қон-қонига сингдириб улгурган.

Ўзбеклар психологиясида умумийчилик индивидуализм (алоҳидачилик) билан бирга ажойиб тарзда сифишади. Ўзбекларга pragmatizm, фаол, лекин пишиб етилмаган хаётий мүлжал олиш хосдир. Моддийликка, хаётнинг пул билан боғлиқ жиҳатларига қизиқиш улар учун тугал хаётий аҳамиятга молик бўлмаса-да, айни чоғда мақсадларни ҳам, фаолият мазмунини ҳам белгилаб беради. Ўзбеклар ишлари ўнгидан келиши умидида машақкатларга бардош беришга қодир. Ҳам улар юк-сак интизомлик билан ажралиб тұрадилар.

Ўзбек миллий табиатининг бу барча хусусиятлари мамлакат иқтисодий ҳаётини бозор йўналишида модернизациялашни муваффакият билан уддасидан чиқишинг ишончли кафолати. Нафакат доктриналар ва декларациялар даражасида, башарти амалиётда кафолати.

Яратганинг ўзи ўзбекларга алоҳида жасорат ва матонат ато этган. Ор-номус талаблари кишини ўзини қурбон қилишга мажбур қиладиган хатарли вазиятларда уларга тенг келадигани топилмайди. Ўрта Осиёга сургунлари вақтида ўзбеклар билан ёнма-ён яшаган чеченлар ўзбекларнинг ўлимни жасорат ва совуққонлик билан қаршилашига ҳар қандай чечен ҳавас қилиши мумкин деб ҳисоблайди.

Ҳамдардлик ва ўзаро ёрдам туйғуси ўзбекларнинг қон-қонига сингиб кетган, улар ўз қўшнисини бошига мусибат тушганда ҳеч қачон ёлгиз қолдирмайди. Улар ўзларидан мадад истаб келган истаган одамни балоофат олдида танҳо қолдирмайдилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўз тупроғидан уруш сургун қилган юз минглаб одамларга бошпана берган, иссиқ-совуғидан хабар олган, қорнини тўйғазган Ўзбекистон ўз қалбининг буюклигини бутун дунёга намойиш этди.

Абадиятга дахлдор Faфур Фуломнинг уруш туфайли Ўзбекистонга келиб қолган болаларга қараб ирод этган бениҳоя самимий ва юракка яқин сўзларини унутиб бўлармикин: "Чўчима, жигарим, ўз уйингдасан, Кўзим усти, миннат бошингга дурра".

Тошкентдаги Ҳалқлар дўстлиги майдонида ғайриоддий ҳайкаллар гурухи бор — ўзбек чоли ва ўзбек момоси болалар қуршовида. Уруш йилларида тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи Бахри ая ота-онасидан ажраб қолган 14 етим болани ўз оиласлари паноҳига олдилар. Руслар, украинлар, яхудийлар, молдовланлар — улар ҳамма болалар учун севгувчи ва ардоқловчи ота ва онага айландилар. Ўз қалби тафтини етим қолган болаларга сахийларча баҳшида этган кекса темирчи ва унинг хотини тириклар сафидан кетдилар. Лекин уларнинг хотирасини Ўзбекистонда эъзозлаб сақлайдилар. Етимлар бошпана топган уй жойлашган кўчага Шомаҳмудовлар номи берилган. Улар ҳақида фильм суратга олинган, китоблар ёзилган. Уларнинг жасорати ҳайкалларда акс эттирилган. Ўзбекистонда бунақа ҳайкаллар минглаб топилади, деб ўйлайман.

Ўғлон ёшида лаънати уруш даҳшатларини бошдан кечирган фарзанд сифатида Faфур Фуломнинг, темирчи Шомаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи, кўпларнинг ёрқин хотираси ва менга таниш бўлмаган кўплаб ўзбекларнинг бағрикенглиги олдида тизза букиб, сажда қиласман. Мен ҳам улар наздида узиб бўлмас қарздорлик ҳисси билан яшаётганлардан биридирман.

Оила — ўзбеклар учун ижтимоий ҳаётнинг энг муқаддас шўйбаларидан бири. "Отага ҳурмат — Аллоҳга ҳурмат", "Отага лойик бўлмоқ — Аллоҳга лойик бўлмоқ". Бу принциплар ўзбек оиласида ҳозир ҳам барҳаётдир.

Ўзбекистонга ва умуман олганда, бутун Шарқقا хос ижтимоий-ёш иерархиясини Farбда тушунишмайди. Европанинг аксарият тилларидаги "ака" сўзи ўзбек тилида тенг маъноли лексик эквивалентга эга эмаслиги ҳам тасодифий бўлмаса керак. Бори — ёхуд "ака" — "катта ака", ёхуд — "ука" — "кичкина ука". Дарвоҷе, айни ҳодиса япон тилига

ҳам ҳосдир. Айни ҳолатда олдимиизда шунчаки ўхшашик эмас, балки Шарқдаги ёш иерархиясининг бирламчилиги ва муқимлигининг тилда мустаҳкамланишининг қонуни акс этиши намоён бўлади: aka бўлиш — бошқача, ука бўлмоқ-да бошқадир. Жавобгарлик даражаси ва ҳуқуклар миқёси ҳам шунга боғлиқ равишда белгиланади. Farбда оиланинг бундай культини архаизм (эскичилик) деб санайдиган одамлар камчилик эмас. Бироқ, оила ташкилотининг тушиб бораётган нуфузини кўтаришга даъват этайдиганларнинг чорлови ҳам борган сайн дадил янграмоқда. Одамларга бир-бирига дахлдорлик туйғусини сингдираётган, улар оиласининг мавқенини эгаллаб олаётган диний мазҳаблар ва ҳар хил диний гуруҳларнинг гуллаб-яшнаши жамоатчиликни кундан-кунга қаттиқ ташвишга solaётir. Мабодо, оила масалаларида Farбда оқиллик устун келгудек бўлса,— ўзбек оиласи ўrnak олиш учун муносиб намунага айланиши мумкин.

Ўзбеклар, аксарият ҳолларда, чинакамига диндорлардир. Ислом асрлар давомида Ўзбекистон ҳалқи учун ҳам дин, ҳам ахлоқ, ҳам виждан, ҳам маърифат бўлиб келди. Шариатга асосланган мусулмон ҳуқукий маданияти ўзбекларнинг ижтимоий онгига мустаҳкам ўrnashgan. Bu ўринда шариатнинг инсон эга бўлиши мумкин ҳуқуклар билан эмас, балки унинг зиммасига юкландиган мажбуриятлар тизими билан бошдан-оёқ тўлалигини тушуниш бафоят мухимdir. Мусулмон ҳуқуклари ҳокимият тасарруфидаги, агар улар, ижтимоий тартибни муҳофаза қилишга қаратилган бўлса, энг қаттий қарорларни қабул қилиш, энг авторитар чораларни кўриш ваколатларини ҳам доим тан олиб келган.

Мусулмон мамлакатларида ҳуқуқни Farб андозалари бўйича қайта куриш бобида нечоғли илгарилашга эришилган бўлмасин, нуфузли тадқиқотчилар хulosасича, мусулмонликнинг юридик анъаналари, унинг ўзига хос ҳуқукий тафаккури ва хатти-харакати сакланиб қолмоқда ва хатто етарлича катта истиқбол билан кучайиб бормоқда.

Кечмиш замон ҳар бир ҳалқ тарихида алохида из қолдиради. Уни давомийлиги бўйича ҳам, воқеа-ходисаларга тўлалиги бўйича ҳам, ўзининг ҳозирги кунга ва келажакка таъсири бўйича ҳам Ўзбекистон ҳалқида у, боя айтилганидек, бутун бу миқёслар бўйича ажойибdir. Унда бугунги кўплаб ҳақиқатларнинг асл манбаси.

Ўзбек тарихининг алгоритмларини, ўзбек ҳалқи келажагининг алгоритмларини бу мамлакатнинг даҳолари, мумтозлари, улар томонидан яратилган дурданалар, илм-фан ва адабиёт, санъат ва меъморчиликнинг олтин саҳифаларини ўзларида мужассам этган. Алгоритмлар анъаналарда, эътиқодда, ҳаётга муносабатда.

Агар дараҳтлар ана шу тупроқда, аксинча аллақандай бошқасида эмас, томир ёйсалар ва саҳоватли мевалар инъом этсалар, демак, бу дараҳтлар учун ана шу тупроқ ҳақиқий хисобланади.

Агар айнан шу дин, шу маданият, ҳаёт тарзи ва нарсалар мезони, аллақандай бошқачалари эмас, ҳалқقا маънавий сезги ва маънавий фойда, ботиний ор-номус ва куч-кувват бахш этса,— ана шу нарса бу

халқ учун ҳақиқатдир. Ўзбекистон Президенти И. Каримов тафаккури ва амалларининг мантиқи шундай. Бу нарса ўзига нисбатан хурмат-эътибор уйғотмасдан қолиши мумкин эмас. Сиёсий йўлбошчилик муаммоларининг гарблик тадқиқотчиларидан бири шундай ёзади: "Буюк воқеалар ҳамиша йўлбошчи билан замонанинг нафақат ҳозиргиси, қолаверса ўтгани ўртасидаги никоҳдир". Агар шундай бўлса, Ўзбекистонда некбинлик учун барча асослар бўлмоғи лозим.

УЧИНЧИ БОБ

ЎТИШ ДАВРИДА КИМ АРАВАНИ ОТДАН ОЛДИН ҚҮЙМОҚДА?

Президент Ислом Каримов стратегик тутган йўлиниңг илк қоидала-ридан бирини, тахминан, шундай талқин этсак бўлади: агар сиёсат иқти-соддан олдинроқ юра бошласа — узилишилар пайдо бўлиб, бундай ҳол ислоҳотларни бамисоли совет жамияти давридаги сингари инқироз-ларга олиб келиши мумкин. Мен ислоҳотларнинг бошқачароқ (сиёсий ҳаётни демократлаштириш ва шу асосда бозор иқтисодиётига ўтиш) йўналишларига амал қилаётган Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаевдан: "Ким аравани отдан олдин қўймоқда — Сизми ёки Президент Каримовми?" деб сўрадим.

А. Акаев аввалига ҳазиломуз оҳангда: "Ҳамма нарса аввало ўша арава ва отнинг қанақалигига боғлиқ" — деди. Шундан кейин ўз фикрига жиддий қўшимча қилди: "Сиёсат ёки иқтисоднинг устуворлигини бир қатор омиллар, жумладан, ахолининг этник таркиби, илфор намояндадарнинг ислоҳотга нечоғлик тайёрлиги, халқ оммасини ўз орқасидан эргаштира оладиган раҳбарнинг мавжудлиги кабилар белгилайди".

Бу гаплар тўғри, албатта. Бироқ, яна шу нарса ҳам аниқки, тоталитаризмдан посткоммунизм орқали бозор иқтисодига ўтишнинг теран асосларида собиқ шўро тузуми ҳудудидаги барча давлатлар учун муштарак бўлган умумий бир қонуниятлар зуҳр этмаслиги асло мумкин эмас.

Бу қонуниятлар, табиийки, у ёки бу мамлакатнинг ўзига хос, айрича шарт-шароитларига боғлиқ равишда ҳар гал бетакрор ҳолатларда на-моён бўлиши мумкин. Лекин, такроран бўлса ҳам айтаманки, ўзининг теран асосларида мазкур қонуниятлар барча мустақил давлатлар учун, айниқса, Ўрта Осиё давлатлари учун муштарақдир.

Бугунга келиб, шу нарса янада ойдинлашдики, айнан Ўзбекистон Президенти ўтиш даврининг объектив тамойилларидан ва ўз ҳалқининг цивилизацияси хусусиятларидан келиб чиқиб иш бошлаган экан. Шу боис, юқорида тилга олинган образли иборани қайта эслаб, ишонч билан айтишимиз мумкинки, худди Ўзбекистонда арава ҳам, от ҳам ҳаёт қандай талаб қилган бўлса, шундайлигича қўйилди: от олдинда, арава эса кейинда турибди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўли алоҳида ўзига хосдир, бу йўл деярли барча собиқ шўро давлатлари бораётган йўллардан фарқ қиласди. Унинг кўзга ташланиб турган ютуқлари кўпчиликда ўзи ва бошқалар учун бу мўъжизанинг моҳиятини ойдинлаштириш эҳтиёжини уйғотмоқда. Ўзбекистон Президенти ўз иқтисодий дастурининг намунасини кимдан "қўчирма" қилганлиги устида ҳам бош қотирмоқдалар.

Д. Карлайл шундай деб ёзади: "Хитой, бу мамлакатга сафар қилганида сиёсий ва иқтисодий андоза сифатида, Каримовда катта таассурут қолдирди. Хитойнинг авторитаризмни сақлаб қолиб, айни пайтда, иқтисод соҳасида ислоҳотлар ўтказганлигини, эҳтимол, у ўз мамлакати учун намуна қилиб олишни хаёлидан ўтказган бўлса, ажаб эмас. Аммо буни у очиқасига ҳеч қачон тан олмай келяпти" (177-с).

Ҳақиқатан, улкан мамлакат иқтисодини бошқаришда маъмурий, бевосита раҳбарлик ва муайян оралиқни сақлаб, бавосита бошқаришни оқилона бирлаштириш, марказлаштиришни қишлоқлар ва корхоналарнинг ўзини-ўзи ривожлантириши билан узвий қўшиб олиб боришдан иборат Хитой тажрибаси Ўрта Осиё ҳудудидаги янги мустақил давлатлар дикқатини тортмаслиги мумкин эмас. Айниқса қайта куриш ислоҳотлари бошдан кечирилаётган бир шароитда Хитойда аграр соҳадаги ислоҳотлар нақадар кучли ирода, шиҷоат ва изчилилк билан амалга оширилаётганлигига таҳсинарни айтмасдан бўлмайди. Бу ислоҳотлар натижасида, Хитойда фалла етиштириш 1,2 марта, шакар ишлаб чиқариш 3,6 марта, гўшт етиштириш 3,8 марта кўпайди. Қишлоқ корхоналарида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (жумладан, хорижий капитал иштирокида) даражаси ўрта ҳисобда ҳар йили 28 физига ўсмоқда.

Бошқалар Ўзбекистондаги иқтисодий-сиёсий тадбирларнинг илдизларини янада "чукурроқдан" изламоқдалар. Мухолифат намояндалари Ўзбекистон Президенти ўз иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқишида "Чили андозаси"га таянди, деб ҳам айбламоқдалар. Шахсан мен ўзим Каримовнинг ўз оғзидан бу тўғрида ҳеч нарса эшитмадим ва унинг Чили андозасига муносабати ҳақида ҳам бирон жойда ўқимаганман. Бироқ, агар унинг Чили йўлига қараши ижобий бўлганида ҳам, бунинг учун оқилона фикрловчи сиёсатдонлардан биронтаси унинг томорқасига тош отиши мумкинлигига ишонгинг келмайди. Ахир, бу мамлакатда, рости ни айтганда, американлик экспертларнинг фаол иштирокида тоталитаризм ва ўзбошимча оломончиликдан либерал демократияга ўтиш даврининг тамоиллари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, иқтисодий ислоҳотларнинг "узбекона йўли" — бу Ислом Каримовнинг кашфиёти, кўп маънода, агар таъбир жоиз бўлса, унинг "ноу-хау"сиdir. Бу унинг алоҳида иқтисодий салоҳиятининг, тиник ақл-идроқининг, оддий одамларга нималар зарурлигини яхши тушунадиган сиёсий арбоблик истеъодининг ва албатта, жаҳон тажрибасини яхши билишнинг натижасидир.

Жар ёқасида

Мен олдинроқ Ислом Каримовнинг давлат тепасига келиши арафасидаги вазият тўғрисида бироз тўхталган эдим. Энди бу тўғрида ба-тафсироқ гаплашамиз.

Мен "Каримовгача" бўлган Ўзбекистондаги ахволга бағишлиган талай мақолаларни ўқиб чиқишимга тўғри келди. Бу мақолалар 1989—1990-йилларда марказий газеталар ва журналларда ("Новый мир",

"Огонёк", "Знамя", "Октябрь", "Дружба народов", "Нева" ва бошқаларда, республикада ("Звезда Востока"), шунингдек олис хорижий нашрларда эълон қилинган эди. Китоб устида ишлаш жараёнида уларни қайтадан ўқиб чиқдим. Бор гапни айтадиган бўлсан, кўз ўнгимда даҳшатли, кўрқинчли манзаралар пайдо бўлди.

Тушунаман, бу мақолаларда қўшиб-чатишлар, қуюшқондан чиқиб кетиши ҳоллари ҳам озмунча учрамайди. Булар, бир чеккаси, муаллифларнинг қалб ларзалари, ҳақиқатга гоҳида унчалик ҳам мос келавермайдиган шахсий кечинмалари билан изоҳланса, бошқа жиҳатлардан бу даврдаги бош йўл — танқид, эртанги кун манфаатлари нуқтаи назаридан бугунни инкор этишини ўзининг бош мақсади қилиб олган ошкораликдир.

Мен улардан, назаримда, муаллифлари асосан қўлдаги далилларига таяниб фикр юритишга ҳаракат қилган бир неча босик руҳли мақолаларни танлаб олдим.

Бу мақолаларда нима ҳақда ёзилади?

Иқтисодий бўхрон ҳақида.

Оғир турмуш шароити ҳақида.

Маданиятдаги бузилишлар тўғрисида.

Миллатчилик ва у билан боғлиқ равишда русийзабон аҳолининг Ўзбекистонни ташлаб чиқиб кетаётганлиги ҳақида. Ислом фундаментализми туғдираётган хавф-хатар тўғрисида.

Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларидаги қонли воқеалар ҳақида.

Республикадаги ҳукмрон ва мухолифат сиёсий доираларида кучли ва ёрқин шахсларнинг қаҳатлиги тўғрисида.

Кўпгина мақолаларда Ўзбекистонда, аникрофи, бутун Ўрта Осиё ҳудудида аҳоли сонининг юксак суръатларда ўсиши билан меҳнат ресурслари ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг паст даражаси ҳамда ижтимоий неъматларга эҳтиёж билан бу эҳтиёжларни қондиришнинг мавжуд имкониятлари ўртасида ўткирлашиб бораётган қарамақаршиликлар тобора яққол кўзга ташланиб қолаётганлиги борасида сўз юритилади.

"Яхлит йирик пахта майдонига айлантирилган Ўзбекистон бамисоли якказироатчиликнинг нафакат қишлоқ хўжалиги, балки шу билан бирга, саноат, илм-маърифат, соғлиқни сақлаш ва охир-оқибатда, ижтимоий хулқни ҳам емирувчилик имкониятларини аниқлашга қаратилган узоқ давом этадиган фожиавий экспериментлар йўлига чиқиб олди". 1989 йилда Ўзбекистон ҳақида Б. Румер ана шундай деб ёзган эди.

Яна бир муаллиф ёзади: "Биз ер ва томорқа участкаларини қанчалик таҳсимлаб бермайлик, ҳозирги пайтда, масалан, Фарғона водийсидаги ҳар бир меҳнатга яроқли қишлоқ аҳолисига нари борса 1 гектардангача пахта майдони ва 17 сотихгача шахсий томорқа тўғри келади. Дехқон бу бир парча ердан кимни боқа оларди, бунинг устига сув имкониятларининг чекланганлиги туфайли бу ерни кенгайтириб бўлмайди ва ҷарчаб қолганлиги оқибатида амалда унинг ҳосилдорлигини ҳам оширишнинг иложи йўқ".

1990 йилда Тошкентда Ўзбекистоннинг, ўша пайтдаги шўро ресмикаларининг энг обрўли олимлари ва мутахассислари иштирокида "Мавароуннар кишиси: роб ва ҳақиқат" деган шиор остида бўлиб ўтди. Бу давра сұхбати: "Мавароуннар кишиси: роб ва ҳақиқат" деган шиор остида бўлиб ўтди. Унда ўша давр мухоммада қулоққа янги, ҳатто эшитган кишини ваҳимага соладиган алпоздаги кўпгина фикрлар айтилди.

Жумладан, статистик маълумотлар ва бошқа расмий хужжатлар сизда ўша "давра сұхбати"да ўзбек ҳалқининг турмуш даражаси СССРда энг паст даражада эканлиги, бу ердаги тирикчилик, ҳатто кўнга Африка мамлакатларидағига нисбатан ҳам орқада туриши таъланади.

Чунончи, юқорида номи эсланган публицист Лерман Усмонов, манима деб ёзган эди: "Мен яқинда Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондий вилоятларининг қишлоқ туманларида, Фарғона водийсида ҳам бўлуд. Бир хилдаги — яъни тўйлар, суннат тўйлари, диний байрамлар билан ўтадиган одатдаги кунлар, фақат нарҳ-наво чақиб олай дейди, қолгай ёмон эмас. Анъанавий чойхўрлик ва пишиб-пишмаган кулча нон, мурбай узлуксиз меҳнат ва кўзга яққол ташланиб турувчи кўримсиз қадабалар, кийимлар, овқатлар. Оддий меҳнаткашларнинг камбағаллиги турмуш даражасининг ночорлигидан, оиласаларнинг астойдил сир салаб келинаётган мушкулликларидан тилсиз гувоҳлик беради. Йўқчилдинг тавқи лаънатларини ҳеч ким ошкор этгиси келмайди. Бизнинг маълкимизнинг сертоқатлилиги, ута қаноатчанлилиги, итоаткорлиги гана да кишини ғоятда таажжублантиради. Унинг қисмати азал-азалдан шундай бўлиб келган, уни дини ислом ҳам шунга даъват этган. Со даврида эса биз уни шахсий қадр-қиммат, адолатга ишонч, ҳис-тўйлардан тамомила маҳрум этдик".

Журналлар ва газеталардаги мақолаларда, шунингдек совет жамиятининг идеаллари ва қонун-қоидалари одат тусини олган миллий урода одатлар ва ахлок тамойилларини асло ўзгартира олмаганлиги ҳам бақилинади. Тўғри, улар бурчакка сиқиб кўйилди, лекин иш шундан нафарга силжимади. Нега? Негаким, ўзбек оиласига бари бир тўқчилик маъмурчилик келмади, социализмнинг миллионлаб туб аҳолини боқилиб асло қурби етмади, устига-устак, ерни хароб қилди, Оролни ўлингани маҳкум этди ва ҳалқни оғир экологик кулфатлар ёқасига олиб келди, миллий маданиятни таъқиб этди.

Бугунги кун нуқтаи назаридан шу нарсани қайд этиш мумкинки, республикада йиллар ва ўн йиллар мобайнида чатиштирилган, ўзлиги унутган, ясама маданият вужудга келтирилди, бу ҳол айниқса республика раҳбарияти ва зиёлилар мұхитида аниқ кўзга ташланади. Бундай дурагайлашган (мутацион) жараёнлар оқибатида ўзбек тилини заифлашади, биладиган ёки уни тамомила унутган, ўз ҳалқининг маданиятни илдизларидан бегоналашган, айни пайтда, рус маданияти ва көмеросини ҳам қониқарли эгаллай олмаган миллий кадрларнинг бутун авлодлари дунёга келди.

Ўзбекистон — бу гўзал мамлакат, худо сийлаган ўлка, янги босқичга ўтиш даври арафасида ана шундай ахволда эди.

Ижтимоий муаммолар калаваси бош-адогини топиб бўлмас даражадачувалаштириб ташланган эди. Қайси ипни энг аввал тортиш керак?

Ўзбекистонда ўтиш даврининг мантики: зиён-захмат етказмаслик

Ўтиш даври муаммоларини тадқиқ қилиш, бу даврда ҳаёт кўндаланг қўяётган масалаларга жавоб топиш — амалиётчилар учун ҳам, олимлар учун ҳам энг оғир вазифа эди. Бу мушкулликнинг бош сабаби шу эдикি, жараёнлар шиддати ақл-идрокни шошириб қўйган ва бу шиддат Президент ҳамда вазирлардан тортиб тадбиркорлару зиёлилар, ишчилар ва дехқонларгача — ҳамма-ҳаммани ўз гирдобига куч билан тортмоқда эди. Истайдими-йўқми, ҳеч ким бу шароитдан четда қололмас эди.

Одатда, "ўтиш даври" ислоҳининг сўзларини айнан тушунишиб, уни ўтмиш ва келажак "оралиғи"даги давомли бугун, деб ўйлайдилар. "Ўтиш даври"нинг пайдо бўлишида, бундай қарашларга кўра, ўтмиш — сабаб, келажак эса мақсад тарзида воқе бўлади.

Бироқ исталган ижтимоий тузум, ҳар қандай жамиятнинг бир ҳолатдан бошқасига ўтиши ўтмишда ҳам, келажакда ҳам номаълумлигича қолаверади. Гап шундаки, ўтмишда фақатгина ҳақиқат излаб қолишмай, балки режалаштирилаётган келажакнинг ҳам асослари аниқланади. Келажак эса, ижтимоий мақсад тарзида, нафақат зиддиятли, балки, шу билан бирга, ўта узук-юлуқдир. Чунки, жамиятда интеграция заифлашган ва у ўзининг зарур қадриятлари ҳамда идеалларини ёки йўқотган, ёхуд мавжуд қадриятлар ва идеалларни танқидий идрок этишга ҳали улгурмаган.

Лекин ҳеч бир жамият бусиз етарли ривожланмайди. Бугун қадриятлар ва идеалларни "тўплаш"дек ижтимоий эҳтиёж, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди ва "бозор социализми", либерал демократия ва социал-демократия ривожланишнинг мағрибона ва машриқона йўллари тўғрисидаги баҳслар мухитида ўзини намоён этмоқда. Гоҳида бу баҳслар ўта қуруқ ва юзаки туюлади. Бундай эҳтиёж умуминсоний қадриятларга мурожаат этишда ҳам, миллий тарихни идеаллаштиришда ҳам ўзини намоён этади. Бундан ташқари, келажак тўғрисидаги тасаввурлар ижтимоий мақсад тарзида гуруҳий интилишларнинг кураши ва ғалабаси, йўлбошчиларнинг алмашинуви билан ҳам ўзгариши мумкин.

Масалан, Белоруссияда Президент сайланди ёки Озарбайжонда ҳокимият бошига янги Президент келди, дейлик. Тамом — энди уларгача мавжуд бўлган қадриятлар ўтда ёна бошлайди ва, аксинча, бир вактлар ўтда ёнган қадриятларга қайтадан сифиниш бошланади.

Хеч шубҳасиз, ўтиш даврига ўтмиш ва келажакнинг тӯғри ёки нотӯғри инъикоси тарзида эмас, балки жамиятнинг мустақил ҳолати, деб қараш ўринли бўлади. Ҳа, узоқ муддатли, гоҳида, афтидан, бутун бошли авлод ва ҳатто икки авлоднинг ҳам ҳаёти билан ўлчанадиган даврий ҳолат деб.

Мен ўзим сўнгги пайтларда кўришиб туришимга тӯғри келаётган Ўрта Осиё худудидаги замонавий сиёсий ҳаёт муаммолари билан шуғулланувчи бир немис мутахассиси ҳайрон қолиб, шундай деди: “Буларнинг ҳаётда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар муддатига доир тасаввурлари ҳеч ақлга тӯғри келмайди. Нега бошқа мамлакатларнинг айнан шу борадаги тажрибаларини ўрганиб, вақт кўламини, тахминан бўлсада, бундан аниқроқ қилиб белгилаб олиш мумкин эмас?”

Табиийки, ўтиш даврлари турли хилдаги тартибсиз жараёнлар, мавхумотликлар билан тўла. Кимdir бундай даврларни “дарё бўйлаб узала тушган кўпприк” деб ўхшатиб таърифлаган эди. Бунинг устига, у ёки бу мамлакатда ҳар хил сабабларга кўра, жумладан, йўлбошчиларнинг хато йўл танлагани дастидан бу даврлар аниқ бир инсоний маъно касб этмай ва тарихий истиқболга эга бўлмай қолиши ҳам мумкин. Бироқ барибир улар бир кўрсаткич бўлиб қолаверади. Аниқ бир кўрсаткич булиб, уларнинг ўз қонуниятлари, ўз тамойиллари мавжуд.

Посткоммунистик ўтиш даври — ўтиш даврларининг кўринишларидан биридир, холос. Инсоният тарихида бундай даврлар озмунча юз бермаган. Улар ўзаро бир-биридан қанчалар салмоқли тафовутлар билан фарқ қиласин, бироқ асосий маънолари битта — жамиятни, унинг иқтисодини, сиёсатини, унинг маданиятини замонавийлаштириш. Бундай замонавийлаштириш муайян якун топгунгача, яъни мамлакат барқарор иқтисодий ривожланиш, сиёсий барқарорлик, ижтимоий фаронвонлик даражаларига эришгунгача бўлган давр “ўтиш даври” деб аталади.

АҚШ, Япония, ГФР, Буюк Британия каби айрим давлатларни истисно қилганда, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида содир бўлган ўтиш даврининг ўзгаришлари, замонавий ижтимоий тараққиёт фани тили билан айтсан, “изма-из бориб қилинган замонавийлаштириш” тарзида юз берди ва юз бермокда. Ҳа, ривожланган мамлакатлар изидан бориб эришилган замонавийлаштириш!

Агар ҳар қандай мамлакатдаги ҳар қандай ўтиш даврининг ижтимоий шакли, ижтимоий мазмуни шархланадиган бўлса, биринчи навбатда, кутилаётган, гарчи доимо ва ҳамма ерда ҳам юз беравермайдиган, узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий фалабалар йўлида курбон қилинувчи ижтимоий чиқимлар, ижтимоий фидойиликларнинг шафқатсиз даражаси ва ҳажми ҳақида гапиришга тӯғри келади.

Ўзбекистондаги ўтиш даври вазиятини ҳеч сўзсиз, “кечиккан замонавийлаштириш” деб аташ ўринли бўлади. У юқоридан, сиёсий йўл билан амалга оширилаётган мулкчилик шаклларини ўзgartириш, аниқроғи,

хусусий мулкчиликни қарор топтириш, янги технологик тўлқинга қўшилиш асосида иқтисодни тубдан қайта қуриш йўлидир. Бу ерда бош вазифа — иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларга шитоб бағишлай оладиган баъзи бир, гоҳида деярли эришиб бўлмайдигандай бўлиб кўринадиган тадбирларни узлуксиз излаб топиш, уларнинг нисбати ва, энг муҳими, бу ижтимоий тадбирларнинг нечоғлик мақбуллигини ўлаб кўришдир.

Ўзбекистонда ислоҳотни "зўриқмай шошилиш" тамойилига суюниб амалга ошириш мумкин ва зарур. Бу ерда, юқорида айтилганидай ошиқишини асло хуш кўришмайди. Ўтиш даври шароитида эса бу ҳақиқат умумахамият касб этади.

Монреалдаги Мак Гил дорилфунунининг профессори М. Бунге шу муносабат билан боғлиқ равишда қўйидагича фикр билдиради: "Ўтиш доимий жараён бўлмоғи керак, сабаби — инқилоб ҳаддан кўп кулфатлар ва ижтимоий йўқотишларга олиб келади".

Ижтимоий йўқотишлар ҳақида гап кетадиган бўлса, бу борада И. Каримовнинг тутган йўли яхши маълум. Бу тўғрида у ўз фикрини етарли даражада баён қилган. "Ўлаб кўринг,— деган эди ўз нутқларидан бирида,— агар биз Гайдарнинг "фалаж қилиб даволаш" усулини Ўзбекистон шароитида қўллайдиган бўлсак, биласизми, қандай аҳвол юз беради? Ярим аҳолиси болалар ва ўсмирлардан иборат мамлакатда бу қандай оқибатларга олиб келишини бир тасаввур қилиб кўринг".

Бошка бир пайтда И. Каримов сұхбатдошидан: "Сиз ўз танқидий чиқишиларингизда қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган ислоҳотларни ўтказишидаги радикализм йўли — бу, оддий одамлар манфаатига ҳамиша зид бўлиб келганлигига наҳотки ишонмасангиз?" деб сўраб кўрган эди.

Достоевскийнинг "Оға-ини Карамазовлар"ида Иван Карамазов иинси Алексейга шундай сўзларни айтади: "Ўзинг менга айт, факат ўтинаман, тўғрисини айтасан, қани, жавоб бер, мана сен охир-оқибатда, одамларни бахтли-саодатли қилувчи инсоният қисматининг биносини тикка қиласан дейлик, бироқ бунинг учун лоақал биронта гўдакни албатта қийноқ-азобларга солиш зарур бўлиб қолса, сен бундай шароитда ўшандай иншоотнинг меъмори бўлишга розилик берармидинг? Йўқ, рози бўлмасдим,— деди Алёша секин овозда". Бу Президент Каримовнинг фикрларига жўда ҳамнафас.

Посткоммунистик мамлакатларда ислоҳотларни жадаллаштириш муаммолариға бағишлиланган публицистик мақолалардан бирида Инжилга мурожат қилинади. Аниқроғи, оға-ини Исаф ва Ёкубларнинг узоқ ҳижрондан кейин Саҳрои Кабирнинг қаердадир бир қоқ марказ жойидаги учрашуви воқеаси баён қилинган 33-боби тилга олинади. Биз ҳам шу воқеани эслаймиз. Ҳаётда кўпроқ омади келган Исаф укасини тоғлар ортида жойлашган ўз боғига чорлаб, факат иложи борича тезроқ юришини сўрайди. Ва Ёкуб акасига орқасида унинг бοғини яширган тоғларга ғамгин назар ташлаб, жавоб беради: "Ҳазратимга маълумки, болаларимнинг танаси қотмаган, норасида ва қорамолларим эса соғи-

лади, агар мен уларни бир кун ичида қувлаб ҳайдасам, бор молларим ҳалок бўлади, модомики шундай экан, Ҳазратимнинг ўзлари ўз қулиниг олдига тушиб йўл бошласинлар, мен бўлсам, олдимда бораётган моллар ва болаларимнинг туёқ олишига қараб, секин боравераман". Мазкур Инжил ривоятида, шу тариқа, наинки ҳаракатнинг йўналиши кўрсатилган, балки унда ҳаракатланиш суръати ҳам баён қилинган.

Лашкарнинг ҳаракатланиш суръати ярадорларни ортган карвоннинг тезлигидан баланд бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда, бу лашкарнинг, қандай мақсадга интилмасин, қанчалар чираниб кучанмасин, барибир иши ўнгидан келмайди. Иқтисодий ҳаракатланиш, бу албатта, янада мураккаброқ — аниқ ҳисоб-китобларга таянган ривожланиш суръатини белгилаш, гоҳида ялқовлик қилиб орқада қолаётганларни нуқиб туриш учун қандайдир қамчинни ўйлаб топиш зарур, фалсафий ва ахлоқий жihatлардан эса, барибир, ўша-ӯша гап: "болалар ва молларнинг туёқ олишига қарав".

Ногиронлар ва қарияларни таъминлаш учун пулни қаердан олиш тўғрисидаги масалага ногиронлар ва қариялар мана бундай деб жавоб беришлари учун тўла асослари бор: "Бизнинг нима ишимиз бор. Майлига, отиб ташланглар. Майлига, агар сизлар ўз базми жамшиidlарингизга шу қадар ошиқаётган экансизлар, отиб ташланглар, майлига, беморлар ва ярадорларни бўм-бўш саҳрого итқитиб ташлаб кета қолинглар". Ва бундай ноxуш ҳодисалар тарихда озмунча содир бўлмаган. Ўзбекистон Президенти учун эса бу тўғрида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Радикал иқтисодий ислоҳотлар тарафдорларининг ўзи бугунга келиб, бозорга ғолибона шитоб билан кириб бориш насиб қилмаганлигини эътироф этмоқдалар. Нега шундай — бу, энди бошқа масала, бироқ ҳужум барбод бўлди. Бундай йўлнинг хатарли эканлигини И. Каримов бошдаёқ, яъни 1992 йилнинг январида айтиб огоҳлантирган эди.

Ўтиш даври ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, унинг табиий ва инсоний омиллари, маданиятининг ўзига хослиги, сиёсий тузумнинг алоҳида хусусиятларига кўра ҳар гал бошқача шаклларда рўй беради. Бироқ, ҳар қандай ҳолда ҳам, бу жамиятнинг ўз мантиқ ва ривожланиш механизmlарига эга алоҳида мустақил бир ҳолатидир. Бу тизимнинг самарадорлигини нималар белгилайди? Жамият бўхронлардан тараққиёт йўлига чиқа оладими, бу нималарга боғлиқ?

Жаҳон бу маънода улкан тажриба тўплаган ва у ривожланиб келаётган мамлакатлар томонидан ўрганилмоқда. Ўрганилса-да ҳар доим ҳам бу тажрибалардан фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Жаҳон тажрибасининг кўпгина хulosалари Ўзбекистон воқелигига яққол ҳамнафасдир. Афтидан, мазкур тажрибаларни уларни юзага келтирган ўз ноёб тарихий муҳитида олиб қарав, идрок этиш лозим, шундагина ўзгаларнинг хатоси такрорланмайди, ўз хатоларидан қочиб қутулиш эса ҳали ҳеч кимга насиб этмаган. Ёки ўзгаларнинг хатоси ҳеч нарсага ўргатмайди, дейдиганлар ҳақми?

Жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида ўтиш даври амалда қўйидаги ҳал этувчи ижтимоий муаммолар билан узвий боғлиқ:

- давлатнинг ислоҳотларни ўтказишдаги бунёдкорлик роли билан;
- жамиятнинг ижтимоий имкониятларини сафарбар этиш билан;
- ўрта ҳол синфи шакллантириш ва кенгайтириш билан;
- халқаро мұхит билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш билан.

Таъбир жоиз бўлса, бу омилларнинг босқичма-босқичлиги, уларнинг аҳамияти, шунингдек улардан алоҳида ҳар бирининг ва барчаси бир бутун бўлган ҳолатда берадиган самарадорлиги ҳар хил сабабларга боғлиқ. Булардан энг асосийси — ўтиш даври арафасидаги вазият, унинг бошланиши олдидан мамлакат қандай ахволда эканлигини аниқлаб олишдир.

Янги уйни курмай туриб, эскисини бузма

Ўтиш даврининг энг мұхим омили, бу — кучли давлатни барпо этишидир. Бундай давлатсиз (бу эса жаҳондаги кўпгина мамлакатлар тажрибаси билан кўп марта тасдиқланган) мавжуд ижтимоий имкониятларни сафарбар этиш ҳам, ўртаҳол синфи шакллантириш ҳам, халқаро мұносабатларда муваффакиятга эришиш ҳам мумкин эмас. Президент Каримов буни бошқа мустақил давлатларнинг раҳбарларига нисбатан олдинроқ ва яхшироқ англаб етди.

Ўзбекистон Президенти ўз мамлакатининг шўровий ўтмиши нақадар улкан, таъбир жоиз бўлса, тортувчан кучга эга эканлигини бошдаёқ тушунди. Бу ўтмиш "инсоний материал"да, ижтимоий онгда, андозага тушиб қолган хатти-ҳаракатларда ҳамда раҳбарлик курсисида ўтирган ва уларга бўйсунувчилар табиатида, шунингдек — "ижтимоий материал"да хилма-хил, чукур илдиз отган расмий ва норасмий алоқаларда мавжуд эди.

Чиндан ҳам, СССРдаги ва Ўзбекистон ССРдаги, бошқа совет республикаларидаги давлат бошқаруви тарихнинг монополистик субъекти эди. Жамият ҳаётининг барча соҳалари — иқтисод ва маданият, мағкура ва ташқи сиёsat, савдо ва болалар тарбияси, таълим, майший турмуш ва дам олиш ва ҳоказо-ҳоказолар давлат бошқаруви хукмida эди. Кисқа қилиб айтганда, одамлар ва умуман, жамият ҳаётига жилла алоқадор бўлган жамики нарсалар унга тобе эди. Farb жамиятида хусусий тадбиркорлар, банклар ва бошқа ўз ишини ўзи ташкил этувчи давлат тасарруфидан ташқари воситалар бир бўлиб бажарадиган фаолиятни бу ерда давлат ўз зиммасига олган эди. Чунончи, фақат давлатгина ислоҳотчилик ва тараққиётни ташкил этиш вазифаларини амалга оширишга масъул эди. Табиийки, у ёлғиз ўз хоҳиш-иродаси билан бу нарсага интилмас эди, балки ўз-ўзини асраб ва мамлакатни ҳам сақлаб қолиш манфаатлари уни шунга мажбур қиласа эди. Одат тусига кирган турғунлик ва таназзул тамойилларига қарши кураш юқоридан белгила-

а куйи-
билан;
лан;
тириш
арнинг
си бир
бларга
, унинг
иклаб

этиш-
ажри-
ларни
ю ми-
идент
батан
кадар
ёк ту-
озага
ирган
тери-
тарда
рес-
екти
афку-
тур-
эди,
тоқа-
усий
івлат
ятни
гина
жши-
нар-
клаб
рган
ила-

надиган мажбурий ислоҳотларни юзага келтирас, шу жараёнда ҳукумат раҳбарлари аҳолининг қолоқлик ва сусткашлик ҳолларини ҳам енгид ўтишига тўғри келарди.

Бугунга келиб, барча постсовет мамлакатлари амалиётининг ўзи томонидан шу нарса шак-шубҳасиз исботландиди, ҳокимиятни ва партия-давлат бошқарувининг обру-эътиборини тугатиш иқтисод ҳали бозор шароитига кўчмаган ва ижтимоий тартиб ўрнатишнинг барча шоҳобчалари худди аввалдагидай, фақат "юқоридан" туриб бошқариш таъсиридагина самарали ишлай оладиган бир вазиятда — бундай тугатиш ижтимоий тузум аъзосининг тўқималари тириклигига барҳам бериш мумкин. Партия-давлат бошқарувининг заифлашуви ва охир-оқибатда барҳам топиши — дарвоҷе, ислоҳотни сиёсий соҳага татбиқ қилишнинг моҳияти шунга қаратилган эди — маъмурӣ-бошқарув жабҳасида тартибсизликни туғдирди. Ижтимоий ҳаёт аъзоси фаолиятининг барча қисмларида, марказда ва жойларда, исталган туманда ва корхонада бузилишлар юз берди. Давлат интизомини сақлаш даражаси кескин пасайди (айниқса, солиқ соҳасида), кундалик ҳаётдаги хавфсизлик сустлашиб кетди, ижтимоий турмушнинг деярли ҳамма жабҳаларида жиноятчилик барқарор тус ола бошлади.

Бу ерда гап фақат Совет давлатининг қудрати бошқа хилдаги жамиятларнинг куч-қудратига нисбатан баландлиги тўғрисида ҳам эмас. Биз, бу ерда ижтимоий ҳаётни ташкил этишда давлатнинг зиммасида сифат жихатдан тамомила янгича вазифалар турганлигига дуч келамиз. Бу ерда бутун жамият давлатчилик тамойилларига асосан ёки шунга яқин бир тарзда ташкил этилганлигига шоҳидмиз.

Агар собиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетиши ва янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ воқеаларни тушуниш учун худди шундай вазият асос қилиб олинмаса, у ҳолда совет жамиятининг бу қадар тез ва ҳалокатли инқирозга юз тутиши ҳам мутлақо тушунарсиз бўлиб қолавради.

Негаки, бу ерда давлатчиликнинг инқирози аслида мавжуд жамиятнинг ҳам зарурий инқирози тарзида қабул қилинди, сабаби давлат тузумидан ташқарида бу ерда ҳеч бир жамият мавжуд эмас ва мавжуд бўлмас эди.

Коммунистик тузумнинг шиддат билан тор-мор бўлишини тўғри тушунишда бу тузумда коммунистик партиянинг тутган мавқеини тўғри баҳолаш алоҳида, янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, марказий, ҳал қилувчи ўрин тутади. "Партия" сўзи Фарbdаги тадқиқотчиларни ҳамиша чалғитиб келди ва ҳозирда ҳам чалғитиб турибди, чунки бу сўзни улар Farb мамлакатларидағи партиялар тимсолига яқин бир маънода талқин этадилар. Ҳолбуки, Совет Иттифоқида "партия" деб аталган феномен аслида умуман партия эмасди. Маълумки, у кўпдан-кўп партия ташкилотларидан ташкил топган ва уларга мутлақо боғлиқ бўлмаган партия бошқарувига эга эди.

Бошланғичлари — жамият ижтимоий аъзоларининг унсурлари бўлиб, меҳнат жамоалари турмушининг барча соҳаларига тўла-тўқис раҳбарлик ваколатига эга эди, улар бутун жамият ҳаётига фоятда фаол таъсир кўрсатарди. Ўзбекистонда ҳам, бошка республикаларда ҳам кўпгина одамлар таъмагирлик ва мансабпаратлик мақсадларини кўзлаб коммунистик партия сафига аъзо бўлар эдилар. Бироқ, партияning ундан ҳам кўпроқ аъзолари ҳеч бир мансаб тўғрисида ўйламас, ўз партиясидан бирон устунликни таъма ҳам қилмас эди. Ҳамиша беминнат бажариладиган партияга аъзолик белгиси — жамоатчилик фаолияти улар ҳаётининг доимий ва бош ижтимоий маъносини ташкил этар эди.

Партиявий бошқарув эса давлатчилик тузумининг бир қисми, янада аниқроғи, алоҳида бир қисми эди. Аввало, у бутун ҳокимиёт тизими нинг ўзаги, қобирға суюгини ташкил этарди. Иккинчидан, у раҳбарликкни шундай бир қисми эдики, бу қисм қолган жамики раҳбарликка раҳбарлик қиласади, яъни олий мақомдаги раҳбариёт эди. Раҳбарликкниг ва жамиятни бошқарувнинг барча тизимлари бевосита партия бошқаруви назорати остида ишлар, амалда ҳам унинг узвий бир давоми ва бамисоли шахобчасидай эди. Бевосита фаолият майдонида у қандай қилиб бўлса-да, партия бошқаруви йўриғидан келиб чиқиб иш тутар ва унинг акси-ифодасига айланарди.

Совет жамияти яккапартиявий жамият эди, деган хулосалар айтарли асосли эмас. У моҳият-эътибори билан, партиясиз жамият эди. КПССнинг давлат бошқарувчилик ҳуқуқларининг тугатилиши, уни қандайдир одатдаги партиялардан бирига айлантиришга уринишлар, аслида, бутун совет давлатчилигини барбод этишга уриниш эди ва фақат шундай эди.

Фарбда мавжуд бўлган Президент И. Каримов Коммунистик партияни Халқ-демократик партиясига (ХДП) айлантиришга муваффак бўлди, ХДП коммунистик партияning меросхўриди, деган ақидаларга қўшилиб бўлмайди. Ҳеч бир партия, юқорида келтирилган сабабларга кўра, бугунги Ўзбекистон шароитида собиқ Компартияning ҳукмрон давлат бошқарувининг ролини вориси бўлиши мумкин эмас, республикадаги собиқ КПССнинг 700 минг аъзосидан атиги 220 минг кишигина ХДПга аъзо бўлди, уларни эса асосан демократик ва бозор иқтисоди ислоҳотлари ривожига кўмаклашиш истаги шу партия сафига олиб келди.

Президент И. Каримовга, Ўзбекистон Компартиясининг собиқ Биринчи котибига ва унинг айрим партиявий сафдошларига қатъий уюшган ижодий кучга айланиб, таъбир жоиз бўлса, бутун цивилизация кўламининг бебошликлар селига фарқ бўлиб, хонавайрон бўлиб кетишига йўл қўймасликка тўғри келди. Улар, аксинча, аввалги давлат тузумини аста-секин, оқилона равищда ислоҳот қила бошладилар. Шундай экан, нега уларга таъна тошларини отавериш керак? Айниқса, бугун.

Яна шуни ҳисобга олиш керакки, ўзбекларнинг сиёсий онгига совет империяси тузуми томонидан иррационаллик чуқур сингдирилган бўлсада, бари бир бу онгда раҳбарларга анъанавий эҳтиром билан қараш етарли даражада эди. Ўзбекистонда Компартия Марказий Комитетининг биринчи котибларини ҳамиша мамлакатнинг қонуний эгаси, деб билишар эди, ҳатто бунда улар бу мамлакат анъаналарига хос бўлмаган йўллар билан раҳбарликка келганликларининг ҳам аҳамияти йўқ эди. Шу боисдан, юқорида айтилганидай, Шароф Рашидов ва унинг атрофидагилар Москва томонидан ҳар хил жиноятларда айбланганида, бу — республикада бутун ўзбек ҳалқи шаънига қўйилган айбдай қабул қилинди. Вилоят ва туман миқёсидаги партиявий раҳбарларнинг ҳам ҳалқ ўртасида қонуний обрў-эътиборда бўлиши зарурлиги бу ерда ҳеч бир шубҳа туғдирмас эди.

Д. Карлайл Ш. Рашидовнинг оқланиши “эҳтимол, “янги уй курмай туриб, эскисини бузма” деган шиор остида белгилаб олинган И. Кариев тутган стратегик йўлнинг ҳайратомуз ифодаларидан” бўлиши мумкин, деб ҳисоблади ва давом этади: “Бу ҳаракат 1992 йилнинг ёзида бошланган эди, 1992 йилнинг охирига келиб, яъни Ш. Рашидовнинг таваллуд куни инқилобнинг ноябрь байрами кунлари билан бир вактда нишонланди. Аввал Ленин номидаги шоҳжӯча Ш. Рашидов номи билан аталди. Бунинг ҳаммаси бу инсоннинг Ўзбекистон олдидаги кўп йиллик хизматларини факат адолат қилишгагина эмас, балки, энг мухими,— жумладан, бундай қадам орқали — емирилаётган давлатчиликни сақлаб қолишига ҳам қаратилган эди” (176-с.).

Совет Иттилоқида ва, жумладан, Ўзбекистонда тоталитар коммунистик тузумни емирилишга олиб келган инқилобни тайнинли бирон ном билан атай олмайман. “Яшилми” ёки қандайдир бошқача тусдами, буни билмайман. Бироқ, ҳар қандай инқилоб сингари, у муайян ижтимоий оқибатларга олиб келиши аниқ эди: қайсиadir ижтимоий қатлам ўз мавқеининг ҳаммасини ёки катта бир қисмини йўқотди, бошқа бир қатламлар эса гуркираб ўди ва мустаҳкамланди.

Фарbdаги ва Россиянинг ўзидағи кўпгина жiddий тадқиқотчилар Россиянинг янги раҳбариytидан собиқ давлат мансабдорларининг бир қисми маълум даражада манфаат кўрдилар, деб ҳисобламоқдалар. Лекин асосий ютганлар улар эмас, балки савдо капиталининг фирибгарлари ютдилар. Улар аҳолининг қашшоқлашуви эвазига ғоятда тез ва афсонавий бойликларга эришдилар. Худди шу капитал мафиянинг, уюшган жиноятчиларнинг фаолияти ҳаддан ташқари фаоллашиб кетишига куляй шарт-шароит яратди.

Баъзи бир кузатувчилар янада ваҳималироқ хulosаларни чиқармоқдалар. Улар, масалан, мана бундай деб ёзяптилар: “...посткоммунистик мамлакатлардаги бугунги мафия — бу тадбиркорлар, молия намояндалари ва сиёsatчиларнинг ўзаро яқинлашуви ва чамбарчас бўлиб

кетганлигидир, улар ўз манфаатларига зид бўлган қонунларга амал қилмайдилар ва амал қилишни хаёлларига ҳам келтираётганлари йўқ. Мана, тузум бугун кимларнинг қўлида".

Ўзбекистонда бугун бундай даҳшатли ҳодисалар бошқа постсовет мамлакатларидағидай ривож топа олмагани, бу ерда ижтимоий тузум ундаиларнинг қўлида эмаслиги — булар узоқ ва яқин хорижий мамлакатларда ҳаммага кундай равшан. Бунинг бош сабаби — давлат бошқа рувини ялписига эмас, балки аста-секин, мароми билан ислоҳот қилинаётганлигидир.

Россия Президенти Б. Ельцин 1995 йилнинг 2 марта ӯлдирилган машхур тележурналист В. Листвьевни дафн этиш маросимида сўзлаган нутқида, жумладан шундай деди: "Ўзбекистонда 6 та жиноий гурухни қўлга олиб, отиб ташлашди. Ички ишлар органлари отди. Вазият эса бирдан яхшиланди". Тошкентда, менга маълум бўлгани шуки, Ельциннинг бундай баёноти ёқинқирамади. Бироқ, ҳар қандай ҳолда ҳам бу дикқатга лойиқ далил Ўзбекистон Президентининг жиноятчиларга қарши курашдаги обру-эътибори ва мавқеи foятда баланд эканлигини кўрсатади.

Хуллас, Ўзбекистонда собиқ партиявий бошқарувнинг раҳбар ходимлари ва малакали амалдорлари (табиийки, ўта такаббур, жиноий ишларга бош қўшиб ўз-ўзини фош этиб қўйган кимсалардан ташқари) асрар-авайланди ҳамда марказдаги ва жойлардаги янги давлат раҳбарлик тизимига жалб қилинди. Оқибат-натижада ўзбек жамиятига хос бўлган ҳомийлар ва мижозларнинг ўзаро ҳамнафасликка асосланган муносабатлари, ўзаро боғлиқлик, ўзаро таъсир, кўмакдошликтининг кенг тармоқли, ранг-баранг шаклдаги алоқалари сақланиб қолинди. Сақланганда ҳам кенг миқёсда, бевосита шахсан Президентнинг — бу аклли, кучли иродали, зарур бўлиб қолганда қатъий қилиб "йўқ!" деб айта олиш қудратига эга шахснинг ўз назорати остида сақлаб қолинди.

Баҳс қилиб ўтирасак ҳам бўлади, бундай муносабат баъзи ҳолларда ахлоқий покизалик ва баркамоллик идеаллари билан қовуша олмайди. Президент И. Каримовнинг ўзи буни Farbdagi ёки бошқа ердаги баъзи бирорлардан кўра яхшироқ тушунади. Бироқ, буларнинг барчасини бирдан, қисқа фурсат ичида бузуб ташлашни фақат ҳомхаёлликка берилиш деб қарашнинг ўзи етмайди. Йўқ, бу Ўзбекистон ҳалқининг бошига оғир фожиаларни ҳам келтириши мумкин эди.

И. Каримовнинг кучли давлат бошқарувини сақлаб қолишга қаратилган йўлига, ҳар қалай, Россия йўлини муқобил тарзда олиб қараш мумкин. Бу йўлнинг ачинарли моҳияти тўғрисида ёзувчи Даниил Гранин яқинда чукур қалб дарди билан ёзди. Унинг шу масалага бағишинган эссесидан бир парчани келтирайлик: "Бундан беш йил олдин мамлакатда миллий хавфсизликнинг устуворлиги тўғрисида шов-шув солишган эди. Иккинчи ўринда эса атроф-муҳитнинг ифлосланиб кетиши масаласи турар эди. Бугун жиноий вазият оқибатида содир бўлган оғир

амал
1 йўқ.
совет
гузум
имла-
шқа-
или-
илган
лаган
ухни
эса
цин-
и бу
рши
рас-
тим-
иш-
ас-
бар-
хос-
нган
сенг
тан-
ли,
тиш
ар-
ай-
аги
ча-
кка
инг
ра-
аш
ра-
ан-
им-
со-
ши
ир

йўқотишлар биринчи ўринга чиқди. Бундай вазиятда одамлар жисмонан ҳалок бўлмоқда ва маънавий азоб-уқубатларга учрамоқдалар, беҳад азобланмоқдалар, ҳимоясизлик ва ожизликка маҳкум бўлмоқдалар.

Бизлардан ҳар куни қанчалаб одамлар ҳалок бўлаётганигини, мажрухликка учраётганини, ногирон бўлиб қолаётганикларини яширмоқдалар. Шифохоналар аёвсиз калтакланган, жағ сүяклари синган, ичи пўла бўлиб қолган одамлар билан фиж-фиж тўла. Шифокорлар уларни қўлидан келганича даволашлари мумкин, бироқ руҳий жароҳат, поймол қилинган инсоний қадр-қиммат, фуқаролик ҳис-туйғуси — булар шундайлигича қолади. Мен бутун урушни илғор сафда ўтказганман, жанг қилдим, даракка бордим, танк билан курашга кирдим, қуршовда қолган Петербург қўчалари бўйлаб ўқ ёмғири ва бомбардимон остида одимладим, лекин ҳеч қачон ҳозиргидай шармандали қўрқоқликни ҳис қилмаганман".

Президент И. Каримовнинг тутган йўлига бундан ҳам ноҳушроқ муқобил ҳолатларни эслаш мумкин. Бу — Тожикистон йўли, улардаги фуқаролик урушидир.

Тожикистондаги воқеаларга ҳар хил ёндошиш, бу воқеаларни турли мезонлар асосида таҳлил этиш мумкин. Давлат бошқаруви ўз мавқени сақлаб қолиши ёки уни тугатиш, ўз-ўзини емириши каби нуқтаи назардан масалага қараш ҳам фойдадан холи эмас.

80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошидаги Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Қ. Маҳкамов юмшоқ табиат ва келишувчан одам эди. Компартияning иккинчи котиби П. Лучинский Москвадан катта ваколатлар билан бу ерга келган эди. Партия бошқаруви ва давлат тузилмасида юз берган вазиятни етарли даражада англаб етмасдан, тоzikларга хос вазиятни тушуниб-тушунмасдан Лучинский қадрлар масаласида бир қатор хатоларга йўл қўиди. Маҳкамов эса ўз юмшоқ табиатлилиги оқибатида Марказ вакилига қарши тура олмади. Республиkaning раҳбар доираларида ўзаро муносабатлар бузила бошланди, шахсий келишмовчиликлар кескинлашди, юқори раҳбарлик лавозимлари учун ошкора аёвсиз кураш кучайиб кетди. Республикадаги анъанавий Жануб ва Шимол зиддиятларининг янги манбалари пайдо бўлди. Сиёсий инқироз бошланди.

1992 йилнинг ноябрь ойида Раҳмон Набиев Тожикистон Президенти этиб сайланди. У Маҳкамовгacha ҳам республика партия ташкилотининг собиқ раҳбари эди. Кучли иродага ҳам, билимга ҳам ташкилотчилик қобилиятига ҳам эга бўлмаган Р. Набиев давлат бошқарувининг инқирозини тұхтатиб қололмади. Ўзбекистон мисолида кўрилган давлат бошқарувини ташкил этиш масалаларида соғлом ва оқилона мухофазакорлик (консерватизм) тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Набиевнинг: "қўйлар ҳам соғ, бўрилар ҳам тўқ" қабилидаги раҳбарлик тамойили раҳбарлик лавозимларини шошқалоқлик билан тақсимлашга олиб келди, мухолифлар билан ўз қадрини таҳқирлаш даражада

ларида муюмала қила бошлади. Айнан мухолифларнинг кучли таъсирида ҳокимиятнинг ҳимоявий тузилмалари — Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик комитетлари ҳаддан ташқари заифлашириб кўйилди. Бундай шароитда энди Шахидон майдонида юз берган фожиали воқеаларни тұхтатиб бўлмас эди. Бошбошдоқликнинг қонли хуружлари мамлакатни чулғаб олди. 1992 йилнинг 7 сентябринда Набиев қурол кучи таъсирида истеъфога чиқиш тұғрисидаги аризага имзо чекди. Фуқаролик уруши филдирлаклари тұхтовсиз айланы бошлади.

Қисқа бир пайт Тожикистон Президенти вазифасини бажарган Акбаршо Исқандаров таассуф билан шундай деган эди: "Жаҳон сиёсати луғатида, бир томондан, давлат бошқаруви заифлигининг синоними тарзида "тожикча вариант" деган ибора пайдо бўлди ва, иккинчидан, исломий мухолифат ибтидоий ёввойилик ва сиёсий шафқатсизликнинг синоними тарзида англашила бошланди".

Мазкур масала юзасидан бундан бошқа янада ишонарли далилларни ҳам келтиришимиз мумкин. 1992 йилнинг июль ойи биринчи ярмида Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг топшириғи билан президентлик девони бошлиғи ва мен Гуржистонда янги маъмурний тузумларнинг (префектуралар) ташкил этилиши ва фаолияти билан танишиш учун хизмат сафарида бўлдик. Сафаримиз дастури анча бой эди. Биз мамлакатнинг ўша пайтидаги Президенти З. Гамсахурдия, бош вазир Т. Сигуа, ташки ишлар вазири Г. Коштария, Тбилиси, Кутаиси, Мцхета, Гори шаҳарлари префектлари, Президентнинг маслаҳатчилари ва унинг девони ходимлари, ниҳоят, Ажария парламенти бошлиғи А. Абашидзелар билан учрашиб, сұхбатлашдик. Таассуротларимиз, ошкора айтганда, ҳайратомуз эди. Гуржистонда ҳокимият тепасига собиқ ватангадолар, кўп жиҳатдан зиёли ва билимдон одамлар келган эди, бироқ, улар бошқарув ҳақида зигирча тасаввурга эга эмасди, маъмурний кўнилмалар ҳам йўқ эди. Чунончи, Мцхетага тарих фани профессори, яхудийлар христианлиги бўйича мутахассис бўлган одам префект этиб тайинланган эди. Ёқимтой бу одам ўзининг эгаллаб турган вазифасида фоятда ожиз эди, бизга у ўз-ўзини кулғи қиласидиган, ўз ҳаётида содир бўлган ёки тўқилган ҳар хил латифабон воқеаларни айтиб берди. Янги ҳокимият фаолиятининг натижалари тезда ўзини ошкор қилди. Мамлакат ҳалокатга юз тутди. Фақат ўз вақтида катта тажрибали партия ва совет ходими бўлган, эски бошқарув жамоасини сақлаб қолган Аслан Абашидзе бошлиқ Ажариягина ўз оёғида мустаҳкам турар эди. Ажария, бамисоли тартибсизликлар денгизидаги осойишта оролга ўхшар эди. Менинг билишимча, Ажария ҳозирга қадар ҳам Гуржистонда соғлом турмуш тарзини сақлаб қолган ягона маскан ҳисобланади.

Чеченистанда менинг яхши дўстларим бор. Бир вақтлар Қирғизистонга сурғун қилинган бу одамларнинг ҳозир ёшлари бир жойга бориб қолган, болалари ҳам улғайиб қолишиди. Уларнинг баъзи бирлари Қирғизистон дорилфунунида менинг талабаларим эди. Уларнинг орасида

олимлар ва хукукшунослар, ўқитувчилар, шифокорлар, агрономлар, нағақахўрлар ҳам бор. Сўнгги пайтларда уларнинг айримлари билан алоқа ўрнатдим, хат алмашдик, кўнғироқлашдик. Улар ва уларнинг қариндошурӯф ҳамда яқин биродарларининг фикрича, агар Чеченистон раҳбарлиги тепасида тажрибали партия ходими Доку Завгаев турганида, бу ўлка Россия таркибида аллақачон бамисоли Татаристондай мустақил бир мавқега эришар эди. Чеченларнинг мустақиллик талаблари ҳам шафқатсиз ва бемаъни урушсиз ҳал бўларди. Менинг танишларим Дудаев тарафдорларининг ўзи ҳам, бугунга келиб, Завгаев ҳокимиятдан эрта четлаштирилганлигини тан олишиб гапирашаётганини айтишди.

Президент И. Каримовнинг "янги уйни қурмай туриб, эскисини бузма" деган қарашини сиёсий ҳокимият тузилмасидаги ворисийликка татбиқ қилишиб, унга эътиroz билдиришар экан, унинг Farbdagi муҳолифлари қўшни Кирғизистонни далил қилиб келтиришади. Уларнинг фикрича, Кирғизистонда аввалги партия-давлат бошқаруви сиёсий ҳаётдан четлаштирилган, демократик кучлар давлат тепасида, мамлакат шу сабабли, гарчи баъзи қийинчиликлар билан бўлса-да, ижтимоий тараққиёт йўлидан бормоқда.

Аслида, асл ҳақиқат улар айтганчалик эмас. Кирғизистондаги ҳаёт, гарчи Президент А. Акаевнинг ҳар қанча уринишларига қарамасдан, анча мураккаброқ. Жойлардаги амалий раҳбарликни собиқ партия ва давлат раҳбарлари әгаллаб олишган. Уларнинг куч-кудратини ва обру-эътиборини норасмий, бироқ ҳақиқатда мавжуд бўлган хўжалик ва жамоатчилик уюшмалари: юртдошлиқ, оиласвий, уруғ-қавмчилик, сулолалар томонидан ҳимоя қилиниб келинмоқда. Жойларда мустаҳкам ҳокимиятга эга бўлган собиқ парторкратлар мамлакатни демократик бошқариш йулига кучли қаршилик кўрсатмоқдалар. Давлат ҳокимиятининг заифлиги Кирғизистондаги жиноятчилик, шу жумладан, уюшган жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўляпти. Кўпгина кузатувчиларнинг фикрича, жойлардаги расмий ҳокимият кўп ҳолларда хуфяки бизнес билан тил бириттириб фаолият юритмоқда, уларга қарши курашиш эса осон бўлмаяпти.

Маҳаллий йўлбошчиларнинг кўп сонлилиги ва бундай мухитда бунгунги кунда ҳаммага (ёки лоақал кўпчиликка) маъқул келадиган давлат бошлиғи лавозимиға ҳақиқий даъвогарнинг йўклиги Кирғизистонда чигал мутаносибликка асосланган барқарорликни вужудга келтирган. Мамлакатни ҳалқаро миқёсда муваффақият билан намоён эта олаётган зиёли табиат ва фоятда одобли Асқар Акаев, ҳозирча, афтидан, сиёсий иқлимини яратадётгандарнинг барчасига маъқул бўлиб турибди.

Кирғизистондаги давлат бошқарувининг бундай ҳолати бу ердаги оғир иқтисодий аҳволнинг ҳам бош сабабчисидир. Жаҳон банки, Ҳалқаро Валюта Фонди ва бошқа ҳалқаро молия ташкилотлари томонидан жуда катта ёрдам берилаётган бўлса-да, мамлакатдаги иқтисодий бўхрон тобора кучаймоқда. Келажак билан боғлиқ ўй-хаёллар эса анча тушкун бир руҳда.

Бу далилларнинг барчаси совет империясини барбод этган "портлаш"дан кейин партия ва давлат бошқарувини сақлаб қолиш ва тъмирлашнинг фойдали бўлганлигини яна бир карра тасдиқлайди. Шу сабабли бундай йўл Ўзбекистонда қабул қилиниб, амалга оширилди. Энди эса Президент И. Каримов олдида бутун дунёга кучли давлат бошқарув демократик жамият учун курашда самарали восита, бундай бошқарув хусусий мулкчилик ва бозорга асосланган жамиятни барпо қилишда муайян бир босқич бўлиб қолажагини исбот этиш вазифаси кўндаланг турибди.

Янги омиллар ва мақсадлар

Ўз вақтида Ф. Достоевский жуда тўғри бир фикрни айтган эди: "Агар дилингда яхшиликка унча-мунча иштиёқ бўлмаса, ҳеч қачон яхши ҳаётга ҳам эриша олмайсан. Ҳатто, шуни комил ишонч билан айтишим мумкини, ёмон ҳаётдан ўзга ҳеч нарсанг бўлмайди". Бу фикрлар жамият аъзоларининг кўпчилик қисмини қизғин фаолиятга ва янги ҳаётий мақсадларга рағбатлантирадиган омилларни юзага келтирмай туриб, ўтиш давридаги ислоҳотларга зарур ижтимоий куч-кудрат бағишлиб бўлмайди деган фикрни яна бир карра тасдиқлайди. Жамиятнинг ички ижтимоий борлигини қандай қилиб ва нимага сафарбар этиш мумкин?

Бундай кезларда, тадбиркорлик, шахсий манфаатдорликни энг самарали йўл, деб ҳисоблайдилар. Бу ерда гап даромад топишнинг бозор усули, меҳнат шароитига қаттиқ боғланиб қолмасдан фойда кўришнинг йўл-йўриғи, кўпроқ хусусий мулкка таяниб ва ёлланма меҳнат воситасида олинадиган фойда устида кетмоқда.

Тадбиркорларнинг йирик қатлами худди шу тариқа шакллантирилди. Улардан эса, ўз навбатида, вақти келиб учта янада такомиллашган тоифа — улкан тадбиркорлар, менеджерлар, мутахассислар, эксперторлар ажralиб чиқади. Шундай қилиб, бу қатлам, охир-оқибатда, иқтисодий ривожланишни фаоллаштирувчи кучли омилга айланади. Аммо бу "хумо қуши"ни тутиб олиш зинҳор осон иш эмас.

Бундай йўлнинг фусункорлигига берилиб, чалғиб ҳам қолиш керак эмас. Ривожланган, самарали тадбиркорлик омиллари бирданига пайдо бўлмайди. Бундай омилларни юзага келтиришнинг мураккабликларига фақат собиқ Иттифоқнинг посткоммунистик давлатларидағина эмас, балки ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам дучор келасиз.

Кўпчилик ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик омиллари чет эл сармоясига ва маҳаллий давлат бюрократиясига жуда қаттиқ боғлиқлик, шунингдек жамғармани янги сармояга эмас, балки моддий бойлика айлантиришга уриниш натижасида ёки валютани чет элга ўтказишга қизиқиш оқибатида сўниб қолиш ҳеч гап эмас.

И. Каримов, юқорида айтганимиздай, тадбиркорлик муаммоларини мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартириш масаласи билан узвий бирликда олиб қарайди. Ва шу йўналишдан адашмай изчил, қатъий олға бормоқда.

Президент сифатида ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб И. Каримов шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш борасида бир қатор жиддий тадбирларни амалга оширди, шу мақсадда ҳатто мавжуд пахта майдонларини қисқартириш орқали ер ажратишгача борди. 720 минг гектардан зиёд унумдор ер деҳқонларга бир умрлик шахсий мулк қилиб берилди. Томорқа ерларнинг ўртacha ҳажми деярли икки баробарга ўсди. Бу имконият тадбиркорлик руҳининг кучайишига кучли рағбат бағишилади. Таъбир жоиз бўлса, ўқ нишондаги ўнга тегди.

Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хусусий хўжаликларни шакллантиришда олдинга қараб қўйилган муҳим қадам бўлди. Фармонда хусусий бизнесни ривожлантириш ва кафолатлаш юзасидан бир қатор ҳал қилувчи тадбирлар кўзда тутилган. Москва матбуоти Ўзбекистон Президентининг мазкур Фармони юзасидан умумхалққа маълумот тайёрлаб, уни: "Ўзбек бизнесчиларига Россияядигиларга нисбатан кенгроқ эркинлик берилмоқда" деган сарлавҳа остида эълон қилди.

Ушбу Фармон таъсирида республикада хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари сезиларли жонланди, ҳиссадорлик жамиятлари ўса бошлиди, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш вазифаси умуммиллий тус олди. Ўнга асосланиб ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги ва иқтисоднинг бошқа тармоқларини ривожлантишига оид қарорлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда, жумладан, самарасиз давлат хўжаликларини тугатиш, фермерлик ҳаратини қайта тиклаш, ерга эгалик қилувчилар синфини яратиш каби масалалар кўтарилиди.

1995 йилнинг 5 январида Президентнинг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон республика аҳолисини тадбиркорликка кенг кўламда жалб қилишни таъминлаш мақсадларини кўзда тутади. Бу ҳужжат ислоҳотнинг ички ижтимоий имкониятларини тўла юзага чиқариши юзасидан давлат томонидан олдинга қараб қўйилган қудратли қадамдир.

1994 йилнинг 21 январида ва 1995 йилнинг 5 январида чиқсан фармонлар ва уларга мувофиқ равишда қабул қилинган фермерликни ривожлантиришга доир ҳукумат қарорлари жойларда коррупцияга берилган маъмурий-буйруқбоз амалдорларнинг кескин қаршилигига дуч келди. Менинг Тошкентдаги, Андижондаги тадбиркорлар ва Қашқадарёдаги қишлоқ бизнесчилари билан суҳбатлашишимга тўғри келди. Улар мазкур давлат ҳужжатларини нақадар мамнун бўлиб ва катта умидлар билан қарши олганликлари тўғрисида гапирдилар. Айни пайтда айрим тадбиркорлар умидлари тез орада сўниб қолганини ҳам яширмадилар. Уларнинг фикрича, ҳокимиятлар тимсолидаги маҳаллий давлат бош-

Президент сифатида ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб И. Каримов шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш бора-сида бир қатор жиддий тадбирларни амалга оширди, шу мақсадда ҳатто мавжуд пахта майдонларини қисқартириш орқали ер ажратишгача борди. 720 минг гектардан зиёд унумдор ер деҳқонларга бир умрлик шахсий мулк қилиб берилди. Томорқа ерларнинг ўртacha ҳажми деярли икки баробарга ўсди. Бу имконият тадбиркорлик руҳининг кучайишига кучли рафбат бағишилади. Таъбир жоиз бўлса, ўқ нишондаги ўнга тегди.

Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларни химоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони хусусий хўжаликларни шакллантиришда олдинга қараб қўйилган муҳим қадам бўлди. Фармонда хусусий бизнесни ривожлантириш ва кафолатлаш юзасидан бир қатор ҳал қилувчи тадбирлар кўзда тутилган. Москва матбуоти Ўзбекистон Президентининг мазкур Фармони юзасидан умумхалққа маълумот тайёрлаб, уни: "Ўзбек бизнесчиларига Россиядагиларга нисбатан кенгроқ эркинлик берилмоқда" деган сарлавҳа остида эълон қилди.

Ушбу Фармон таъсирида республикада хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари сезиларли жонланди, ҳиссадорлик жамиятлари ўса бошлади, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш вазифаси умуммиллий тус олди. Унга асосланиб ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги ва иқтисоднинг бошқа тармоқларини ривожлантиришига оид қарорлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда, жумладан, самарасиз давлат хўжаликларини тугатиш, фермерлик ҳаркатини қайта тиклаш, ерга эгалик қилувчилар синфини яратиш каби масалалар кўтарилиди.

1995 йилнинг 5 январида Президентнинг "Хусусий тадбиркорликда ташабbus қўрсатиш ва уни рафбатлантириш тўғрисида" ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон республика аҳолисини тадбиркорлика кенг кўламда жалб қилишни таъминлаш мақсадларини кўзда тутади. Бу ҳужжат ислоҳотнинг ички ижтимоий имкониятларини тұла юзага чиқариш юзасидан давлат томонидан олдинга қараб қўйилган кудратли қадамдир.

1994 йилнинг 21 январида ва 1995 йилнинг 5 январида чиқсан фармонлар ва уларга мувофиқ равишда қабул қилинган фермерликни ривожлантиришга доир ҳукумат қарорлари жойларда коррупцияга берилган маъмурий-буйруқбоз амалдорларнинг кескин қаршилигига дуч келди. Менинг Тошкентдаги, Андижондаги тадбиркорлар ва Қашқадарёдаги қишлоқ бизнесчилари билан суҳбатлашишимга тўғри келди. Улар мазкур давлат ҳужжатларини нақадар мамнун бўлиб ва катта умидлар билан қарши олганниклари тўғрисида гапирдилар. Айни пайтда айрим тадбиркорлар умидлари тез орада сўниб қолганини ҳам яширмадилар. Уларнинг фикрича, ҳокимиятлар тимсолидаги маҳаллий давлат бош-

қарувлари ёки хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожланса, амал курсиларининг тагига зил кетишидан қўрқишади, ёхуд ислоҳотни ўтказиш жараёнида қонунга хилоф йўллардан бориб бойиб қолишини кўзла-мокдалар. Улар худди шу мақсадларда хусусий тадбиркорлар енгиб ўтиши ниҳоятда қийин бўлган хилма-хил тўсиқларни ўйлаб топмокдалар.

Президент Каримов буни яхши тушунади. Шу сабабли Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида очик-ойдин қилиб, шундай деди: "Олдимизда катта бир тўсиқ турибди, бу тўсиқни баъзан замбарак ўқи билан ҳам отиб қулатиб бўлмайди. Бу тўсиқнинг номи — бюрократия, таъмагирлик, маҳаллийчилик, уруғчилик. Кўп мансабдорларда инсоф, диёнат йўқлиги ҳам шу тўсиқнинг бир куринишидир. Бундай одамларнинг нияти аниқ — беш-үн йил амаллаб ўтирган мансабини йўқотмаса, мўмай маоши ва хуфия "шапка"сини олиб турса, марра уники — у ёғи пенсия".

Президент буларнинг барчасини тушунади ва бор имконияти билан унга қарши курашиб келмоқда. У бундай курашнинг оғир ва анча узоқ муддатли жараён эканлигини ҳам яхши билади. Бироқ менинг ишончим комилки, у ўз йўлидан қайтмайди, қўрқувга берилмайди, таъналарга эътибор қилмайди, бу йўлда у сиёсий манфаат ва шахсий ҳаловатдан ҳам кўз юмишга тайёр. Бу кураш бутун мухолифат бир бутун бўлиб унга қарши турганда юз берадиган мушкулликдан ҳам анча оғирроқ. Бироқ, Мартин Лютер ва Мансур ал-Халлоз томонидан турли давларда, аммо бир маънода айтилган: "Мен бу ерда турибман ва мен бошкача бўлолмайман" деган ўлмас изборани у ҳам дадил туриб тақрорлашга тўла-тўқис маънавий ҳақлидир.

Турли замонлардаги тадбиркорлар битта умумий хусусиятлари билан алоҳида ажратиб турадилар: бу — уларнинг ўз танлаган йўлига қатъий даъвогарлик қила олиши, хавф-хатардан тоймаслик, ўз тақдири учун теран масъулият ҳис-туйғуси. Ривожланган мамлакатлардаги ҳозирги тадбиркорлар, кўп ҳолларда, юксак сиёсий, маданий ва иқтисодий малакалари, ривожланган ҳуқуқий онглилиги билан ажralиб турадилар, мана шундай жиҳатларни чуқур ўзлаштирган ўзбек тадбиркорлари ҳам Farbdagi ҳамкасларидан асло қолишмайди. Фақат ҳуқуқий онгни ҳисобга олмаганда. Бу жабҳада, таъбир жоиз бўлса, ҳали "ӯта тийиқсизлик", яъни қонунларни менсимаслик, давлат манфаатларини беҳаёлик билан инкор этиш ҳоллари юз бериб турибди.

Ўзбек тадбиркорларининг ҳуқуқий онги фавқулодда қийинчиликлар билан шаклланмоқда, бу соҳада худбинликка асосланган хусусий манфаатдорлик, маккорлик, зўравонлик, қандай қилиб бўлса-да, олдинда бўлишга интилиш ва коррупция кескин халақит бермоқда. Кўп ҳолларда, бундай вазият тадбиркорларнинг асосий қисмининг келиб чиқишлиари никобли эканлиги билан изоҳланади. Коррупция ва зўравонликка

муккасидан кетган бундай тоифалар жамият учун ўта хавфидир. Бундан ташқари, ноқонуний йўл билан қўшимча даромад ундиришга одатланиб қолган "ниқобланган хулқ-атворли" кимсалар тадбиркорлик ҳаркатининг чинакамига иқтисодий самарали, ижтимоий салмоқли ҳодисага айланишига монелик кўрсатмоқдалар.

Дастлабки хусусий тадбиркорлик жамғармасини ҳалқ оммасини, ишчилар ва деҳқонларни мушкул аҳволга солиб қўйиш эвазига вужудга келтиришдан тийилиб, бу жамғармани маҳсус "хуфяки" шакллардан фойдаланиб вужудга келтириш ўзини оқлайдими-йўқми, буни айтиш қийин. Хорижда бизнеснинг "хуфяки" шаклларини ижтимоий заарсизлантириш тажрибалари тўпланган, яъни у ерда "хуфяки" бизнеснинг давлат ва сиёсий бошқарув билан алоқасига чек қўйилиб, унинг бағрига мутахассислар, зиёлилар оқимининг кўплаб келиб қўшилишига шароит яратилган.

Хусусий манфаатдорликни уйғотиш билан бир қаторда ўтиш даврида ички ижтимоий имкониятларни юзага чиқаришнинг бошқача йўллари ҳам борки, бундай йўл Ўзбекистонда ҳали ҳаракатга келтирилгани йўқ. Бу жамоавийликни қайта уйғотиш ва ривожлантириш йўлидир.

Кўпинча Farb иқтисодчилари, социологлари, психологлари жамоавий манфаатни шахсий манфаатдорликдан фарқли ўлароқ, иқтисодий қизиқтирувчанликнинг анча нотабиий ва заиф шакли, деб ҳисоблайдилар. Чунки жамоани сафарбар этишнинг асосий воситалари ичдан эмас, балки четдан изланади. Уларнинг айтишича, бу воситалар — сиёсий ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари, миллий-популистик ва социалистик мафкура, кучли йўлбошловчилар ва ҳар хил намояндаларнинг, жумладан, диннинг таълими кабилардир.

Бироқ, бу ҳамиша ва ҳамма ерда бир хил эмас, албатта. Бу ўринда цивилизациянинг ўзига хослиги кўп нарсаларни ҳал қиласди. Ўзбек ҳалқининг кўп асрлик тарихи хўжалик, меҳнат фаолиятининг ўзига хос мурракаб тарзини вужудга келтирди. Бу индивидуализмга асосланган мумтоз Farb андозасига ҳам, "тобеликка", яъни шахснинг меҳнат гуруҳига руҳан узвий боғлиқлиги билан ажralиб турадиган японча йўсинга ҳам ўҳшамайди. Ўзбекларнинг хўжалик-меҳнаткашлик онгida индивидуалистик ва жамоавийлик ибтидолари чамбарчас бирлашиб кетган.

Шу сабабли, нега бу мамлакатда ҳозирги кунда, юмшоқ қилиб айтганда, кооперациянинг ҳар хил турлари мавжудлигига ўта хотиржамлик билан қараб келишаётгани кишини таажжубга солади, айниқса бундай меҳнат тарзи қишлоқ жойларда кенг ёйилмоқда.

Биз юқорида сўзларини иқтибос қилиб келтирган M. Бунге кўпчилик мамлакатлардаги ўтиш даврининг ютуқлари бевосита кооперативчикликнинг ривожи билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлар экан, шундай ёзади: "Испаниядаги Басклар мамлакати тахминан 100 тача келадиган юксак ихтисослаштирилган кооперациялар тармоғи эришган ҳайратомуз ютуқлар шуни кўрсатадики, кооперация капиталистик мамла-

катларда ҳам бемалол равнақ топиши мумкин экан". Унинг фикрича, кооперация худбинона индивидуализм ва ибтидоий жамоавийлик орагида туради.

Ёки исроиллик кооперативларнинг (кибуцийларнинг) ўз хўжалик муаммоларини кўп йиллардан бўён ижтимоий адолат тамойилларига асосланган ижтимоийлик билан ўзаро узвий боғлиқликда юксак савияда ҳал қилишаётгани, ёхуд Норвегияда ва Голландиядаги кооперация ҳаркатлари эришаётган ютуқлар кишини ҳайратда қолдирмайдими?

Бу ишда ўзбекларнинг ҳалоллик, меҳнатсеварлик ва интизомлилик сингари маданий ва миллий анъаналари алоҳида аҳамиятлидир.

Тушуниб турибман, кооперативчиликка паст назар билан қараш, уни ҳатто энг маданий шаклларини ҳам истамаслик, бу — колхоз тузумининг зўравонлиги ва матлубот кооперациялари томонидан қишлоқ аҳолисини оммавий равишда алдашнинг оқибатларидир. Кундалик турмуш шароитида бу тушунарли ва унинг асосларини изоҳлаш мумкин. Бирок, нега бу масала юзасидан Президент, республиканинг бошқа раҳбарлари, Олий Мажлис ноиблари ҳеч нарса дейишмаяпти?

Ахир, айнан Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва таъминот, қишлоқ хўжалиги ва маиший турмуш техникаларидан фойдаланиш бўйича кредит ва суғурта кооперацияларини, шунингдек дехқонларнинг ўзаро ёрдамини ўюштирувчи бошқа кооперация шаклларини барқ уриб ривожлантириш учун ҳамма шароитлар бор-ку?!

Ўзбекистон учун кооперация, образли қилиб айтадиган бўлсак, бу дехқонларнинг ижтимоий энергиясини уйғотиб юборадиган Ниагарадир. Фақат иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдангина эмас, шу билан бирга сиёсий ва мафкуравий нуқтаи назардан ҳам худди шундай аҳамиятлидир.

Билмадим, эҳтимол, менинг мулоҳазаларимда кооперация мавзусига ортиқча қизиқиш эҳтирослари кучлироқ кўзга ташланар ва бироз муболағага ҳам берилгандирман. Лекин, бари бир шунга ишончим комилки, Ўзбекистон учун кооперация масаласи, аслида, бу мамлакат маданий дехқончиликка эришадими ёки йўқми деган бошқа бир муаммо билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўтиш даврида зиёлилар тоифасини бу соҳага жалб қилиш муаммоси, бу энди, алоҳида ва мураккаб мавзулардан бири. Умуман олиб қарангда, зиёлиларни юз бераётган ижтимоий жараёнларга фаол кириширишнинг иккита йўли бор.

Биринчиси, анча самарали йўл бўлиб, зиёлилик меҳнатини хусусий тадбиркорлик билан бирлашуви ва эркин касб-хунарнинг ривожланиши билан боғлиқ. Иккинчиси, таъсир даражаси бироз кучсизроқ йўл бўлиб, бу зиёлиларни сиёсий ва давлат фаолиятига кўпроқ жалб қилиш, уларни вазифадорларнинг сиёсий ва маъмурий қисмидаги салмоғини ошириш, шу йўл билан муҳолифатга қарши турувчи асосий ижтимоий

кучни пайдо қилишдан иборатдир. Үмуман олиб қараганда, Ўзбекистондаги ўтиш даврининг кўпгина ижтимоий ва сиёсий муаммоларини ҳал қилиш кўп жиҳатдан миллий зиёлилик муаммоси билан боғлиқдир.

Миллий зиёлиларнинг кайфияти ва хулқ-автори ҳамда ислоҳотларга аксар ҳолларда ноҳайриҳоҳлик билан қараши бу ижтимоий тоифанинг коммунистик тузум шароитидаёқ шаклланиб етишуви билан изоҳланади. Айрим кўзга кўринган зиёли намояндадарининг ўzlари эътироф этишларича, бу қатламнинг сезиларли қисми ислоҳотларга профессионал ва мафкуравий жиҳатдан тайёр эмасликларини, ўз зиммаларига янги даврда қўйилган олижаноб вазифаларни бажаришга ноқобилликларини кўрсатиб қўйдилар.

Ўтиш даврида ижтимоий кучларни сафарбар этиш фақат ҳар хил ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалиари ва тадбиркорлар, давлат ҳокимиятининг ички тузилмалари ўртасида ўзаро ижтимоий келишув қарор топган шароитдагина муваффақиятли амалга ошиши мумкин. Сиёсий келишувсиз иқтисодий таъсирчанликнинг ҳар қандай синовдан ўтган усули ҳам ўз маъносини йўқотиши мумкин.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, кўп ҳолларда авторитар раҳбарлик ижтимоий кучларни сафарбар этиш соҳасида алоҳида ютуқларга эришуви мумкин. Чунки бундай раҳбарлик жамиятга фақат кучли мафкуравий таъсир кўрсатибгина қолмасдан, куч билан мажбурий муросасозликни ҳам амалга ошира оладики, бусиз ҳаётий аҳамиятга молик бўлган иқтисодий вазифаларни амалга ошириш мумкин эмас.

Ўзбекистон Президенти сўнгги пайтларда муросасозлик мавзуига тез-тез мурожаат қилмоқда, бу тўғрида ўз нутқларида гапирибгина қолмасдан, балки бирлаштирувчи сиёсат олиб бормоқда ва бундан ҳам аниқроғи, масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш жабҳасида амалий қадамлар қўймоқда. Мана, унинг Олий Мажлис сессиясидаги нутқидан айрим иқтибослар: “Давлат фаолиятининг бош йўли сиёсий муросасозлик йўли бўлмоғи керак...”, “Хозирги шароитда бизнинг давлатимиз ижтимоий зиддиятларни... тобора ижтимоий муросасозликка эришиш орқали ҳал қилиш йўлидан бормоғи керак”, “Келишув ихтилофларни ҳал қилиш воситасига айланмоқда”.

Ўзбекистон тажрибасида шу нарса борган сари яққолроқ кўриняптики, ўтиш даврида “фуқаролик маданияти”да мавжуд ҳокимиятга муҳолифатлик “жазаваси”, бузғунчилик ва бебошлиқ эмас, балки раҳбаријатга ишонч, бўйсуниш қобилияти, ўзни тута билиш, қуюшқондан чиқиб кетмаслик каби хусусиятлар устувор бўлмоғи лозим. Табиийки, бундай яашаш тарзи инсоннинг ўз манфаатларини ҳимоя қила олмоғига ва уларга қонунда кўрсатилган даражаларда эришмоғига монелик кўрсатмаслиги ҳам шарт.

Ислоҳотларнинг бақувват ҳамиртуруши

Ўсиш ва тараққиётга суръат бағишловчи, бу борада жамиятда мусобақавийлик тизимини яратадиган кучлардан бири ўрта синфдир. Гап ўрта (табиийки, белгиланган миқёсдаги) даромадли ижтимоий қатлам устида кетмоқда. Бу қатлам тадбиркорларнинг бир қисмини ҳам, ёлланган меҳнат соҳасидаги малакали ишчиларни ҳам ўз ичига олади. Аникроқ қилиб айтганда, ўрта синф ўз-ўзича ўтиш давридаги иқтисодий фаолликнинг доимий манбаи бўлиб қололмайди, балки унинг ўз меҳнати, куч-қудрати билан шунга интилиши бу ерда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўрта синф муаммоси — Ўзбекистондаги энг ўткир сиёсий муаммолардан ҳам биридир. Аҳволи ўзгарган, қашшоқлик даражасига тушиб қолган, ҳаётдаги ўрнини майда тижоратчиларга бушатиб берган ўрта синф турли хилдаги кескин тартибсизликларнинг озуқалантирувчи манбаи бўлиб қолади. Германия ва Италияда 20-йилларда юз берган воқеалар, Россиянинг 90-йиллардаги тажрибалари, қолаверса, Ўзбекистон, унга узоқ ва яқин қўшни мамлакатларнинг ўз тажрибалари ҳам шундан далолат беради.

Ҳозирги ҳолатда ўрта синф қандай шаклланади? Энг аввало бу жарайён узоқ муддатли солиқ, инвестиция ва шунга ўхшаш, давлат томонидан кескин тадбирлар кўриш орқали, ўрта даромадларнинг улушкини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати асосида юзага келади.

Ўтиш даврида ўрта синфнинг шаклланиши жараёнида икки, бир-бидан қатъий фарқ қиласидиган босқич кўзга ташланади. Биринчи босқичда — ижтимоий табакаланиш кучайиб боради. Бу, энг аввало, ижтимоий неъматларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланишининг табиий жараёни эвазига юз беради. Бундай шароитда воқеалар Инжилда баён қилинган "Матфей қонуни" асосида содир бўлади, яъни бойлар тобора боййиди, камбағаллар янада қашшоқлашади.

Ўтиш даврида бу — иқтисодда муқаррар равишда юз берадиган тубли қайта қуришлар, ижтимоий инфраструктуранинг оқсаси, пулнинг қадрсизланиши ва ишсизликнинг ўсиши кабилар билан боғлиқ. Ижтимоий ҳимоя дастурларини ҳам тез-тез қисқартириб туриш зарурияти пайдо бўлади.

Бундан ташқари, маъмурий-иктисодий ислоҳот тадбиркорлик фаолиятини тезлаштиришга қаратилган. Даромад тадбиркорликнинг ривожланиши шароитида, ёлланган меҳнат давридагига қараганда анча нотекис тақсимланади. Таъкидлаш керакки, хусусий тадбиркорлик устун даражада ривожланган мамлакатларда бошқа қурама иқтисодли ёки давлатчиликнинг мавқеи мустаҳкам бўлган мамлакатлардагига қараганда даромад бой-бадавлат кишилар қўлида қўпроқ тўпланади. Ўзбекистонда ҳозирги кунда майда миллионерларнинг пайдо бўлиш тамойили сезиларли жиловлаб турилиди.

МДХнинг бошқа давлатларида ижтимоий табақаланиш ва оммавий қашшоқлашув жараёнлари назорат остига олинмаган, мабодо олинган бўлса ҳам, ҳозирча ҳеч бир самара бермаяпти. Ўзбекистон эса бундан мустаснодир.

Тагин Ўзбекистон Президентининг тутган йўлига назар ташлаймиз. У деган эди: “Бугун жамиятда ижтимоий мулкий жараёнларнинг объектив ўзгариши юз берадиган бир пайтда адолат foясини ихчам бир ху-лоса билан ифодалаш мумкин. Яъни, давлат жамиятнинг кескин табақ-аланишига — ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўли-ниб кетишига йўл қўймаслиги керак. Бизнинг асосий вазифамиз — одамлар ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилишлари ва амалга оширишлари учун зарур бўлган дастлабки тенг имкониятларни, шу жа-раённи вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратиб беришдан иборат. Шундан кейин инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг салоҳиятига, меҳнат қилиш истагига, оқилу уддабуронлигига боғлиқ бўлади”.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичи ижтимоий тенгсизликни пасайти-риш давридир. Бунинг омиллари кўп. Улардан энг муҳими — иқтисодий ўсишдир. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсати ва умумий сиёсий омил бу ўринда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Айрим Farb тадқиқотчиларининг тасдиқлашларича, Шарқий Евро-падаги социалистик мамлакатларда урушдан кейинги йилларда саноатнинг тез суръатлар билан ривожланиши, кўп жиҳатдан, даромаддаги тенгсизликни камайтиришга, таълим-тарбия олиш имкониятларини кен-гайтиришга, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларни қисқартиришга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг фаоллашуви билан узвий боғлиқ.

Бундай йўлдан бориб эришиладиган натижалар қисқа муддатли экан-лигидир, бу энди, бошқа масала. Чунки мазкур мамлакатларда саноатни ривожлантириш ва сиёсий барқарорлик мустаҳкамланган сайин ту-зилмалар ўртасидаги тенгсизлик ўсиб боради, янги-янги имтиёзлар ўйлаб топилиб, ҳаётга жорий этила бошланади.

Агар Ўзбекистонда давлат инсоннинг сиёсий мансабдорлиги ёки мансабдор эмаслигига қараб ижтимоий неъматларнинг тақсимланиши усулига қандайдир даражада чек қўя олса, агар лавозим ва ҳокимиятдаги ворисийликка барҳам бера олса, у демократия йўлидаги энг оғир вазифаларидан бирини ҳал қила олган бўлади. Ўрта синф муаммолари ҳаётдаги қўргина бошқа муаммоларни ўзида мужассамлаган.

“Турғунлик” деб аталган даврда, совет тоталитар тузуми бўхронга учраган шароитда партия-совет доираларидағи имтиёзли ўринларнинг “ворисийлик” асосида ҳал қилинганлиги Ўзбекистонда, ҳатто, совет жа-мияти учун анъанавий бўлган бошқарув доирасидаги ижтимоий поғоналарнинг янада ёмон ишлашига олиб келди. Эркин ва кенг ҳуқуқларга эга раҳбарлик “сояда” ва “оласоя тагида” кун кўраётган иқтисодий тоифа билан қовушиб кетди, фаол одамларнинг янги ўрта синфи ву-

жудга келди, ярим махфий, кўп ҳолларда жиноятчиликка юз бурувчи мазкур раҳбарлик ўз сафини етарли малакаси бўлмаган кимсалар билан янада тўлдириб борди, ҳақиқий тадбиркорлик вакилларини ва малакали ходимларни эса четга чиқариб қўйди.

Жуда кўп мамлакатларнинг тажрибаси асосида шу нарса исботланганки, агар ўтиш даври мобайнида ўрта синфни, тадбиркорлар ва малакали ходимлар синфини кенгайтиришдек табиий ва зарур тамоили ўзига йўл оча олмас, "ўрта синфга бориш ҳаракати"нинг кенг каналлари шакллантирилмас экан, оқибат-натижада, иқтисодий бесамара ва ижтимоий барқарорликдан маҳрум бир жамият туғилади. Бундай вазиятда эса, бирон иш қилиш қийин бўлиб қолади.

Маълумки, бундай оқибатларнинг бош ижтимоий сабабчиси сиёсий, маъмурий ва иқтисодий доираларнинг ноқобиллиги ва узоқни кўра олмаслигидир. Мазкур доиралар нафакат коррупциянинг кенг томир ёйишига йўл қўйиб қўяди, устига-устак улар тобора ўсиб бораётган ўз даромадини халқ билан, жумладан унинг ўрта қатлами билан солиқ йўли орқали ва айниқса кенг хайр-эҳсон йўли орқали баҳам кўришни ҳам истамайди. Худди ана шундай манбаларда — тенгсизлик ғовлай бошлайди, сиёсий (махфий ёки ошкора) кескинлик туғилади, булар эса ўз навбатида, оммавий норозиликларни, тартибсизликларни, айrim кучлар томонидан файриконституциавий йўл билан қонуний ҳокимиятни ағдаришга интилишлар ва бошқа шу каби нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон бундай кўнгилсизликларнинг олдини ола биладими-йўқми буни вақт кўрсатади. Биз бундай воқеалар юз бермаслигини жуда-жуда истардик.

"Барча байроқлар меҳмонимиз бўлади"

Шу йилнинг август ойида мен "Ўзбекистон Ҳаво йўллари" авиакомпаниясининг тайёррасида Франкфурт шаҳридан (Майн бўйида) Тошкентга учдим. Йўл-йўлакай мазкур авиакомпаниянинг янги рекламалар журналини кўздан кечириб келдим. Журналда ҳаво йўловчиларининг сафар йўллари харитаси: Тошкент — Рига — Амстердам — Нью-Йорк, Тошкент — Москва, Тошкент — Манчестер, Тошкент — Афина, Тошкент — Истамбул, Тошкент — Тель-Авив, Тошкент — Жидда, Тошкент — Бахрайн, Тошкент — Карочи, Тошкент — Дехли, Тошкент — Мали, Тошкент — Куала-Лумпур, Тошкент — Жакарта, Тошкент — Бангкок, Тошкент — Пекин, Тошкент — Сеул... Кишида алоҳида таассурот қолдиради-я. Тошкентга ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларига яқин ва узоқ хорижий мамлакатлардан поездлар ва автомашиналарда тўхтовсиз юклар келиб турибди. Бу ердан бошқа мамлакатларга ҳам жўнатилмокда. Ўзбекистон дарвозалари дунёга кенг очиқ. Шу боисдан китобнинг ушбу қисмига кўйилган сарлавҳа, менимча, ўзини тўла оқлади. Утиш даври шароитида ривожланиб келаётган мамлакатлар маълумки, ривожланган мамла-

катларнинг ёрдамига эҳтиёж сезади. Баъзи ҳолларда керакли табиий, техник, инсонга зарур бошқа бойликлари етарли бўлмаган янги мустақил давлатларнинг бундай ёрдамсиз ҳоли анча танг бўлиб қолади. Бошқа бир давлатларга бу тариқа ёрдам иқтисодий бўхрондан чиқиб олишда кучли кўмакка айланади, иқтисодни тиклаб олишни енгиллашибдири. Бу шак-шубҳасиздир.

Бироқ, яна шу нарса ҳам аниқки, мамлакат ташқарига қанчалик қаттиқ боғланиб қолса, қарзлар эвазига яшаётган бўлса, унинг ўтиш даври ҳам ижтимоий маънода шу қадар мураккаб кечади.

Ижтимоий кескинликнинг кучайиши (бусиз ҳеч бир ўтиш даврини тасаввур этиб бўлмайди) жамиятнинг кўмак берадиган мамлакат ёки халқаро молиявий ташкилотларнинг фойдасига қараб ўз ҳаётини қайта куриши манбаида янада чукурлашади. Шу сабабдан ёрдам олаётган мамлакатда худудлараро, тармоқлараро, гоҳида этник гуруҳлар ва ижтимоий қатламлараро тенгсизлик кучаяди.

Карздор давлат эса, табиийки, бунинг орқасида туғиладиган ижтимоий бекарорликнинг олдини олиш чораларини топа олмайди, олаётган ёрдами эвазига ўз муҳитида тенгсизликни авж олдириш билан тонон тўлайди. Бундай чорасизликнинг боиси фақат давлатнинг молиявий ва иқтисодий омилларининг ўта чекланганлиги ҳам эмас. Бунинг устига, халқаро кредитор-ташкилотлар (масалан, Халқаро Валюта Фонди) қарздор мамлакатдан даромад ва қийматнинг давлат томонидан тартибга солишидан воз кечиши ҳам ошкора талаб қиласи.

Яна бир, асло кўз юмиб бўлмайдиган шундай ҳолат бор, бу — чет эл сармоясининг маҳаллий давлат бошқарув доираси билан ҳамнафасликка эришиб, маҳаллий тадбиркорларни сиқиб қўйиши эҳтимолидир. Ёки у, аксинча, мамлакатнинг муайян ишбилармон доиралари билан тил биритириб, Президентга, ҳукуматга, маҳаллий давлат бошқарувига қарши фаол ҳамкорликда иш олиб бориши ҳам мумкин.

Жумладан, Кирғизистон бунинг далили бўла олади. Бу мамлакатнинг собиқ парламенти кейинги икки йил мобайнида ўз иш вақтининг деярли ярмини чет эл инвестицияси билан боғлиқ бўлган сиёсий ва сиёсат атрофидаги машмашаларнинг таҳлилига бағишлади.

Бу ғалваларга айrim маҳаллий молиявий корчалонлар томонидан маблағ билан таъминланиб турилган ёки хорижий инвесторларни нима учундир ёқтирамай қолган мухолифатдаги матбуот ҳам аралашиб кетди. Худди шу ғалвалар билан ҳукумат истеъфога чиқарилди. Президент А. Акаевни тұхтовсиз танқид қила бошлашди, уни нималарда айблашмади дейсиз, ҳатто унга импичмент Эълон қилиш дағдағасигача бориб етишди. Жойлардаги кўпгина давлат маъмурияти вакилларига қарши хуружлар уюштирилди. Охир-оқибатда, парламент амалда ўз-ўзининг тарқалиб кетишига сабаб бўлди. Халқ ўртасида "олтин жазаваси" деб ном олган чет эл сармояси атрофида бошланиб кетган шафқатсиз ўзаро

катларнинг ёрдамига эҳтиёж сезади. Баъзи ҳолларда керакли табиий, техник, инсонга зарур бошқа бойликлари етарли бўлмаган янги мустақил давлатларнинг бундай ёрдамсиз ҳоли анча танг бўлиб қолади. Бошқа бир давлатларга бу тариқа ёрдам иқтисодий бўхрондан чиқиб олишда кучли кўмакка айланади, иқтисодни тиклаб олишини енгиллаширади. Бу шак-шубҳасиздир.

Бироқ, яна шу нарса ҳам аниқки, мамлакат ташқарига қанчалик қаттиқ боғланиб қолса, қарзлар эвазига яшаётган бўлса, унинг ўтиш даври ҳам ижтимоий маънода шу қадар мураккаб кечади.

Ижтимоий кескинликнинг кучайиши (бусиз ҳеч бир ўтиш даврини тасаввур этиб бўлмайди) жамиятнинг кўмак бераётган мамлакат ёки халқаро молиявий ташкилотларнинг фойдасига қараб ўз ҳаётини қайта куриши манбаида янада чуқурлашади. Шу сабабдан ёрдам олаётган мамлакатда худудлараро, тармоқлараро, гоҳида этник гуруҳлар ва ижтимоий қатламлараро тенгсизлик кучаяди.

Карздор давлат эса, табиийки, бунинг орқасида туғиладиган ижтимоий бекарорликнинг олдини олиш чораларини топа олмайди, олаётган ёрдами эвазига ўз муҳитида тенгсизликни авж олдириш билан тонон тўлайди. Бундай чорасизликнинг боиси фақат давлатнинг молиявий ва иқтисодий омилларининг ўта чекланганлиги ҳам эмас. Бунинг устига, халқаро кредитор-ташкилотлар (масалан, Халқаро Валюта Фонди) қарздор мамлакатдан даромад ва қийматнинг давлат томонидан тартибга солишидан воз кечишни ҳам ошкора талаб қиласди.

Яна бир, асло кўз юмиб бўлмайдиган шундай ҳолат бор, бу — чет эл сармоясининг маҳаллий давлат бошқарув доираси билан ҳамнафасликка эришиб, маҳаллий тадбиркорларни сиқиб қўйиши эҳтимолидир. Ёки у, аксинча, мамлакатнинг муайян ишбилармон доиралари билан тил бириктириб, Президентга, ҳукуматга, маҳаллий давлат бошқарувига қарши фаол ҳамкорликда иш олиб бориши ҳам мумкин.

Жумладан, Кирғизистон бунинг далили бўла олади. Бу мамлакатнинг собиқ парламенти кейинги икки йил мобайнида ўз иш вақтининг деярли ярмини чет эл инвестицияси билан боғлиқ бўлган сиёсий ва сиёсат атрофидаги машмашаларнинг таҳлилига бағишлади.

Бу ғалваларга айрим маҳаллий молиявий корчалонлар томонидан маблаг билан таъминланиб турилган ёки хорижий инвесторларни нима учундир ёқтирамай қолган муҳолифатдаги матбуот ҳам аралашиб кетди. Худди шу ғалвалар билан ҳукумат истеъфога чиқарилди. Президент А. Акаевни тўхтовсиз танқид қила бошлиши, уни нималарда айблашмади дейсиз, ҳатто унга импичмент эълон қилиш дағдағасигача бориб етишди. Жойлардаги кўпгина давлат маъмурияти вакилларига қарши хуружлар уюштирилди. Охир-оқибатда, парламент амалда ўз-ўзининг тарқалиб кетишига сабаб бўлди. Халқ ўртасида “олтин жазаваси” деб ном олган чет эл сармояси атрофидаги бошланиб кетган шафқатсиз ўзаро

ички ихтилофлар шароитида ички ижтимоий имкониятларни ишга со- лиш борасида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Бундай вазият мамла- катни умуман сиёсий портлаш ёқасига келтириб қўйди.

Пировардида, хулоса шуки, ташқи иқтисодий таъсир жараёни, унинг оқибатлари ўтиш даврида муайян мақсадли ва кучли иродали давлат бошқарувини тақозо этади. Бу масаланинг ижтимоий-иктисодий йўна- лишидир.

Ўтиш даври шароитидаги халқаро алоқаларнинг геополитик йўна- лиши эса шу билан боғлиқки, агар ташқи иқтисодий муносабатлар ўз ичига стратегик аҳамиятли табиий бойликлардан фойдаланиш имко- ниятини ҳам оладиган бўлса, шу манбада халқаро миқёсда ва шу жум- ладан, ички сиёсий зиддиятлар ҳам пайдо бўлишини кутса бўлади. Бун- дай ҳолларда сиёсий йўлбошловчилар ва сиёсий тузумларнинг тақди- ри ҳам ҳаёт-мамот масаласи тусини олади.

Бугунги кунда Ўрта Осиё ҳудудидаги энергия бойликлари учун ку- rash дунёвий миқёсга кўтарилди. АҚШ энергетика вазири ўринбосари Билл Уайт (1995 йил, май) сўзлари билан айтганда, "ҳар йили жаҳон- нинг нефтга бўлган эҳтиёжи бир кунда 1 миллиард барреллга ўсяпти ва бу янги нефтнинг қаердан олиб келиниши геологияга нечоғли боғлиқ бўлса, сиёсатга ҳам шу қадар боғлиқ бўлиб турибди. Ўрта Осиё ва унинг атрофида юз берадиган ўткир энергетик рақобатчилик шароитида йирик нефть-газ бирлашмалари пайдо бўляпти. Бу у ёки бу даражада Россия, Хитой, Покистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон мамлакатларининг ҳаётий муҳим манбаатларига ҳам дахлдор бўлиб турибди.

Баъзи бир гарбий тадқиқот марказларида ҳозирги Ўрта Осиёда икки уюшма ўртасида ўткир рақобатчилик бошланиб кетганилиги тўғрисида- ги фикр шаклланган. Уларнинг тасаввурicha, бир томондан — Россия, Эрон, Туркманистон, Тоҷикистон, Ҳиндистон ва Кобулдаги ҳокимият бўлса, иккинчи томондан — Ўзбекистон, Покистон, толиблар ва Дўстум, бу уюшма ортида АҚШ ва Фарбий Европа турибди. Қозоғистон ва Қирғизистон бу икки уюшма оралиғида муросасозлик йўлларини излаётir, Хитой, ҳар доимгидай, пайт пойламоқда.

Бу тахминлар нечоғлик асосли эканлиги ҳақида аниқ бир нарса айта олмайман. Шу нарса равшанки, агар бундай геологик манзара, борди-ю мавжуд бўлиб, аста-секин аниқ бир қиёфа касб этса, у асло вақтингча- лик, тактик бир ҳодиса бўлиб қололмайди, негаки ҳар икки уюшма туб- ли рақобатчilarни ўз атрофига бирлаштиради. Умуман олиб қараган- да, энергетик омил қимматбаҳо ва камёб ер ости металлари билан бир қаторда, бугун минтақадаги геополитик иқлимини, шу жумладан, бир та- лай етакчи давлатларнинг Ўзбекистонга нисбатан сиёсатини ҳам бел- гилайди.

Бундан ҳам жiddийси мазкур омиллар билан боғлиқ бўлган иқтисо- дий фойда таъмаси баъзида минтақадаги давлатлараро муносабатларда бир динга мансублик, тилнинг ва тарихий йўлнинг муштараклиги, уму-

мий илдизлар каби, бир қараңда, мустаҳкам устуворликларни ҳам мен-
симиң құяды. Балки, бу вақтінчалик ҳодисадир, лекин барибир үзаро
совуқчилик юз беради.

1995 йилнинг сентябрь ойи охирида Туркманистан Президенти Са-
пармурод Ниёзов Ўзбекистонга ташрифина бекор қилди. Бу анча күнгил-
сиз ҳодиса эди, бунинг устига, ұша сафар Ниёзовнинг Тошкентта би-
ринчи расмий ташрифи бўлиши лозим эди. Уни үзбеклар үз уйига так-
лиф этган эди. Баъзи бир Farb тадқиқотчиларининг үйлашича, бу
ҳодисанинг замарида Тошкент ва Ашхобод үртасида гидротехник ин-
шоотлар ва Ўзбекистон-Туркманистан чегарасидаги Кўкдумалоқ йирик
нефть-газ (200 млн. тонна атрофига) конининг кимга тегишли эканлиги
 билан боғлиқ келишмовчиликлар ётади.

И. Каримов, ҳарҳолда, Ўзбекистоннинг халқаро мұхит билан үзаро
мұносабатларида (жахон энергетикаси шароитидан оқилона фойдала-
ниш, қимматбаҳо ва камёб ер ости металлари ва шу кабиларнинг жа-
хон бозоридаги аҳволи кабиларда) ҳеч қаңон ва ҳеч бир чигал вазият
юз бермаслиги учун үзига боғлиқ ҳамма ишларни қилиш билан чеклан-
майди, шу билан бирга, у узоқ келажакни, тарихий истиқболга мұлжал-
ланган ҳамкорлик ришталарини ҳам боғлашга интилади.

Энди Ўзбекистоннинг дунё билан үзаро мұлоқотидаги иқтисодий
йұналиш устида тұхталайлық. Аниқроғи, бу үзаро алоқаларнинг мағзи-
мағзини ташкил этувчи хорижий инвесторларга мұносабатининг күлами
анча кенг. Бу, аввало, унга бюджетнинг даромад манбаи сифатида; ик-
кинчидан, капиталнинг манбаи тарзида; учинчидан, үзининг бошқарув
тажрибасини, технологияни қолдирадиган хұжалик субъекти сифатида
керак. Иккинчи томондан, чет эл бизнесчиларини МДХнинг бошқа дав-
латларига нисбатан Ўзбекистонда вазиятнинг ишончли эканлиги күпроқ
қызықтиради. Бу ерда ҳокимият мустаҳкам, тартиб-интизом мавжуд,
молиявий кафолат күпроқ.

Республиканинг 1994 йилдаги ташқи дунё билан янги товар алма-
шиши 3 миллиард 800 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Хозирги кунга келиб Ўзбекистон дунёнинг 50 дан күпроқ мамлакати-
нинг фирмалари ва компаниялари билан иқтисодий алоқа үрнатди. Улар-
нинг орасида Германия, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Турция, Ни-
дерландия, Австрия, Корея Республикаси, Хитой, Индонезия, Малай-
зия, Ҳиндистон каби давлатлар бор. Ўзбекистонда чет эл капитали
иштирокидаги 2000 дан зиёд корхоналар рўйхатга олинган.

Ўзбекистон деярли 80 га яқин хорижий банклар билан үзаро ҳам-
корлик қилмоқда, Тошкентда Жаҳон Банкининг, Дойч Банкнинг, Креди
коммерсиаль де Франс банкининг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Айниқса, ГФРнинг ишбилармөнлар доираси билан иқтисодий алоқа-
лар фаол ривож топмоқда. Ўзбекистонда немис фирмалари 25 дан
күпроқ ваколатхоналари очилган, улар орасида БАСФ, Хехст, Маннес-
манн, Даймлер-Бенц фирмалари бор.

Агар ГФР ва Ўзбекистон ўртасидаги товар алмашув ҳажми 1994 йилда 209 миллион 200 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1995 йилнинг 9 ойи мобайнида бу ҳажм 226 миллион долларга етди. Немис инвесторларининг иштирокида 60 га яқин йирик корхоналар ишлаб туриди.

Ўзбекистон Президентининг 1995 йил ноябр ойидаги ГФРга ташрифи вақтида унинг шарафига уюштирилган қабул маросимида Р. Херцог шундай деган эди: "Буюк Ипак йўли ўтган асрларда Ўзбекистон ва Германия каби бир-биридан узоқ мамлакатлар ўртасида алоқалар мавжуд бўлганлигидан далолат беради".

Бунга жавобан И. Каримов шундай деган эди: "Мен умид қиласманки, Германия ва бошқа Европа мамлакатлари билан ҳаво йўллари орқали алоқаларнинг кенгайиши Шарқ ва Фарбни боғлаган йўлларнинг туташган нуқталарига бизни қайтадан олиб келади, фақат энди бу йўллар тия карvonларининг сўқмоқлари эмас, балки энг замонавий ҳаво кемалари томонидан очилган ҳаво трассаларидир".

Ўзбекистон Президентининг "Даймлер-Бенц" концерни раҳбарлари билан учрашувда айтган қўйидаги сўзлари кўп жиҳатдан дикқатга лойик: "Германия орқали биз ўзимизга Европани очмоқчимиз. Негаки, биз Германия тимсолида ўз сўзида турадиган энг ишончли ҳамкорни кўриб турибмиз. Буни бизнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятимизнинг дастлабки натижалари ҳам тасдиқлаб туриди. Умуман олиб қараганда, ўзбек ва немис халқлари ўртасида кўпгина үхшаш жиҳатлар бор. Бу, энг аввало, тартиб ва интизомга содиклик, мажбурият ҳиссининг қатъийлиги, очиқ-ошкоралик, ҳамкорлик ва ҳамнафасликка мойилликда кўринади. Бундай ажойиб муштарак хислатлар, ўзаро ишонч ҳамкорликларимизни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратади".

Республикада ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун муносиб ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан, "Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида"ги Конун Ўзбекистондаги чет эл тадбиркорлари учун, моҳият-эътибори билан, мустаҳкам ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қиласади.

Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан савдо обьектлари ва майший хизмат соҳалари ҳамда улар жойлашган ер майдонларини танлов асосида чет элликларга хусусий мулк қилиб сотишга рухсат этилди.

Фармонда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ва Устав жамғармасида хорижий капиталнинг улуши 50 фоиздан ошиқ бўлган кўшма корхоналар хорижий валюта тушумидан солиқ тўламаслиги кўзда тутилган.

1995 йилнинг 5 январидаги "Хусусий тадбиркорликда ташабbus кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги, жумладан, чет эл сармоядорларига ҳам қаратилган Фармонда хусусий корхоналар давлат то-

монидан уч кун ичидә рўйхатга олинади, дейилади. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи, ҳалқ истеъмоли моллари, ишлаб чиқариш-техникавий маҳсулотлар, қурилиш материаллари тайёрловчи, шунингдек қурувчилик фаолияти билан шуғулланувчи, таъмирлаш-курилиш, майший ва коммунал хизматлар кўрсатувчи хусусий корхоналар рўйхатга олинганидан кейинги дастлабки иккӣил мобайнида даромад (фойда)дан солиқ тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, Фармонда кўрсатилганидек, хусусий корхоналар даромади (фойда)дан солиқ олинишидан вужудга келувчи солиқ негизи ишлаб чиқаришни кенгайтириш, таъмирлаш, техникавий жиҳозлашга сарфланадиган маблағ ҳисобига камайтирилади.

Мазкур Фармон томонидан хусусий корхоналарда ёлланма ишчилар микдорини чекловчи эски кўрсатма бекор қилинади.

Ҳўжалик судларига хусусий корхоналардан олдиндан пошлина тўлашини талаб қиласдан уларнинг даъво аризаларини кўриб чиқишига рухсат берилди, пошлина суднинг қарори чиқарилгандан кейин қонуний тартибда ундирилиши мумкин.

Экспорт қилиниши тақиқланган буюмларнинг рўйхати қисқартирилди (26 тадан 11 тага).

Ўзбекистон Президенти 1995 йилнинг 19 июлида худди шу мавзудаги яна бир фармонга имзо чекди. Унинг номланиши диққатга сазовор: "Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш тўғрисида". Мазкур ҳужжатнинг мазмуни: мамлакатда ташқи савдонинг нотарифли чоралардан тариф асосида тартибга солиш чоралари сари босқичма-босқич ўтишдан иборат.

Ўзбекистон Таджон-Сарахс темир йўли қурилишига ўз ҳиссасини қўшди. Бу Пекин ва Истамбул ўртасидаги "Трансосиё" бош темир йўлига таркибий қисм бўлиб киради. Ўзбекистон Каспий соҳилидаги Оқтов бандаргоҳини таъмирлашда, бевосита Хитой ва Покистон билан боғланишга имкон берувчи Андижон — Ўш — Эргештом — Қашқар автомобиль йўли қурилишида, шунингдек Ҳинд океанига олиб чиқувчи Термиз — Хирот — Карочи трассасини бунёд этишда қатнашиш истагини билдириди.

Немис тадбиркорлигининг кўзга кўринган намояндадаридан бири Вилли Виммер Ўзбекистонга сафар қилганидан кейин бу тўғрида шундай деб ёзган эди: "Агар 1996 йилда Шанхай — Алмати — Тошкент — Эрон — Туркия — Ахен — Париж темир йўл магистралига таркибий қисм бўлиб кирадиган 300 километрлик темир йўл битиб ишга тушса, бу Ўзбекистон, унинг минтақавий қўшнилари ва қолган дунё билан, савдо ва умуман ўзаро фойдали ҳамкорлигига янги кучли шиддат багишилади. Ва унда, шак-шубҳасиз, гуллаб-яшнаётган Тошкент ҳам, кишида алоҳида таассурот қолдирувчи Самарқанд ҳам, улуғвор Бухоро ҳам дунёга қайтадан келади". Гўзал ва чиройли қилиб айтилган.

Мен Ўзбекистоннинг дунё билан ўзаро муносабатининг ижтимоий-иқтисодий йўналишига доир яна бир масала устида тұхталмоқчиман.

Ўрта Осиёда 70-йилларда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг сони мавжуд меҳнат ўринларига нисбатан икки баробар ошди. 80-йилларда бундай ошиш ҳалокатли даражага, яъни камида 3 мартаға етди.

Ўрта Осиёнинг қишлоқ ҳўжалиги жабхасида айрим фикрларга қаранды, ишсизлар миқдори 35—40 фоизгача бориб қолган.

Ишсизлик ва ерсизлик, ёшларнинг катта қисмининг қашшоқлашуви ижтимоий беқарорлик ва этник зиддиятларни, сиёсий чайқовчиликлар, миллатчилик, консерватизм ва традиционализмни қайтадан уйғотувчи энг жиғдий омиллардир.

Аҳоли тифизлиги масаласи бу заминга келиб яшаб қолган күплаб бошқа ҳалқларнинг қайтиб кетиши билан ҳал бўлмайди. Бундай кетиш демографик жараённи бироз юмшатиши мумкиндири, лекин вазиятни кескин ўзгартира олмайди. Шу боисдан эртами-кечми, бир кун келиб бу туб аҳолининг ўз тупроғини ташлаб бошқа элларга кўчишини юзага келтиради, гарчи ўзбек ҳалқи энг турғун ҳалқлардан бўлса ҳам шундай ҳол бўлиши кутилади.

Ўзбекистон ҳалқаро алоқаларининг геополитик жиҳати, юқорида айтганимиздек, ғоятда ранг-баранг ва мураккаб.

Айниқса, унинг худуддаги ён қўшнилари, собиқ шуро республикалари билан муносабати тўғрисида гаплашайлик. Бу манзара ғоятда буёқларга бойлиги билан ажralиб туради. Ўрта Осиёдаги мустақил давлатларнинг ўзаро табиий яқинлашуви, ҳамкорлиги ва дўст-тотувлигини таъминловчи омиллар етарли. Бироқ, ҳал қилиниши ўзаро ён беришларни, олижанобликни ва узоқ муддатни талаб қиласидан мураккаб муаммолар ҳам оз эмас. Фарбда кимлардир хаёл қилаётганидай, Ўрта Осиё давлатларининг яқин йиллар ичida конфедератив асосда ўзаро бирлашувининг юз бериши амримаҳолдир.

Президент И. Каримов Бишкеқда 1995 йилнинг 28 августида бўлиб ўтган туркйзабон давлатлар бошлиқларининг учрашувида сўзлаган нутқида шундай деган эди: "Ҳалқларимизнинг тарихий, этник-маданий, маънавий яқинлигидан иборат қатъий фактни қайд этиш мана шу чуқур тарихий-маданий омилга сиёсий ёки, айниқса, ҳарбий-сиёсий тус бериш йўлидаги уринишларга айланиб кетмаслиги керак". Каримовнинг фикрича, савдо ва бошқа хил иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш, ўткир экологик муаммолар ва инсонпарварлик тарзидаги масалаларни ҳал қилиш бобида кучларни бирлаштириш тўғрисида гап бориши мумкин.

Бу масалага доир Д. Карлайлнинг нуқтаи назари анча ўзига хос. У ёзади: "Ўрта Осиё худудининг истиқболи ҳақида гап кетар экан, давлатлараро чегараларнинг ўта шаффоғлиги ва шартли эканлигини ҳисобга олиш керак бўлади. Улар шунчаки эмас, балки, энг аввало, худу-

дий ва Туркистоннинг азалий бирлиги фоялари каби муаммолар нуқтаи назаридан ҳам шартли чегаралардир. Туркистоннинг азалий бирлиги фоялари худуддаги вазиятни барқарорлаштиришдан кўра, кўпроқ бекарорлаштирувчи, чигаллаштирувчи омиллардир" (9-бет).

Д. Карлайл Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг умумий тарихий ўтмиши, бу икки тенг ҳуқуқли мустақил давлатни келажакда янада ўзаро яқинлашувининг ҳаётий зарурияти тўғрисида атрофлича ва моҳиятни чуқур тушуниб фикр юритади ("Тожиклар ва ўзбеклар" 174-197 с.). Д. Карлайл яна шундай дейди: "Каримовнинг олдида ҳал қилининшини кутиб турган Фарғона водийсидаги портлашлар билан боғлик қийинчиликларни назардан қочириб бўлмайди. Мавжуд фикрларга қарандан, Тошкент Ислом фундаментализми хавфига керагидан ортиқча эътибор бермоқда. Балки бу тўғридир, лекин қандайдир даражадагина тўғри. Бироқ, Каримовнинг кўркувларини саробга асосланган, деб бўлмайди. Фарғона — бор маҳсулотнинг ҳаммасини ташлаб, аралаш-куралаш пишириладиган хумдан эмас, балки иқтисодий ва этник зиддиятларнинг қайнаётган қозонидир, Ўзбекистон, Тожикистон ва айниска Қирғизистон учун фоятда даҳшатли оқибатларни юзага келтирадиган даражада қайнаб-тошадиган қозондир.

Президентлар — И. Каримов ва А. Акаев Ўш вилоятида вазиятнинг доимо барқарор бўлиб туришидан ўзаро манфаатдордирлар. Ўшга нисбатан Каримов давлат арбоби сифатида тутаётган йўл 1990 йилнинг июнь ойида бехосдан юз берган фожиага ўхшаш яна бир фожиадан халқини сақлаб қолишга қаратилган. Ўшанда у ўзбек сепаратистларини Ўшга нисбатан амалга ошироқчи бўлган мақсад йўлларидан донишмандлик билан қайтарди. Бирон бир бошқа ўзбек йўлбошловчиси билмадим, бундай ишни қила олармиди. Афсуски, унинг Ўш вилояти ва бутун Фарғона водийсида юз бериши мумкин бўлган қонли этник ихтилофни бартараф этганлиги Farbda ҳеч бир тилга олинмадики, бу ўта адолатсизликдир. Каримов олқишиларга сазовордир. Тарих орқа оёқларида турган популист, демократ номи билан ниқбланиб, охир-оқибатда, миллий-шовинизм билан узвий қўшилиб кетиб, мамлакатни урушлар шиддатига олиб киришини кўп марта исботлади. Югославия, Сербия ва Босниядаги воқеалар Каримов Ўш вилоятида эришган ютуқларига мутлақо зиддир ва бу ҳол давлат арбоби сифатидаги тарақкий-парварлик хизматини алоҳида намоён этади" (188-189 с.).

Д. Карлайл Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиёда Ислом фундаментализмининг хавфи масаласига доир қадриятларнинг хилма-хиллиги устида ҳам тўхталади. Жумладан, Farb матбуотида эълон қилинган муҳолифат намояндадаридан бири Муҳаммад Солиҳнинг мақолаларида, Каримов жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини ошириш учун Ислом картасидан фойдаланмоқда, деб ёзади.

Бироқ, бунга тамомила зид бўлган бошқача қараш ҳам мавжуд. Масалан, Суданинг пойтахти Хартумда 1995 йилнинг марта Ислом давлатлари диний намояндадарининг конференцияси бўлиб ўтди, унда

Жазоир, Тунис, Фаластин, Миср, Эрон, Ливан, Покистон, Афғонистондаги исломий террорист гурухларнинг раҳбарлари иштирок этдилар. Фарб мутахассисларининг шу конференция мазмунининг атрофлича таҳлил этувчи шарҳномаларида, жумладан, Ислом дунёсида экстремизмининг ривожланиши фақат Фарб цивилизацияси учунгина эмас, балки Ўрта Осиё учун ҳам хатарли эканлиги таъкидланади. Худди шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Президентининг тутган йўли Фарбнинг, шак-шубҳасиз, кўллаб-кувватлашига арзидиган тараққийпарвар моҳиятга эга эканлиги эътироф этилади.

Ўзбекистон Президенти МДҲнинг сақланиб қолиши тарафдори. Унинг фикрича, МДҲга ҳозирги шароитда муқобил бир куч йўқ ва айрим заиф жиҳатларига қарамасдан, у ўз иштирокчиларининг миллий давлат манфаатларига мос келади.

Давлатлар устида турадиган Евроосиё иттифоқига үхашаш ҳар хил янги бирлашмаларни ташкил этиш ғояларини И. Каримов қатъий рад этади. У иқтисодий интеграция, ўзаро тұловларга асосланган иттифоқ, давлатлараро иқтисодий күміталар тузилишини, шунингдек, маданий ва маънавий ҳаёт соҳаларида ҳамкорликларни маъқул кўради. "Масала бошқа томонда,—дейди И. Каримов,— МДҲ раҳбар ташкилотлари қарорлари бажарилмай қоляпти. 500 дан кўпроқ турли хил муҳим қарорлар бажарилмай, фақат қофзода қолиб кетди".

Албатта, Совет Иттифоқининг тарқалиб кетиши оқибатида бузилган иқтисодий алоқаларни қайта тиклаш МДҲ давлатларининг барчаси учун катта ютуқ бўлур эди. Бироқ, шуни ҳам унутмаслик керакки, аввалги ҳўжалик алоқалари буйруқлар асосида, чекланган ягона ҳокимиятга эга бўлган марказнинг зуфуми назорати остида бошқарилар эди. Бугун ким буйруқ бериб, назорат қила олиши мумкин? Ҳўжалик субъектлари даражасидаги бозор орқали ўзини-ўзи идора қилиш механизмлари эса ҳали-бери ишламайди.

Буларнинг ҳаммаси И. Каримовнинг икки ёки уч ёклама иқтисодий, сиёсий алоқаларнинг, янги мустақил давлатлараро ахборот алмашиш билан боғлиқ фикрларининг тўғрилигини яна бир карра исботлайди.

Ўзбекистоннинг ҳалқаро алоқалари тизимида унинг Россия билан ўзаро муносабати алоҳида ўрин тутади. Бу ерда уч асосий омил мавжуд.

Биринчидан, Ўзбекистон Президенти Россиянинг ҳарбий имконияти бу яқин йиллар мобайнида минтақадаги барқарорликнинг муҳим шарти эканлигини яхши билади. Иккинчидан, Ўзбекистонга Россия билан иқтисодий алоқалар ҳар доимгидай зарур. Яқин келажакда Ўзбекистон учун иқтисодий ҳамкор сифатида ҳеч ким Россиянинг ўрнини боса олмайди. Учинчидан, Ўзбекистон ва Россия ҳалқлари юз йиллар мобайнида яқин қўшничиликда яшадилар, гарчи тобеликда кечган ҳаётни роҳат-фароғатли деб бўлмаса-да, бу икки мамлакат ўртасида мавжуд бўлган маданий алоқалар ҳамон сақланиб келмоқда эди. Икки ҳалқ ҳам бу алоқаларни мустаҳкамлашдан манфаатдордир. Айниқса, бу мамлакатда бир яrim миллиондан зиёд руслар яшаётганлиги ҳисобга олиниши лозим.

Афғонистон. Бу қўшни давлат билан Ўзбекистон, таъбир жоиз бўлса, ўт ичидан кечув излаб муомала қилиши керак. Бугун, очиқ айтганда, Афғонистон амалда уч қисмга ажralиб турибди. Мамлакатнинг шимолий қисмидаги пойтахт ва шимолий-шарқ томондаги 4 вилоят Кобулда турган Президент Бурҳониддин Раббоний ва "Афғонистон ислом жамияти" бошлиқларидан бири Аҳмад Шоҳ Масъуд томонидан идора этилмоқда, у аслида, Кобулнинг ҳокими дай гап. Мамлакатнинг бу қисмидаги аҳоли асосан тоҷиклар.

Аҳолиси асосан пуштунлардан иборат бўлган 13 жанубий, жанубий-ғарбий ва ғарбий вилоятлар "Толибон" ҳаракатининг шўроси томонидан назорат қилинмоқда. Уларнинг штаб-квартираси мамлакатнинг қадимги пойтахти Қандаҳорда жойлашган.

Аҳолисининг катта қисми ўзбеклардан иборат бўлган (турли маълумотларга қараганда, ўзбеклар бутун мамлакат аҳолисининг 5-10 фоизини ташкил этади) 8 шимолий вилоят эса мамлакат ичida ўз сиёсатига, маъмурӣи раҳбарлигига, банкига эга кичик бир мамлакатни ҳосил қилиб, улар Мозори Шарифни ўзларига пойтахт қилиб олганлар. Энг асосийси, уларнинг замонавий отиш қуроллари, танклар ва ҳатто самолётлар билан қуролланган ўз ҳарбий қисмлари бор. Бу Афғонистоннинг йирик нефть ва газ манбаларига эга бўлган энг ривожланган худудидир.

Ғарбда, шимолий вилоятлар йўлбошчиси Абдул Рашид Дўстум, бу этник озчиликни ташкил этувчи ҳалқларнинг "Миллий ва исломий Афғонистон учун" Ҳаракати намояндаси Тошкент билан яхши муносабатлар ўрнатган деган овозаларга зўр берилмоқда.

Мозори Шарифнинг ён-атрофларида 2 миллионга яқин афғон ва тоҷик қочоқлари яшамоқда, лекин Дўстум назоратидаги собиқ совет-афғон чегараси қисмida осойишталик ва тинчлик тўла-тўқис таъминланганлиги назарда тутиладиган бўлса, юқоридаги таҳминларда, балким қандайдир асос бордир. Бироқ, Мозори Шариф қўл узатса етадиган бир масофада жойлашганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, Тошкентни нега айблаш керак? Дўстум дунёнинг жуда кўп мамлакатлари билан бевосита алоқа ўрнатиб, ўзаро муносабатларини ривожлантирумоқда. Масалан, Афғонистон шимолидаги нефть ва газ манбаларини қидириб, ишга тушириш масаласига қизиқиб қараётган Буюк Британия билан СССРнинг барбод бўлиши Туркияning Греция соҳилларидан Хитойгача бўлган катта худуддаги туркийзабон мамлакатларнинг етакчиси бўлиб қолиши учун қулай имкониятлар яратди. Ғарб томонидан қўллаб-кувватланаётган Туркия худудидаги шу мавқенин барқарор сақлаб, туркийзабон давлатлар учун сиёсий ҳаётни маданий асосларда талқин эта олишнинг на-мунаси бўлиб қолишга бор куч имкониятини бағишиламоқда.

Бироқ, бу ўринда алоҳида цивилизация мақомидаги Ўзбекистоннинг, яъни нафақат туркий, балки арабий ва бошқа турли цивилизацияларнинг хусусиятларини ўзида мужассам этиб, шунингдек салмоқли иқтисо-

дий имкониятларга эга бўлган бу ўлканинг ўзгачалиги ҳисобга олинмайти. Ўзбекистон яқин ўн йиллар ичидаги, балки, минтақанинг етакчи давлати мақомига даъвогарлик қилмаганида ҳам, лекин, ҳар қалай, мустақил ривожлана олиши шак-шубҳасизdir.

Эрон ҳам Ўрта Осиё ҳудудига катта қизиқиш билан қарамоқда. Эрон ва Ўрта Осиё давлатлари ўртасида Машҳад — Ашхобод темир йўлининг курилиши бу мамлакатнинг Ўрта Осиё ҳудуди билан ҳамкорлигини фоллаштириши табиийdir.

Бироқ, Фарбнинг, Эрон бугуннинг ўзидан бошлабоқ бутун Ўрта Осиё давлатларига Эронча нусха давлат тузумини олиб келишга интилади деган таҳликалари, бизнингча, асоссиз. Мабодо, шунга интилиш бўлганида ҳам унинг яқин ўртада юз бериши амримаҳол. Чунки бундай ҳаракат бекиёс улкан харажатларни тақозо этади, Эрон бўлса бунга тайёр эмас. Бироқ, Эрон Ўрта Осиёга Ислом фундаментализмининг ақидалари ва амалиётини аста-секин олиб кириш ниятидан қайтиб қолади, деб айтиш ҳам чўпчакдай бир гап.

Хеч сўзсиз, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида Покистон ҳам муҳим ва таъсирчан роль ўйнашга ҳаракат қилмоқда. Бироқ, Афғонистонда бўлаётган фуқаролик уруши анча қийинчилик туғдириб, Саланг лаҳм йўли (туннели) орқали Карочидан Ҳиндикушга келадиган йўлдан Фойдаланишга халақит бермоқда. Шу мақсадда Покистоннинг Афғонистонга нисбатан бўлган сиёсати урушаётган томонларни муросага келтириш билан боғлиқ йўналишга юз буришини кутса бўлади.

Айниқса, Ўзбекистон учун унинг Хитой билан бугунги ва, афтидан, яқин истиқболдаги муносабати алоҳида аҳамиятлиdir. Президент И. Каримовнинг Осиёдаги бу улуғ қўшни давлат билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳар бир қадами Ўзбекистоннинг бутун ташки алоқалари тизимига салмоқли таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон ва Хитойнинг сиёсий ва иқтисодий алоқаларида Хитойнинг Шинжон-Уйғур мухтор вилоятига муносабат масаласи айниқса алоҳида нуқта ҳисобланади. XXRнинг бу вилояти 1,6 миллион квадрат километр жойни эгаллайди, худуд аҳолиси 16 миллиондан иборат, аҳолининг салмоқли қисмини уйғулар ва бошқа туркийзабон ҳалқлар вакиллари ташкил этади. Мухтор вилоят иқтисоди тез суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, бу ерда саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши ҳар йили 6 фоизга етмоқда, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ҳам ўсиб бораётir. Пахта етиштириш 800 минг тоннага, қандшакар маҳсулотларини тайёrlаш 35 минг тоннага кўтарилган. Вилоядада бир йилда 12 миллион тонна нефть қазиб олинади.

Ўзбекистон учун Шарқий Осиёнинг навқирон "йўлбарс"лари билан ҳамкорлик қилиш ҳам истиқболлидир. Бундай ҳамкорлик соф бозор муносабатларидан ташқари, улар бамисоли Ўзбекистоннинг ўзи даражасидаги ижтимоий иқтисодий ривожланиш босқичида бўлиб, бу босқични муваффақиятли ўтиш ва янги довонларга эришишда бир намуна ролини ўташлари мумкин.



Президент И. КАРИМОВ Ўзбекистон — Россия ҳужжатлари
имзолангандан сўнг Россия Федерацияси Президенти
Б. Ельцин билан



Президент И. КАРИМОВ Германия Президенти Роман Ҳерцог билан,
Бонн, 1995 йил



Президент И. КАРИМОВ ХХР Давлат кенгашининг Бош вазири
Ли Пэн билан



Президент И. КАРИМОВ Буюк Британия Бош вазири
Джон Мейджор билан



Президент И. КАРИМОВ Америка Құшма Штатларининг
Вице-президенти Альберт Гор билан, 1995 йилнинг 25 октябри,
Оқ уй, Вашингтон



Президент Ислом КАРИМОВ Исройл ташқи ишлар вазири
Ш. Перес билан



Президент И. КАРИМОВ ва
Туркия Бош вазири Тансу
Чиллер Регистон
майдонидаги тарихий
ёдгорликларни зиёрат қилиш
пайтида, Самарқанд шаҳри



Президент И. КАРИМОВ ва
Покистон Ислом Жумхурияти
Бош вазири Беназир Бхутто
Сомонийлар мақбараси
зиёратидан сўнг,
Бухоро шаҳри



Ўзбекистоннинг ёнилғи-энергетика мажмуси жадал суръатлар билан ривожланмоқда



Президент И. КАРИМОВ Учкудуқдаги олтин корхонасининг иккинчи навбати очилишида



Пахта йигим-терими



Иқтисодий ислоҳотларнинг илк мевалари — "Мерседес-Бенц" юк ташувчи машиналари эндиликда Хоразм вилоятининг Дўстлик шаҳридаги Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда




Асака шаҳридаги "ЎзДЭУ" автомобил корхонасининг қурилиши



Нефтни қайта ишлаш
корхонаси



Авиасозлик — Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи ва мураккаб сифимли тармоқларидан бири



Ургут шаҳридаги телеминора

Ўзбекистондаги ва умуман бу минтақадаги сиёсий воқеалар Европанинг дикқатини тортмоқда. Бу фақатгина Ислом фундаментализмидинг янги ўлкаларга ёйилиши хавф-хатари жиҳатидангина эмас, балки, шу билан бирга, юз бериши мумкин бўлган этник ихтилофларнинг кенг тарқалиб, ҳатто Европа учун ҳам жиддий оқибатларни содир этиши эҳтимоли билан ҳам боғлиқдир.

Махсус немис адабиётларида, жумладан, шундай мулоҳазалар баён қилинади: "Агар қозоқлар ва руслар ўртасида иш ошкора тўқнашувларга етадиган бўлса, Европа қочоқларнинг нақадар мушкул муаммосига дуч келишини тасаввур қилса бўлади. Миллионлаб руслар, Россия ўзига қабул қилиш имкониятлари чекланганлиги сабабли, Фарбга оқиб кела бошлайди".

Ўзбекистонга Farb дунёсининг ГФР ва АҚШ каби энг устун давлатлари ғоят катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Бироқ, агар ГФРни Ўзбекистон, энг аввало, фойдали иқтисодий ҳамкор тарзида қизиктирса, АҚШ бу ўлкага бошқачароқ муносабатда бўлмоқда. Америка билан Ўзбекистоннинг ўзаро муносабатини оддий бир даражада деб бўлмайди. Бир томондан, гё ѧамма нарса равshan: АҚШнинг Ўзбекистондаги бош мақсади — бу ерда сиёсий беқарорлик юз беришига йўл қўймаслик. Мабодо, бунга йўл қўйилса, бу заминга Эрон ва, эҳтимол, Хитойга ўхшаш қўшни давлатларнинг таъсири кучайиб кетиши эҳтимолдан йироқ эмас. АҚШнинг ишонишича, Ўзбекистонда Эроннинг фаоллашуви, пировардида, Ислом фундаментализми ва ҳатто, халқаро терроризмнинг бу ерда ёйилиши демакдир.

АҚШ Ўзбекистоннинг EXХТга қабул қилинишига кўмаклашди. Бундай кўмакнинг асосида ётган мақсад, аслида, фақат шу йўл билангина Farbга хос ҳукукий ва инсон эркинлиги билан боғлиқ қонун-қоидаларнинг бу мамлакатга олиб кирилиши, гарбча плюралистик демократик ҳаёт тарзини таркиб топтириш ва, айниқса, бу ерда ҳам хавфсизликнинг ягона тизимини жорий этиш режалари билан чекланмайди. Бу мақсад, янада кўпроқ даражада АҚШнинг Ўзбекистонни бошқа Ўрта Осиё давлатлари қаторида "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" шартномаси доирасида НАТОга қўшиб олиниши гоясининг амалга ошишини тезлаштиришга қаратилган.

Масаланинг бошқа томони шуки, сўнгги пайтларгача АҚШ юқори доиралари ўртасида Каримовга қарши кайфият ҳукм суруб келар эди.

Д. Карлайлнинг бу мавзуга қараши қўйидагича: "Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг бошига хорижий давлатлар билан муносабатда тушган оғир синовлардан бири АҚШ билан муносабатларнинг ёмонлашуви эди. Бунинг сабаби инсон ҳукуқлари муаммоси эди. Каримовнинг 1993 йил сентябрь ойида АҚШга қилган сафарининг муваффақиятсизлиги америка-ўзбек муносабатларининг кескинлашувига олиб келди. Ўзбекистон дипломатик миссиясининг Каримовни

Клинтон билан учрашувини уюштира олмаганлиги, охир-оқибатда, шу билан тугадики, Каримов Тошкентта қайтиб келиши билан оқ мазкур миссия бошлигини истеъфога чиқарди.

Шундан кейин, 1994—1995 йилнинг қиши ойларида Ўзбекистон ва АҚШнинг ўзаро муносабати янгича асосга кўйилди. Бу, орадан кўп ўтмасдан, америкаликлар Россия-Эрон муносабатларида яқинлашув юз беришидан ташвишга тушиб қолганларидан кейин бошланди. Вашингтон Каримовга янада зеҳн солиб қарай бошлади ва аҳволни яхшилаш мақсадида мудофаа ишлари бўйича котиб Перрини Тошкентга йўллади” (187—188 с).

Президент Каримов Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар масаласига ўз қарашини қуидагича изоҳлади (ёзib олинган сұхбат матни асосида): “Авваллари мен ўзим тўғримда чет элларда нималар деб ёзишаётганлари ва гапираётганларига унчалик эътибор қилмасдим. Бу мени деярли қизиқтирмас эди. Хаёт эса матбуот, оммавий-ахборот воситалари маълум бир шахслар тўғрисида Farbda яратадиган шов-шуввлар нақадар ҳал қилувчи кучга эга эканлигини кўрсатди. Бу, охир-оқибатда, бутун мамлакатга қарши гапларга айланиб кетиб, унинг ташки алоқаларини қийинлаштириб кўяр экан. Жумладан, Ўзбекистон ва АҚШнинг ўзаро муносабатларида худди шундай аҳвол юз берди.

Мен бундан шунинг учун ташвишдаманки, Америка билан самимий муносабат бизнинг ташки сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиши керак эди. Ишонаманки, бундай муносабат Америка учун ҳам фойдалидир. Бизга АҚШдан хайр-эҳсон ёрдамлари эмас, балки унинг сиёсий ва маънавий қўллаб-кувватлашлари керак. Яна бир бор таъкидлайман, бундай ёрдам Американинг ўзи учун ҳам ҳаётий фойдалидир. Мен бу тўғрисида Тэлботга, Коллинзга, Пэррига гапирғанман”.

Президент Каримов, Ўзбекистоннинг Farb мамлакатлари ва Шарқ мамлакатлари билан муносабатлари ҳар қандай мафкурадан холи бўлмоғи керак, деб ҳисоблади.

Бирок, ҳозирги кунда унинг мамлакати учун ташки сиёсат ўзининг анъянавий вазифаларидан ташқари алоҳида бошқа бир қадриятлар ҳам касб этмоқда. У ижтимоий онгни қайта йўналтирувчи омилга ҳам айланмоқда. Farb давлатлари билан ҳам давлат даражасида, ҳам тадбиркорлик ва инсонпарварлик соҳаларидағи ҳамкорлик бозор-демократияси тартиб-қоидаларининг мустаҳкамланишига сабаб бўлмоқда.

Лекин, шу нарса ҳам аёнки, Ўзбекистоннинг жаҳон демократик ҳамжамияти билан ҳамкорликка киришуви уни кескин рақобатчиликдан ва ўз манфаатларини ҳамиша оёғида сабит туриб ҳимоя қилиш заруратидан асрраб қололмайди. Farb ва Шарқ билан муносабатлар тенг ҳуқуқийлик ва сабитқадамлик тамойиллари асосида курилмоғи керак.

Яна шу нарса ҳам мухимки, Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари фақатгина узоқ даврга мўлжалланган давлат манфаатлари билан айнан бир нарса, деб тушунилмасдан, балки, айниқса, фуқаролик жамиятининг ўз-ўзини ривожлантиришдек ҳаётий заруриятига, шу жумладан, тадбиркорлар ва уларнинг уюшмаларининг ривожига катта эътибор берилиши керак.

Тўрт йилдан сўнг: бугунги Ўзбекистон

Энг аввало, бир неча, умумий мазмундаги курсаткичларни эслайлик. Ўзбекистон ҳудуди 447,7 минг квадрат километрни ташкил этади. Аҳолиси —23 миллиондан кўпроқ. Аҳоли ҳар йилига 600 минг жонга кўпаймоқда. Ўзбеклар бор аҳолининг тўртдан уч қисмини ташкил этади. Шаҳарларда —40 фоиз, қишлоқларда эса 60 фоиз аҳоли яшайди.

Аҳолининг меҳнатга яроқли қисми 45 фоиздан иборат.

Ўзбекистон таркибида: Қорақалпогистон Республикаси, 12 та вилоят, 156 та туман, 123 та шаҳар бор. Тошкент, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қарши, Навоий, Наманган, Самарқанд, Термиз, Гулистон, Фарғона, Урганч республиканинг энг йирик шаҳарларидир.

Табиий-иқлиний шароит: Ўзбекистон пасттекислиқ ва тоғлик рельефининг узвий яхлитлигидан ташкил топган серқоёш ўлка, қуёшли кунларнинг кўплиги жиҳатидан Калифорнияга ўхшаб кетади.

Минерал-хом ашё бойликлари: Ўзбекистон мис, кумуш, олтин, кўрғошин, рух, вольфрам, табиий газ ва бошқа табиий қазилма бойликлари жиҳатидан жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.


Айниқса, катта олтин бойлиги алоҳида дикқатга сазовор. Олтин қазиб чиқарилиши жиҳатидан Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида (Россиядан кейин) иккинчи ўринда, аҳоли жон бошига олтин қазиб чиқазишга кўра эса биринчи ўринда туради. Бу ерда бир йилда 70 тоннагача олтин сараланади.

Ўзбекистон — пахта, шоли, сабзавот етиштириш, узумчилик, полизчилик соҳаларида жаҳоннинг энг катта қулайликларига эга ҳудудларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон пахта экспорти бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу ерда ҳар йили 4 миллион тонна етиштирилади. Бу дунёдаги пахта ҳосилининг бешдан бир қисми демакдир. Ўзбекистонда ҳар йили 7 миллион тоннадан кўпроқ мева ва сабзавот ҳам тайёрланади.

Бу мамлакатда ўтишдавридаги йўл тўғританланганилиги сабабли ишлаб чиқаришнинг суръати тушиб кетмади ва уни янада ривожлантириш имкониятлари яратилди. Саноат ва қишлоқ хўжалигига ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар аниқлаб олинди, бу эса ижтимоий ишлаб чиқарышдаги ноxуш тамойилларнинг олдини олишга шароит яратди.

Иқтисодий аҳволнинг энг йирик курсаткичи, бу ялпи маҳсулотнинг хақиқий даражасидир. Агар бу даражани 1990 йил учун 100 фоиз деб оладиган бўлсак, 1994 йилга келиб (иқтисод фанлари доктори Анвар Зиёнинг маълумотларига кўра) қўйидаги манзара кўзга ташланади:

155,8	Хитой
102,9	Польша
84,4	Венгрия
83,3	Ўзбекистон
82,3	Чехия
82,0	Словакия
80,9	Болгария
76,9	Руминия
63,7	Беларусь
53,0	Украина
52,8	Россия
50,0	Қирғизистон
49,9	Қозоғистон
46,2	Озарбайжон
39,1	Арманистон
38,8	Молдова
20,2	Грузия



Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хитойда ишлаб чиқаришнинг ўсиши 90-йилларда бошланган бўлса, Польша барча социалистик мамлакатлар ўртасида ўша йиллардаёқ, айниқса, қишлоқ хўжалик соҳасида ўта ривожланган хусусий мулкчиликка эга эди.

Иқтисоднинг самарадорлиги нуктаи назаридан энерготизм, энергия бойликлари соҳасидаги аҳвол айниқса муҳим омиллар ҳисобланади. Бу жиҳатдан, 1990 йилга нисбатан (100 фоизга олиб қаралса) 1994 йилда Ўзбекистонда газ олиш 115,7 фоиз (Россияда —94,7; Украинада —65,1; Қозоғистонда —63,4; Туркманистонда —40,5), нефть қазиб олиш — 196,4 фоиз (Украинада —79,2; Қозоғистонда —78,7; Туркманистонда —71,9; Русияда —61,2) ўсади.

Сўнгги 3 йилда Ўзбекистон ишлаб чиқаришнинг ўсиши эвазига мамлакатга четдан келтириладиган нефть ва нефть маҳсулотларининг ҳажми 6-7 марта, гўшт ва сут маҳсулотлари ҳажми 2-3 марта, фалла ва фалла маҳсулотлари ҳажми 2-3 марта қискарди.

Агар МДҲ мамлакатларининг аксариятида инвестиция тақчиллиги ўсиб бораётган бўлса, Ўзбекистонда капитал жамғарманинг улуши, айниқса, қизғин тусда олиб борилаётган етакчи қурилишлар учун капитал жамғармалар тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Шуни айтиш керакки, олиб борилаётган қурилишнинг умумий ҳажмида уй-жой қурилиши салмоқли ўрин туладики, бунинг ўзи ҳам келажак учун ўзига хос инвестициядир.

1994 йилда Ўзбекистонда давлат тасаруфидан чиқарилган корхоналарнинг микдори 46,9 мингни ёки корхоналар умумий ҳажмининг 70 фоизини ташкил этди. Ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотда бу корхоналарнинг улуши 50 фоизга етди.

1995 йилги дастурга мувофиқ, 1796 та объект хусусийлаштирилади. Шу жумладан, саноат соҳасидаги — 94 объект, қурилиш, транспорт ва алоқа жабхаларидаги — 96 объект, агросаноат мажмуасидаги — 442 объект, ижтимоий-маший тармоқдаги — 414 объект, жойлардаги маҳаллий дастурларга кўра 750 объект хусусийлаштирилади. Таъкидлаш керакки, меҳнат жамоалари ва давлат акцияларининг умумий ҳажми 49 фоиздан ошмаслиги лозим.

“Биз ўз келажагимизни қуришга киришаётуб, оғир синовларга дуч келган кунларимизда ҳам — бошқа бирорларга ёрдам сўраб бормадик, тиланмадик, ишнинг бошидаёк ўз кучимиизга, имкониятларимизга ишондик ва уларга суюндиқ”. Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис учинчи сессиясида Ўзбекистон мустақиллигининг тўртинчи йилига бағишлаб сўзлаган нутқида айтилган бу фурурли сўзларида мамлакатда амалга оширилган улкан ишларниң кўтаринки маъноси, руҳи мужассамланган. Ҳозирги Ўзбекистоннинг харитасида бунинг ёрқин далили бўла оладиган, ватани ва чет эл капиталининг улкан самараларини исботлайдиган ишлар, меҳнат ютуқлари оз эмас.

Навоий вилоятида янги олтин комбинати ишга туширилди ва “Зарафшон-Ньюмонт” ўзбек-америка қўшма корхонаси руда чиқиндила-ридан олтин ола бошлади. Буюк Британиянинг “Лонро” фирмаси билан ҳам олтин саралаш бўйича яна бир ҳамкорлик лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Хоразмда юк автомобиллари ишлаб чиқарувчи, Асакада эса енгил ва транспорт автомобилларини тайёрловчи заводлар қурилиб, ишга туширилмоқда. Бухорода замонавий асбоб-ускуналар билан қуролланадиган нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши давом эттирилмоқда. Қўқон ва Андижондаги фойдаланишга топширилган йирик гидролиз заводлари ҳам шундай янги иншоотлардандир. Таллимаржон ГРЭСИнинг йирик куввати фойдаланишга топширилиш арафасида. Кизилқум фосфорит комбинати, Қўнғиротдаги сода ишлаб чиқариш заводи ва Навоий — Учкудуқ темир йўл тармоғи қурилишлари ҳам бошланиб кетди.

Агар 1995 йилнинг бошланишида пулнинг қадрсизланиши бир ойда 16 фоизга етган бўлса, октябрь ойида бор-йўғи бир фоизни ташкил этди.

Эртанги кунда нима ишлар қилинади? Хўжаликнинг қайси соҳалари ўз юксалиш чўққиларига кўтарилади? Ўзбек иқтисодчиларининг фикрича, давлат тузилмалари орқали ижтимоий маҳсулотни тақсимлашнинг улуши кескин камайтирилиши керак. Аслини олганда ҳам, 1995 йилнинг биринчи чорагида давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши даромадлар бўйича 45 фоизни, харажатлар бўйича эса 49 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар МДХнинг бошқа давлатлари кўрсаткичлари билан муқояса қилинганда ҳам анча сезиларли ютуқлар эканлиги аён бўлади.

Ўзбекистон иқтисодий ҳаётини янада ислоҳот қилиб боришининг асосий омилларидан бири — хусусий мулкчиликни, тадбиркорликни, кооператив ҳаракатни кенг миқёсда ривожлантиришдир. Бир сўз билан

айтганда, иқтисодий ривожланиш янада эркинлаштирилади ва хўжалик жараёнларини бевосита, ёки ҳатто воситали, муайян масофадан туриб бўлса-да маъмурий-давлат бошқаруви аста-секин камайтириб борилади.

Бугун, айниқса яқин келажакда Ўзбекистон экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариши ривожлантириш вазифаларини ҳал қила олиш имкониятларига эга бўлади, чунки факат шундай йўлгина унинг жаҳон иқтисодий тизими билан фаол ҳамкорлик қила олишига ҳамда тузилмаларни қайта қуришни такомиллаштириш ва иқтисодни янгилашнинг ўзак масалаларини қисқа муддатларда самарали ҳал қилишига шароит яратади.

Исталган посткоммунистик мамлакатнинг аҳволини "кризис" сўзи орқали аниқлаш ачинарли бир одат тусини олди. Бироқ "кризис" сўзини Ўзбекистонга нисбатан анъанавий маъноларида татбиқ этиш уччалик тўғри бўлмаса керак. Лекин бу сўз дунёга энди келган кезларида англатган илк маънолари билан Ўзбекистонга татбиқ этиладиган бўлса, бошқа гап. Хуллас, "кризис" истилоҳи юнонча "кринейн" иборасидан олинган бўлиб, "таҳхил этиш ва ҳал қилиш" маъноларини англатади. Яна эслайдиган бўлсак, хитойлар лафзида "кризис" сўзи атиги иккита иероглиф билан ифодаланади: улардан бири "хавф-хатар" маъносида келса, иккинчиси — "имконият", "имкон", "танлаш" маъноларини англатади.

"Кризис"ни худди шу маъноларда Ўзбекистонга татбиқ этса бўлади. Бу мамлакат, унинг Президенти ва сафдошлари ижтимоий ҳаёт кўндаланг қўяётган мураккаб вазифаларни қизғин бир руҳда, қийинчиликлар ичида, аммо изчиллик билан ҳал қилмоқда, Ўзбекистон ўзининг тарихий имкониятларидан фойдаланиб, хавф-хатарларни енгил, наинки яшаб қолаётир, балки оёққа туриб, юксалиш сари олға бормокда.

Социологик тадқиқотлар, ижтимоий фикрни ўрганишнинг бошқа шакллари, шунингдек турли-туман экспертларнинг хуросаларига кўра, агар МДҲнинг аксарият мамлакатларида тушкунлик, умидсизлик кайфиятлари устунлик қилаётган бўлса, Ўзбекистонда тараққиётли ўзгаришларга, ислоҳот йўллари тўғри танланганига ҳалқнинг ишончи тобора мустаҳкамланиб бораётир. Ўзбек жамиятининг ҳозирги ҳиссий-рухий ҳолатида ёруғ келажакдан умидворлик ва комил ишонч туйғулари устувордир, ташвиш ва қўркув эса деярли сезилмайди. Ўзбекистонга қўшни мамлакатларда, шунингдек Россиянинг кўпчилик минтақаларида эса айнан бунга тубдан тескари бўлган ҳолатлар устуворлик қилиб турибди.

ТҮРТИНЧИ БОБ

ЎТИШ ДАВРИ ДАВЛАТИ: ХОМХАЁЛЛАР ВА ВОҚЕЛИК

Президент И. Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзланган маъруzasида Ўзбекистонда миллий давлат қурилиши бўйича кўп ийллик ўта шиддатли ва ниҳоятда мاشаққатли ишларнинг якуни, ўй-фикрлар ва аргументлар, далиллар ва холосалар баён этилган. Маъруза Олий Мажлисга, ўз халқига ҳам, ўз-ўзидан равшанки, хорижий мамлакатларга ҳам қаратилган. Президент учун унга чет элларда қулоқ тутишлари ва тушунишлари жуда мухим. Бу, маълум маънода, "берилган мавзуда чин кўнгилдан икрор" деганларига ўхшаб кетади. Айнан демократия мавзусида. Шу боисдан — "Демократия — бош йўлимиз", "Иқтисодий муносабатларни демократиялаш — бозор ислоҳотларининг мухим шарти" — маърузанинг асосий боблари шундай номланади. Чет эллик тингловчилар ва ўкувчиларга қаратилган бу сюжет Президентнинг сўнгги пайтлардаги маъруза ва нутқларида янада кучли, янада дадил жаранглай бошлади. Бунинг учун кўпроқ реал асослар вужудга келди. Умуман олганда-ку, фарблик ҳамкорларга нисбатан олганда кичик ҳамкорнинг ишлари олдинига юришмаслиги ҳам аён. Бу ҳолатни ўёқларда "underdog" деб атайдилар. Уларнинг ўзлари-да бундай ахволга тушиб қолмасликка тиришадилар. Фарб билан муносабатларда факат тенглик муносабатигина соғлом бўлиши мумкин. Ўшанда бирор нарсани исботлаб беришга ҳам ҳожат қолмайди. Аммо, шунчаки айтдик-қўйдик-да!

Демократия эраси: утопиянинг янги ривояти

Музаффар инқилоблар энг хушёр бошларни ҳам мафтунлик ва маҳлиёлик ҳолатига, ҳозир русум бўлганидек айтадиган бўлсак, номуносиб кўтаринки кайфият (эйфория) ҳолатига солмаслиги мумкин эмас. Камдан-кам ҳоллардагина энг pragmatik йўлбошчиларгина айнан шундай тарихий лаҳзаларда ўз мамлакатларининг келажакдаги тараққиётининг хомхаёллари ва хаёлий (утопик) нақлларидан ўзларини тия олганлар. Улардан энг кўп тарқалгани: "тоталитар давлат-социализм заруратлари шоҳлигидан" "либерал-демократик эркинликлар шоҳлигига" жадал, бир лаҳзадаёқ сакраш имконияти саналади.

Деярли барча посткоммунистик давлатларда, каминанинг тасаввурicha, конституциялар ишлами ва қабул қилинишида хаёлий ёндашувга кўл қўйилди. Бу, ўз навбатида, сиёсий ҳаётда анча-мунча жиддий муаммоларни юзага келтирмасдан қолмасди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-хуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли

ТҮРТИНЧИ БОБ

ЎТИШ ДАВРИ ДАВЛАТИ: ХОМХАЁЛЛАР ВА ВОҚЕЛИК

Президент И. Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзланган маъруzasида Ўзбекистонда миллий давлат қурилиши бўйича қўп ийллик ўта шиддатли ва нихоятда машаққатли ишларнинг якуни, ўй-фирклар ва аргументлар, далиллар ва хulosалар баён этилган. Маъруза Олий Мажлисга, ўз халқига ҳам, ўз-ўзидан равшанки, хорижий мамлакатларга ҳам қаратилган. Президент учун унга чет элларда қулоқ тутишлари ва тушунишлари жуда муҳим. Бу, маълум маънода, "берилган мавзуда чин кўнгилдан иқрор" деганларига ўхшаб кетади. Айнан демократия мавзусида. Шу боисдан — "Демократия — бош йўлимиз", "Иқтисадий муносабатларни демократиялаш — бозор ислоҳотларининг муҳим шарти" — маърузанинг асосий боблари шундай номланади. Чет эллик тингловчилар ва ўкувчиларга қаратилган бу сюжет Президентнинг сўнгги пайтлардаги маъруза ва нутқарида янада кучли, янада дадил жаранглай бошлади. Бунинг учун кўпроқ реал асослар вужудга келди. Умуман олганда-ку, фарблик ҳамкорларга нисбатан олганда кичик ҳамкорнинг ишлари олдинига юришмаслиги ҳам аён. Бу ҳолатни ўёқларда "underdog" деб атайдилар. Уларнинг ўзлари-да бундай ахволга тушиб қолмасликка тиришадилар. Фарб билан муносабатларда факат тенглик муносабатигина соглом бўлиши мумкин. Ўшанда бирор нарсани исботлаб беришга ҳам ҳожат қолмайди. Аммо, шунчаки айтдик-кўйдик-да!

Демократия эраси: утопиянинг янги ривояти

Музаффар инқилоблар энг хушёр бошларни ҳам мафтунлик ва маҳлиёлик ҳолатига, ҳозир русум бўлганидек айтадиган бўлсак, номуносиб кўтаринки кайфият (эйфория) ҳолатига солмаслиги мумкин эмас. Камдан-кам ҳоллардагина энг прагматик йўлбошлиларгина айнан шундай тарихий лаҳзаларда ўз мамлакатларининг келажакдаги тараққиётининг хомхаёллари ва хаёлий (утопик) наклларидан ўзларини тия олганлар. Улардан энг кўп тарқалгани: "тоталитар давлат-социализм заруратлари шоҳлигидан" "либерал-демократик эркинликлар шоҳлигига" жадал, бир лаҳзадаёқ сакраш имконияти саналади.

Деярли барча посткоммунистик давлатларда, каминанинг тасаввурicha, конституциялар ишлами ва қабул қилинишида хаёлий ёндашувга қўл қўйилди. Бу, ўз навбатида, сиёсий ҳаётда анча-мунча жиддий муаммоларни юзага келтирмасдан қолмасди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-хуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли

барча нарса мавжуд. Шахсинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулқдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва кўплаб бошқа демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узоқ йиллар давомида тоталитар-мустабид тартиботнинг хомхаёл-демократик никоби бўлиб келган турли кўришишдаги "шўрочиликлар" барҳам топтирилган.

Аммо конституционализм постулатлари орасида битта энг муҳими мавжуд. У ёки бу конституциянинг воқелиги тўғрисида сўз юритилади. Гарчанд, Ўзбекистон Конституцияси ҳозирги замоннинг "конституциявий майдони"да ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган бўлса-да, гарчанд моддалари, хусусан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидагилари энг юксак ҳуқуқий ва маънавий тамаллар мазмуни билан тўлдирилган бўлса-да, айрим мезонлар силсиласи нуқтаи назаридан уни "жонли" деб аташ мумкин эмас.

У тараққий этган бозор иқтисодиётига, азалий демократик анъаналарига, бақувват фуқаролик жамиятияга эга давлатларнинг "салобати"-га мос келадиган ўлчамлар билан "бичилган" ва "тиклиганд". Ўзбекистондаги ўтиш даври давлати унинг реал воқелигига ушбу конституция билан ҳавола этилган фаразий моделга учналик ҳам аниқ "ёпишмайди". Бошқача бу давлатнинг инсоний матоси ўзгача: иқтисодий, ташкилий, ижтимоий-маданий инфраструктураси.

Эҳтимол, Жанубий Африка Республикасидаги сингари ўтиш даврининг конституциявий актини қабул қилиш керак эди. Эҳтимол, Ўзбекистон Конституциясида ўтиш даври давлати тўғрисида ёзиб қўйиш тўғри бўлур эди. Маъқул бўлганини ҳақиқийсига қарамана-қарши қўймаслик учун "расмий планка"ни бир қарич ҳам пасайтирмаслик керак. Ўтиш даврининг барқарорлиги (динамизми) бугун-эрта Ўзбекистон Конституциясига жиддий ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш заруриятига олиб келмаслиги мумкин эмаслигини ҳам инобатга олмасдан бўлмайди. Масалан, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш бобида.

Д. Карлайлнинг асарида "Каримов Конституцияси" деб аталадиган боб бор. Унда, шу жумладан қуйидагилар ёзилган: "1992 йил Конституцияси шунчаки Каримовнинг кучли Президентлик ҳокимиятини устун қўйишини қонунлаштирмади ва унинг бошқарув моделини акс эттирмади. Чет эл жамоатчилиги Конституция яратувчиларининг фикри-зикрини бир зум бўлса-да тарк этмаган. Ўзбекистон Президенти вакиллик демократиясининг ўзбекона моделини тарқатиш йўли билан Кўшма Штатлар ва БМТ кўз олдида ўз қонуний ҳокимиятини кучайтиришга муҳтоҷ эди" (172—173 с.).

Д. Карлайл қаламга олган мақсад, табиийки, мавжуд. Лекин мен Президент Каримовда ва унинг сафдошларида бир қатор конституциявий қоидаларнинг реаллиги ва ҳаётийлигига нисбатан иштибоҳ пайдо бўлмаганлигини ҳам тасдиқлай оламан. Камина буни Кирғизистонда

Конституция тайёрлаш ва қабул қилиш тажрибалари юзасидан биламан. Эндиликда эса унга, худди қозоқларнинг Конституциясига бўлгани сингари яқин вақтларда ҳужжатни хаёлийдан реалистик ҳолатга қайтарадиган жиҳдий ўзгартишлар киритилади.

Оддий бўлиб туюлса-да, демократия билан боғлиқ, умуман барчасини осон тутиб бўлмайди. Унинг жиловсиз кўкларга кўтарилиши зўрлик билан жудо қилишдан ҳам заарарлироқ бўлиши мумкин. У ўз ожиз жиҳатларига эга ва шунчаки анархияга ёхуд охлократияга, яъни оломон ҳокимиятига айланни кетишга қодирдир. Бир файласуфнинг таъбири билан айтганда: "Исо Масих ҳам кўпчиликнинг қарорига кўра чормихга тортилган эди". Сўкрутни, бунга ҳеч бир асоссиз, тўғри келган жойда эмас, демократик Афинада ва овозларнинг кўпчилиги билан ўлим жазосига маҳкум этган эдилар. Ижтимоий ақлни уйқу элитган пайтда демократик органлар ҳам қўрқинчли рўдаполарни дунёга келтиришга қодир бўлади.

Америка демократиясининг етук тадқиқотчи Алексис де Токвиль ўтган асрнинг 30-йилларида ёзилган "Америкадаги демократия ҳақида" китобида демократия улғайишидан олган таассуротларини қуидагича ифодалайди: "Бутун китоб маълум маънода ўзи вужудга келтирган вайронагарчилик орасидан қад ростлаб келадиган барча тусиклардан ошиб бораётган бу жиловсиз инқилобнинг муаллиф кўнглига солган маълум маънода ғайришуурый кўркуви таъсирида ёзилди".

Токвилни-ку қўятурайлик. Дарвоқе, бизнинг ўзимиз, шундоқ бир неча йил олдин миллатчи-экстремистлар ва руҳоний-ақидапарастлар демократия шиорлари остида бошқа одамларнинг кўнглига даҳшат ва кўркув солганча оломонни милицияни, партия қўмиталарини, маҳаллий ҳокимият органларини вайрон қилишга бошлаб борганиларининг гувоҳи бўлган эдик-ку?!

Тарих томонидан демократия улкан ижтимоий тажрибасиз, ички тарбиясиз, тегишли маънавий ва ахлоқий асосларсиз бўлиши мумкин эмаслиги такрор-такрор исботланган.

Демократия инсониятнинг озодликка ва ўзини-ўзи бошқаришга интилишларини ҳамиша ифодалаб келган ва ифодалайди. Табиийки, озодлик шакллари ва даражалари, ўзини-ўзи бошқариш шакллари ва даражалари тушунчаси турли замонларда ва турли халқларда турлича бўлган. Муайян фурсатда бир халқ учун мақбул кўрингани бошқа замонда ўзга бир халқ учун номақбул бўлиши мумкин.

Юқорида иқтибос олганимиз бутун дунё танийдиган сиёсатшунос С. Хантингтон фикрича, демократия тарихи ўзида олдинига секин-аста ва доимий бўлмаган ҳаракатни, аммо муайян давлат бошлиқларининг иродасидан қатъи назар ёпирилиб келувчи, орқага тисланувчи ва қайта кўкка сапчувчи бир-бирининг ўрнини эгаллайдиган тўлқинларни мужасасам этишга ишончи комил. Ба бу тўлқинлар миқёсида ҳар бир мамлакатнинг куни туфиши мумкин.

Аср бошида айтилган, бинобарин рус тарихи тегирмони ҳали рус демократиясининг ширмой кулчасини пишириш мумкин бўлган буғдойни янчмаганини тавсифловчи сўзлар хотирга келади. Ачинарли, аммо аср адогида ҳам бу тавсифни тағин тұла асос билан Россияга нисбатан кўллаш мумкин. Жумладан, Ўзбекистонга нисбатан ҳам. Бундай ун ҳам, ӯшандай ширмой кулча ҳам Ўзбекистонда бошқача сифатда, бошқача тарифда бўлмоғини, гарчанд ҳеч бир шак-шубҳам бўлмаса-да, мавридида айтиб ўтдим. Мен буни юқорида цивилизацияйи намуналар концепцияси заминида асослашга уриниб кўрдим.

Эндиликда инсониятнинг умумий цивилизацияйи тараққиётидан тушиб қолган жамиятларни қайта тиклаш узоқ ва мушкул жараён эканлиги ҳақида кўп қайта сўз юритилди. Турли мамлакатлар бу жараён тасарруфида ҳар хил тезлик билан ҳаракатланади, деб қўшимча қилмоқчи эдим. Ўзбекистоннинг омади шундаки, у бошида энг ёмонидан (фуқаролар уруши алғов-далғовидан) ўзини четлаб олди, сўнгра эса "ювош-ювош ошиқсанча" зарур тарихий тезликка эришди, ва амалда, собиқ совет давлатлари ҳамжамиятидаги яқол карvonбошларидан бирига айланди. Шу жумладан, либерал-демократия сари жуда олис йўлда ҳам.

Шундай бўлса-да, барибир қўйидаги саволлар қайта ва қайта туғилаверади. Нима учун шундай бўлди? Собиқ шўро салтанатининг коммунизмдан йироқлашаётган мамлакатлари хусусий мулк ва бу мулк билан боғлиқ турмуш тарзини белгиловчи барча нарсалар йўқлигига нима учун кўчли авторитаризмга эмас, аксинча заиф, бағоят ўзига хос демократияга шай бўлиб чиқдилар?

Чамаси, буни М. Горбачевнинг жамиятнинг тузилмавий умуртқаси бўлган партияни социал-демократиялашга уринишлари билан боғлаётганлар маълум маънода ҳақдирлар. Бироқ, КПСС аппарати анчадан бери ўзининг мафиозча, аникроғи, партмафиозча қоидалари буйича ишлаётган эди. У бундай қоидалар ва улар томонидан кўзда тутилган имтиёзлардан ажраб қолишини, табиийки, истамас эди. Ӯшанда Горбачев А. Яковлевнинг маслаҳатига кўра ошкоралиқдан фойдаланишга уриниб кўрди. Худди Мао Цзедун хунвейбинглар ва цеофанглардан фойдалангани сингари. У ҳам, худди Мао каби, партияни лиқиллатиб қўйиш ва уни янгиланишга мажбурашни хоҳлар эди. Бироқ, Горбачевда эркинликка чиқкан публицистлар ва минг-минглаб бошка журналистлар ва газетачилардан интеллектда устунлик йўқ эди. Унда Мао сингари улкан обрў-эътибор ҳам йўқ эди. Тузум эса, боя айтганимиздек, емирила бошлаган эди.

Ташкилий парчаланишга йўл очган ғоявий алғов-далғов бошланди. Тоталитаризмдан демократияга ўтишнинг объектив қонуний босқичи сифатида мутлақо зарурдек туюлган авторитар ҳокимиятнинг жамоатчилик мушоҳадасида ва ижтимоий онгда деярли барча оммавий ахборот воситалари томонидан тонг қоларли дадиллик билан обрўси тўкилди ва ҳақорат этилди.

Посткоммунистик демократиянинг қўрқинчли манзаралари (иқтисодиётнинг парчаланishi, жиноятчилик ўсиши, эркин матбуотдаги бошбошдоқлик, ёлғончи парламентаризм) коммунистик тузум билан курашганларнинг кўпчилигини, нафакат собиқ Иттифоқда, колаверса Шарқий Европада ҳам ларзага солди. Ўтмишдаги энг фаол ва энг нуфузли қувғунди-демократлардан бири, Чехиянинг ҳозирги Президенти Вацлав Гавел, ЕХХТнинг 1992 йилдаги Хельсинки саммитида анъанавий жумлани рад этди: "Европа бўйлаб посткоммунизм шарпаси кезиб юрибди. У, коммунизм шарпасидан кўра янада кўпроқ қўрқинчлидир".

Россияда ва МДҲнинг бошқа мамлакатларида 1992 йилдан эътиборан ўтказиб келинган жамоатчилик фикрини сўраб-билишлар тартиб ва осойишталиктни таъминлашга лаёқатсиз посткоммунистик демократиядан ҳафсала пир бўлишининг тўхтовсиз кучаяётганидан, "қаттиқўл" фояси, авторитар ҳокимият фояси эса борган сайин оммавийлашаётганидан гувоҳлик беради.

Россия "Жамоатчилик фикри" фонди томонидан 1993 йил охирларида ўтказилган сўраб-билишларнинг биридаёқ сўровга жалб этилгарларга ўтмиш ва ҳозирги замон сиёсий арబобларининг катта микдоридан уларнинг идеалига энг яқинларини танлаб олиш таклиф этилганди. Бир фоиз овоз олган Пиночет ўзидан ортда фақат Ҳусайнни қолдирганича охиргисидан битта юқори ўрин эгаллаган. Биринчи икки ўринни эса, бошқалардан катта фарқقا эга бўлган ҳолда, Андропов ва Тэтчер эгаллади.

Чамаси, бундай маълумотлар тасодифий эмас. Улар бошқа сўраб-билишлар билан тасдиқланади. Собиқ шўро давлатлари кучли йўлбошчига муҳтож ва уни кутмоқдалар. Лекин улар ҳали аниқ билишмайди: у қандай бўлиши лозим. Қаттиқўллик билан инглиз капитализмини яхшилаган "темиртан хоним"нинг демократик авторитаризми ва сўнгги коммунистик бош котиблардан бирининг бутунлай нодемократик бўлмаган, аммо носталинча маъмурний йўллар билан брежневча "етук социализм"ни яхшилашга уринишлардаги мустабидона авторитаризми ўтрасидаги иккиланишлар ҳам шундан.

Бироқ, ишлар айнан шундай бўлса, бу демак, бутун собиқ шўролар маконида жамоатчилик маҳталлиги борган сайин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов юритаётган кучли давлат ҳокимияти ва миллый фоя ёрдамида бозор иқтисодиётини олддемократия, келажакда эса демократиянинг ҳам асоси сифатида асослаётган сиёсий курс томон юзланади.

"Утопия эса, у хорижий коммунистлар ёхуд аксилкоммунистлар томонидан куч билан таъминланадими-йўқми, у Москвадан ёхуд Вашингтондан келадими-йўқми, булардан қатъи назар Ўрта Осиёнинг барча давлатлари, уларнинг халқлари учун бирдек зиён-захматлидир" (Д. Карлайл, 8-с.).

Демократия олди авторитаризмими ёхуд феодал олигархиями?

И. Каримовнинг муҳолифлари Ўзбекистон муқобилият қаршисида тургани хусусида: демократик сиёсий режим ёхуд тоталитар тузум хусусида сўз юритадилар. Бу яқол кўриниб турган янглиш. Бундай муқобилиятнинг ўзи йўқ ва яқин келажакда ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистонда, чиндан ҳам, танлаб олиш зарурияти бор, лекин у бошқа кўринишда. Ё демократия унсурларига эга (умидвормизки, борган сайин ўсиб борадиган) авторитар режим ёхуд олигархия давлатчилиги. Биринчи ҳолда — бу давлат томонидан (муайян миқёсларда) назорат қилинадиган ижтимоий бозор иқтисодиёти. Иккинчисида — минтақавий маъмуриятлар билан чатишиб кетган тижорат тузилмаларининг (катта миқёсда хуфяки) умум ҳукмронлиги.

Бу хулоса, юқорида келтирилган умумий тавсифловчи аргументлардан ташқари, қўшимча мулоҳазалар билан ҳам тасдиқланади.

Чамамда, коммунистик тоталитар режим қадимги жамиятларнинг XX аср матосидаги тавсифланувчи жиҳатлари конструкцияси эди, деб ҳисоблайдиганларга жиддий эътиroz йўқ (мафкурачи-даҳо бошида турган анъанавий давлат-партия ёхуд экиш технологиясини ўзgartиргани учун жазо берилиши сингари, диний қувғунга учраш, "аксилпартиявий фаолият" сингари феноменларгача намоён этадиган собиқ тузум). Американинг Москвадаги элчиси А. Гарриман Россияда келажакнинг эмас, балки башариятнинг узоқ ўтмишидаги жамият қурилганига ва бунда унинг муқаррар ниҳояти мужассамлигига дикқатни қаратган эди.

Жамиятшунос В. Вильчек, умумбашар тарихида тоталитар жамият тузилмалари ўрнини феодалсимонлари ўзларининг руҳоний ва дунёвий ҳокимиятнинг нисбий тақсимланиши билан, номарказлашма бошқарув билан, ишлаб чиқарувчиларнинг муайян эркинликлари ва одатдаги рэкетирлик функциясини бажарувчи олигархия давлатчилиги билан эгаллаганлар, деб ёзади. Мафиозлик (ўзининг энг охирги ифодасида — мафкуралаштирилган ва давлат томондан уюштирилган мафиозлик) сингари замонавий феноменлар — бу феодал жамиятнинг саноат даври контекстида қайта тикланишидир.

Аҳолисининг кўпчилиги қонунларни ижро этмайдиган, мансабдор бюрократия эса ҳатто уларга содиклик ишонтиришлари билан ўзини уринтириб ҳам ўтирайдиган мамлакатда, давлатнинг куролли тузилмалари жиноятчилик билан курашда ожиз мамлакат ҳаддан ташқари ижтимоий ўзаришлар ва бекарорлик ҳолатида бўлади.

Ўтиш даврининг "инқирозий жиноятчилиги" — бу шунчаки жиноятчиликнинг оғир ва уюшган шаклларининг ўсиши эмас, бу ҳокимиятнинг у билан курашдаги батамом ожизлигидир. Бундай шароитларда зўравонлик ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг, ижтимоий можароларни муросага солишнинг, гурух ва якка тартибдаги манфаатларни сақлаб қолишнинг борган сайин янада кенг тарқаладиган воситасига айланади.

Агар давлат ҳокимиияти барқарорликка бас келмаса ва вазиятни назорат қила олмаса, асосий белгилари — ҳокимиият органлариға ишончсизлик, бу органларнинг ўз нуфузини батамом йўқотиши, жиноятчилик, зўравонликнинг авж олиши ва алалоқибат бутун ижтимоий тизимнинг ҳокимиият таъсиридан чиқиб қолиши бўлган ижтимоий бўхрон вужудга келади.

Иқтисодиётнинг кўп ҳолларда хуфяки иқтисодиёт назорати остида ва ижтимоий дастурлардан ажратилган ҳолда унинг қоидалари бўйича амалга оширилаётган давлат томонидан бошқарилмайдиган ёхуд ўта заиф бошқариладиган бозор йўналишида қайта қурилиши — бу тоталитар фалокатнинг айнан ўзидир. Башарти, давлат эмас, балки аксилдавлат асосда. Бироқ, унинг моҳияти, табиати — ўша-ўша: қора кучларнинг жамият устидан, одамлар, уларнинг қалби ва виждони устидан диктатураси.

Ва аксинча, Испания, Жанубий Корея, Туркия ва Чили сингари турли цивилизациавий намуналарга мансуб, қатъий режим, авторитар ҳокимиият билан ажралиб турадиган мамлакатларда иқтисодиётдаги ислоҳотлар энг кам ижтимоий талафотлар билан ўтказилган, бозор хўжалиги ишлай бошлаган эди. Демократик иқтисодий асослар — хусусий мулк ва бозор — заминида бу мамлакатлар сиёсий ҳаётдаги демократияга, демократик давлатга ўтдилар.

Шундай қилиб, ҳақиқат сифатида, ўтиш даврида бўлган жамиятда туб ислоҳотлар кучли ҳокимииятсиз, яъни қатъий қарорлар ишлаб чиқишга ва қанақа қўринишида бўлмасин исталган тўсикларни енгиб ўтган ҳолда оғишмайдиган изчилликда уларни ҳаётга татбиқ этишга қодир ҳокимииятсиз, такрор айтаман, туб ислоҳотларни бундай ҳокимииятсиз амалга ошириш мумкин эмаслигини, ҳатто, демоқчиманки, муқаддас ҳақиқат тимсолида қабул қиласиз. Бундай ҳокимииятга нисбатан "авторитар" тушунчасини қўллаганда, бу нарса демократиянинг энг серғайрат издошларини таажжубга солмаслиги лозим: ҳар қандай ҳокимиият, агар у чинакамига бу дунёда ўз вазифасини реал амалга оширишга қодир "ҳокимиият" бўлса, барибир ўз ичига "авторитарлик"ни, яъни қатъийлилик, бир томонлама мажбурийлик хусусиятларини ўз бағрига олади.

Ўрта Осиё воқелиги ўзининг ўзига хос мисолларида демократияолди авторитаризми ва феодал олигархияси ўртасидаги танлаб олиш тўғрисидаги хulosани тасдиқлайди.

Анъанавий ижтимоий тузилмалар, сиёсий ҳаётдаги сулолавий, оила-қариндошлиқ ва юртдошлиқ алоқалари сиёсий саҳнадан тушмади, балки қайта кучайди. Фарблиқ кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, "тожик синдроми" деб аталган нарса, нафақат диний экстремизмнинг намоён бўлиши, қолаверса "субмиллий тузилмаларнинг қонли рақобатдорлиги" ҳамдир.

Шу боисдан Ўзбекистонда кучли яратилаётган давлат ҳокимияти маҳаллий манфаатларни тенглаштириш, республика айrim минтақаларидағи сепаратизм ва маҳдудликни заифлаштириш, маҳаллий ва умуммиллий әхтиёжларни үйғунлаштириш учун ҳам зарурдир.

"Осиёча жамият — деб ёзади Ўрта Осиё минтақасининг сиёсий ва ижтимоий муаммоларига ихтисосланган таникли публицист Санобар Шерматова,— яқол ифодаланган минтақавий-сулолавий тузилмага эга. Осиёча хусусиятни билмаслик сиёсий вазиятни нотүғри баҳолашга олиб келади. Дейлик, европалик кузатувчилар республикага собиқ коммунист йўлбошчиларининг сайланишини жамиятнинг "сўллашуви" ва ислоҳотларга таҳдид белгиси сифатида баҳолаган бўлур эдилар. Исталган қирғиз учун эса — бу, коммунист йўлбошчи юртдошлари ва кариндошлари кучининг исботидир. Уларнинг ислоҳотларга қаршилик кўрсатиш-кўрсатмаслиги бир-бирига қарши курашаётган томонларнинг тил топишишига боғлиқ бўлади. ("Московские новости", 1995, 22-сон).

Немис олими Паул Георг Гайс Ўрта Осиёда миллатларнинг шаклланиши муаммоларига бағишлиланган жуда мазмундор китоб ёзди. У ҳам, принцип жиҳатдан, бу минтақа янги мустақил давлатларининг феодал олигархияга, сулолавий ва минтақавий элементларнинг умумхукмронлигига томон ҳаракати хавф-хатари тўғрисидаги фикр тарафдоридир. Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-руҳий ва ижтимоий-тузилмавий ўзига хосликларини тавсифловчи тарихий далиллар асосида Гайс, бу мамлакатларда Farb тушунчасидаги демократия яқин келажакда ўрнатилиши мумкин эмаслиги, авторитар ҳокимият бу ерда бугун ва эрта — энг тараккийпарвар сиёсий тузум эканлиги хусусида холоса чиқаради (Paul Georg Ceiss, Nationenwerdung in Mittelasien, Peter Lang, 1994, S.191—193).

Энди, фикримча, Д. Карлайлга сўз бериш гали келди. Куйида унинг янги Ўзбекистондаги сиёсий тузумга оид китобидан бир парча.

"Farb тарихи тажрибаларидан улар орқали Каримов давридаги Ўзбекистонни кўриб чиқадиган призма сифатида фойдаланиш жиддий хатодир. Албатта, Farb амалиётини мутлақо назарга илмаслик тўғри бўлмайди. Бироқ, надоматлар бўлғайким, гарблик сиёсий ва илмий доиралар инобатга олмаётган ҳақиқат шундаки, бизнинг тавсияларимиз ва хulosаларимизнинг ўринлилиги Ўрта Осиё тарихини айни босқичида нооқилона ва, ҳар ҳолда, бемаҳалдир. Ўрта Осиёда демократиянинг Farb моделини, унинг зарурлиги ҳақидаги тегишли андозавий мулоҳазаларни қўллаш хавфли, мабодо фалокатли бўлмаса ҳам, на демократияга, на-да ривожланишга олиб келмайдиган бўлиб чиқиши мумкин.

Яқин истиқболда қўллаб-кувватлаш мумкин бўлган маҳаллий демократларни излаб топишдек савдойи формиз, шунингдек бизнинг сайлов амалиётимиз ва кўп partiyaли демократик тизимизни тиқишиши ривожланишга эмас, жадаллашган дезинтеграцияга, хуқуқий давлатга эмас, аксинча алғов-далғовга олиб келиши мумкин.

Муқаррар, эҳтимол, ва биз учун аччик бўлган ҳақиқат шундаки, ҳозирги вақтда Ўрта Осиёда авторитар тартибни алмаштирадиган ҳеч вақо йўқ, авторитар бошқарувга муқобил йўқдир. Қозоғистонда ва, шуниси янада ҳайратланарлики, демократик маҳталлик юқори даражада бўлган Қирғизистондаги бу йўналишдаги охирги тенденциялар бу ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди. Москва, Алмати ва Бишкекдаги авторитаризмга интилиш Ўзбекистон Президенти Каримовнинг биз томонимиздан қаттиқ қоралангандар авторитар ёндашуви адашиш эмас, балки келаҗадан огоҳлантириш экан деган фикрга бор эътиборимизни қаратишга ундейди. Ҳозир бу ёндашув минтақанинг бошқа давлатларида амалга оширилмоқда.

Каримовнинг танлаши, унинг АҚШдаги айrim танқидчилари таъкидлаётганидек, шахсий инжиқлиги, унинг шахси хусусиятларига асосланган эмас эди. У, ҳатто фақат жамоат тартибини издан чиқариш ва анархия билан таҳдид солаётган муаммоларга муҳофаза реакциясигина (акс таъсиригина) эмас эди. Бу комплекс шартларга жавоб эди. Бу миллий маданият заминида илдизларга эга бўлган, замонлар тажрибасига асосланган систематик (мунтазам) типнинг жавоби эди.

Муҳими кимдир авторитаризм ўрнатишни хоҳлаётгани ёхуд хоҳлаётгани ҳам эмас. Бу ўтилган босқич. Қуйидаги саволлар Ўрта Осиёда реал ва кескин масалалар саналади: ҳокимият кимнинг қўлида бўлади? Қандай маҳаллий кучлар устун келади? Маҳаллий минтақапарастликми ёхуд марказий ҳокимият устун бўлади? Улар уйғунликда бўла оладиларми? Ва яна бир савол: ўтиш жараёни қаёққа йўналтирилади? Тузум қайси мақсадларни амалга оширади?

Тоталитаризм ва либерал демократия ўртасида

Мазкур бобнинг дастлабки икки қисмида келтирилган мулоҳозалар ва хulosалар бугунги Ўзбекистоннинг давлатчилик ҳаётидаги жараёнлар ва ҳодисаларнинг объективлиги тўғрисидаги фикри тасдиқлайди. Сўз давлат социализмининг айrim хусусиятларини катта ёхуд кичик миқёсларда сақлаб қолаётган ва борган сайн либерал-демократик хусусиятларига эга бўлаётган сиёсий тузум ҳақида бораётир.

Қуйида профессор Валери Банс томонидан (АҚШдаги Корнель университетидан) профессор Мария Ксанадининг ёрдамида тузилган, менинг маълумотларимни ҳам инобатга олган тегишли схема келтирилмоқда.

Қонунда ёзиб қўйилган, бироқ амалиётда амалга ошмайдиган кенг фуқаролик хукуклари

а) айбдорлик презумпцияси

б) давлатга қарши жиноятларнинг кенгайиб борувчи талқини

в) суд ҳокимиятининг фуқароларнинг хукукларини тиклашдаги чекланган имкониятлари

г) фуқаролик: овоз бериш, ўз мушоҳадаларини билдириш, мамлакатдан чиқиб кетиш, ташкилотлар ва гурӯхларга бирлашиш хукукларининг чекланиши

Ўзбекистондаги ўтиш даври

Қонунчиликда кенг фуқаролик хукуклари кўзда тутилган, аммо амалиётда барча хукуклардан фойдаланилмайди ва улар барча фуқаролар томонидан амалга оширилмайди

а) айбизлик презумпцияси принципи, бироқ амалиётда барча ҳолларда ҳам у амалга ошавермайди

б) давлатга қарши жиноятларнинг чекланган талқини

в) суд ҳокимиятининг фуқароларнинг хукукларини тиклашдаги чекланган имкониятлари

г) шахсий: овоз бериш, мамлакатдан чиқиб кетиш, ташкилотлар ва гурӯхларга бирлашиш хукуклари амалда

Либерал демократия

Қонунчиликда күзда тутилған ва амалиётда амалга ошириладиган кенг фуқаролик ҳуқуқлари

- а) айбсизлик презумпцияси
- б) давлатга қарши жиноятлар-нинг чекланган талқини
- в) аввало ва асосан суд томонидан ҳуқуқларда тикланишнинг аниқ амаллари ва кенг имкониятлари
- г) шахсий: овоз бериш, матбуотда чиқиш, мамлакатдан чиқиб кетиш, ташкилотларга ва гурұхларга бирлашиш ҳуқуқлари

Ф

- д) мунтазам, лекин әркін бұлмаган сайловлар

- д) мунтазам ва асосан әркін сайловлар

Дағлат лавозими учун қоида тусини олмаган мусобақа

- а) муқобилсиз сайловлар

- б) сайлаб қўйилганлик арзимас лавозимларга нисбатан қўлланади

Давлат лавозими учун ҳам қоида тусини олган, ҳам қоида тусини олмаган мусобақа

- а) айрим аҳамиятли сиёсий лавозимларга сайлаб қўйилганлик

- б) сайловлар, қоида тариқасида, муқобиллик асосида ва айрим ҳолларда сиёсий партияларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда

Вакилларсиз ҳокимият

- а) коммунистик партия функционерлари олдида сиёсий жавобгарлик

- б) вакиллик органлари мавжуд, аммо мансабдор шахсларни тайинлашда, бюджетни, давлат сиёсатини белгилашда арзимас ҳокимиятга эга.

99

Маълум чекловларга эга вакиллик ҳокимияти

- а) сайловчилар олдидағи сиёсий жавобгарлик ахён-аҳёнда амалга оширилади

- б) вакиллик органлари мансабдор шахсларни тайинлашда, бюджетни ва маълум маънода давлат сиёсатини ҳам белгилашда етарли даражада ҳокимиятга эга

д) мунтазам әркин сайловлар

Давлат лавозими учун қоида тусини олган мусобақа

- а) күп партиявийлик тизими ва муқобиллик асосида сайловлар
- б) сайловлар ўта мұхим сиёсий лавозимларга нисбатан күлланади

Вакиллик ҳокимияти

- а) сайловчилар олдида сиёсий жағобгарлық
- б) вакиллик органлари асосий қарорларни (тайинлаш, бюджетни шакллантириш, давлат сиёсатини белгилаш) қабул қиласы

в) ўта муҳим сиёсий органлар томонидан қарор қабул қилинишининг пинҳоний жараёни

в) муҳокамалар (овоз беришлар)нинг ошкоралиги давлатнинг энг муҳим масалаларида шахс томонидан қарор қабул қилинишини истиносига этилайди

Кадрлар бошқаради

Бюрократия партия функционерлари томонидан назорат қилинади

а) қоидалар ёхуд амаллар тақозо зо этадиган чеклашлар деярли йўқ

б) турли-туман муассасаларнинг бир-бирини йўққа чиқарувчи хуқуқий тасарруфи

в) қилинган ишларни баҳолашдаги мезонларнинг ноаниклиги

Кадрлар ва чекланган миёсда қонун бошқаради

Бюрократия сайланганлар томонидан заиф, тайинланадиган мансабдор шахслар томонидан эса етарлича бўлмаган даражада назорат қилинади

а) қоидалар ва амаллар тақозо этадиган чекловлар йўқ ёхуд кўп ҳолларда писанд қилинмайди

б) турли-туман муассасаларнинг хуқуқий тасарруфи таомиллашиб боради

в) қилинган ишлар мезонларининг ноаниклиги сақланиб қолади

- в) муҳокамалар ошкоралиги
(энг муҳим масалалар бўйича овоз бериш)

Қонун бошқаради

Бюрократия сайлаб қўйиладиган мансабдор шахслар томонидан назорат қилинади

- а) қоидалар ёхуд амаллар тақозо этадиган чекловлар

- б) турли-туман муассасаларнинг аниқ белгилаб қўйилган хукуқий тасарруфи

- в) қилинган ишларни баҳолашнинг аниқ мезонлари

г) партия аппарати кадрлар танлаб олинишини ва бошқа лавозимга ўтказилишини назорат қилади

д) бюрократиянинг сўзда қонунларга садоқати, амалда эса ундан четга оғиши

е) сайлаб қўйилмайдиган мансабдор шахслар олдида, алалоқибат, партия функционерлари олдидаги жавобгарлик

Иқтисодий ресурсларнинг давлат тасарруфида жамланиши

а) ишлаб чиқариш воситалари — давлат мулки

г) кадрларнинг аксарият ҳолларда норасмий алоқалар, шахсий садоқат асосида, баъзи ҳолларда — уларнинг хизматларига мувофиқ равишда танлаб олиниши ва лавозиммининг ўзгартерилиши

д) бюрократиянинг сўзда қонунларга садоқати ва амалда ундан четга оғиши сақланиб қолади

е) аслида ҳам сайлаб қўйиладиган, ҳам тайинланадиган мансабдор шахслар олдида жавобгарлик

Иқтисодий ресурсларнинг давлат тузилмалари ва маълум маънода, фуқаролик жамияти тузилмалари, шунингдек, хуфёна иқтисодиёт ўтасида бўлинниб кетиши

а) давлат мулки иқтисодий мавқеининг сезиларли пасайиши ва хусусий мулк, шу жумладан унинг “хуфёна” муқобилида (хусусан пул муомаласи соҳасида), аҳамиятининг ортиши

г) кадрларнинг уларнинг хизматларига мувофиқ равиша танлаб олиниши ва бошқа лавозимга ўтказилиши

д) бюрократиянинг қонунларга садоқати

е) аслида сайлаб қўйиладиган мансабдор шахслар олдида жавобгарлик

Иқтисодий ресурсларнинг давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти тузилмалари ўтасида бўлинниб кетиши

а) мулкдорликнинг ҳам хусусий, ҳам давлат шаклларининг ривожланиши

- б) партия-давлат аппарати таоварлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, нархларни белгилаш учун жавобгарликни зиммасига олади, меҳнат ресурслари ва маблағларни тегишлича тақсимлайди
- в) режалаштирувчи органларнинг етакчилиги
- г) дунё иқтисодиётидан четлашиб қолиш
- д) сиёсий ҳокимият харид қобилиятининг бош мезони сифатида
- е) сиёсий ҳокимият тақсимланиши ва фаровонлик тақсимоти ўртасидаги мутаносибликтининг юқори даражаси
- б) товарлар ва хизматларнинг ривожланмаган бозори шароитида ишлаб чиқариш ва тақсимот учун давлат аппарати жавобгарлигининг сақланиб қолиши
- в) истеъмолчи нуфузининг кучави ва режалаштириш органлари мавқеининг кескин заифлашуви
- г) дунё иқтисодиётидан четлашиб қолишини бартараф этиш, аммо ҳали унга интеграциялашмаган ҳолатда бўлиш
- д) даромадлар даражаси (шу жумладан, бекитиқчаси) ва сиёсий ҳокимият — фаровонликнинг бош мезонлари
- е) сиёсий ҳокимият тақсимланиши ва фаровонлик тақсимоти ўртасида сақланиб турган юқори мутаносиблик
- б) бозор — меҳнат ресурслари, капитал тақсимоти ва нарх-навони шакллантиришнинг (давлатнинг озигина ҳиссаси сақланганича) бош омили
- в) истеъмолчининг етакчилиги
- г) дунё иқтисодиётига интеграциялашув
- д) даромадлар ва фаровонлик даражаси — харид қобилиятини белгиловчи омил
- е) сиёсий ҳокимият тақсимланиши ва фаровонлик тақсимоти ўртасида мўътадил мутаносиблик

Келтирилган схемадан кўриниб турибдики, Ўзбекистондаги реал давлат ҳаёти эндиликда демократик ташкил этилган давлат ҳокимиятига хос анча-мунча унсурларга эга бўлган экан. Булар мунтазам ўтика-зиладиган ва асосан эркин сайловлар, энг олий давлат лавозимларига муқобиллик асосида амалга ошириладиган сайлаб қўйилганлик, сайланувчи мансабдор шахсларнинг сайловчилар олдида сиёсий жавобгарлиги, давлат мансаби учун мусобақанинг идоралашуви, турли идоралар хуқуқий тасарруфининг такомиллашуви, улар фаолияти аниқ амалларининг жорий этилиши, давлатга қарши жиноятларнинг чекланган талқини.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатдаги давлат ҳаётини демократиялашган сифатида тавсифлаш учун барча асослар бор. Ва бу, бор-йўғи тўрт йиллик ислоҳотларнинг шубҳасиз ютуғидир. Томир ёйган хусусий мулкчиликсиз, кучли ўрта синф, ривожланган ишлаб чиқариш манфаатлари ва уларнинг рақобатдорлиги, фуқаролик жамиятининг реал тузилмалари бўлмаганда, бошқарувчилар ва бошқариладиганлар онгига муҳофазакорлик сакланган шароитда бундан кўпроғига эришиш мумкин ҳам эмас.

Ўзбекистоннинг сиёсий тартиботидаги авторитаризмнинг энг типик жиҳатларидан қуидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- давлат бошлиғи ва ижроия ҳокимиятининг бошлиғи сифатида Президентга кенг миқёсда ҳокимият ваколатларининг берилганлиги;
- парламент кучли назорат ваколатларининг деярли йўклиги;
- давлат томонидан моддий ресурслар тақсимланишининг сакла-ниши;
- жиноятчилик билан курашнинг қатъий тус олиши;
- цензура ва матбуот эркинлегистининг чекланиши;
- сиёсий ташкилотлар фаолиятини чеклаб қўйиш эҳтимоли;
- оммавий норозилик чиқишилари ва сиёсий курашнинг ҳ.к. кескин воситаларининг ман этилганлиги.

Ўзбекистончасига авторитаризмни ижтимоий ўсиш нуқтаи назаридан қандай қабул қилиш, қандай баҳолаш керак?

Мен ўз мулоҳазамни ҳали билдириб ўтдим. Табиийки, ГФР Президенти Роман Ҳерцогдек нуфузли сиёсатдон, нозик ва ваколатли кузатувчининг бу борадаги мулоҳазалари китобхон учун катта қизиқиш уйғотиши мумкин.

Мана, у: "Турли кўринишдаги тарихий, цивилизациявий, сиёсий табиатли сабабларга кўра, Ўзбекистонда ҳокимият қонун асосида белгиланган ваколатлар асосида эмас, балки обрў-эътибор негизида амалга оширилмоқда. Бироқ, камина шу муносабат билан биз ҳали ўзбек ҳалқининг маданияти тўғрисида етарлича тасаввурларга эга эмасмиз, у кундалик ҳаётда қай йўсинда намоён бўлишини, нега бу ҳалқ маданияти билан бу қадар фахрланишини билмаймиз, демоқчиман. Буни бил-

гач, биз чамамда, ўзаро хайрихоҳлик калитини қўлга киритган бўла-
миз. Бу мамлакатни ва унинг Президентини яхшироқ тушунадиган бўла-
миз".

Ўз баҳолашини тўлдирап экан, Р. Ҳерцог тағин шундай дейди: "Ўзбе-
кистон демократия ва фикрлар хилма-хиллиги йўлини принципиал тан-
лаб олди. Бизнинг ишончимиз комилки, Ўзбекистоннинг йўли — бу тўғри
йўл. Биз ҳокимиятнинг бу йўналишдаги ҳали анча эҳтиёткорона қадам-
ларини катта хайрихоҳлик билан кузатиб турибмиз" (Focus, 17 — 1995,
Правда Востока 18.11.1995).

Обру́-эътибор ҳокимияти ва ҳокимият обру́-эътибори

Давлат қарорлари Ўзбекистонда ушбу мамлакатнинг конституция-
сига мувофиқ давлат бошлиғи сифатида Президент томонидан, ҳуку-
мат ва умуман ижроия ҳокимияти бошлиғи сифатида Президент томо-
нидан, парламент билан биргаликда Президент томонидан, парламент
томонидан, ҳукумат томонидан қабул қилинади. Деярли давлат дара-
жасидаги бирорта ҳам ҳокимиятли қарор Президентнинг розилигисиз
қабул қилинмайди.

Бундай ҳолат давлат қарорларининг мувофиқлигини, уларнинг из-
чилигини таъминлайди. Бироқ, яшириб ҳам нима қиласардик, бу нарса
давлат аппаратининг олий поғонасидаги айрим шахсларнинг ташаббу-
сини сўндиради. Хўш, нима дейиш мумкин? Бу масалага китобнинг турли
бобларида у ёки бу маънода тўхталиб ўтамиз. Бунда яна бир карра
Федерал Президент Роман Ҳерцогга мурожаат қиласиз, у эса Ўзбе-
кистонда ҳокимият аниқ чегаралаб қўйилган ваколатлар асосида эмас,
асосан обру́-эътибор негизида амалга оширилаётганини маъқуллар экан,
буни маданий анъаналар (шу жумладан, сиёсий) вазияти сифатида ҳам
тушунтиради. (Дарвое, бу ҳақда юқорида етарлича сўз юритдик, деб
ўйлайман.)

Давлат қарорлари асосан ҳокимлар етакчилик қиладиган маҳаллий
давлат маъмурияти томонидан татбиқ этилади. Ўзбекистон Конститу-
цияси охиргиларнинг ихтиёрига жуда кўп нарсани тааллукли этган: қону-
нийлик, ҳукуқий тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш,
худудларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиши масала-
лари, маҳаллий бюджетни шаклантириш ва ижро этиш, маҳаллий со-
лиқлар ва йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари фонdlарни шакл-
лантириш, маҳаллий коммунал ҳўжаликка раҳбарлик қилиш, атроф-му-
ҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа кўпгина масалалар.

Ҳокимиятлар иши тўғрисида яқиндан биламан, жойларда бўлганман
ва улар чинакамига давлатнинг умуртқа суюгидир, дея тасдиқлай ола-
ман. Улардан бири — Ургут ҳокимияти ҳакида қисқача ҳикоя қилмоқчи-
ман. Бунинг ўзига хос боиси бор, албатта: камина бу юртга Карлайл
билан бирга борганман.

Ургут — туман маркази бўлиб, Самарқанддан 40 км узоқликда жойлашган. Шаҳар, ўзбекона таърифга кўра, катта ҳам эмас, кичик ҳам эмас, аҳолиси — 40 минг атрофида. У қандай бошқарилади? Дарвоҷе, умуман олганда, худди аввалгидек. Ургутникимас, бошқасининг собиқ райком партия котиби ҳозир бу ерда ҳоким. У расман ҳеч кимни ишга тайинламайди, ҳеч кимни ишдан олмайди, аммо ҳар қандай ишга тайинлаш ёхуд лавозимдан олиш бевосита ҳоким томонидан ёйинки унинг розилиги билан ҳал этилади. У хўжалик ҳаётининг барча масалаларини ўзининг обру-эътибори асосида ҳал этади. Мен одамлардан: “Агар, сиз, ҳокимнинг фармойишини бажармасангиз нима бўлади?” деб сўраган пайтимда, сұхбатдошларимиз ҳайрон бўлишди, улар қанақасига ҳокимнинг фармойишини бажармасинлар? Улар, ҳатто бундай эҳтимол устидан бош қотирмайди ҳам. Ҳокимнинг исми шарифи Ўлмас Муҳаммад Мурод, у 53 ёшда. Ёшроқ кўринади, хипча, у бошда менга бадфеъл ва камгапдек туюлди, аммо бирданига Ургут ва ургутликлар ҳақидаги ҳангомаларни бажонидил ҳикоя қилишга киришди. У вазиятни чинакамига билади, шу шаҳар ва шу туман дарди билан яшайди, уларни тепа-туйнугигача ўрганган ва Президент Каримов сингари унинг ҳам суюги меҳнатда қотган. Кун чиққандан күёш ботгунгача меҳнат қилиш — унинг учун меъёр, ҳаёт тарзи. У бундан, чамаси, чинакамига кувонч туяди.

Ҳокимнинг сўзларига қараганда, Президент Каримов ҳокимиятга чиқкунга қадар Ургут Ўзбекистондаги энг нотинч жой бўлган экан. Бу ерда Самарқанддаги ҳокимиятга ҳам, Тошкентдаги ҳокимиятга ҳам кучли мухолифат бўлган. Бинобарин, ургутликлар ҳатто энг оғир замонларда ҳам ҳеч бир қўрқувсиз қаршилик кўрсатишган. Ҳоким бу мавзуда шундай латифани сўзлаб берди: “Рональд Рейган иш кунини ўз ёрдамчи сидан мухим бир нарсани аниқлаб олишдан бошларкан: Ургутда ишлар қалай, ўёқларда осоийшталикми ўзи? Ва Ургутда ҳаммаси осоийшта деган жавобни олгандан сўнг дермиш: “Хўш, энди, келинг, дунё сиёсати масалаларига кўча қолайлик, жаҳондаги осоийшталик хусусида қайфуриб ўтирмасак ҳам бўларкан?”

Бизнинг барча сұхбатдошларимиз бундан бир неча йил бурун Ургутда кун кечириш ниҳоятда оғир бўлганлиги тўғрисида сўзладилар. Бесўнақай колхозда унинг меҳнат ресурсларига тўлиб-тошганлиги важидан ишни тўғри ташкил этиш мумкин бўлмаган. Чорвачилик заиф ривожланган эди. Зироатчилик — мавсумий. Одамлар нима билан ўзини банд қилишни билмасди. Ургутликлар Ўзбекистон давлатининг ҳар бир раҳбарларига мурожаат этишар, улар эса ўз навбатида ургутликларнинг муаммоларини ҳал этишни уддасидан чиқиша олишмасди. Ниҳоят, Каримовга мурожаат этишди ва унинг кўрсатмаси бўйича колхоз тарқатиб юборилди. Тўрт йил аввал ерни дехқонлар ўртасида тақсимлашди ва ургутликлар сезиларли даражада яхши яшай бошладилар. Дарвоҷе, бир қишлоқни Каримов шарафига Исломобод деб атай бошладилар.

Менимча, шарафига бирор нарса унинг номи билан аталган ягона воқеадир. Ўз номига шарафлашларни рад этиб келган Каримов бу конкрет воқеада негадир эътиroz билдиrmади.

Ургут ҳокимининг таклифи бўйича биз ўз танлашимизга кўра ташриф буюрадиган бўлганимиз кўплаб хонадонларда бўлдик. Уйлар, асосан қўшқаватли, бағоят кўркам-файзли хонадонлар ва одамлар бунда анча-мунча тўқ яшашар экан. Биз кирган ҳар бир хонадонда бадавлатлик аломатлари кўзга ташланиб туради. Нафақат озиқ-овқатлар, қолаверса кийим-кечак, мебель, ва ниҳоят, одатда наинки ҳис-туйғуларнинг тўлалигидан, башарти давлатнинг бутунлигидан юз очадиган шоду хуррамлик етарли эканлигининг шоҳиди бўлдик.

1994 йил 21 январь Фармони эълон қилинганидан сўнг маҳаллий бизнесчилар тижорат ишларини юритишда улуғвор ташаббускорлик, тадбиркорлик, лаёқатлиликни намойиш эта бошладилар. Хусусий корхоналар, банклар ташкил этилмокда. Инглиз, итальян, француз фирмалари аллақачон шаҳарда ўрнашиб олиши.

Янги, шубҳасиз яхши ҳаётнинг илк аломатлари кўзга ташланади. "Бунда ҳокимнинг қандай хизматлари бор?" — деб сўрадик. Барча ҳолларда: "Унингсиз, дарвоқе, кучли ҳокимиятсиз ҳеч нима бўлмас эди. Ҳозир эса айниқса тартиб сув-ҳаводек зарур, йўқса бошимизга кимлар келмайди дейсиз".

Такрор айтаман, америкалик нуфузли ва мустақил профессор буларнинг барчасига гувоҳ.

И. Каримов хукуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни изчил ва оғишмай амалга ошироқда. Бу органлар Ўзбекистонда ҳам МДХ нинг бошқа мамлакатларида бўлгани сингари жиноятчилик авж олишига йўл қўймадилар, мен бу ҳақда боя ёзган эдим. Президентнинг топшириғига кўра ҳозир бу органлар фаолияти учун хукуқий асос яратишга хизмат қиладиган қонун лойиҳаси тайёрланаяпти. Қонунда: ким уларда ишлаш хукуқига эга бўлиши, у қандай сифатларга эга бўлиши шартлиги, мансабда ўсиш шартлари ва жавобгарлик белгилаб қўйилади. Президент бу органларга қўли ҳаром, порахўр одамларнинг, виждонсиз ва ор-номуссиз кишиларнинг кириб олишига йўл қўймаслик ташвишини чекаётир.

Сўз, ҳар нечук, бунда Ўзбекистонда ҳокимият тифга таяниб иш кўраётганлиги хусусида бормаётир. Бинобарин, қуролли кучларни ва ҳатто армияни давлатдаги барқарорликни издан чиқарувчи реал хавф-хатар юзага келадиган энг оғир шароитларда қўллаш демократик мамлакатларда ҳам норма саналади.

АҚШ охирги ўн йилликда ирқий тартибсизликларни бостириш учун шаҳарларга бир неча бор қўшин киритди, бинобарин бунда ўнлаб курбонлар бўлганлиги қайд этилди.

Буюк Британия фуқароларни террорчилардан ҳимоя қилиш мақсадида қўчаларни назорат остига олган қўшинларини Шимолий Ирландияда 25 йилдан бери сақлаб турибди. Президент Шарль де Голль 1968 йилда Германияда жойлаштирилган француз қўшинларини талабалар

тартибсизлигини бостириш учун Парижга киритган эди. Ваҳоланки, бу тараққий этган демократияга соҳиб мамлакат эди. Сиёсий органлари ривожланиши даражасига кўра Ўзбекистон кўпроқ яқин бўлган Туркия, Хиндистон, Филиппинлар сингари мамлакатлар сепаратистлар билан курашиш ва миллий бир бутунликни саклаб қолиш учун армиядан ҳар доим фойдаланиб келади.

Бу нарсалар уларга демократик саналишга, турли ҳалқаро ташкилотларга киришга ва чет эл ёрдамини олишга халақит бермайди.

Парламентаризм: илк одимлар

1989 йилнинг майи — собиқ Совет Иттифоқи ҳалқ депутатлари Съезди ишининг бошланиши хотирада жонланади. Съездлар Саройида озодлик руҳи ҳукмон эди ўшанда. Кескин, дағал танқид, барчани ва барчасини қулоқни батанг қилганча қоралаш. Бурунги коммунистик Олий Кенгаш сессияларида расмиятчилик ва даҳшатли даражада зерикиш ўрнида — кескин баҳслашув, шиддатли тортишув, мушоҳадаларни ифодалашда тўла эркинлик. Ўшанда, мана ўша демократия деганлари, Сарой эса унинг марказидек туюлган эди. Бутун мамлакат бўйлаб демократиялаштириш тўлқинлари айнан шу ердан тарқалади, деб ўйлагандик. 1990 йилда, Ўзбекистон парламенти иш бошлаганда, асосан шундай реакцияни кузатиш мумкин эди. Хўш, эндиликда парламентга нима бўлди?

Парламент — демократиянинг бош ғазнаси эканлигига оид хомхаёлар узоқ тарихга эга. Парламентаризмнинг таржими ҳоли бу, Афинада ақидапараст-писистрадларнинг бошқаруви, Римда сенатнинг дунёга келиши ва Буюк Француз инқилоби Миллий Конвентининг ғамангиз хотираси ҳамдир. Коммунистлар ҳукмонлиги давридан кейинги Россия ёхуд Кирғизистон ҳаётидан бениҳоя янги ва бутунлай теша тегмаган мисоллар ҳақида сўз юритмасдан қўя қолайн. Буларнинг барчаси вакиллик муассасалари бутунлай демократик бўлмаганига айланиб кетишга қодирлигини яққол кўрсатиб турибди. Ўзларининг асосий функциялари — қонунлар ва бюджет яратишдан чекинсалар борми, миллий ғоянинг жамоавий сиёсий монополистига айланиб қолишади. Ҳар ҳолда амалиёт парламентнинг демократия асосида идеаллаштирилиши, алоҳида шахснинг культидан ҳам хавфлироқ эканлигини кўрсатди. Парламент идеаллаштирилишига мухолиф бўлмоқ, унинг фетишлаштирилишига қарши сўзламоқ, умуман олганда, парламент шак-шубҳасиз демократик муассаса бўлиб, фақат биргина парламент конституция томонидан унга ажратилган миқёсдан четга чиқармаслик шарти билан амалга оширилиши мумкин бўлган катта потенциал имкониятларга эга эканлигини рад этмоқни англатмайди.

Парламент ёхуд президентлик республикаси, парламентнинг турли мақоми ва функциялари тўғрисидаги баҳсларга тўхталадиган бўлсак, у конкрет ижтимоий тагмазмундан ажратиб олинганда бор-йўғи бемаънилик туюлади.

Энг аввало, чамаси, нима ҳақда сўз бораётганини аниқлаб олиш керак бўлади.

Давлат ҳокимиютиниң вакиллик органларини иккита асосий турга ажратадилар: парламент ва конгресс. Номлар, умуман олганда, шартлидир, аммо ҳар бирининг замарида, бу номлардан ҳар бирининг замарида дунёдаги икки йирик демократик давлат — Буюк Британия ва АҚШнинг кўп асрлик тажрибалари мужассамлашган.

Британия тизимида ижроия ҳокимиюти — ҳукумат, премье-министр (Бош вазир) ва қонун чиқарувчи ҳокимиюти — парламент — ўзаро бирбери билан боғланган ва битта ва айнан ўша партия томонидан назорат қилинади. Парламент, амалда, дискуссиялар давомида тури-туман сиёсий муқобиллар ўртага ташланадиган ва ишлаб чиқладиган саҳна сифатида иш кўради. У ҳукумат ўз ҳокимиютини намойиш этадиган тантанагоҳ аҳамиятига молик бўлади. Ёхуд аксинча. Ҳокимиюти парламент томонидан эмас, балки парламент орқали амалга оширилади. Аммо буниси — парламентда сайловда ютказиб қўйган партия сиймосида парламентда ўшган сиёсий мухолифат мавжуд бўлганда.

АҚШда сиёсий партияларнинг мавқеи бутунлай ўзгача аҳамиятга молик. Гарчанд конгресснинг ҳар бир аъзоси иккি асосий партиялардан бирига мансуб бўлса-да, ҳар ҳолда бу партиялар Британия парламентчи партияларига хос бўлган бир бутунлик даражасига эга эмаслар.

АҚШ Конгресси ҳокимиютилар бўлинниши тизимида Президент бошлиқ қиласидиган кучли ижроия ҳокимиютига қарши турди, ва асосан, қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишга мўлжалланган.

Албатта, қонун чиқарувчи ҳокимиюти ўзининг исталган кўринишида ҳукуматни назорат қиласар ва фаолиятига қонуний тус берар экан, унга ҳукмини ўтказа олмайди. Бу демократиянинг аъмоли.

Агар Олий Мажлиснинг ҳозиргина зикр этилган қонун чиқарувчи ҳокимиюти тизимлари билан ўзаро боғлиқлиги хусусида сўз юритадиган бўлсан, ҳар ҳолда у, шубҳасиз конгрессга яқинроқдирки, бу нарса, принцип жиҳатидан ижтимоий ҳаётнинг қонуниятларидан келиб чиқади. Бинобарин шундай экан, унда президентлик республикаси Ўзбекистон учун ҳам — ақлларни пешловчи хуносалар самараси эмас, балки айнан шундай ижтимоий зарурат саналади.

Олий Мажлис уч босқичда — 1994 йилнинг 25 декабрида, 1995 йилнинг 8 ва 22 январида сайланган эди, бу нарса эркин, назорат қилинмайдиган сайловлар фойдасига гувоҳлик беради. 250 депутатлик ўрнига маҳаллий ўзини-ӯзи бошқариш блокидан ва иккি сиёсий партия: Халқ демократик (ХДП) ва "Ватан тараққиёти" (ижтимоий-демократик ва либерал-демократик йўналишдан шартли вакил бўлган)дан 634 номзод даъвогарлик қилган эди. Табиийки, маҳаллий ўзини-ӯзи бошқариш — 167 депутатлик ўрни — фалаба қозонди. Ўзбекистон Халқ демократиясида — 69, Ватан тараққиётида — 14 ўрин. 87 депутат — вилоят ва туман давлат маъмуриятларининг бошликлари, 59 нафари давлат ва нимдавлат хўжалик корхоналари ва ташкилотларида бошлилар, 104 депутат эса маданият арбоблари, фан ва маориф ходимлари, шунингдек, хусусий тадбиркорлар.

Олий Мажлисга сайловлар натижалари Фарбда етарлича кескин тандырилгандык болуп саналады. Айловчы охангалар демократиянинг "муқаддас қонуният" — ҳокимиятлар бўлиниши бузилганини, парламент тизими давлат-сиёсий ва хўжалик-бошқарув вакиилларининг қўлига тушиб қолганини таъкидлашда яққол қўринади.

Бу муносабат билан нима ҳам дейиш мумкин?

Ҳокимиятлар бўлиниши ғояси билан Фарбда, мана 200 йилдан кўпроқ давр ўтибдики, ҳар қандай аксилидемократик шумликлардан сақловчи тумор сифатида фурурланиб келишади. Тарихга теранроқ назар ташласак, бу таяниш анча-мунча ошириб юборилганлигининг шоҳиди бўламиз. Бироқ, агарда, ҳатто ҳокимиятлар бўлинишини цивилизациянинг мутлақ қадрияти деб тан олинса, бу принципни тушуниш учун бир қанча конкрет ва мухим масалаларда йўл танлаш зарур бўлади.

Биринчидан, суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимиятлардан мустақилиги, устига-устак унинг "инсон — жамият", "фуқаро — давлат" муносабатлари бобида бошқа ҳокимиятлар устидан маълум демократик устуворлиги барча давлатлар ва замон учун мухим, тамал аҳамиятга эга бўлади. Давлат ҳокимиятининг дифференцияси қўриниши сифатида, сиёсий плюрализм намоён бўлиши сифатида қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлари бобида ҳали ҳамма нарса ҳам аниқ-равshan эмас. Бу дифференциация ва плюрализмнинг оғирлик маркази ҳар хил қўринишдаги объектив сабабларга кўра бъязи давлатларда бир четта суруб қўйиладиган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, Англияда, боя айтиб ўтилганидек, кўп ҳолларда ҳукмрон ва муҳолифатдаги партиялар, Ўзбекистон эса — марказий давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув кутблар саналади.

Иккинчидан, ҳокимиятлар бўлинишининг моҳияти фақатгина ва айнан ўша шахсларнинг қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлари таркиби га кира олмаслигига эмас. Бир хил мамлакатларда бунда тақиқ бор, бошқаларида эса у йўқ. Мисол учун, ГФР да Федерал ҳукумат аъзолари аксарият ҳолларда бир вактнинг ўзида Бундестаг депутатлари саналадилар. Башарти камина ГФРда ҳокимиятлар бўлиниши принципи бузилиши тўғрисидаги уқтирувчи мулоҳазаларга дуч келмадим.

Бу ғоянинг моҳияти бошқа нарсада. Давлат функцияларидан ҳар бирига: қонун чиқарувчи (легислатив), ижроия (экзеккутив) ва суд (юдикатив)га ўзининг ҳокимият тури мувофиқ келади. Демократик давлатда ҳокимият турларидан бирортаси ҳам бошқасининг функциясини бажара олмайди.

Тағин ҳокимиятлар бўлиниши ҳақида. Амалиёт барча собиқ шўро ва аксарият Шарқий Европа собиқ коммунистик давлатларида ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятларнинг батамом тенглигига асосланган сиёсий тизимни асослашнинг ҳали уддасидан чиқилмаётганидан далолат беради. "Тизгинлаш ва далиллаш механизми" "совуқ" (Қозогистон, Қирғизистон, Украина) ёхуд "қайноқ" (Россия) урушга ўсиб чиқаришга қодир рақибликка ва тажовузкор қўшҳокимиятчиликка айланиб кетди.

Ўтиш даврида осойишталиктин сақлаб туриш ва давлатнинг мұтадил ишлашини таъминлаш учун Президент бошчилигидаги ижроия ҳокимият ваколатларидағи устунликлар асосида бундай хавфли рақибчилик юзага келмайдиган механизм кераклиги маълум бўлиб қолди. Бунда, табиийки, мустабид — Президент чекланмаган ҳокимиютининг реал хавфи ҳар ҳолда мавжуд бўлади.

Айни чоғда қатор давлатлар (масалан, 30 — 50-йиллардаги Мексика ва Туркия) нинг тажрибалари ва Ўзбекистоннинг ҳам тажрибалари муайян ўрта йўлни сақлаб туришнинг принципиал имкониятини тасдиқлаб берди. Ўзбекистонда, бу ўрта йўл доиралар, авторитар тартибининг Президентлик вертикали устуворлигига намоён бўладиган унсурлари Олий Мажлис ҳокимиюти функцияларининг етарлича реал унсурлари билан бирга мавжуддир. Ҳам ҳокимиютлар бўлинишининг Конституцияйи принципи амал қилмоқдаки, жамият унинг тамомила амалга оширилишига, умид қиласилик, давлатчилик мустаҳкамлаш ва сиёсий маданий ривожланиши жараёнида бақамти келади.

Ўзбекистондаги сайловларга қайтамиз. Махаллий ўзини-ӯзи бошқарувнинг мустақил сиёсий куч сифатида сиёсий партиялар қаватида парламент сайловларида иштирок этиши — ўзбек жамияти тарихий маданий анъаналарининг намоён бўлишидир. Дарвоҷе, Кения ёхуд Ботсванада миллий ассамблеяларни шакллантиришда ва улар фаолиятида миллий демократик анъаналарнинг инобатга олиниши Фарбда энг ижобий баҳо олганини қистириб ўтиш жоиздир. Ваҳоланки, бу мамлакатларда Фарб парламентаризм стандартларидан чекиниш анча-мунча кўпроқдир.

Хатто Олий Мажлиснинг депутатлари вакиллик органларидан эканлиги ва муайян бир бутунликни ташкил этгани тан олинса-да, ҳолбуки, у четлаб ўтиш воситасида эмас, балки сайлаш жараёнида шаклланди, у шунинг учун ҳам ҳалқнинг сиёсий иродасини акс эттиради ва уни зигиртак бўлса-да идоравий манфаатлар заминида эмас, балки умуми ҳалқ манфаатлари билан бирлашган одамлар таркиб топтиради. Дарвоҷе, гапнинг пўсткаласини айтганда, бундақа, башарти бошқача амалиёт асосида шакллантирилган блоклар АҚШ Конгрессида ёхуд инглиз парламентида йўқми?

Мухолифатдаги "Бирлик" ва "Эрк" партиялари сайловлардан четлаштирилгани, уларда иштирок этган "Ватан тараққиёти", УХДП Президент томонидан назорат қилингани ҳақида сўзламоқда ва ёзмоқдалар.

Мухолифатчи партиялар тўғрисида алоҳида тўхталамиз. Умуман, Ўзбекистонда сиёсий ҳаётнинг партияйий ташкиллаштирилиши тўғрисида гапирадиган бўлсан, бу ҳақда куйидагиларни баён этиш мумкин. Истеъмолчилик жамияти шароитида сиёсий партиялар у ёки бу ижтимоий манфаатларни бамайлихотир ифода эта олмайдилар, реал нуфузли ижтимоий кучлар уларнинг суюнчиғи бўла олмайди. Ва бўлиши

ҳам мумкин эмас, чунки жамиятда ишлаб чиқариш манфаатларининг ривожланган тизимий йўқ. Унда сиёсий партиялардаги обру-эътибор ва мустақиллик қайдан ҳам пайдо бўлади?

Ахвол Россияда ҳам, МДХнинг қолган барча мамлакатларида ҳам айнан шундай. Яқинда халқаро маркетинг ва ижтимоий тадқиқотлар институти томонидан ўтказилган жамоатчилик фикрини сўраб-билиш маълумотлари эълон қилинган эди. Сўраб-билиш мавзуси: “Россияликлар кимга ишонади?” Партиялар ишонч катологида фақат 12 ўринни эгалладилар ва овозларнинг бор-йўғи бир фоизини ўзларига жалб эта олдилар. Партияларнинг сиёсий жараёндаги ҳаддан зиёда ишонарсиз мавқеи нафақат ўтиш даврига хос ҳолат. Камина яқинда Франциядаги сиёсий партияларнинг ишлари ахволини тавсифловчи материаллар билан танишиб чиқкан эдим. Бу материалларда француздарнинг ярмидан кўпроғи сиёсий партияларга ишонишдан кўра, ишонмаслиги тўғрисида сўз юритилади. Одамларнинг катта миқдори қандайдир партиянинг яқинига ҳам йўламас экан. Франция Республикасида сиёсий плюрализм (фикрлар хилма-хиллиги) борган сайин тадбиркорлар, фермерларнинг турли-туман ўюшмаларини қамраб олмоқдаки, бу жараён Узбекистон учун ҳам бафоят қизиқарли ва ибратлидек туюлади. Бутун собиқ шўролар маконидаги янги мустақил давлатларда мавжуд сиёсий партиялар ортида, кўп қайта айтилган амалиёт томонидан бир неча марта исботланганидек, ҳеч қандай таъсирчан сиёсий кучларнинг ўзи йўқдир. Россиялик таниқли сиёсатдон Г. Явлинский бу хулосани маъқуллайди-ю, айни чоғда: “Рост, бугун Россиядаги сиёсий партиялар ортида ҳеч ким ёхуд деярли ҳеч ким йўқ. Уларнинг барчаси амалда ўзлари-ўзларига вакил бўладилар. Бирок, бизнинг бойлигимиз — турли партияларда ҳар хил бўлган сиёсий мулоҳазалар ва сиёсий ишлар эканлигини хисобдан чиқариб ташлаш мумкин эмас”, дейди.

Тахминимча, бойлик ҳам, муҳим сиёсий мулоҳазалар ва муҳим сиёсий ишлар ҳам кўп ҳолларда хаёлийдир. МДХ мамлакатларидан кўра анча фарблашган Болтиқбўйи давлатларининг амалиёти — бундан гувоҳлик беради. Жумладан, Литванинг ҳам. Бу ўлкада 1993 йилдан буёғига Президент А. Бразаускас ва илгари раҳбари Бразаускас бўлган Литва компартияси негизидан ўсиб чиқкан Демократик меҳнат партияси ҳокимиятда турибди.

Бразаускас ва собиқ коммунистлар хукмронлик даврида жамиятнинг бойларга ва қашшоқларга табақаланиши давом этди. Литва матбуоти Вильнюс банкирларининг росмана даромадлари рақамларини эълон қилганига кўп бўлганича йўқ. Бир йилда юз минглаб доллар топиш хусусида сўз боради. Айни чоғда аҳолининг катта қисми топганини зўрга учма-уч қиласди, хайрия ошхоналарида эса ўринлар етишмайди ва ошхоналарга талон учун навбат бир неча ой олдинроқ шаклланади. Шундай савол туғилади: мамлакат бозор иқтисодиётига ўтишидан келиб чиқадиган табақалashiш суръати нечоғли объектив ҳодиса? Шу муно-

сабат билан Литва "собиқ коммунистлари"нинг баъзи бир рақибларининг, гўё улар ҳокимиятни эгаллаш билан бозор иқтисодиётидан четга буриб кетишлари мумкин, деган хавотирларини ўзини оқламайдиган деб ҳисоблаш мумкин. Бу нарса нафақат содир бўлавермади, балки аксинча, Демократик меҳнат партияси ўзини бозор иқтисодиёти тарафдори сифатида кўрсатдики, айрим сиёсатшуносларнинг баҳолашига қараганда, бу партия аслида сўл эмас, аксинча ўнг оқимга мансуб партия саналади. Унинг сиёсати ҳам ўнг муҳолифат сиёсатидан кам фарқ қиласди.

Ўзбекистонда ва бошқа янги мустақил давлатларда ушбу босқичда сиёсий ҳаёт олди саҳнасига фуқаролик жамиятининг кооператив ҳаракатлари, ишчилар, тадбиркорлар ва деҳқонлар, миллий озчилик ташкilotлари сингари субъектлари чиқиши лозим, деган фикр шубҳа билдирувчи хулосаларим орасида пишиклиги билан ажралид турарди.

Шахсан менда Ўзбекистонда, Олий Мажлис фаолиятида ва, умуман, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида сиёсий партияларнинг мавқеини ошириш жараёнини (сайловларда иштирок этиш, парламентда партиявий фракцияларнинг ташкил этилиши) ижтимоий эҳтиёжлар билан, сиёсий онг ҳолати билан боғлашга уринилаётганлиги ва бунинг муваффақият келтираётгани очиқ шубҳа уйғотмайди. Фикримча, Президент И. Каримов Farb танқиди таъсири остида бунда ҳатто унга хос бўлмаган "воқееликнинг илдам зарба қайтаришига" ҳам йўл қўйиши мумкин.

Ўзбекистондаги сиёсий ҳаёт тўғрисида чинакам манзарани тасвирлаш, Олий Мажлисга сайловларни 1990 йилдаги республика Олий Кенгаши сайланиши билан қиёслаб кўриш ниятида бўлган истаган кишини таклиф этишни хоҳлар эдим. Бинобарин, айнан сайловларни демократиялаштириш нуқтаи назаридан сезиларли прогресс йўқми? Ва бир вақтнинг ўзида МДҲнинг бошқа мамлакатларидағи ишлар аҳволига ҳам назар солиш бағоят ибраторумуз бўлур эди.

Мисол тариқасида 1995 йилнинг 5 ва 19 февраляда Жоғорку Кенгеш (Кирғизистон парламенти)га сайловларнинг қандай ўтганлигини кўздан кечирайлик-чи. Гўё, бу мамлакатда бутун демократик талабларга риоя этилгандек, — сайловолди курашда ўз дастурларини баён қилишда тўла эркинликка эга бўлган муҳолифатчи сиёсий партиялар мавжуд, матбуот етарлича эркин иш кўрган эди, — туюлади. Хўш, бунинг натижасида нима бўлди? Сайловчини ҳам пул билан, ҳам озиқ-овқат ва саноат товорлари билан ўзига оғдириб олиш тўғрисида юзлаб ва минглаб гувоҳликлар мавжуд. Кирғизистон — Америка хуқукни ҳимоя қилиш ташкилоти аҳолининг ўта муҳтож гурухлари орасидан (республика халқининг катта қисми эса ачинарли аҳволда) бўлган сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва идорасига андишасизларча алдам-қалдам ёндошиши фактларини қайд этган. Парламентарийлар орасида турли хилдаги жинояткорона қаллобликлари учун устларидан жиноий ишлар қўзғатилган "ишбилармон элита" вакиллари, хуфяки бизнеснинг фаол арబлари ҳам оз эмас.

Мана, тағин бир муқояса учун имконият. Қозоғистон Олий Кенгаши-га сайловлар бу ерда 1994 йилнинг мартаиди бўлиб ўтганди. Улар, ЕХХТ ва республика бир қатор жамоатчилик ташкилотлари кузатувчиларининг гувохлик беришича, сайлов тўғрисидаги қонунни ва сайлов компанияларини ўтказиш пайтида жаҳон амалиётида шаклланган демократик принципларни қўпол равишда бузган ҳолда ўтказилган.

Жумладан, шундай фактлар келтирилади. Сайловчилар овозини эгаллашда алдам-қалдамлик мақсадида сайлов округлари ниҳоят даражада нотенг шакллантирилган эди. Марказий сайлов комиссияси сайлов бюллетенларида ўчириб ташланмаган барча фамилияларни "Ха"— ёқлаб берилган овоз деб санаш уқтирилган (бундай бюллетенларни бекор қилинган деб ҳисоблаш ўрнида) ёпиқ хатни жойларга жўнатади. Натижада, гарчанд Аблайхан округида қутилар ёнига 58567 одам келган бўлса-да, турли номзодлар учун 84384 (?) овоз берилган бўлиб чиқди. Табиийки, санашнинг бундақа методикаси сайловларнинг умумий натижаларига ҳам таъсир қиласлиги мумкин эмас эди. Қуюшқондан бутунлай чиқилган ҳоллар ҳам учради. Гарчанд, участкалар бўйича дастлабки якунлар депутатликка мустақил номзоднинг катта фарқ билан олдинда бораётганидан гувохлик берган бўлсалар-да, туман маъмурияти бошлигининг ўринбосари Алматидаги сайлов округларидан бири бўйича ғолиб деб эълон қилинди.

Президент Н. Назарбоев сайловлар якунлари чиқарилганидан сўнг уларнинг ноқонунийлиги ва нодемократлиги юзасидан даъволарни қатъян рад этди. Эҳтимол, унга нотўғри ахборот етказишган, балки депутатларнинг бир қисми "Президент рўйхати бўйича сайланганлиги ва умуман олгандা, парламент Президентга тўлиғича буйсунувчикдек туюлгани ҳам" унга ўз таъсирини ўтказган бўлиши мумкин. Амалда эса бошқача бўлиб чиқди. Парламент Президент билан зиддиятга бориш йўлига кирди. Пишмай турган яра маддаси сайловлардан бир йил кейин ёрилди. Конституциявий суд Марказ сайловком норматив ҳужжатларини ва бу ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ўтказилган сайловларни Конституцияга зид деб тан олди. Қозоғистон парламенти тарқатиб юборилди.

Чоғишириш учун тағин бир мисол — бу Украина. Немис газеталари сўнгги вақтларда у ҳақда етарлича кўп ёзмоқда. У ёқларда нима ҳақида ёзаётгандари тўғрисида мақолаларнинг сарлавҳасиданоқ билиб олса бўлади. Мана улардан бири: "Украина парламентининг нағмалари".

Илгари парламентнинг коммунистик кўпчилиги томонидан қабул қилинган Украина парламентига сайлов ҳақидаги Қонун бу қонун чиқарувчи органда ҳозир ҳам сиёсий партиялар воситачилигига жамият манфаатларини ифода қилишни чигаллаштиради. Бинобарин, меҳнат жамоасидан номзод кўрсатиш учун жамоадагилар сонидан (ҳатто

уч ходимга эга сартарошхона бўлса ҳам) қатъи назар, оддий кўпчилик зарурдир. Партиядан номзодларни рўйхатга олиш учун эса шартлар анча қатъий: сайловолди йигилишларда сайлов округидаги партия аъзолари учдан иккисининг ҳужжатлаштирилган вакиллиги. Бу, шунингдек, ҳар бир сайлов округида мустақил номзодлар деб номланганларнинг чекланмаган миқдорини кўрсатиш имконияти, ҳатто сайловлар пайтида сайловчиларнинг камида ярми иштирок этиши талаб қилиниши (Англия, АҚШ, бошқа демократик мамлакатларда мавжуд бўлмаган талаб) қўйидаги натижаларга олиб келди: 45 сайлов округи парламентда ўз вакилларига умуман эга эмас, унинг 405 аъзосидан факат 177 нафарининг номзоди эса сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган.

Хўш, энди ўзингиз хукм чиқаринг: парламент қаерда, қайси мамлакатда кўпроқ демократик йўсинда сайланган? Парламентаризмнинг ўзбекона муқобили қоралаш ёхуд мақташнинг қай бирига кўпроқ сазовор бўлади?

ГФР Президенти Р.Ҳерцогнинг бу борадаги фикри аниқ: "Ўзбекистонда парламент эркин овоз бериш йўли билан сайланган. Парламентга сайловлар мустақил ва бообру кузатувчилар, шунингдек, немислар иштирокида бўлиб ўтди".


Д.Карлайл эса бу ҳақда шундай деб ёзган эди: "1994 йил декабрь ойида Олий Мажлисга бўлган сайловлар ушбу йўналишда тўғри ташланган одимлардан бири бўлди. Парламент саҳнасида бир неча партияниң пайдо бўлиши, гарчи улар мавжуд тузум йўриғидан чиқмаса-да, олга ташланган бир қадамдир. Каримовнинг янги сайланган парламентни Президентдан имо-ишора ва кўрсатмалар кутиб ўтирасдан, фикрлашга ва мустақил ҳаракат қилишга даъват этиши кишига далда беради. Агар буни Каримовнинг ҳақиқий муносабати дейдиган бўлсак, мазкур муносабат, шубҳасиз, ҳақиқий парламент сиёсатининг юзага келиш имконияти мавжуд эканидан далолат беради" (191-с.).

Хуқукий ислоҳот: одамлар ва қонунлар


Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилингандан бери ўтган вақт мобайнида демократик жамиятни, бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида 200 дан ошиқ қонунлар қабул қилинди.

И.Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида бундан бўёнги қонунчилик фаолиятининг кенг кўламли дастурини баён қилди. Қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар ичida қўйидагилар бор:

- 1) Фуқаролик кодекси;
- 2) Мехнат кодекси;
- 3) Ер кодекси;
- 4) Солик кодекси;
- 5) Кичик ва ўрта корхоналар, уларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тўғрисидаги қонун;




Бундан ўн тўрт аср муқаддам Халифа Усмон давридаёқ кўчирилган
Куръон (Мусҳафи Усманий) Тиллашайх масжидининг сейфидаги кўз
қорачигидек авайлаб сакланади



Куръон, Тиллашайх масжиди





Масжидда намозни ўташ




16-аср меъморий ёдгорлиги бўлмиш Бароқхон мадрасасида ҳозир
Мовароуннаҳр мусулмонлари Диний бошқармаси жойлашган,
Тошкент шаҳри

Успенский кафедрал жомеси,
Тошкент шахри



Инжил-лютеран кирхидаги ибодат



Куши (суккот) байрами



"Бармицва" — ўғил бола ўн учга тўлган палла



Бугун Тошкентда кўплаб шундай қўллар бунёд этилмоқда




Аквапарк — мустақил
Ўзбекистоннинг болаларига
энг кўркам совға



Ўзбекистон пойтахтининг Мустақиллик майдонида Мустақиллик кунининг байрам қилиниши



Ўзбекистон пойтахтининг Мустақиллик майдонида Мустақиллик кунининг байрам қилиниши




Ўзбек бозорининг расталари йилнинг исталган палласида тоза
мевалар ва сабзавотларга тўла бўлади



Дўппи — миллий бош кийими

Халқлар дүстлиги майдонида
Наврӯзнинг байрам
қилиниши, Тошкент шаҳри



Халқлар дүстлиги майдонида Наврӯзнинг байрам қилиниши,
Тошкент шаҳри

6) Давлат хизматчисининг мақоми тұғрисидаги қонун;

7) Таълим тұғрисидаги қонун;

8) Маданият тұғрисидаги қонун.

Шулар қаторида яна жамият ҳаётининг турли соҳаларини изга соладиган үнлаб ұта мұхим қонунларни санаб үтиш мүмкін.

Булар, ҳатто, ривожланган демократик давлат мезонлари билан үлчанганда ҳам, мұхим аҳамияттаға әгадір.

Бозор иқтисодиётининг зарур ҳуқуқий инфраструктурасини яратиш Президент И.Каримов сиёсий йўлининг мұхим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Унинг фикрича, бундай инфраструктура тадбиркорларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшади, сармоядорларда, аввало ва асосан, чет эллик сармоядорларда ишонч уйғотади.

Дарҳақиқат, ҳўжалик қонунчилигининг кўплаб иқтисодий вазифалари бор. Бу шахсий фойда олишга интилиш ва жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро шерикчилик фаолиятини таъминлаш ва бошқа кўпгина шу кабилардир. Ҳуқуқий соҳадаги тегишли ўзгартишлариз иқтисодий ислоҳотлар ривожлана ва муваффақият қозона олмайди. Бирок, юридик қонунлар асосида турли сабабларга кўра ҳали ўзгаришларга тайёр бўлмаган иқтисодий тизимни ўзгартириш, табиийки, мумкин эмас.

Иқтисодий сиёсат иқтисодчилар ва юристлар томонидан ўзаро келишилган ҳолда ёки биргаликда ишлаб чиқилгани маъқул. Масалан, ГФРда Федерал иқтисодиёт вазирлиги хизматчиларининг асосий қисмини юристлар ташкил қиласди. Ўзбекистонда эса иқтисодий лойиҳалар амалда юристлар иштирокисиз яратилади. Табиийки, бу лойиҳалар қонунга айлантирилгунча ҳам, кейинги ўзгаришлар жараённанда ҳам ҳуқуқнинг уларга ҳеч кандай таъсири сезилмайди (бунга хорижий сармоялар тұғрисидаги қонунларни мисол қилиб келтириш мүмкін).

Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг энг мұхим жиҳатларидан бири қонунчилик ислоҳотларининг уларни амалга татбиқ этишга хизмат қилувчи тегишли муассасаларни — кўп сонли ҳўжалик ва ҳуқуқ масалаларига ихтисослашган юристлар корпуси, ҳуқуқий аудиторлик фирмалари, юксак малакали ҳўжалик судлари, холис шахслар иштирокидаги арбитражлар ва ҳоказоларни ташкил қилиш билан бирга олиб борилишини таъминлашдан иборатдир. Сир эмаски, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон этилиши билан қабул қилинган "биринчи авлод" қонунларининг аксарияти айнан шу сабабга кўра (уларни ҳаётга татбиқ этувчи тегишли муассасалар йўқлиги туфайли) амал қилмаяпти ёки суст амал қиляпти. Шу билан биргаликда, амал қилмаётган қонунчилик кераксизгина эмас, балки заарарлы ҳамдир, негаки у ҳуқуққа бўлган ишончни барбод қиласди, ҳуқуқий маданият ривожига тўсиқ бўлади.

Шарқий Европа мамлакатлари бу борада кескин муаммоларга дуч келишган эди. Венгрия, Польша, Чехияда бозор иқтисодиётiga ўтиш учун зарур бўлган барча қонунлар қабул қилинган. Бирок, қонунларни амалга татбиқ этувчи муассасалар ислоҳоти қонунчилик ислоҳотидан анча орқада қолаётгани уларнинг самарадорлигига салбий таъсир этмоқда. Ҳатто, Фарбий Германия қонунчилиги бир зарб билан ҳаракатга келтирилган Шарқий Германияда ҳам қонунчиликни амалга татбиқ этиш борасидаги мураккабликлар иқтисодиётни тиклаш йўлидаги асосий ғов бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти ва истиқболини, ушбу ислоҳотлар мантиқини "миллий ҳуқуқ тизими" деб аталмиш тушунчадан айри ҳолда тушуниш мумкин эмас. Миллий ҳуқуқ тизими мамлакат иқтисодий, сиёсий, тарихий ва миллий тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини, унда мавжуд ижтимоий-сиёсий анъаналарни, жамиятнинг маданий ва маънавий ҳаётидаги ўзига хосликни, миллий турмуш, ҳуқуқий анъаналар ва тафаккурни, бир сўз билан айтганда, маърифий жамиятнинг бутун хусусиятларини ичига қамраб олади. Бу кўп жиҳатдан мазкур ҳуқуқий тизимнинг амалий аҳамиятини ва қадр-қимматини, жамиятни идора қилишнинг умумий тузилмасидаги ўрнини белгилаб беради.

Мамлакатнинг ҳуқуқий тизимини айни пайтда амал қилаётган қонунлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг оддий йиғиндиси, деб қараш нотӯғри эканини яна бир карра таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. У ўзининг мураккаб инфраструктурасига эга бўлган тизимdir. Бу тизимда умумий, ҳужалик, конституциавий судлар етакчи ўрин эгаллайди.

Ўзбекистондаги мен суҳбатлашган кўпгина ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи олимлар ўрта асрларда қарор топган мусулмон ҳуқуқи — фикҳ эскириб қолган, унинг келажаги йўқ, деб ҳисоблайдилар. Менинг назаримда, бундай қатъият етарли асосга эга эмас. Фикҳ деб аталувчи ижтимоий ҳодиса ҳуқуқий, диний, ахлоқий-фалсафий унсурларнинг умумлашмасидан иборат. Ушбу ҳолатда у Ўзбекистондай мусулмон мамлакатида улкан мафкуравий куч бўла олади.

Энг илфор Фарб концепциялари негизида қонунлар қабул қилиш ҳам, у ёки бу даражада ортодоксал Исломга мос келадиган ҳуқуқий меъёрлардан воз кечиш ҳам, фикҳнинг асосий тушунчаларини рад этиш ҳам мумкин. У, барибир, яшаб қолаверади. Фақатгина қонунларни эмас, жамиятни бутунлай ислоҳ қилиш керак, мусулмонча ҳуқуқий анъаналарни йўқотиш учун мусулмон маданиятидан бутунлай воз кечиш лозим бўлади.

Боя таъкидлаб ўтилганидай, ҳатто, узоқ йиллардан бери дунёвий давлат бўлишга интилаётган Туркия ҳам мусулмон ҳуқуқи билан боғлик нарсалардан воз кечишга уринаётгани йўқ.

Шунинг учун мен замонавий ўзбек жамиятини "фарблаштириш" (масалан, фуқаролар ўртасидаги мулкка дахлдор можарони холис кишилар ёрдамидаги суд йўли билан ажрим қилиш учун) қозилар судини қайта тиклаш имконини бермайди, дегувчи кишиларнинг гапига қўшила олмайман. Ўзбек маданияти ҳали узоқ вақтлар парчаланган ҳолича қолаверади, негаки, яқин келгусида пойтахтда, шартли қилиб айтганда, элитар мухитда, пойтахтдан узоқ ерларда, кичик шаҳарларда ва қишлоқларда нафақат ягона миллий, қолаверса, тафовутли, ҳатто кескин тафовутли қурилма ва қадриятлар илдиз отаверади.

Яна маҳалла ҳакида

Дунёнинг исталган мамлакатидаги демократия муассасаларидан одамлар турмушининг ilk босқичидаги уюшқолик— маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш энг қадимий, энг бой ва энг шарафли тарихга эга. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ахамияти, унинг юксак демократик қадр-қиммати ҳамма жойда жамоатчиллик онги ва жамият ҳаётига сингиб кетган.

Маҳаллий жамоалар одамларнинг табиатига тўла мос келадиган ягона бирлашмадир, улар қаерда тўпланмасин, ўша жойда маҳаллий жамоалар ўз-ўзидан пайдо бўлади. Монархия ёки республикани одамзод барпо қиласи, маҳаллий жамоат эса худонинг иродаси билан дунёга келади.

Ўзбекистонни, унинг маҳаллий жамоалари, қишлоқлари ва шаҳарларини олайлик. Самарқанд ва Кўқон, Бухоро ва Хева вужудга келганига минг йиллардан кўп вақт бўлган. Улар бино бўлгандан бери неча даврлар ва давлатлар алмашган. ўн мартараб маъмурий-ҳудудий жихатдан қайта бўлинган, шаҳарлар эса худди бошқа қишлоқлар, маҳаллий жамоалар сингари ўзгармайди, вақтнинг измига ҳам, энг кучли ва бағритош хукмдорларга ҳам бўйсунмайди.

Мен маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тарихига бағишлиланган рисолалардан бирида қуйидаги сўзларни ўқиган эдим: "Айнан маҳаллий жамоатда эркин ҳалқларнинг кучи ўз ифодасини топади. Маҳаллий жамоатлар демократия ўрнатишида муҳим роль ўйнайди, буни фақат бошланғич мактабларнинг фан учун ўйнайдиган роли билангина қиёслаш мумкин. Улар ҳалқ учун эркинлик сари йўл очади ва бу эркинликдан қандай фойдаланишни ўргатади. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришсиз

хақиқий эркинлик руҳига эга бўлолмайди".

Ўзбекларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришга, маҳалла ҳаётида иштирок этишга мойиллиги минг йиллар давомида шаклланган. Маҳалланинг ҳар бир вакили унга фақат шу ерда туғилгани учунгина боғланиб қолмайди. У маҳаллий жамоада эркин, бир-бирига сидқидилдан кўмаклашишни кўради, ўзини унинг бир бўлаги деб хисоблайди, чунки

маҳалла унинг бошига мусибат тушганда яккалаб қўймайди. Шунинг учун ҳам у маҳаллани бошқариш ишига куч-ғайратини сарфлашни, ке-рак бўлса, маблағини ҳам аямасликни ўзининг бурчи деб билади.

Хамма нарса дид билан боғлиқ. Мен анчадан бери шоир Е.Евтушенкони яхши қўраман ва хурмат қиласман. 1990 йилнинг январида биз та-содифан Тбилисидаги битта меҳмонхонада туриб қолдик. Умумий та-нишларимиз бизни таништириб қўйишиди. Суҳбат чогида у ўзининг сўнгги шеърларидан қайсилари менга маъқул бўлганини сўраб қолди. Мен, "Коммунал квартирани айтиб йиғлаш" шеърингиз менга ёқади, у ин-сонлар биродарлиги ғоясига бағишланган, деб жавоб бердим. "Тўғри-си, — дедим мен дангал қилиб, — бадиий жиҳатдан у менга маъқул бўлди, аммо эсимда унинг фақат бир сатри қолди". У кулиб юборди ва: "Сиз жуда дилкаш экансиз. Ўзимга эса ўша шеъримнинг биттагина сатри ёқади", деди ва қўшиб қўйди: "Гуржистонга келсан, яйраб кета-ман. Бу ерда, одамлар нечоғли қашшоқ яшамасин, дастурхон атрофида ҳаммага жой етади. Биз Россияда бундай самимийликни йўқотиб қўйяпмиз".

Мен то шу кунларгача маҳаллани, шоир тили билан айтганда, "олтин қўшничилик" хиссини, "кўзёш ва қувончларнинг кўзга қўринмас уму-мий ҳисоблагичи"ни сақлаб қолган ўзбек ҳалқига ўзимнинг самимий эҳтиромимни изҳор этмоқчиман. Маҳаллада бугун ҳам бир шум хабар барча қўшниларнинг юрагини ўртайди, неча асрлардан буён умумий дастурхон атрофида ҳар бир кишига жой топилади.

Маҳаллий жамоатларнинг умумдавлат аҳамиятига эга эканини ҳам эсдан чиқариб бўлмайди. Айнан маҳаллий жамоатлар инсонни табиий равишда давлат билан боғлаб турувчи, жамоатчилик манфаатлари ва иродасини ўзида мужассам этувчи жамоат тузилмалари тармоғидир. Бу сиёсий хатти-ҳаракатлар амалда қўллаб-куватланадиган ёки рад этиладиган ижтимоий макондир. Мен кўп марта демократия ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимиятнинг барча поғоналарида турган кишилар маҳаллий жамоаларнинг у ёки бу заифликларидан таассуф билдиргани, уларни жамоат тартиби, фуқаролик ва ватанпарварлик заифликлари билан боғлаганининг гувоҳи бўлганман. Маҳаллий жамоат доирасида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатларнинг истаклари рўёбга чиқиши, шу билан биргаликда улар миллат сифатида сакланиб қолиши, бетакрор миллий анъана ва одатларини ривож-лантириши мумкин.

Давлат ҳокимияти, унинг марказий ва маҳаллий органлари, аксари-ят мамлакатларда бўлгани каби, ҳудудий жамоалар қабул қилган қарор-лар мақсадга мувофиқ келмаслигини эмас, аксинча, уларнинг хатти-ҳаракатлари қонун доирасидан четга чиқмаслигини назорат қилиши керак. Маҳаллий ўзини-ӯзи бошқариш органи қонуний қарор қабул қил-

ган пайтда давлат ҳокимияти, ўша қарор давлат манфаатлари нұқтаи назаридан неочоғли асосланған ва оқилона бўлмасин, уни амалга оширишга халақит бермаслиги керак.

Менимча, Ўзбекистондаги Олий ва вилоят судларига давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликларни кўриб чиқиш ваколатини бериш лозим.

Кўпчилик маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш муассасалари ҳокимияти кучайтирилса ва уларга кенг имкониятлар берилиши давлат интизомини ва мамлакатдаги барқарорликни хавф остига қўяди, деб чўчиди. Турли қитъалардаги турлича цивилизацияларга мансуб мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, худудий жамоалар даражасидаги кучли регионализм кучли марказий ҳокимият билан биргаликда ўтиш давридаги ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг энг мақбул кўринишларидан биридир.

Мактаб, касалхона, йўл, бошқа майший обьектлар, шунингдек, корхоналар куриш каби масалаларда худудий жамоалар билан ҳамкорлик килиш ниҳоятда истиқболлидир.

Ўзбекистондаги ҳар қандай ҳокимият ушбу ўзига хос демократик ҳаёт тарзи билан ҳисоблашишга мажбур эканига ишончим комил. Президент И.Каримовнинг маҳалланинг ижтимоий мақомини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўзбек жамоатчилигининг, турли ижтимоий қатламларнинг хурматини қозониши, қўллаб-куватлашига сазовор бўлиши шубҳасиз.

"Агар маҳалла жамиятимизда ўзининг тегишли ўрнини эгалласа, агар маҳаллада тинчлик ва осойишталик бўлса, бизнинг ҳамма нарсага қурбимиз етади". Бу Президентнинг кундалик амалий қадамларида, қабул қилаётган дастурий фармонларида ўз ифодасини топаётган шиордир. Бу фармонлар (1992 йил 12 сентябрдаги ва 1994 йил 23 августдаги) эҳтиёжмандларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий тенглик, инсон шаънини ерга урмайдиган ҳаёт шароитини таъминлаш борасида маҳаллага катта имконият ва ваколатлар берди.

Ҳокимият қонунийлиги: бугун ва эрта

Шундай қилиб, Ўзбекистон, аста-секинлик, тўхташлар билан бўлсада, айнан давлат ҳаётини демократиялаш йўлидан кетяпти, деб хулоса чиқаришга тўла асос бор. Лекин бу ҳокимият қай даражада қонуний? Фуқаролар қабул қилаётган қарорлари бажарилиши лозим бўлган бу ҳокимиятни қонуний деб биладими?

Умуман, ҳокимиятнинг қонунийлиги маълум даражада унинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқ. (Сиёсий тизимнинг қонунийлигини ижтимоий-иқтисодий тизимдан айрича олиб қараш унчалик тўғри эмас.) Тарихда бунга мисоллар жуда кўп.

1973 йили Чилида демократиянинг мағлубиятга учраганини кўп жихатдан инфляция даражасининг бир йилда 756 % га етиши келтириб чиқарган иқтисодий танглик билан изоҳлаш мумкин. Германиядаги Веймар Республикасининг сўнгги йилларида ишсизликнинг ва ўта ўнг партиялар тарафдорларининг ўсиши бир-бирига бевосита боғлиқ бўлган.

Ва, аксинча, иқтисодий муваффакият сиёсий тузумнинг сўзсиз қонуний бўлишига имконият беради. Тайван, Жанубий Корея, Сингапур ҳукмдорлари иқтисодий ютуқлар натижасида ўз қонунийлик даражасини нисбий эркин сайловлар ўтказиш даражасигача кўтаришди. Бирок, бунга Германия ва Япония янада ёрқинроқ мисол бўлиши мумкин, негаки уларга демократия босқинчи ҳокимият томонидан тақдим этилган ҳамда иккиланиш ва шубҳа-гумонлар мухитида шаклланган. "Иқтисодий мўъжиза" бу тузумларни қонунийлик умуман йўқ даражадан, миллий ҳўрланиш даражасидан қонуний ва хурфиклилик демократияларининг энг илғор сафига олиб чиқди.

Ислом Каримовнинг мамлакатда барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва миллатлараро муроса, иқтисодий муваффакиятларни таъминлаган, республиканинг ҳар бир фуқароси учун истиқболда фаровон ҳаёт кечириши учун шароит яратадиган стратегияси ва тактикаси Президент ҳокимиюти нечоғли қонуний эканини намойиш этди.

Президент И.Каримов ислоҳотлар муваффакиятини мамлакатда ушбу ислоҳотлардан манфаатдор бўлган ижтимоий қатламлар борлигida ва улар Президентни, унинг сиёсатини тўла қўллаб-кувватлашида кўради.

Менинг фикримча, айни кунларда республикада ижтимоий манфатларнинг тўртта асосий грухи таркиб топган. Биринчидан, янги ва эски давлат бюрократияси, иккинчидан, эски иқтисодий элита, аввало, саноат ва қишлоқ ҳўжалик корхоналари директорлари, колхоз (тақсимотга асосланган иқтисодиётнинг янги ёки эски номдаги ушбу ҳўжалик тузилмалари) раислари, учинчидан, янги иқтисодий элита, аввало, тадбиркорлар ва, ниҳоят, тўртинчидан, шаҳарлик ишчилар, дехқонлар (тадбиркорлар эмас), зиёлилар, аҳолининг бошқа қатламлари.

Ушбу ижтимоий қатламлардан ҳар бирининг аксарият қисми Президент, унинг йўналиши, амалга оширилаётган ислоҳотлар тарафида. (Бундан фақат боя тилга олинган зиёлиларни истисно қилиш мумкин.)

Мен, аксарият қисми Президент тарафида, деб бежиз айтмадим. Билишимча, санаб ўтилган грухлар ичida ундан норози бўлганлар топилади. Улар, гарчи озчилик бўлса-да, бор. Улар, умуман, йўқ бўлганда, ажабланиш мумкин эди. Ҳеч қачон, ҳеч бир демократик ва демократлашаётган мамлакатда давлат бошлиғи юз фоиз, бир овоздан қўллаб-кувватланмаган. Бундай бирдамлик тоталитар тузумларинингга кулгили ва шармандали имтиёзидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Президент ҳокимиятининг қонунийлиги борасида ҳеч қандай муаммо йўқ, аммо бутун бошли давлат ҳокимияти тўғрисида мен бундай дея олмайман. Менинг кузатишумча, давлат аппарати, аввало ва асосан, маъмурий аппарат ишонч ва хурматга сазовор эмас.

Президент замон талабига жавоб берга оладиган кучли бошқарувчи кадрлар тақчиллиги тўғрисида куйиб-пишиб гапиради, кўпинча у ёки бу давлат тузилмасини яратиш тўғрисида мазкур тузilmани ишнинг кўзини билиб бошқара оладиган одамларни топмагани учун қарор қабул қила олмаётганини айтади.

Бироқ, менинг фикримча, бу ерда ишнинг кўзини билмаслик асосий муаммо эмас. Пойтахтдаги ва жойлардаги давлат аппаратида янги ҳокимиятни фуқаролар ва чет элликлар кўз ўнгидаги обрўсизлантираётган номаъкул тўралар истаганча топилади. Халқقا ўз коммунист ўтмишдошларига нисбатан ҳам беписанд, тўраларча муносабатда бўладиган амалдорлар ҳалиям оз эмас. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб шуни дадил айтишим мумкинки, улар билан мулоқот қилиш жуда қийин.

Юксак лавозимли амалдорлар орасида ўз манфаатларига ўралашиб, пайт пойлаб юрганлар ҳам, ҳатто, Президентнинг обрў-эътибори фашига тегадиганлар ҳам бор. Менинг назаримда, айrim сиёсий хатолар сабаби ишнинг кўзини билмасликда эмас, аксинча, ўзига хос манфаатпарастликдадир.

Бир ибратли воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман. Мен бир вақтлар Новороссийск яқинида жанг қилган бир ветеран билан учрашган эдим. Ўша вақтлар у сиёсий ходим бўлган ва тез-тез ўзининг бевосита бошлифи Л.Брежнев билан мулоқотда бўлиб турган экан. Етмишинчи йилларнинг охирида у арзимаган бир айб билан партиядан ўчирилади ва Россиянинг ўзи яшаган чекка бир шаҳарчасида ишдан ҳам хайдалади. Ўша ернинг ўзида ҳеч бир натижа чиқмагач, бир бало қилиб, Брежневнинг қабулига киради.

Брежнев уни яхши қарши олади, ўзининг самимий дўстлик туйгуларини изҳор қиласи ва шу вақтнинг ўзидаёқ шикоятни ўрганиб чиқиб, адолатни тиклаш учун ишга киришишни буоради. Бироқ, у мурожаатларига қуруқ жавобдан бошқа ҳеч нарса ололмайди, ишида ҳам ўзгариш бўлмайди. У ҳамон ишсиз, хўрланиб, ҳақоратланиб юраверади. Не-не машаққатлар билан ўзи яшаётган шаҳар партия қўмитасининг иккинчи котибига учрашади. Иккинчи котиб унга гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолади: “Сиз гўл экансиз. Қайтиб Брежневнинг олдига киролмайсиз. Мабодо, мўъжиза рўй бериб, кириб қолганингизда ҳам Брежнев ўз аппаратчиларига эмас, сизга ўшқириб беради. Уни нокулай ахволга солиб қўйганингиз учун сизни шикоятчидан олиб, шикоятчига солади. Сизнинг арзингизга қулоқ солмаётгандар буни яхши билади. Сизга маслаҳатим, яхшиси, тақдирга тан беринг”.

Хужжатларни ўз кўзим билан кўрганим учун бу воқеа чиндан ҳам содир бўлганига ишончим комил. Бу воқеа Президент И.Каримов билан навбатдаги учрашувимдан сўнг, Ўзбекистонга келиб, сўнгра Франкфуртда туриб, ушбу китоб учун материал йигаётганда эсимга тушди. Ким билан учрашмай, кимга мурожаат қилмай, мен ҳамкорлик қилишни ошкора ёки зимдан истамаслик ҳолатига дуч кела бошладим, айрим амалдорлар мен билан мулокот қилишни, телефонда гаплашишга рўйиҳуш бермас эди ва ҳ.к. Бир сўз билан айтганда, обдон синовдан ўтган ўша технология амал қиласр эди.

Мен буларни ўз аламимни тўкиб солиш учун ёзаётганим йўқ. Мақсадим бошқа. Биринчидан, агар Президент ушбу сатрларни ўқиса, ушбу ахборотни қабул қиласди. Унинг фойдаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. У, буюк шоир таъбири билан айтганда, "гўзал ёлғон хунук ҳақиқатлардан афзал" деб биладиган киши эмас. Ва, иккинчидан, Farb ўкувчи сига Ўзбекистон Президенти Farb матбуоти у ёки бу даражада унинг номи билан боғлаётган бемазагарчиликлар тўғрисида ҳеч нарса билмаслигини айтиб қўйишдир.

Ўтган аср донишманларидан бири: "Агар бехато жамият қуришнинг қоида ва принциплари излаб топилганида ҳам, унга тайёр бўлмаган маъмуриятсиз ҳеч бир қоида чидамас ва амалга ошмас эди", деганида минг бор ҳақ эди.

А.Акаевнинг Дэвид Рокфеллер билан ўзим Президентнинг маслаҳатчиси сифатида гувоҳи бўлган сұхбатини эслайман. Сұхбат 1991 йилнинг 21 октябрь куни Рокфеллернинг Нью-Йоркдаги офисида бўлиб ўтган эди. У Акаевдан: "Қирғизистонда қандай ислоҳотлар ўтказмоқчилиз?", деб сўради. Акаевнинг республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиши тўғрисидаги кўтаринки ҳикоясини тинглаб бўлгач, бир оз ўйлаб туриб: "Жаноб Президент, олдинги коммунистик ҳокимиятдан қолган аппарат билан ислоҳотларнинг тез орадаги муваффақиятига умид қилиб бўлмайди", деди. Сўнгра сиполик билан қўшиб қўйди: "Гапларим сиз учун янгилик бўлмаса керак. Сиз ҳам, эҳтимол, шундай деб ўйлаётгандирсиз". Эслашимча, Акаев жавоб беришдан ўзини олиб қочган эди.

Кейинги пайтларда Президентнинг ташаббуси билан раҳбарлик ишига бир қанча ёш, шу билан бирга профессионал жиҳатдан яхши тайёр гарлиги бор мутахассислар тайинланмоқда. Мен улардан бир қанчаси, жумладан, Президент ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институтининг директори, том маънодаги зиёли, хукуқшунослик фанлари доктори, Олий Мажлис депутати Миракбар Раҳмонкулов билан учрашганман. Улар, ҳақиқатан ҳам, ўз Ватани ва Farb маданиятини яхши биладиган, сиёсий табиатига кўра, демократия ғоялари ва принципларига содик янги сиёсатчилар авлодидир. Бу янги қон ҳозирги кунда давлат ҳокимияти томирларида оқаётган қонга қўшилиб кетади, ҳокимият уни қабул қиласди, деб ишонгинг келади. Шундагина янгилашиш жараёнини ортга қайтариб бўлмайди.

Хоқеа чиндан ҳам И.Каримов билдиб, сүнгра Франк-фурт эсимига тушди. Ҳамкорлик қилиш-башладим, айрим оллашибга рўйи-синовдан ўтган

Тошкентда 1993 йилнинг январида очилган янги университет Фарб талабарида жавоб берадиган дипломатлар, журналистлар ва менор-жерлар тайёрлаб бериши керак. У ерда ҳалқаро таълим стандартлари жорий этилмоқда. *Фарб дарсликларини ишламиларни, мувалимларни* талабалар алмашиб раҳбарларнинг демократигига, Фарб иқтисодидаги модельларига содик янги авлодини тайёрлаш ишига ҳисса қўшмаслиги-га ишониш қийин" (191, 192-с.).

Д.Карлайл, Ўзбекистонда яқин келажакда давлат ҳокимиятининг мус-таҳкамланиши ёшлар Президентни қай даражада қўллаб-кувватлаши-га, унинг ортидан нечоғли "шодон ва жасур" эргашишига боғлиқ деган мулоҳазани ўртага ташлайди. Унинг фикрича, республикада, аввало, умумдавлат миқёсидаги бошқарувга қаратилган маҳсус ёшлар сиёса-тини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Лекин Президент Ўзбекистондаги бошқарув услубини қанчалик "фай-зиёб қилиш"га уринмасин, бу ишни бир кунда амалга ошириш қийин. Бу ерда анъаналарни ҳам ҳисобга олиш керак. Тоталитар тузумдан қол-ган шахс ҳокимияти асоратлари тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Эҳти-мол, бу соҳада матбуотни, бошқа оммавий ахборот воситаларини ишга солиш лозимдир. Бошқарилувчан ошкоралик ва соглом танқид, табиий-ки, суд, суд ҳокимияти нафақат коррупцияга, қолаверса, бюрократизмга қарши курашда зиён қилмайди. Суд амалда амалдорлар зуғумидан ҳимоя қиласидиган бўлиши керак.

Бу йўналишца яна нима ишлар қилиш мумкин? Бу, немислар таъби-ри билан айтганда. "яхши савол" ("қийин савол" маъносида). "Унинг аник ечимини билмайман, аммо у, умуман олганда, давлатга хавф со-лётган язозлар белгисидир". Кўт йиллар аввал башка бир мамла-

катда, айлан шунга ўйшаш бозитиди айтсан сўнгга мен нима ким кўшимча қила олардим. Ишқилиб, мен янгишган бўлайди.

Ўзбекистонда мулкка муносабатнинг ўзгариши элита гуруҳлари тут-ган мавқеларнинг ҳам сезиларли ўзгаришига сабаб бўлди. Буни, асо-сан, давлат аппарати хизматчилари, саноат корхоналари директорла-ри, тадбиркорлар ўртасида, қисман, колхозлар, совхозлар, аграр ва ер ислоҳоти сўниб бораётгани туфайли фермерлар ўртасида кўриш мумкин. Боз устига, айрим элита гуруҳлари ўртасида ва ичидан тафо-вутлар кучайди.

Бевосита иқтисодиётни бошқариш соҳасида давлат ролининг ка-майиши ва ҳўжаликлар фаолиятининг эркинлашуви уларни ўзаро боғ-лаб турувчи сиёсий кучни бошқа бир восита билан алмаштириш (дав-лат аппарати то шу кунгача айлан шу вазифани ўтаб келмоқда), элита-лар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги принципларини излаб топиш муаммосини келтириб чиқарди.

Гапнинг пўсткалласини айтганда, ислоҳотларнинг янги босқичи ҳокимиятнинг марказий, шунингдек, минтақавий тузилмаларида хизмат қилалигидан айрим амалдорлар (уларнинг умумий манфаатлари нуқтаи назаридан) учун фойдасиз бўлиб қолди. Аксинча, ислоҳотлар мазмуни ва табиати бўшаб қолаётган ёки илгари банд бўлмаган иқтисодий ўринларни эгаллаб бораётган янги тадбиркорлар қатламининг, амалдорлар васийлигидан кутулишга интилаётган директорлар корпусининг манфаатларига мос келади.

Бугунги Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётига дахлор кўпгина муаммолар бор. Уларга тегишли саволлар ичida энг муҳими қуйидагидир: Президент Каримов илгаригидай муаммоларни бошқарув аппарати, маҳаллий ҳокимиятларга суюниб ҳал этиши мумкинми?

Ўзбек жамиятининг бугунги аҳволи, унинг тараққиёт ва етуклик даржаси Президент сиёсатини амалга ошириш ишига нафақат у бошлиқ маъмурият, нафақат парламент ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларини, қолаверса, фуқаролик жамиятининг жамоа ҳаракати, мустақил касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотларини жалб этиш имконини берадими? Ўзбекистонда ҳокимиятнинг эртанги қонунийлиги бу саволга қандай жавоб топишга боғлиқдир.

БЕШИНЧИ БОБ

КЕНГАЯЁТГАН ЭРКИНЛИК МАЙДОНИ

Audiatur et altera pars¹.

Гапимни, машхурлигига қарамасдан, тез-тез эсдан чиқиб қоладиган бир ҳақиқатдан бошламоқчиман.

Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий тараққиёт даражаси унинг фуқаролари эга бўлган эркинликлар йигиндиси билан, ижтимоий тараққиёт суръати эса ушбу эркинликлардан фойдаланиш даражаси билан белгиланади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларни ҳимоя қилиш мавжуд тузум инсонпарварлигининг ягона аниқ курсаткичидир.

Айни пайтда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари барча собиқ шўро мамлакатларида ҳокимииятга йўл очувчи, халқаро ҳамжамият тан олиши ва ёрдам беришини кўзда тутувчи доимий бир шиорга айланиб қолди. Бу мавзунинг ҳокимиият томонидан, ундан-да кўпроқ муҳолифат томонидан такрорланавериши унинг авра-астарини чиқариб юборди.

Шу билан биргаликда, ўша мамлакатларнинг бирортасида ҳам жамоатчилик инсон ҳуқуқларини менсимаслик иллатидан қутула олгани йўқ, уларнинг ажралмаслиги, муқаддаслиги ва мустаҳкамлигини идрок этиш борасида кескин ўзгариш кўзга ташланмайди. Ушбу мамлакатларнинг ижтимоий ҳаётида, гарчи Конституцияларида ёзиб қўйилган бўлса-да, нафақат инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, қолаверса, уларни ҳурмат қилишнинг ўзи ноёб ҳодиса. Бундан Ўзбекистонни истисно қилиш мумкинми?

1995 йил 25 августдаги Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишлиган брифингни эсга олайлик. Бир гарблик мухбир Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларининг ахволи тўғрисида савол берди. Каримовнинг бу саволга жавоби шундай бўлди: “Бу саволни ярим ёки бир йил олдин бериш керак эди. Сиз кеч қолдингиз. Энди бундай муаммо йўқ. Бунга америкалик машхур кузатувчилар ҳам гувоҳлик бериши мумкин. Биз мазкур масала бўйича уларнинг фикрига ҳурмат билан қараймиз”.

Мен, барибир, ҳақиқий ахвол бундай эмас, деб ҳисоблайман. Бу соҳада, гарчи ютуқлар ҳам бўлса-да, бир эмас, кўплаб муаммолар бор. Янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда эркинлик майдонини кенгайтириш тамойили кўзга ташланмоқда. Бу фактни бутун дунё тан олмоқда. Агар Ўзбекистон бундан бир йил муқаддам айнан ушбу масала юзасидан энг кўп танқид қилинганлар сафида бўлганини

¹Лотинча: “Бошқа томоннинг фикрига ҳам қулоқ солиш керак”.

инобатга олсак, мамлакат ижтимоий ҳаётида инсонийлик мезонини ба-
ҳолашдаги бундай ўзгаришларнинг аҳамияти янада яқолроқ кўзга таш-
ланади.

"Хельсинки вотч" энг кўп ва кескин танқид қилувчи халқаро ташки-
лотлардан бири эди.

Бу ташкилот ўзининг кўпгина МДҲ мамлакатларида инсон ҳуқуқлари
поймол этилаётгани тўғрисидаги маъruzalari билан машхурдир. Мин-
тақалар бўйича маъruzalар маълум муддатларда алоҳида китоб ҳоли-
да чоп этилади ҳамда сиёсий, иқтисодий ва ҳатто, ҳарбий таъсир ўтка-
зиш кучига эга бўлган халқаро ташкилотларга юборилади. Шундан ҳам
бисса бўладики, бу ташкилот жуда катта таъсир кучига эга. У юксак
даражада аниқлик, пухталик ва холисликни талаб этадиган масъулият-
ли ишни амалга оширади.

"Хельсинки вотч"нинг маъruzalari намуна даражасидаги ишлигига
қарамасдан, баъзан келтирилаётган фактлар ва чиқарилаётган ҳулоса-
лар бобида жиддий нуқсонлардан ҳам холи эмас. Масалан, "Хельсинки
вотч"нинг Қорабоғ урушининг етти йиллигига бағишиланган маъruzasi
Тоғли Қорабоғда жиддий эътиrozларга сабаб бўлди. Фактлар бўйича
ҳам, содир бўлаётган айрим ҳуқуқбузарликлар тўласинча давлат сиё-
сати билан боғлиқ деган ҳулоса бўйича ҳам эътиrozлар туғилди.

"Хельсинки вотч" 1993 йили "Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари" номли
маъруза чоп этди. Маъruzada фактлар ва тавсиялар ўрин олган. Ме-
нинг маъruzada баён этилган фактларга эътиroz билдиришга асосим
йўқ. Эҳтимол, доимо бўлмасаям, баъзи ўринларда инсон ҳуқуқлари чин-
дан ҳам бузилган бўлиши мумкин. Бироқ, Тоғли Қорабоғ бўйича тайёр-
ланган маъruzadagiда, уларни давлат сиёсати оқибати, деб қарашга
ҳеч қандай асос йўқ. Ишончим комилки, уларнинг кўпчилиги ҳақида Ўзбе-
кистон Президенти ё, умуман, эшитмаган ёки улар содир бўлгандан
сўнггина хабар топган.

Менимча, бундай айрим инсон ҳуқуқлари бузилиши учун давлат маъ-
муриятининг мансабдор шахслари жавоб бериши керак. Фақатгина
"Хельсинки вотч" маъruzalarining эмас, немис ва бошқа Farb матбуо-
ти саҳифаларидан ҳам тушмаётган айрим мухолифат вакилларини таъ-
киб қилиш ҳолларининг олдини олиш мумкин. Шахсан мен айнан ўша
кишилар қонунни бузгани ва уларни жиноий жавобгарликка тортишга
асос борлигига шубҳа қilmайман. Бироқ, ҳокимиётнинг (қонунда кўзда
тутилган тартибда) олижаноб вазминлиги мамлакатда ва чет элларда
унинг обрусини мустаҳкамлаш учун кўпроқ фойда келтирган бўлур эди.

"Хельсинки вотч" маъruzasida келтирилган фактлар кишини ўйлан-
тириб қўяди, бироқ чиқарилган ҳулосалар ташкилот вакиллари мамла-
катдаги вазиятни унчалик яхши билмаслигини кўрсатади. Иккита ми-
сол келтирмоқчиман.

Маъruzанинг 18-саҳифасида қўйидагилар ёзилган: "Муқобил сиёсий тузилмаларга кескин ҳужум қилиниши оқибатида 1991 йилги Президент сайловида Ислом Каримовга қарши фақат Муҳаммад Солиҳ ўз номзодини қўйди". Эътибор беринг, бу Қирғизистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам, Туркманистонда президент сайловида муқобил номзодлар қатнашмаган бир пайтда содир бўлди.

Ёки маъruzанинг 72-бетидаги мана бу тавсияни олайлик: "1989 йил июнида Кўконда, 1990 йил марта Паркентда, 1990 йил декабрида Наманганда, 1992 йил январида Тошкентда содир бўлган намойишчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги тўқнашувларни пухта текшириш учун мустақил ишчи гурӯҳ тузиш керак. Бу ишчи гурӯхнинг якуний хуласаларини ҳалққа етказиш, тўполонлар учун жавобгар шахсларни суд қилиш, судлар жараёни адолатли, очик, тўласича ҳалқаро меъёрларга мос келишини таъминлаш лозим".

Шуни ҳам унумаслик керакки, бундан тўрт-беш йил олдин содир бўлған воқеаларни пухта текшириш ва суд қилиш мавжуд барқарорликка путур етказиши, узоқ вақтгача мамлакатдаги фуқаролар осойишталигини бузиши мумкин. Бу турган гап.

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларига ҳам олижаноб вазминлик ва нарсаларни баҳолашда бағрикенглик қилиш зиён қилмас эди.

Айрим кишиларнинг ҳам танқидий мулоҳозаларини келтириш мумкин.

Бир америкалик жамоат арбоби сиёсатшунос олимларнинг ўтган йилги анжуманларидан бирида Ўзбекистонни "ёпиқ мамлакат" деб атади. Фикрининг тасдиғи сифатида шундай маълумотни келтирди. Ўзбек университетларидан бирининг кафедра мудири АҚШга хизмат сафарига борганида у билан танишиб, дўстлашиб қолган экан. Ўзбекистонлик меҳмон уни юртига таклиф этишга ваъда берибди ва ўз сўзининг устидан чиқибди. Ректор ёки унинг ўринbosари имзоси билан таклифнома келибди. Таклифномани олгач, виза олиш билан боғлиқ юргур югр тўғрисида бош қотириб ўтирамай, Тошкентга жўнаб кетибди. Бироқ, уни аэропортда кутиб олган дўстининг ялиниб-ёлворишларига қарамай, виза масаласини ҳал этиш имкони бўлмабди ва ўша арбоб Тошкент аэропортидан юртига қайтиб кетибди.

Менинг ҳам Тошкент аэропортидаги турли хизматлар чириғидан ўтишимга тўғри келган. Албатта, муаммолар бор. Чет элликларга ҳам, мамлакат фуқароларига ҳам, шахсиятига тегмай, хурматини жойига қўйиб муомала қилиш керак. Давлат аппаратининг айрим мансабдор шахслари билан муомала қилиш ҳам одамнинг нафсониятига тегади.

Амалдорларнинг бундай боқибемалиги давлатнинг обрусини тўқади, одамларнинг асабини эговлади, ғазабини қўзғатади. Азал-азалдан олижаноблик, муомала маданияти ўзбекларга хос хусусият бўлиб

келган. Шунинг учун ҳам мен одамгарчилик ва лутф тўғрисида гапиряпман. Мамлакат раҳбарияти ўзбек маънавияти шамларидан бирортаси ўчиб қолишига четдан томошабин бўлиб қараб турмаслиги керак.

Ўрмон битта дарахтдангина иборат эмаслигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Бу нохуш фактлар ортида Ўзбекистон Президенти ва унинг сафдошлари инсон хуқуqlари ва эркинликлари билан боғлиқ оғир муаммолар юкини жойидан силжитиш борасида тер тўкиб, тарихий миқёсга эга бўлган буюк ишларни амалга ошираётганини кўрмаслик ҳам мумкин.

Қайси эркинликларни Яратганинг ўзи ато этган?

АҚШда анча йиллардан бери "Озодлик уйи" ("Freedom House") номли бообру ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Бу давлатга қарашли бўлмаган ташкилотнинг бош вазифаси у ёки бу мамлакатдаги эркинлик дарражасини аниқлашадир. Бу ерда шундай баҳолар мезони ишлаб чиқилганки, унга асосан у ёки бу давлатнинг эркин, ярим эркин ёки, умуман, эркин эмаслигини аниқлаш имкони бор.

Собик шўро республикаларидан фақат Литва бир неча йиллардан бери эркин давлатлар қаторидан жой олиб келмоқда. Хусусан, унинг бошқарув шакли ва эркин сайловлар тўғрисида умумхалқ сўрови ўтказишига қодирлиги ижобий баҳоланмоқда. Эстония ва Латвия эса руслар ва рус тилида сўзлашувчи аҳоли хуқуқларини камситадиган сайлов ва фуқаролик тўғрисида қонунлар қабул қилгани туфайли эркин мамлакатлар қаторидан ярим эркин мамлакатлар сафига тушиб қолди. Россия, Украина, Белоруссия — славян республикалари ҳам ярим эркин мамлакатлар қаторида.

Марказий Осиё республикалари ичida энг яхши кўрсаткич Қирғизистонга тегишли. Республика фуқароларининг сиёсий хуқуқлари унчалик яхши баҳо олмаган бир пайтда, син (экспертиза) натижаларига кўра, фуқаро эркинликлари даражаси юқори баҳоланди. Синчилар Қирғизистонни ушбу кўрсаткич бўйича Германия, Япония, Греция, Чили билан бир қаторга қўйишмоқда. Президент Ақаевнинг "майин демократик инқилоб"ни амалга оширишдаги шахсий ҳиссаси юқори баҳоланмоқда.

Қозогистоннинг рейтинги "ҳокимият тепасида турган режим, республика аҳолисининг, аввало, русларнинг норозиликлари келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлардан чўчиб авторитаризмдан воз кешишга шошилмаётгани" туфайли тушиб кетмоқда. Ўзбекистоннинг рейтинги ҳам паст. Туркманистон эса Либерия, Экваториал Гвинея диктатуралари ҳамда Қатар ва Бутаннинг ўрта асрларга хос мустабидлик тузумлари билан бир қаторга тушиб қолган.

Бошқа давлатлар тўғрисида гапирмоқчи эмасман, аммо Ўзбекистон масаласида дунё жамоатчилиги янглиш ахборот олаётгани шундок кўриниб турибди. Мен ҳозир тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, юксак

даражада тайёрлангани тўғрисида эмас, бутунлай бошқа нарсани гапирмоқчиман. Бир нарсани ҳеч ақлимга сифдиролмайман: қандай қилиб Ўзбекистон Нидерландия ёки Швецияга нисбатан бир хил мезонларни ҳеч бир ўзгаришсиз қўллаши мумкин? Қандай қилиб у ёки бу мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий барқарорлик аҳволи, ижтимоий дастурларнинг бор-йўқлигидан кўз юмиб, эркинликнинг умумий даражасини баҳолаш мумкин? Қандай қилиб муайян маданият ва ижтимоий-маънавий мухитни ҳисобга олмаслик мумкин?

Юқорида “Чили модели”, Чили ҳарбий ҳукуматининг 1974 йил 11 марта қабул қилган Декларациясида баён қилинган принцип ва йўллар тўғрисида гапирилди. Улар мазмунан тоталитар давлатдан, ҳеч ким ва ҳеч нарсани тан олмайдиган бошбошдоқлиқдан либерал демократияга ўтиш даврининг америкалик маслаҳатчилар иштироқида ишлаб чиқилган принцип ва йўллари эди.

“Инсон, — дейилади Декларацияда, — Яратганнинг инъоми бўлмиш табиий ҳукуқларга эга. Давлат бу ҳукуқларни тан олибгина қолмасдан, уларни ҳаётга татбиқ ҳам этиши керак. Лекин аксарият ҳалқнинг анъаналари, дунёқарашини, маълум бир дин билан мустаҳкам алоқасини, унинг маърифийлиги шаклини ҳам эсдан чиқармаслик керак”.

Эркинлик яшаш тарзи сифатида фақат ривожланган иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиёт билан бевосита боғлиқ ҳамда уларнинг натижаси кўринишидагина мавжуд бўлиши мумкин деган қоида илгари сурилади. Мамлакат ижтимоий ҳаётида яқин вакт ичида эркинликни қарор топтириш мумкин, деб ўйлаш хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Ушбу буюк мақсадга эришиш сари фақат зарур шарт-шароитларни яратиш йўли билан бориш мумкин ва зарур.

Фарбда, шунингдек, “Freedom House”да бундай бамаъни фикрларни нимагадир ҳаммага нисбатан ҳам қўллашмайди. Чили учун — марҳамат. Ўзбекистон учун эса — асло. Ҳанузгача инсон ҳукуқлари ва эркинликларига муносабат “совук уруш”нинг мафкуравий қуролига бўлган муносабатдан фарқ қилмайди. Дарвоқе, бу қурол Фарбнинг бу урушда енгигб чиқишига сабаб бўлган эди.

Шу билан биргаликда, ривожланган демократик жамиятда ҳамма бирдай эътироф этадиган қадриятлар ва либерал демократия муассасалари шароитидаги инсон ҳукуқлари ўтиш даврини бошидан кечираётган жамиятлардаги инсон ҳукуқларидан батамом фарқ қилади. Чунки бу жамиятларда якка шахс ҳукмронлиги тартиби, эски тоталитар тизимнинг анъана ва таомиллари сақланиб қолган.

Инсон ҳукуқлари ривожланган иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага эга бўлган эркин демократик жамиятда бошқа демократик муассасалар: Президент ҳокимияти, парламент кабилардан мустақил “блок”дир. Қонун ва суд уларни тўла қўллаб-қувватлайди ва ҳимоя қилади. Боз устига, бу ерда инсон ҳукуқлари бутун давлатчилик тизимини куришда ҳаракатнинг бошланиш нуқтаси ва камертон вазифасини ўтайди.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган жамиятнинг ижтимоий координатлар тизимида ҳақиқий демократия даражаси баланд бўлиши мумкин эмас. Инсон ҳуқуқлари категорияси демократиялаш жараёнларида, қадриятлар борасида кимдан ўрнак олиш масаласини ҳал этишда, бугунги муайян иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муаммоларни ечишда ва тараққиётнинг тўғри истиқболларини ишлаб чиқишида таянч вазифасини ўтайди.

Демократия бояларининг ҳақиқий тарафдорлари Франклин Делано Рузвельтнинг "Тўрт эркинлик тўғрисида"ги нутқидан иқтибос олишни ёқтиришади. Мана ўша маълум ва машхур кўчирма: "Биз ташвиш ва хавфлардан халос этмоқчи бўлаётган келгусида инсонга йўлдош тўрт эркинлик асосида қурилажак дунё кўз ўнгимизда намоён бўлади. Улардан биринчиси, дунёнинг қайси бурчагида бўлишидан қатъи назар, сўз эркинлигидир. Иккинчиси, бутун дунёда диний эътиқод эркинлиги. Учинчиси, эҳтиёждан эркинлик. Бу эркинлик ҳар бир мамлакат фуқароларининг тинч, фаровон ҳаётини таъмин этадиган иқтисодий муносабатлар соҳасида ўзаро бир-бирини тушунишдир. Тўртинчиси, бу қўрқувдан эркинликдир, яъни бутун дунёда қуролларни бирор мамлакат иккинчи бир мамлакатга бостириб кира олмайдиган даражада қисқартиришни англатади".

Мен Ф.Д.Рузвельтни, унинг донишмандлигини ва обрусини жуда хурмат қиласман. Бироқ, фикри ожизимча, эркинликларнинг у таклиф этган тартиби барча даврлар ва барча халқлар учун ҳам тўғри кела-вермайди. Ҳар бир муайян вақт ва ҳар бир муайян мамлакатда у ёки бу эркинликнинг реал аҳамияти турличадир. Давомли иқтисодий бўйрон, жиноятчиликнинг кўплиги ва ташқаридан хавф туғилган шароитда давлатнинг коррупцияга қарши кураш, фуқароларнинг тинчлигини ҳимоя қилиш каби мажбуриятларини бажариши энг муҳим вазифа бўлиб қолмаслиги мумкин эмас. Мамлакатдаги вазиятни издан чик-арадиган хатти-ҳаракатлар (улар нима деб аталишидан қатъи назар) учун давлат ўзининг барча эшик ва деразаларини қандай очиб қўяди? Менимча, Афғонистон чегарасига яқин ерда жойлашган қишлоқдаги тоҷиклар ёки Сараевода яшовчилар учун биринчи навбатда сўз эркинлиги эмас, тирик қолиш муҳимдир. Бу Эфиопияда очликдан силласи қуриётганлар, МДХнинг турли мамлакатларида айни кунларда қашшоқ кун кечираётган минг-минглаб чоллар ва болалар учун ҳам тегишли. Улар ўта қашшоқ кун кечиришмоқда. Уларга сиёсий баҳслардан кўра бир бурда нон афзал.

Қўрқувдан эркинлик ва эҳтиёждан эркинлик кўпгина мамлакатларда бошқачароқ талқин этилиши керак. Одамлар учун ўз уйининг хавфсизлиги, ўз шахри кўчаларидаги хавфсизлик муҳимрок аҳамият касб этмоқда.

Бу эркинликларнинг ҳаётий зарурати тұғрисида гапирмаса ҳам бұлади. Лекин "Freedom House"нинг санаб ўтилган ҳуқуқларни худо ато этганды, шунинг учун ҳам улар табиийдир, деб қатый гапириши эътиroz туғдиради. Умуман, бандаларидан ҳеч кимга Яратғаннинг иродасини белгилаш ҳуқуқи берилмаган.

"Freedom House"нинг бир қанча нашрларыда шундай деб ёзилган: "Кейинги пайтларда халқаро ташкилотлар үртасида инсоннинг асосий ҳуқуқлари рўйхатини кенгайтириш тамойили сезилмоқда. Улар сўз эркинлиги ва суд олдида ҳамманинг тенглиги каби фундаментал ҳуқуқларга меҳнат қилиш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, маданият, миллат ва, ҳатто, айнан бир хил ҳаёт даражаси ҳуқуқларини ҳам қўшишмоқда. Булар барчаси, албатта, нодир сифатлар, аммо бундай имтиёзлар ҳуқук сифатида талқин этилмоқда ва қабул қилинмоқда ҳамда бу билан асосий фуқаролик ва инсоний ҳуқуқлар қадрсизланиб қолмоқда. Устига-устак, улар барча одамлар эга бўлган ҳуқуқлар билан айрим шахслар, ташкилотлар ва давлатлар интилиши лозим бўлган мақсадлар үртасидаги фарқни йўқотиб юбормоқда. Шахснинг ҳар бир интилишини ҳуқуқка айлантириб қўяётган ҳукумат сурбетлика йўл очиб беради" ("Что такое демократия", Вашингтон, 1992, на русском языке, стр. 11-12).

Нега айнан сурбетлик?

Одамнинг бўйнига ташқи қарз сиртмоғи илинмай туғилиш ҳуқуқи тұғрисида гапираётганларнинг сўзи адолатдан эмасми? Бугунги кунда Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасидаги айрим мамлакатларда туғлаётган ҳар бир чақалоққа маҳаллий ҳукумат орттирган 2,5 -5 минг АҚШ доллари микдорида ташқи қарз тұғри келади.

Ҳар бир кишининг тұлақонли ҳаёт кечириши учун етарли овқатлашиш, озиқ-овқат муаммоси кундан-кунга кескинлашиб бормоқда. Бу 1966 йил 16 декабрь куни қабул қилинган Фуқаролик ҳуқуқи ва сиёсий ҳуқук тұғрисидаги Халқаро пактнинг 6-моддасида қайд этилган тұлақонли яшаш ҳуқуқининг мантиқиј давомидир.

Фарб мамлакатларыда ҳам уларнинг совук урушдаги коммунизм үстидан ғалабасидан сўнг асосий ҳуқуқлар тұғрисида бонг урилаётгани йўқ. Улар билинар-билинмас, иккинчи қаторга ўтиб қолмоқда. Оммавий ахборот воситалари уларга тобора оз эътибор бераётир. Сиёсий арбоблар ва сиёсий шархловчилар телевизор экранларидан, газета ва журналлар саҳифаларидан, сайловчилар билан учрашувлар чоғида: "Сиз эркинликни хоҳлайсизми ёки тенгликни?" деб мурожаат қилишади. Тенгликни, деб жавоб беради кўпчилик. (Бу, масалан, Германияда, жамоатчилик сұраб-билиш натижаларига кўра, аҳолининг 2/3 қисми тоталитаризмнинг ҳар қандай кўринишини қоралаб турған пайтдаги жавоб).

Фарбнинг энг фаровон мамлакатларида истиқомат қилаётган ва кундалик ташвишларга ботиб қолган минглаб кишилар шундай деб жавоб беришади. Улар учун турмушнинг энг муҳим қадриятлари ўз касби бўйича кафолатланган иш, зарур талабларга жавоб берадиган бошпана, унча қиммат бўлмаган тиббий хизмат, барча даражага ва йўналишдаги таълим, шахсий ҳимояланганликдир. Президент И.Каримов буларнинг барчаси учун курашмоқда, ўз билим ва файратини сарфламоқда.

“Инсон ҳукуклари” тушунчаси қандай келиб чиққанидан қатъи назар, улар аҳамияти ва қўлланишига кўра ҳам диний, ҳам дунёвий бўлиб, диндорлар (христианлар, мусулмонлар, буддовийлар ва яхудийлар) ва худосизларга бирдай тегишлидир.

Муҳими, ҳар ким бир нарсани яхши англаб, миясига қўйиб олиши керак, зикр этилган ҳукуқ ва эркинликларни уларга давлат бермайди, аксинча, диний эътиқоди қандайлиги, қайси худо ёки динга эътиқод қилишидан қатъи назар, у туғилиши биланоқ Яратган томонидан берилади. Менинг фикримча, бу инсон ҳаётининг ҳар қадамда ўйлаб кўриш лозим бўлган ноёб ҳодисасидир.

Асосий мавзуу шу экан, мен Ўзбекистондаги инсон ҳукуклари ва эркинликлари тўғрисида Фарбда қабул қилинган мезонлар ва изчилик воситасида фикр юритмоқчиман.

Мухолифат эркинлиги

Бу эркинлик, моҳиятан, жамият демократик қурилмасининг тे-ран принципи — фикрлар хилма-хиллиги ифодасидир. Утиш даврида янги мустақил давлатлардаги мухолифат фикрлар хилма-хиллигидан бошқа ҳар қандай нарсанинг ифодачиси сифатида майдонга чиқиши мумкин. Мен бир вақтлар буни коммунизмдан кейинги даврга хос иллат билан боғлаган эдим. Бироқ тарихий ҳужжатларни ўрганиб, бу иллат дунёнинг ўзи каби кўхна эканлигига, маърифатли мухолифат фақат ҳақиқий демократик давлатларда мавжуд бўлишига иқрор бўлдим.

Мен 1995 йил сентябрь ойида Исроилга борганимда бу мамлакатнинг сиёсий ҳаётида рўй берайтган жараёнларни имкониятларим даражасида англаш ва баҳолашга ҳаракат қилдим. Бу жуда қийин эди. Негаки, И.Рабин ва Ш.Перес каби сиёсий арбобларнинг тинчликини саклаш бобидаги саъй-харакатларини жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётган ва юксак баҳолаётган бир пайтда мухолифат ва мухолифат қавмидаги матбуотнинг уларга қарши кескин ғазаб ва нафрат билан сафарбарлик ўтказиши воқеаларни тўғри қабул қилиш ва баҳолаш имконини бермас эди.

Хайрияtkи, ҳукумат бундай вазиятда, зиддиятларга бормай, ишини давом эттириш учун ўзида куч топа олди. Бироқ, мен ва мен билан сухбатлашган бошқа кишилар шунга амин бўлдикки, жамоатчиликка бундай

рухий таъсир ўтказиш эрта бир кун дин мутаассиблари, бузгунчилар бошлиши мумкин бўлган бирор даҳшатли, аксилижтимоий ур-сурлар тариқасида моддийлашиши мумкин эди. Рабин ўлдирилмаган тақдирда ҳам бошқа бирор зўравонлик содир бўлишига замин тайёр эди.

Мана Farbdagi кўплаб демократик марказларнинг муҳолифат ҳуқуқини, муҳолиф сўз эркинлиги ҳуқуқини реал воқеликдан узилган ҳолда илоҳийлаштириши оқибати. Бу ҳам мутаассибларча хомхаёлсаф-сата сотишдир. Менинг назаримда, Марказий Осиё мамлакатларининг барчасида сиёсий эркинликларни сунистъемол қилишга қарши ҳуқуқий тўсиқ қўйилмаса, Исройлдаги вазият у ерда ҳам такрорланиши эҳти-молдан холи эмас.

Француз тарихчиси Г.Буасъенинг "Рим Қайсарлари давридаги муҳолифат" номли яхши бир китоби бор. Мазкур китоб 1915 йили Петроградда рус тилида чоп этилган. Унда ўша замонларда, нафақат жамоат, қолаверса, уруғ-аймоги манфаатларини ҳам ифода қилмаган, факат ўз сиёсий мақсадларига эришиш учун жамоатчилик фикрини чалғитиб, қўзғолон ва тўнтаришлар ясаш бобида устаси фаранг бўлган муҳолифат жуда ёрқин тасвирлаб берилган.

Табиийки, инсоният ўзининг узоқ сиёсий тарихи давомида нафақат ҳокимият, балки муҳолифатга нисбатан ҳам машҳур "тийилиш" ва "мувозанат" каби принципларни яратди. Бу ерда гап, аввало, "боодоб муҳолифат" тушунчаси тўғрисида бормоқда.

Демократик жамиятда томонлар унинг асосий қадриятларини инкор этмайди. Сиёсий рақиблар бир-бирини яхши кўриши шарт эмас, аммо улар бир-бирига нисбатан тоқатли бўлиши, ҳар бири бошқаси-нинг қонуний ва муҳим аҳамиятга эга эканини тан олиши керак. Устига устак, жамиятнинг асосий қонун-қоидалари, жамият қонунлари ҳукуматни ҳам, муҳолифатни ҳам бир-бирига тоқатли, улар ўртасидаги ижтимоий баҳсларнинг фуқаролик руҳида бўлишини таъмин этиши лозим.

Сайлов тугагач, унда енгилганлар сайловчилар қарорини қабул қилишга мажбур. Бу демократиянинг энг тўғри ва адолатли қоидаси-дир. Агар ҳокимият тепасидаги партия, фракция, гурӯҳ сайловда мағлубиятга учраса, тинч йўл билан ҳокимиятни топширади. Ким ютиб чиққанидан қатъи назар, иккала томон ҳам жамиятнинг умумий муаммоларини ҳал этиш борасида ҳамкорлик қилишга розилик беради. Бир ёки бир неча партия ва ёки ҳеч бир партияга мансуб бўлмаган муҳолифат, ўз аҳамияти ва зарурлигини ҳис этган ҳолда, жамият ҳаётida қонуний йўл билан иштирок этиши мумкин. Муҳолифат вакиллари ҳукуматнинг ўзига хос сиёсий йўлига эмас, давлатнинг қонунийлигига, демократик жараёнга ҳамда сайловчилар иродасига шак келтирмаслиги керак.

Шуни ҳам тан олиш керакки, янги мустақил давлатлардаги мухолифат демократик қадриятларни ҳокимиятдан кўп бузса бузадики, кам бузмайди. У бошқалар фикрига тоқат, ижтимоий баҳсларнинг фуқаролик руҳини ҳурмат қилишни ўзига эп ҳам кўрмайди. Аслини олганда, сиёсат юритиш худбинларча, баъзи ҳолларда, ҳатто, сурбетларча ишдир. Бироқ, айни пайтда янги мустақил давлатларда рад этилиши мумкин бўлмаган қадриятлар ҳам мавжуд. Бу, аввало, мамлакатдаги барқарорликдир. Фақат у мавжуд бўлсагина инсон ҳуқуқларига давлат ҳуқуқларига нисбатан устуворлик бериш мумкин бўлади. Ўзбекистондаги мухолифат ҳам Қирғизистон ёки МДҲнинг бошқа мамлакатларидаги каби ушбу қадриятларнинг тан олмайдигина эмас, мавжуд барқарорликка путур етказиш, фуқароларнинг тинчини бузиш йўли билан сиёсий обрў ва молиявий маблағ ортироқда.

Эрк бузғуни сувни лойқалар,
Ваҳимага тушади осмон,
Замин титрар, тинсиз чайқалар,
Зориллайди бечора ўрмон.

Бу ёрқин сатрлар яқинда ҳаётдан кўз юмган, уруш кўрган россиялик машхур шоирлар авлоди вакили Михаил Дудиннинг қаламига мансуб. У ўлими олдидан Россиядаги бугунги демократия тўғрисида шундай деган эди: "Бизни эркинлик эмас, бизнинг уни истифода этишдаги масъулиятсизлигимиз, бизнинг исталган пайтда ҳокимиятдан ҳокимиятни тортиб олиш эркинлигимиз алдади".

Ўзбекистонда ҳам, худди бошқа собиқ совет мамлакатларидағи каби, қизиқ бир ҳодиса: "ҳокимият мухолифати орқали ҳокимият сари юриш" урф бўлиб кетди. Қайта қуришнинг дастлабки йилларида одамлар тўдатуда бўлиб мухолифатга киришар эди. Бу ўта фойдали ва умуман хавфсиз эди. Ўз хизмат поғонасининг бир неча поғонасидан ҳатлаб ўтишни истаган ҳар бир давлат хизматчиси, олимлик хислатларига эга бўлмаган илмий ходим ёки олий ўқув юрти домласи, қиласиган бошқа иши қолмаган ёзувчи ёки артист бир юмалаб сиёсий арбобга айланиб қоларди. Унинг айтгани айтган, дегани деган, у билан мамлакат ёки чет эллардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари, тегишли юксак лавозимли кишилар ҳамда Farb давлатларининг обрўли ҳукумат ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлари ҳисоблашар эди.

Ўзбекистондаги давлат ҳокимиятига мухолиф кучларнинг ўзига хос белгилари бор. Улар ҳокимиятга эмас, асосан ва аввало, Президентга қарши. Улар ўз ижтимоий мақомидан, обрўли лавозимлардан айрилганини, сиёсий жиҳатдан кераксиз бўлиб қолганини Президентдан кўришади. Шунинг учун ҳам радикал коммунистлар радикал демократлар билан мухолифат сафларида ош-қатиқ бўлиб юришибди. Уларни бирлаштириб турган нарса — шахсий ранж-алам.

Мана, Ўзбекистондаги сиёсий мухолифат вакиллари.

Шукрулло Мирсаидов. У қайта куриш даврида тошкентлик сиёсатчиларнинг етакчи вакилларидан бири бўлган. Д.Карлайлнинг фикрича, у Каримовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиблиги лавозимига кўтарилишига ёрдам берган. Каримов ҳокимият тепасига келгач, у дастлаб Бosh вазир, кейинчалик вице-президент лавозимларида ишлаган. Айрим маълумотларга қараганда, Каримов уни эгаллаб турган лавозимидан четлатгандан сўнг, 1992 йил январь ойида Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида содир бўлган тартибсизликларни уюштиришда қатнашган. “Агар менинг талқиним тўғри бўлса, — деб ёзади Карлайл, — талабаларнинг тартибсизликлари ўзбек сиёсий элитаси ўртасида авж олиб кетган ҳокимият учун кураш билан бевосита боғлиқдир. Буни Тошкентда мен суҳбатлашган ҳар бир киши яхши англағани кўриниб турса-да, нимагадир у чет эллик кузатувчилар хотиридан фаромуш бўлган” (172-175-с.). Ш.Мирсаидов муҳожирликда яшади. 1995 йил ёзнинг бошларида Тошкентга қайтиб келди.

Муҳаммад Солих (Салай Мадаминов). Унинг номи Ўзбекистонда анча машҳур. У қайта куриш даврининг машҳур шоири, шеърларида таҳқиранган ўзбек зиёлиларининг ўз-ўзини англашини ифода этган. Солих “Бирлик” сиёсий ҳаракати ташкилотчиларидан бири бўлган. У “Эрк” партияси асосчиси ва раҳбаридир. Республика Олий Кенгаши депутатлигига сайланган. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлган биринчи сайловда И.Каримовнинг рақиби сифатида қатнашган. Ўзининг фикрича, у сайловда Каримовнинг таклифи билан Президентликка номзодини қўйган. Мағлубиятидан кейин у Каримов билан келиша олмаган. Каримов унинг сиёсий тақдирини ҳал этиш юзасидан берган ваъдасини бажармади, деб ҳисоблайди Солих.

Айрим манбаларнинг тасдиқлашича, Солих ўз маслақдошлари даврасида ҳар қандай йўл билан Каримовни ҳокимиятдан четлатиш тўғрисида фикр билдирган. Лекин мен, ҳақиқатан ҳам, шундай бўлган, дея олмайман. Бирор қазиёндикни ҳам кескинлашиб кетди. Солих чет элга кетишига мажбур бўлди.

Абдураҳим Пўлатов — Тошкент университетининг илмий ходими, доценти, “Бирлик” раҳбари. Миллий ватанпарварлик ҳаракатининг экстремистик даври фаол намояндаларидан бири. Ундан ҳам сиёсий арабоб чиқмади ва чет элга кетди.

Ака-ука Анвар ва Лермон Усмоновлар — Президент Каримовдан норози, янги ҳокимиятга керак бўлмаган европалашган ўзбек зиёлилари вакили. Иккаласи ҳам Россия газета ва журнallарида Ўзбекистондаги ишлар аҳволини танқид қилувчи мақолалар билан қатнашиб турвчи публицистдир.

Ўзбек мухолифати, унинг раҳбарлари ёзаётган ва юритаётган мулоҳазалардан хулоса қиласиган бўлсак, Президент Каримов "халқ манфаатлари"ни оёқости қиляпти деган мавхум бир тушунча асосида фаолият кўрсатади. Амалда эса, "халқ манфаатлари" тўғрисида бунчалик ташвиш чекишларнинг ортида кўпинча халқ манфаатларига дахлдор ҳеч нарса йўқ. Айни пайтда халқ нималар қилиши мумкинлигининг ёки тарихий жиҳатдан ҳали нималарга тайёр эмаслигининг мухолифатга мутлақо аҳамияти йўқ.

Ўзбек мухолифати миқдор жиҳатидан унчалик кўп эмас. Мен бу ерда унинг фаолларини назарда тутяпман. Менимча, бунинг сабаби, Фарбда айрим кишилар ёзаётганидай, уларга қарши давлат ҳокимияти машинаси ҳаракатга келтирилганида ёки кескин жазо чоралари қўлланаётганида эмас, аксинча, унинг аввалбошдан теран илдиз отмагани, халқ уни қўллаб-куватламаганидадир.

Мен бир неча марта Президент Ислом Каримовнинг ўз ҳокимияти-нинг уюшган мухолифлари тўғрисидаги мулоҳазаларини эшитганман. У ҳар сафар мухолифат билан мулоқотга тайёр эканини, бироқ Президент ва унинг ҳукумати тутган йўлдан ўзга оқилона, муқобил йўлни таклиф эта олмаётгани учун мулоқот мумкин эмаслигини очиқча айтар эди. И.Каримовнинг сўзлари самимий эканига шубҳа қилмайман. Мухолифлар ҳукумат нимаики қилмасин, рад этади. Рад этганда ҳам оқилона мулоҳаза ва мезонлар билан эмас, оддий одоб ва муомала маданиятини эсдан чиқариб, қуруқдан-қуруқ рад этади.

Каримов шундай саволни ўртага ташлайди: "Қани айтинг-чи, мухолифатнинг ортида қандай ижтимоий кучлар турибди, у қайси ижтимоий қатламларнинг манфаатини ифода этади?" Ва саволига ўзи жавоб беради: "Уларнинг ортида ўзларига ўхшаган, ҳокимият ва имтиёзлардан айрилган, номақбул сиёсий мақсадларни кўзлаган одамлардан бошқа ҳеч ким йўқ".

Мен ҳаммуалифим Д.Карлайлдан Ислом Каримовнинг бу танқидий фикрини рад этадиган бирор-бир жўяли далил келтиришни илтимос қилдим. Чунки унинг етти пушки америкача демократия шароитида туғилиб ўсган, боз устига, келиб чиқишига кўра, ҳар қандай ҳокимиятнинг мухолифлари ёнини оладиган ирландиялик эди. Д.Карлайл саволимга бирдан жавоб бермади. У анчагача ёзувларини титкилади, ўлланиб қолди ва Каримовнинг танқидий мулоҳазаларини рад этадиган далиллари йўқлигини айтди. Унинг фикрича, мавжуд ҳокимият мухолифлари-нинг аксарияти ноҳақ ва адолатсизларча ранжитилган кишилардир. Уларни, Президент бўлмаса, унинг атрофидаги амалдорлар ранжитган. Унинг билишича, Президентнинг мухолифлари орасида яхши ва ақли кишилар анчагина. Улар, ҳарқалай, ҳокимият қулида бўлган амалдорлардан ёмон кишилар эмас.

Мен унга эътиroz билдиrolмадим. Боз устига, мен мухолифат раҳбарлари Президент томон, ҳеч бўлmasа, бир қадам ташлашини жуда-жуда истайман. Президент ҳам худди шундай жавоб қилишини мен яхши биламан.

Фарб кузатувчиларининг фикрича, ўзбек мухолифати ичида Германияда мухожириликда юрган Муҳаммад Солиҳ ҳамда Туркияда истиқомат қилаётган Абдураҳим Пўлатов ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айрим маълумотларга қараганда, Солиҳ ҳозир ўта фаол. "Бирлик" партияси аъзоларининг матбуотда айтилган фикрича, Солиҳ бутун мухолифат раҳбарлигини қўлига олишни ўзига мақсад қилиб қўйган. Улар, 1995 йил июль ойининг бошларида айнан Муҳаммад Солиҳ Пўлатовни партия раҳбари лавозимидан четлатишга уринди, бироқ, бу уриниш зое кетди, деб ёзишган эди.

Икки мухолифат раҳбарининг бир-бирига душманларча муносабати ҳаммага маълум. Бу зиддият замира, кўпгина мухолифларнинг фикрича, И.Каримов билан мулоқотда биринчи бўлишга интилиш ётибди. Албатта, бундай фитна мухолифатга ҳам, унинг раҳбарларига ҳам обру келтирмайди. Ўзаро олишувлар ҳокимият билан жўяли мулоқот қилиш учун куч ҳам, вақт ҳам қолдирмайди.

Шундай бир пайтда И.Каримов ташаббуси билан шу йил ҳокимият вакилларининг фаол мухолиф арбоблар билан АҚШда бўлиб ўтган ўзаро муроса йўлларини белгилаш мақсадидаги учрашуви кўпчилик Фарб тандидчилари наздида ҳам унинг обрўсини кўтарди.

Қирғизистондаги мухолифат, унинг ҳокимият билан муносабатлари Ўзбекистонга намуна қилиб кўрсатилмоқда, унинг фаолияти ижтимоий тараққиёт йўлида қўйилган бир қадам сифатида баҳоланмоқда. Мен шу ўринда атоқли қирғиз олими, ёзувчиси, демократия тарафдорларидан бўлмиш Солижон Жигитовнинг сухбатидан парчалар келтирмоқчиман.

"Ҳақиқатан ҳам яхшиликсиз ёмонлик бўлмайди. Бир тузумдан иккинчисига ўша номенклатурачиларсиз ўтиб бўлмайди. Бу бугунги тарихимизнинг ижобий ҳодисаларидан биридир. Собиқ коммунистларда ҳўжаликни бошқариш тажрибаси ҳам етарли, ижтимоий мазмундаги тўқнашувларнинг олдини олишга иштиёқ ҳам кучли.

Энди бир фараз қилиб кўринг, мабодо, Фарбагилар ўйнашиб келаётган бизнинг миллатчи демократлар Қирғизистонда ҳокимиятни қўлга олса, нима бўларди? Тожикистандаги, Грузиядаги ёки Озарбайжондаги кўргуликлар бизнинг ҳам бошимизга тушарди. Бунинг учун сабр ва қаноат каби хислатларга эга бўлган кўпмиллатли Қирғизистон ҳалқига миннатдорчиллик билдириш лозим. Фарблиқ васийларимиздан фарқли ўлароқ, ҳалқимиз бу демократларни, сохта ватанпарварларни қабул қилмади. Бунинг учун ҳалқимизга раҳмат. Агар ташқаридан ёрдам бўлма-

гандада, бу миллатчи демократларнинг нафаси аллақачон ўчиб қоларди. Шундай бўлди ҳам. Бир қўшиқни ҳадеб қайтаравериш ҳамманинг ҳам жонига тегади. Буни яхши билган ўша миллатчи демократлар энди бошқа пластинка излаб юришибди.

Улар митинглар, дўқ-пўписалар, очлик эълон қилишлар билан бальзи бир нарсаларга эришдилар ҳам. Ҳокимият уларнинг олдига суюк ташлаб қўйди: дўконларни хусусийлаштиришга, фоизсиз қарзлар олишга рухсат этилди, кўпчилиги бизнесмен бўлиб олди. Масалан, "Асаба" партиясининг раҳбари Чапрашти Бозорбоевнинг бир нечта хусусий дўкони бор. Давлат тили жонкуяри ва ҳалқ пешвоси Тўлеген Қосимбеков ҳам бойиб кетди. Энди уларнинг ҳалқ манфаатлари билан шуғуллашишга вақти бор дейсизми? Улар яна аллакимлар билан биргаликда бизнинг савдогар буржуазиямизни ташкил этади, улар хорижлик шериклари хисобидан кун кўради. Бир сўз билан айтганда, сохта ватанпарварлик бойликлар ичига фарқ бўлиб кетди. Ўзликни намоён этишнинг бундай йўли жамоатчилик фикрини чалғитишдан кўра яхшироқ эмасми?"

Бундай кузатиш, менинг назаримда, жуда ибратли.

Кирғизистоннинг мухолифат газетаси бўлмиш "Республика" 1995 йилнинг августида қирғиз парламентининг собиқ спикери М.Шеримкуловнинг Кирғизистон Республикаси Президенти А.Акаевга очиқ хатини эълон қилди. Шеримкулов — Кирғизистон сиёсий ҳаётидаги ўзига хос арбоб. У собиқ спикергина бўлиб қолмасдан, республиканинг собиқ коммунист мафкурачиси, Кирғизистон компартиясининг собиқ раҳбарларидан, ва, ўзининг иқрор бўлишича, ўш фожиасининг асосий сабабчиларидан бири ҳамдир. Айни демократия билан боғлиқ сабабларга кўра, (Жоқорғу Кенешга бўлган сайловда мағлубиятга учраб) ҳокимиятдан айрилган Шеримкулов Акаевнинг "авторитар-бюрократик режими"га асосий мухолифлардан, қувфинди-демократлардан, ва, ўз Фикрича, Президентлик лавозимига асосий даъвогарлардан бирига айланиб қолди.

Унинг кўзлаган мақсадлари миқёси ҳам бош мухолифлигига яраша. У ўз интервьюларида: "Мен Медеткен Шеримкуловман. Энг муҳими — ана шу. Мен Қирғизистон сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб келдим, бундан буён ҳам шундайлигимча қоламан". У очиқ хатида газаб отига миниб, Акаевга "Президент шахс сифатида коммунистик режим даврида шаклланганини, демократия шиорларидан ўзининг эски режимга қарши курашида устамонлик билан фойдаланганини" таъна қиласди. (Бу М.Булгаков қаҳрамонларидан бирининг тили билан айтганда, чиндан ҳам "сувоқчилик"дир. Шеримкулов эмас, айнан Акаев коммунистик режим шароитида шаклланган эмиш. У эмас, Акаев демократия шиорларидан устамонлик билан фойдаланганинг эмиш.)

Бош мухолиф миллатчиликдан ҳам холи эмас. Мен унинг миллатчилиги таркибида замонавий қирғиз мухолифатининг стратегия ва тактикасими ёки Шеримқуловнинг шахсий хусусиятларими, қайси бири кўплигини билмайман, лекин бор гап шу. Шеримқулов ўзининг Акаевга юборган очиқ хати, яъни "Profession de foi" да, Қирғизистон Конституциясида кўзда тутилганидай, мамлакат таркибига кирадиган ҳар бир миллат ва-килининг Республика Президенти бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Унингча, фақат қирғиз миллатига мансуб кишигина Президент бўлиши мумкин.

Шеримқулов Акаевга, демократия қоидаларидан чекинди, деб қўяётган асосий айблардан яна биттаси унинг "Свободные горы" парламент газетасини ёпиб қўйгани эмиш. Гап бошқа ёқда. "Свободные горы" ярим расмий нашр бўлиб, унга сабиқ бош коммунист мафкурачи асос солган эди. У парламент спикери сифатида газета таҳририятига сабиқ партия тарғиботчилари ва журналистларни йиққан эди. Улар янги иш жойида ўлиб-тирилиб Шеримқулов учун ишлар эдилар.

Президент газетанинг ҳар бир сонида ҳайратланарли изчиллик билан аёвсиз, қўпчилик ҳолларда, асоссиз, баъзан эса таҳқиромуз танқид қилинар, мухбирларнинг ижодий фантазиясига қойил қолмай иложинг йўқ эди. Масалан, Президент "ўрта аср масҳараабози" деб аталди. Лекин Президент бардош билан сукут сақлар эди. У бирор сўз демай, ўз хотини ва болаларига қилинаётган шамалар ва бошқа кўп нарсаларга тоқат қилди.

Фақат ХХР Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэннинг Қирғизистонга сафари тўғрисидаги иғвогарона мақоладан сўнг "портлаб кетди". Ўша Шеримқуловнинг фикрича, мақола "шарқона назокат ва маккорлик" билан ёзилган эди. Ундан кўзланган мақсад Қирғизистон-Хитой муносабатларини чигаллаштириш, эришилган ижобий натижаларни йўққа чиқариш ва барча айбни Президентга тўнкаш бўлган бўлса ажаб эмас. Газетанинг навбатдаги сонида чоп этилган фотоколлажда Исройлнинг давлат ва миллий рамзи — Давиднинг олти қиррали юлдузи масҳараомуз ва таҳқиромуз тасвирланиб, юлдузнинг ўртасига Қирғизистон Президентининг сурати жойлаштирилган эди. Фотоколлажга коммунистик режим ағдариб ташлангандан сўнг қирғизлар бошига тушган кулфатларнинг асосий сабабчиси ким эканига шубҳа қолдирмайдиган маҳсус тагсўз ҳам ёзилган эди.

Аксилсомийлик парламент газетасининг асосий "хусусият"ларидан бири эди. Ё маҳаллий яхудий масонлар ёки чет эллик сионистлар, асосан, америкаликлар унинг сюжетлари қаҳрамони бўлишар эди.

Ушбу икки (аксилхитой ва аксилсомий) чиқишдан кейин А.Акаев Қирғизистон судьяларининг қурултойида сўзга чиқиб, бошқа масалалар қатори айрим оммавий ахборот воситалари, аввало, "Свободные

горы" сўз эркинлигини сунистеъмол қилаётгани тўғрисидаги масалани ҳам кўтарди. У, қонун олдида ҳамма: ҳокимият ҳам, фуқаролар ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам баробар, шу жумладан, парламент газетаси ҳам бу борада дахлсиз бўлолмайди, деб айтди. Президентнинг маъруzasидан сўнг, унинг баёноти муносабати билан (бунинг яхши ёки ёмонлигини мен билмайман) прокуратура судда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунни қўпол равишда бузгани учун мазкур газетани ёпиш масаласини кўтарди. Суд прокуратуранинг даъвосини қаноатлантириди.

Қизиги шундаки, газетани ҳимоя қилиш учун суд мажлислариға собиқ партия элитасининг Кирғизистон КП МК биринчи котиби Т.Усубалиев бошлиқ энг таниқли вакиллари келишди. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Лекин бошқа нарса кишини таажжубга солади. Мен Америка маъмуриятининг ушбу суд қарори бўйича хатти-ҳаракатларини назарда тутяпман. Америка сиёсий доираларининг энг кўзга кўринган вакиллари "жангга киришди". Акаев эса, шуни тан олиб айтиш керакки, даъворларнинг барчасига муносиб ва қатъият билан жавоб қайтарди. Агар Farbdagi ундан-да обрўлироқ кучлар Кирғизистон Президентини ҳимоя қилиб чиқмаганида, иш нима билан тугашини худо билар эди.

Бу воқеа тафсилотларини тугатар эканман, жавоби ҳам ўзи билан бўлган бир савол бермоқчиман: Farbdagilar Ўзбекистонда, мабодо, цензура ўзи назорат қиладиган газеталардан бирортаси аксилсомий мазмунидаги шамалар билан тўлиб-тошган мақолалар чоп этишига йўл қўйиб берса, бефарқ қараб тура оладими?

Қозогистондаги мухолифат, назаримда, анча конструктив ҳамда реал ва бообру сиёсий куч сифатида мавжуд эди. Унинг раҳбарлари орасида машҳур жамоат арбоби ва нотик Ў.Сулаймонов, парламентнинг собиқ спикери С.Абдилдин, собиқ ҳоким ва парламент Назорат палатасининг собиқ раиси Г.Алдамжаров каби кўзга кўринган намояндалар бор эди. Мамлакатдаги ва чет эллик синчилар Қозогистон Халқ конгрессининг обрўси кундан-кунга ошиб бораётгани тўғрисида гапиришар эди. Мухолифат учун ўта қулай умумий сиёсий ва ижтимоий вазият: халқ турмуш даражасининг кескин тушиб кетиши, кончилар, ўқитувчилар, пенсионерлар ўртасидаги нотинчилклар, ўжар парламент, Россиянинг сиёсий ва иқтисодий сиқуви юзага келган эди.

Тўсатдан барчаси қофоздан қурилган уй каби қулаб тушди. Жамоатчиликнинг мухолифатга ишончи, ҳокимиятга бўлган ишончидан зарра ҳам ортиқ эмас, жамиятга таъсир ўтказиш йўллари эса ҳокимиятникига нисбатан жуда кам эди. Мухолифат йўлидаги Қозогистон матбуоти ёзганидай, "мухолифат доҳийлари ва уларнинг атрофидагилар энг мақбул муқобил сиёсий йўлни ишлаб чиқишига асосланган сиёсий кураш қолиб, бўлгуси мансаб тақсимлаш билан ўралашиб қолишиди. Ҳар бир

кўзга кўринган арбоб ўзини Президент курсисида кўрар эди. Уларнинг энг ишончли кишилари эгниларига Бош вазирлик, спикерлик, Вице-Президентлик тўнларини ўлчаб кўраётган бир пайтда вазирлик курсиси таклиф этилиб қолса, ҳақоратлангандан баттар аҳволга тушар эди. Бироқ, нақд бирор нарсани қўлга киритиш имкони туғилганда, улар "узоқнинг буғдоидан яқиннинг сомони"ни афзал билишар эди. Энди олма-оталик асқиябозлар Қозоғистон Халқ конгресси партиясининг биноси эшигига "Тўла банкрот" деган битиктахтани михлаб қўйиш мумкин, деб ҳазил қилишмоқда.

Ўзбекистондаги муҳолифат эркинлигини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларга ҳам минтақадаги ана шундай қизиқарли воқелик нуқтаси назаридан қараш керак бўлади.

Президент Каримов яқин келгусида ушбу муаммоларнинг аксариятини ҳал этишига менинг ишончим комил.

Сиёсий тусдаги қатағонларга келсак, уларда муҳолифатни ҳам, ҳокимиятни ҳам бирдай айблаш мумкин. Муҳолифат билан боғлиқ шахсларнинг Жиноят кодексини кўпол равишда бузганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Ва, аксинча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳам қонунбузарлигига мисоллар келтириш мумкин. Президент И.Каримовнинг сўнгги баёнотларига қараганда, Ўзбекистон мазкур фактлардан (қонунчиликни бузмаслик ёки бузишларни чегаралаш борасида) тўғри хулоса чиқарган кўринади.

Айтилган гапларга шундай бир хулоса ясаш мумкин: Ўзбекистондаги Президент Каримов содик бўлган йўл жамиятни аста-секин демократиялаш йўлига юз тутса, уни муҳолифат ҳам қўллаб-қувватлаши ижтимоий тараққиётга хизмат қиласи. Муҳолифат фаолиятининг бундай йўналиши ҳам демократларча ва конструктив бўлади. Акс ҳолда сиёсий қарама-қаршилик мантиқи дунёвий ўзбек муҳолифатини Ислом экстремизми ва бошқа аксилижтимоий кучлар билан бирлашишга мажбур этади. Воқеаларнинг ундан кейинги ривожини фараз қилиб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Тоҷикистон бунга яхши мисол бўла олади.

Ўзбекистондаги ҳокимият муҳолифатга бир неча марта қўл чўзди. Таъқидлаб ўтилганидай, у ҳозир ҳам у билан сиёсий муроса имкониятларини қидирмоқда.

Сўз ва фикрни ифода қилиш эркинлиги

Сўз эркинлиги, умуман олганда, Президент И.Каримов ва Ўзбекистондаги давлат тузуми кескин танқид қилинаётган яна бир майдондир. Farbdagi давлат ташкилотлари ва ҳукуматга тегишли бўлмаган ташкилотлар қўяётган айбларнинг мазмуни республикадаги давлат аппарати гўё жамиятни ахборот билан таъминлаш соҳасини монополия қилиб олгани, бу ахборот кўпинча мажбурий кўринишда экани, цензура ҳокимиятга мақбул бўлмаган ҳар қандай эркин фикрни бўғаётганидан иборат.

Мен юқорида бу каби айблар (фақат бошқа масала юзасидан) нинг қатъийлигига эътиroz билдирган эдим. Шу билан биргаликда, мен айрим айбловларга қулоқ тутиш ҳам керак, деб хисоблайман.

Лекин дастлаб аниқ маълумотларга мурожаат қиласил. Бугун Ўзбекистонда расмий рўйхатдан ўтган 450 та газета-журнал, шу жумладан, 384 та газета (республика, вилоят, туман, кўп тиражли), 66 та журнал (республика, вилоят) бор. Газеталарнинг умумий ўртача тиражи 1 миллион 706 минг, журналларники эса 1 миллион 27 минг нусхадан иборат.

Ўзбекистон — кўпмиллатли давлат. Газеталар, журналлар, телевизиони радиоэшифтиришлар 12 тилда чоп этилади, эшифтирилади. Матбуот нашрлари, чоп этилаётган газета ва журналларнинг умумий миқдоридан 238 та газета ва 21 та журнал ўзбек тилида; 52 та газета ва 15 та журнал рус тилида; 44 та газета ва 15 та журнал рус ва ўзбек тилларида; 20 та газета ва 7 та журнал қорақалпоқ тилида; 15 та газета тоҷик тилида; 8 та газета қозоқ тилида, битта газета корейс тилида чиқади. 6 та газета ва 8 та журналда ўзбек тили билан бирга инглиз, араб, турк, урду, форсий, хинд тилларидан фойдаланилади. Республикада Россия газеталаридан "Аргументы и факты", "Труд", "Рабочая трибуна", "Медицинская газета" чоп этилади.

Ушбу газета ва журналларни, уларнинг муассислари, мазмунни ва йўналишига қараб, бир неча гурухларга бўлиш мумкин. Биринчи, энг асосий гурухга давлат томонидан нашр этиладиган, кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган, аҳолини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан боҳабар этишга мўлжалланган газета ва журналлар киради. Иккинчи гурухга партияларнинг ижтимоий-сиёсий нашрларини, партияларнинг, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг газета ва журналларини, масалан, касаба уюшмалари газетаси "Ишонч"ни, "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" (иккласи ҳам Ўзбекистон халқ демократик партияси нашри) газеталарини, "Туркистан", "Ватан" газеталарини, "Истиқбол" журналини (ҳаммаси "Ватан тараққиёти" партияси нашрлари) ва ҳ.к.ни киритиш мумкин. Адабий-бадиий журналлар, ихтиносслик журналлари (қишлоқ хўжалиги, илмий ва шу каби) ва тадбиркорлик ҳаракатига бағишлиланган, аҳолига бозор иқтисодиётидан сабоқ берувчи журналлар ҳам мавжуд. Шунингдек, ниҳоят диний газета ва журналлар, хусусан, мусулмонларнинг "Ислом нури" газетаси, "Мавароуннар мусулмонлари" журнали, христианларнинг "Слово жизни" газетаси ҳам нашр этилмоқда. Демократик жамиятда оммавий ахборот воситаларининг бир қанча бир-бирига мос келадиган аниқ вазифалари бор. Улардан биттаси — одамларни содир бўлаётган воқеалардан боҳабар қилиш ва уларга таълим бериш. Одамларга давлат сиёсатига тегишли оқилона қарор қабул қилиши учун аниқ, ҳис-ҳаяжондан холи,

даврий ахборот керак. Фикрлар хилма-хиллиги одамлар фикрларнинг турли қўринишидан боҳабар бўлиши учун ҳам зарур. Бу, айниқса, сайловолди кампанияси ўтказилаётган пайтда жуда муҳим, негаки, жуда оз сонли сайловчилар номзодни кўришга, янаям оз қисми у билан бевосита сухбат куриш имконига эга бўладилар. Шунда улар газета ва телевидение билан кифояланишади.

Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситалари ушбу вазифани, гарчи холис фикрлилик етишмаса-да, умуман, уddaлашяпти.

Оммавий ахборот воситаларининг яна бир вазифаси ҳукумат ва жамиятдаги бошқа ҳокимият муассасаларининг хатти-ҳаракатларини назорат қилиб боришdir. Мустақиллик ва холислик мезонларига амал қилган тақдирда, улар ҳукуматнинг баёнотлари ортига яширган ҳаёт хақиқатини ўқувчи кўз ўнгida аниқ гавдалантиришга муваффақ бўлишади. Шу асосда ҳукуматдан унинг фаолияти тўғрисида ҳисобот талаб этиш имконияти туғилади.

Оммавий ахборот воситалари ижтимоий мавзуулардаги баҳслар чоғида янада фаолроқ аҳамият касб этиши мумкин. Улар таҳририят мақолалари, тадқиқот қўринишидаги репортажлар ёрдамида, ўз фикрича, ҳаётга татбиқ этилиши лозим бўлган у ёки бу сиёсий йўл ёки ислоҳот учун кампания уюштириши мумкин. Улар ўз сахифаларида бир-бирига мутлақо зид нуқтаи назарлардан иборат хатлар ва мақолаларни чоп этиш орқали ташкилотлар, айrim шахсларнинг ўзига хос анжуманини ташкил этишлари ҳам мумкин.

Ушбу вазифани уddaлаш Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситаларининг қўлидан келмаяпти. Президент И.Каримов матбуот ва телевидениени баҳслар, ҳокимиятни танқид қилиш йўклиги учун кескин танқид қилар экан, ушбу масалага бир неча маротаба эътиборни қаратган эди.

Ишончим комилки, Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситаларига демократик қувват бериш учун уларни, аввало, тегишли давлат тузилмалари назоратидан озод қилиш керак.

Бошқа собиқ совет мамлакатларидағи каби, Ўзбекистон олдида турган бу вазифа ўта чигалдир. Бунинг учун оқилона изчиллик, етти ўйлаб, бир кесилган қонунчилик, кучли суд ҳокимияти талаб этилади.

Фарбда таъкидланаётганидай, бир дақиқа ҳам кечиктирмай, тезда цензурани бекор қилиш, инсоф билан ёзилган ҳар бир нарсани, Президент, парламент, ҳукумат шаънига айтилган танқидий фикрларни, ҳар қандай сиёсий даъватларни чоп этишга рухсат бериш — булар барчасига И.Кантнинг қуидаги сўzlари билан эътиroz билдириш мумкин: "Эҳтимол, бу назарий жиҳатдан бенуқсондир, аммо амалиётга ярамайди".

Замондош француз жамиятшуносларидан бирининг шундай фикри ни ўқиб қолган эдим: "Сўз эркинлиги қуидаги қизиқ бир принципга бўйсунади: уни ташкил этиш чеклаш билан, чекламаслик ўша эркин-

ликни нобуд қилиш билан баробар". Дарҳақиқат, жазосиз бебошлиқ, матбуот масъулиятсизлигининг дахлсизлиги сиёсий ҳаётдаги янгича зўровонлик кўринишидан бошқа нарса эмас. Шу сабабдан ҳам Farb мамлакатларида матбуот фаолиятида эркинлик ва жавобгарликнинг, гурухлар ва жамият манфаатларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш жараёнида ҳуқуқий чеклашлар ва матбуот эркинлиги масаласи кўтарилимоқда.

Бу Farбда содир бўлмоқда. Собиқ коммунистик давлатлар, шунингдек, ўзига хос дунёқараш, ҳокимиятга нисбатан анъанавий хурмат билан қарайдиган Ўрта Осиё давлатлари тўғрисида нимаям дейиш мумкин?

Янги мустақил давлатларда қайта-қайта газеталарнинг психологик сиқувига олинадиган у ёки бу сиёсий арбоб асосий муаммолари қолиб, иккинчи даражали вазифаларга, истиқболли вазифаларни ечиш ўрнига ўткинчи масалаларга ўралашиб қолиши, жамиятга керак бўлган, аммо ҳаммани ҳам қаноатлантирмайдиган қарорлар қабул қилмаслиги мумкин. Раҳбар ўзи қабул қилган қарорларнинг муваффакиятини уларнинг самарадорлигига қараб эмас, матбуотда қандай ёритилиши билан баҳолашга мойил бўлишини айтиб ўтириш шарт бўлмаса керак.

Агар аҳвол, ҳақиқатан ҳам, мен тавсифлагандай бўлиб чиқса — бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ — матбуот фаолияти маълум вазминлик, мувозанат, қонун, суд ҳокимияти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг бошқа турлари билан чегараланиши керак. Шунинг учун матбуотнинг жавобгарликдан тўла дахлсизлигига ва жазодан кутулиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди.

Шундай савол туғилади: ўтиш даврида цензурасиз, назоратсиз, чеклашларсиз чоп этиладиган газеталар кимга ва нимага хизмат қилади? Халққами? Оддий кишилар манфаатигами? Йўқ, бу соҳада улар коммунистик режим шароитида чиқиб турган газеталардан ҳам хароб. Очигини тан олиш керак, ўша вақтларда оддий ишчилар, дехқонлар, фан ва маданият вакиллари газета саҳифалари қаҳрамони бўлишган. Доимо улар ҳақда мақолалар ёзилган ва улар химоя қилинган. Ҳозирги эркин, цензурасиз чоп этилаётган газеталарда шунга ўхшаш мақолаларни тошиб бўлибсиз.

Яна бир савол: бугунги кунда назоратсиз ва цензурасиз чоп этилган аксарият газеталар жамоат ҳаётини барқарорлаштириш, фуқаролар осойишталиги ва тотувлигига хизмат қиладими? Жавоб эса аниқ. Эркин газеталар, асосан, мунтазам равишда жамиятнинг тинч ҳаётини бузиш, турли сиёсий гурухлар ўртасидаги зиддиятлар, ижтимоий тўқнашувларни келтириб чиқариш мақсадида фаолият юритади. Улар бу ҳолатда айрим пулдор сиёсий кучларнинг ижтимоий буюртмасини эмас, конкрет буюртмасини бажаради. Ўша кучлар кўпчилик ҳолларда маъ-

лум сиёсий тузилмалар билан чатишиб кетган мафия тузилмалари. Бундан айрим эркин газеталар демократик нашр эмас, аксинча, анча таъсир кучига эга бўлган аксилидемократик кучга айланганини кўриш мумкин.

Бу борада Россия ва Қирғизистонда мавжуд амалиётга бир қур назар солиш фойдадаён холи бўлмайди.

Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги ахборотга тегишли баҳсларни кўриб чиқадиган суд палатаси бир неча марта айрим газеталарда чоп этилаётган ижтимоий ва миллий низоларга даъват, фашизм мафкурасини кўкларга кўтариб мақташ билан боғлиқ мақолалар юзасидан жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг мурожаатини кўриб чиқди.

Москвада чоп этиладиган "Труд" газетасининг 1995 йил 19 июль сонида "Вилла бормиди ўзи?" мақоласи чоп этилди.

"Қирғизистон пойтахтида "Фуқаро Акаев "Республика" газетасига қарши" номли суд жараёни ниҳоясига етди. Суд мұхаррир Замира Со-диқова ва унинг ўринбосарини фуқаро Аскар Акаев шаънига тухмат қилгани учун айбдор деб топди. Журналистларни — мұхаррирни бир ярим йилга, ўринбосарини бир йилга — озодликдан маҳрум этиш жазосини белгилади. Жазо муддатини ўташ вақти мұхаррирга бир ярим йил, унинг ўринбосарига бир йил кечикирилди. Журналистларнинг бу вақт мобайнида мұхбирлик фаолияти билан шуғулланиши, хуқуқни мухофаза этиш органларини хабардор қилмасдан туриб, яшаш жойини ўзгартириши тақиқланди.

РАТА-ТАССнинг хабар беришича, журналистларнинг, Қирғизистон Президентининг Швейцарияда випласи, Туркияда эса Сулаймон Демирэл совға қилган уйи бор деган айбларини Аскар Акаев қатъиян рад этади.

Бу Қирғизистондаги журналистлар айбловчи томон сифатида қатнашаётган иккинчи суд жараёнидир. Ўтган йили суд ҳукми билан "Свободные горы" парламент газетаси ёпиб қўйилган эди (Президентнинг қадр-қімматини қўпол равишда ерга ургани ҳамда очиқдан-очиқ аксилсомийлиги сабабли, деб қўшимча қилишимиз мумкин).

Шу ерда бир мақолни эслаш кифоя: баркамол эркинлик ўзини-ўзи чеклади, норасо эркинлик эса бошқаларнинг чеклашларига муҳтоҷ. "Инсон хуқуqlари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси"нинг 10-моддасида айтилишича, сўз ва матбуот эркинлиги мажбурият ва масъулият юклаш имкониятини беради. Бу демократик жамиятда давлат хавфсизлиги манфаатлари, жамоатчилик осойишталиги, тартибсизликларнинг олдини олиш, маънавиятни ҳимоя қилиш, қадр-қімматни ёки бошқа шахсларни муҳофаза этиш ва ёки одил судловни таъминлаш учун ҳам керак". Бу бежиз эмас.

Россия Давлат Думаси депутатлари М.Полтаранин ва Л.Понамарёв боя эслатиб ўтилган суд ҳукми юзасидан А.Акаевга мактуб билан мурожаат қилишди. Унда шундай сатрлар бор: "Муҳтарам Асқар Акаевич! Биз Сизга мамлакатингиздаги демократик ўзгаришларнинг тамал тошини қўйган инсон сифатида мурожаат қилаётирмиз. Яқинда "Республика" газетасининг журналистлари Т.Слашева ва З.Содикова суд ҳукми билан қораланди, доктор К.Апасга қарши жиноий иш қўзғатилди. Муҳтарам Президент жаноблари, бу кишилар Сизга тұхмат қилғанликда айбланмоқда. Биз суд ҳукмининг адолатли эканига шубҳа қилмаймиз, бироқ Сизни кечиримли бўлишга ва жиноят ишини журналистларни суд йўли билан таъқиб этишни бас қилиш мақсадида қайта қўриш ташаббуси билан чиқишга даъват этамиз. Сиз маънавий қаноат ҳосил қилдингиз, уларнинг айби эса бундай кескин жазога лойиқ эмас. Шунингдек, биз Сизни яна бир бор кечиримли бўлишга ва К.Апасни таъқиб қилишни тұхтатишга ҳам даъват этамиз.

Ёш қирғиз демократияси, ҳатто, бир неча кишиларнинг адолатсиз зуғумларига чидаши мумкин, лекин Сизнинг сиёсатингиз билан келиша олмаган кишиларни таъқиб қилиш унга нисбатан жиддий хавф туғдиради".

Россиядаги демократия ҳаракатининг атоқли намояндалари мактуби мантиқи унчалик тушунарли эмас. Бир тарафдан, журналистлар ва уларнинг шериклари бўлмиш тұхматчиларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши адолатли эканига шубҳа билдирилмайди. Иккинчи тарафдан эса, суд қарори Президент сиёсатидан норози бўлғанларга қарши, унинг ташаббуси билан қўлланган жазо чораси сифатида баҳоланади.

Рус демократия ҳаракатининг ҳеч бир ақлга сиғмайдиган космополитизми шуниси билан ажабланарлики, рус ҳокимиятининг буйруғи ва ўша демократларнинг жимгина розилиги билан чечен шаҳарлари ва қишлоқлари кунпаякун қилинаётган, шундоққина Кремль деворлари ёнида фашистлар яхудийларни қириб ташлашга даъват этаётган бир пайтда бу ҳаракат Қирғизистон ва Ўзбекистондаги демократия тақдирдан ташвишга тушади. Демак, улар учун ўз уйида демократик тартиб саклаш иккинчи даражали ишдир.

Хуллас, оммавий ахборот воситаларида зарур фикрлар хилма-хиллигига йўл очиб бериш керак, лекин, шу билан биргаликда, бошқа собиқ шўро республикаларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам сўз эркинлигини сунистеъмол қилишга йўл қўймаслик осон иш эмас. Яна қайтараман, бу иш, етти ўлчаб бир кесишини ва узоқ вақтни талаб этади.

Эътиқод ва виждон эркинлиги

Президент Каримовнинг динга нисбатан оқилона, вазмин ва олижаноб муносабати энг юксак хурматга сазовордир. Бир тарафдан, у ҳар қандай кўринишдаги диний экстремизм, руҳоний ва сиёсий тоталита-

ризм билан мутлақо келиша олмайди, бошқа тарафдан, динни, унинг маънавий ва маърифий моҳиятига кўра, ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Гап, аввало, мусулмон дини, Ислом тўғрисида боряпти.

Фарб экспертларининг Ўзбекистонда Ислом дини уйғониши билан боғлиқ аҳвол тўғрисида икки хил қарashi бор. Айримлари, 3-4 йиллик кўтаринкилиқдан кейин диний фаоллик анча сусайиб қолди, дейишса, бошқалари, аксинча, бу фаоллик хоҳ ижтимоий-маданий соҳада, хоҳ сиёсат соҳада бўлсин, заррача сусайгани йўқ, деб ҳисоблашмокда. Улар, Ўзбекистонда Ислом уйғониши фаолиятнинг янги шаклларига кўчмокда деган фикрда. Менимча, бу уйғониш анча осойишта кечмокда, унда қарама-қаршилик сусайиб, оқилона муроса ортиб бормоқда.

Ҳарқалай, фикри ожизимча, расмий дин пешволари мамлакатда сезиларли ижтимоий кучга эга эканини ҳеч ким инкор этмаса керак. Сўфийлик тариқатини ҳам эсдан чиқариб бўлмайди.

Турли манбаларнинг шаҳодат беришича, Ўзбекистонда турлича фаолликдаги ташкилотлар иш олиб бормоқда. Улар сирасига Ислом Уйғониш партияси, Ҳизби Аллоҳ, Адолат, Ислом демократик партияси, Вахҳобийлар, Туркистон Ислом партияси, Ал-Аркамни киритиш мумкин. Уларнинг аксарияти жуда кам сонли бўлиб, жамиятда оммавий равишда қўллаб-қувватланмайди. Бироқ улардан айримларининг мавжуд имкониятларини ҳам эътибордан қочириб бўлмайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Президентининг ҳам, ҳокимиётнинг ҳам Ислом уйғонишининг турли шаклларига бўлган муносабати икки ёклама экани қайд этиб ўтилди. Биринчидан, диннинг маданий-маърифий фаолиятини қадрлаш, ўзбек жамияти ҳаётининг маънавий асосларини кучайтириш бўйича амалга оширилаётган диний тадбирларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Шу билан биргаликда, иккинчидан, диний экстремизм ва кескин радикализмга, умуман, йўл қўймаслик. Бундай ҳолларда ҳокимиёт (Наманган вилоятидаги "Адолат" экстремистик ҳаракатига қарши қўллаган тадбирлари каби) қатъий ва шашт билан ҳаракат қиласи.

Исломнинг бугунги Ўзбекистондаги демократик қадр-қимматга эга экани кўриниб турибди. Бунинг сабаби нима? Буни қандай изоҳлаш мумкин? Менимча, биринчи навбатда Ислом ўзининг икки хусусияти: маънавий поклиги ва ҳаммани teng билиши билан янги демократик замон талабларига жавоб беради. У, кўзга яққол ташланмаса-да, ҳамиша жамоатчиликнинг кенг қатламлари ҳаётига сингиб кетган.

Исломнинг кундалик ҳаёт билан бевосита боғлиқлиги ҳар бир инсон ўз-ўзини англашига таъсир кўрсатади, инсонда одамларнинг ягона биродарлигига мансублик ҳиссини тарбиялади. Ислом маданияти бой ва камбағалларнинг, ҳокимиёт юритувчи ва унга бўйсунувчиларнинг teng эканини таъкидлаб келади. Унинг замирида замонавий бозор жамия-

тининг имтиёзларига қарши норозилик бор, у одамлар нигоҳини ўтмишнинг буюк анъаналари сари буради, чунки одамлар хотирасининг шундай бир эзгу хусусияти борки, унга кўра, ўтмишдаги ёмонликлар унтилиб кетади, барча яхшиликлар сақланиб қолади, соғинч ва ўқинч билан хотирланади.

Яна бир нарса. Инсон ҳуқуқларини ривожлантириш учун жамиятда давлатни тийишга, назорат қилишга қодир тескари кучни юзага келтириш лозим. Фуқаролик жамияти ана шундай куч бўлиши мумкин. Ислом фуқаролик жамияти ҳодисаси сифатида ҳар кимга истаган нарсасини тикиштириш курдатига эга бўлган давлатнинг ҳақиқатни монополия қилишига йўл қўймайди. Банданинг бандага эмас, факат Аллоҳга бўйсуниши лозимлигини уқтиради.

Давлат мусулмонларнинг диний байрамларидан Рамазон ҳайит ва Курбон ҳайитни расмий байрам сифатида тан олди. Куръон ва Имом Бухорий ҳадисларининг тўрт томлиги илк марта ҳозирги ўзбек тилида чоп этилди.

Давлат мустақиллиги эълон қилинмасдан бурун Ўзбекистонда 80 та маҷит ва иккита ислом диний-ўқув юрти бор эди. 1994 йилнинг охирига келиб, маҷитлар сони 5200 тага, турли йўналишдаги дин арбобларини тайёрладиган мусулмон ўқув юртлари сони 10 тага етди.

Ўзбекистонлик мусулмонларнинг Макка ва Мадинада ўтказиладиган Ҳаж ва Умра каби диний маросимларда қатнашиш учун барча шартшароитлар яратилди. Давлат хазинасидан ушбу мақсадлар учун анча маблағ ажратилмоқда.

Давлат Ўзбекистон мусулмонларининг дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги диний ташкилотлар ва диндошлари билан турли-туман алоқаларини ривожлантиришга, ўша мамлакатларда юксак малакали руҳний мутахассислар тайёрлашга ёрдам бериб келмоқда.

Ўзбекистонда бошқа динлар ҳам бор. Улар сирасига рус православ черкови, Инжил христиан-баптистлари жамияти, яхудийлар, 7-кун адвентистлари, лютеранлик, Баҳовий жамоаси, Кришна тафаккури жамияти, буддовийлик дини жамияти, Инжил эътиқоди христианлари (пятидесятниклар), Иегова худоси гувоҳлари, Янги авлиёй черкови, Христиан-пресветериан черкови, методистларни киритиш мўмкин.

Энг катта диний ташкилотларнинг ўз марказлари бор. Булар рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархия бошқармаси, Ўзбекистон Инжил христиан-баптистлари черкови уюшмаси, Яхудий тарбия маркази, 7-кун адвентистлари черковлари конференциясидир. 1994 йил сентябрига келиб Ўзбекистондаги черковлар сони 130 тадан ошиди. Учта бошқа динлар ўқув юрти мавжуд: православ ўқув юрти, яхудий ешиваси ва баптистлар семинарияси. Бундан ташқари, якшанба мактаблари ҳам бор. Рус православ черкови аёллар монастирини очди. Католикларнинг Тереза она ордени номли опа-сингиллар жамоаси ҳам ишлаб турибди.

Барча номусулмон диний ташкилотлар ўзларининг хорижий маслак-дошлари билан алоқалар ўрнатган бўлиб, улардан Ўзбекистонга инсон-парварлик ёрдами, дори-дармонлар келиб турибди. Улар ибодатхоналар қурилишига ҳам ёрдам беришмоқда. Ўзаро делегациялар ва адабиётлар алмашилмоқда. Масалан, 1994 йили Ўзбекистонга Жанубий Корея, Швеция, Истроил, АҚШ, Германия, Хиндистон, Польшадан дин вакиллари келиб-кетишиди.

Ўзбекистонда дин соҳасида амалга оширилаётган ишлар қўламини кенгроқ тасаввур этиш учун шундай бир мисол келтирмоқчиман. 1995 йил июль ойининг ўрталарида Москва вилоят думаси Россия ҳукуматига Победа парки жойлашган Поклонная қирлигига православ ибодатхонаси билан бир жойда мачит ва синагог қуришдан воз кечишни сўраб даъватнома юборди. Бу Россиядаги турли хил диний идоралар вакиллари томонидан "черносотенчилик" (қора гуруҳчилик) деб баҳоланди. Президент И.Каримовнинг ашаддий танқидчиси ҳам Ўзбекистонда бу каби ҳодиса юз бериши мумкин эмаслигини тан олади, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда диндорларнинг ҳукуки ва руҳонийларнинг мақоми билан боғлиқ барча масалалар мажмуми қонун йўли билан тартибга солинган. Кенг қамровли ҳукукий кафолатлар берадиган "Виждан ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисида"ги қонун 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган эди.

Озодликни эълон қилишдан кафолатлаш сари

У ёки бу мамлакатда инсон ҳукуқлари ва эркинликлари тўғрисида қанчалик баландпарвоз гаплар гапирилмасин, агар у ерда ҳукуқ ва эркинликларни таъмин этадиган мустақил ва кучли суд, бошқа давлат-ҳукуқ механизмлари бўлмаса, улар қуруқ гаплигича қолаверади.

Фемида — одил суд асрлар оша эркинликнинг, умуман, ҳар бир инсон эркинлигининг сўнгги ва энг ишончли ҳимоячиси бўлиб келган, келмоқда ва шундай қолади. У, жиноятларга қарши қурашиш ва айбдорларни жазолашни таъминловчи ҳукуқни муҳофаза қилиш органигина эмас. Одил суд, адолатли суд жамиятда мавжуд эркинликнинг ўзидир. Одил суд одамларнинг қадр-қиммати, ҳукуқлари кафилидир.

Ушбу қимматли, баъзи ўринларда баландпарвоз гапларга ўралашиб қолмаслик учун Ўзбекистондаги суд ҳокимиятининг кундалик муаммолари тўғрисида бир-икки оғиз сўз юритсак.

Ўзбекистон Конституцияси ҳокимиятнинг барча тармоқлари: қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг teng эканини эътироф этади. Амалда-чи? Судлар фаолият кўрсатаётган бинолар, хоналардан тортиб, судьяларнинг мақомигача кўздан кечирсак, ҳеч қандай тенглик тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Кўпгина юксак лавозимли амалдорлар ҳалигача судларни милиция ва бошқа маъмурий муассасалар билан бир қаторда қуришади. Бу — совет даврининг сарқити.

Натижада судлар ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижроия тармоқларидан фарқли ўлароқ, ўз фаолиятида бирор тараққиётга эришолмайпти.

Тўғри, Россиядагидан фарқли равишда Ўзбекистонда судлар мафиянинг ҳакамлиги ва қонга-қон, жонга-жон қабилидаги ораочдиларга айланиб кетгани йўқ. Бироқ судларнинг давлат ҳәтидан четга чиқиб қолиши келгусида мамлакатнинг демократик тараққиётига жиддий пурт етказиши мумкин.

Президент И.Каримовнинг кейинги пайтларда суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида айтиётган ташвишли фикрлари бу борада келгусида силжишлар бўлишига умид уйғотади.

Олий Мажлис Президентнинг ташаббуси билан инсон ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимини жорий этди. Бу лавозимга ҳурматли ва республикада машҳур олим С.Рашидова сайланди.

Дунё амалиётида парламентнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили "ҳомбдсмен" деб аталади. У ижроия ҳокимияти фаолиятини назорат қилиш, фуқаролар ҳуқуқларини давлат органлари зуфумидан, амалдорларнинг мавжуд ҳокимиятни сувиистеъмол қилиши ҳолларидан ҳимоя қилувчи органлар тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Ҳомбдсмен лавозими илк марта 1809 йилда Швецияда жорий этилган эди. Айни кунларда дунёнинг турли мамлакатларида 100 дан ошиқ ҳомбдсмен бор. Давлат ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳомбдсменга сазовор, парламентнинг айрим фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи, барча давлат лавозимидағилар фаолияти устидан парламентнинг бавосита назоратини амалга оширувчи, лекин қабул қилинган қарорларни ўзгартириш ваколатига эга бўлмаган мустақил шахс сифатида қаралади.

Ҳомбдсменнинг машҳуриги ва обрў-эътиборга сазоворлигини унинг мақомини белгиловчи ва фаолияти самарадорлигини таъмин этувчи давлат органларидан мустақиллиги, ўзини тайнинлаган ёки сайлаган парламентнинг бутун фаолияти давомида ўзгармаслиги кўпгина демократик хусусиятлар билан тушунтириш мумкин. Яна қонунлар чиқариш ташаббуси, одамларга яқинлиги, шикоятларни кўриб чиқишида расмийчиликка йўл қўймаслиги, фуқароларга бепул ёрдам кўрсатиши ва ҳоказоларни ҳам унинг хислатлари қаторига киритиш мумкин.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, бундай органга, бундай лавозимли шахсга бўлган эҳтиёж мавжуд муассасалар ижроия ҳокимиятнинг фаолиятини самарали назорат қилиш имконини бермаётган, фуқароларнинг ҳуқуқларини қўшимча ҳимоя қилиш зарурати туғилаётган бир пайтда пайдо бўлади. Ўзбекистонда бундай нохуш воқеалар, онда-сонда бўлсада, учраб туради.

Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг ҳукукий механизми маълум сиёсий, ижтимоий, ижтимоий-руҳий кўринишда амал қиласи. Улар ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг самарадорлигини пасайтириши, баъзан, умуман, йўққа чиқариши ёки, аксинча, улар ҳаракатини кучайтириши ҳам мумкин.

Инсон ҳуқуқлари, ҳатто, энг қулай шароитда ҳам, ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун интилиши, ҳатто, курашиши зарур.

Бу ғояга машхур ҳуқуқшунос Р.Иеринг қуйидагича таъриф берган эди: "Хуқуқнинг бутун ҳаёти бутун миллатнинг сермашақкат меҳнатидан иборат, бу меҳнат унинг иқтисодиёт ва маънавий ишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолияти кўринишидадир. Ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга мажбур бўлган ҳар бир алоҳида шахснинг умуммиллий ишда ўз ҳиссаси бор, у имкон қадар ҳуқуқ ғоясининг амалга ошишига ёрдам беради". Шунинг учун ҳам адвокатура одил судлов орбитасида абадий йўлдош бўлиб қолаверади.

Адвокатура фаолиятини тубдан қайта қурмай, такомиллаштирумай туриб, айниқса, одил судлов борасида фуқароларнинг қонуний манфатларини ҳимоя қилиш мумкин эмас. Қизифи шундаки, айни ушбу масала ўз ичига ташкилий ва мулкий кўринишдаги энг мушкул муаммоларни қамраб олади. Бозорга ўтиш ва шу муносабат билан боғлик муқаррар табақаланиш, аҳоли бир қисмининг қашшоқлашуви фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун адвокатлар ёрдамидан фойдаланиш имкониятини мушкуллаштиради. Ўн минглаб кишилар адвокат, юксак малакали адвокатлар хизмати эвазига пул тўлаш имкониятига эга эмаслар.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон икки йўлдан бирини танлаши керак: ё давлат камбағалларга ҳуқуқий ёрдам беради ёки улар ҳуқуқий ҳимоядан маҳрум бўлишади. Иккинчи ҳолатда ҳуқуқий давлат тўғрисида мулоҳаза юритиб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Воеалар, мабодо, шу йўсиnda давом этаверса, демократия ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти сингари тушунчалар ўз аҳамиятини йўқотади.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш фақат ҳуқуқий механизм ва муассасаларни такомиллаштириш билангина боғлик эмас. Иккинчи авлод деб аталмиш ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя этиш усувлари шахсий ва иқтисодий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя этиш усувларидан фарқлидир. Бу ерда ҳуқуқий механизmlар иқтисодий тараққиётнинг маълум бир даржаси, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, халқ бойлигининг кўпайиши ёлан мустаҳкамланиши керак. Бу давлатнинг ҳуқуқий эмас, ижтимоий вазифасидир. Бу "ҳуқуқий давлат"нинг эмас, "ижтимоий давлат"нинг вазифасидир. Ўзбекистоннинг "ижтимоий давлат" қуриш борасидаги муваффақиятлари ҳаммага маълум.

Менинг фикримча, Ўзбекистон учун, унинг Президенти И.Каримов юритаётган сиёсатга қараб хulosа чиқариладиган бўлса, ижтимоий давлат ғояси энг мақбул йўл кўринади. ГФР Конституциясининг 1-моддасида, Германия Федератив Республикаси демократик ижтимоий давлат деб ёзилган. Ижтимоий давлатнинг асосий принциплари сифатида

одамларнинг қадр-қимматини ерга урмайдиган ҳаёт шароитларини вужудга келтириш, ижтимоий тенглик, эҳтиёжмандларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш кабилар кўрсатилган. Бундай гўзал ғоялар ГФРда кундалик турмушга сингиб кетган. Ўзбекистон бугун ёки яқин келажақда Германиянинг ижтимоий-иктисодий имкониятларига эга бўлиши амримаҳол. Бироқ И.Каримовнинг ижтимоий сиёсати моҳиятан айнан ана шу мақсадга эришиш сари йўналтирилгандир.

Франция Президенти Франсуа Миттеран ўз фаолияти тўғрисида шундай деган эди: “Мен ўзимнинг бечораларга яқинлигимни ҳис қилар, бироқ ҳамиша ҳам уларга ёрдам беролмаслигимни билиб, хафа бўлиб кетар эдим”. Ишончим комилки, Ўзбекистон Президентининг ҳам шундай дейишга барча асоси бор.

Яқинда атоқли итальян тарихчиси Жузеппе Боффанинг “СССРдан Россиягача. Тугамаган танглик тарихи” китоби чоп этилди. Бундай тे-ран мазмунли китоб мутахассислар ва кенг китобхонлар ўртасида катта қизиқишига сабаб бўлиши турган гап. Муаллиф хулоса ясар экан, 1992 йил январида бошланган нархларни эркинлаштириш ҳукуматнинг ўз ҳалқига нисбатан дунёда амалга оширган энг шафқатсиз иши бўлди деган фикрга келади. Кўпчиликнинг бир умр ийққан омонати бир кунда кераксиз қофозга айланиб қолди. Бунинг иқтисодиётга ҳам бир чақалик нафи бўлмади. Бу ҳолни Халқаро Валюта Фондининг ҳеч бир марҳамати билан оқлаб бўлмайди.

Илгарироқ бундай фикрни атоқли америкалик олим Жон Гелбройт ҳам лўнда қилиб айтган эди. Унинг фикрича, собиқ шўро мамлакатларида капитализм ва бозор иқтисодиётини асл ҳолича, ҳеч бир ижтимоий товонларсиз ва кафолатларсиз тиқишиши инсон ҳукуклари нуқтаси назаридан мақсадга мувофиқ эмас (“Le Monde”, 29.03.1994).

Бироқ булар барчаси карvon кетиб бўлгандан сўнг билдирилган тасассуфлардир. Булар на сиёсий ва на иқтисодий тавсиялар, балки марсиядир.

Мен бошқа нарсани назарда тутяпман. Ўша йиллари Ўзбекистон Президентидан бошқа бирор кимса Farbning фатвоси, тўғрироғи, сукут сақлаши туфайли инсон ҳукуқларининг бу қадар поймол этилишига қарши норозилик билдирамади. Бу мамлакатдаги оёқ-қўли рубль арқонлари билан боғланган давлат ҳокимияти имкон қадар ўз фуқароларининг манфаатлари учун курашди.

Давлат аҳолининг ўта эҳтиёжманд қатламлари ҳимоясини ўз зиммасига олди. Бу тириклик минимуми билан таққослаганда, анча юқори, кафолатланган энг кам иш ҳақи ва нафақалар микдорида, илк ҳаётий зарурат товарларининг меъёрланган тақсимотида, реал компенсациялар тўловида ўз аксини топди. Ўзбекистонда, ўзбек ҳалқининг овқатланиши таркибини ҳисобга олган ҳолда, нон ва унга бўлган энг паст баҳо

сакланиб қолди. Бу ўша пайтда ўта муҳим аҳамиятга эга эди. Мактабларда 1—5-синф ўқувчилари учун бепул нонушталар, юқори синф ўқувчилари учун имтиёзли овқатланиш ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги "Кам таъминланган оиласаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижтимоий сиёсатнинг амалий дастури бўлди. Фармон барча ўзини-ўзи бошқариш органларида кам таъминланган оиласаларга (республика, маҳаллий бюджетлар ва бюджетга таллуқли бўлмаган маблағлар ҳисобидан) моддий ёрдам бериш бўйича маҳсус жамғармалар тузишни кўзда тутар эди.

Кам таъминланган оиласаларга моддий ёрдам сифатида бериладиган ойлик тўловлар, маҳаллий жамоалардаги аҳолининг йиғини ёки мажлиси қарорига биноан, адолатлилик ва ошкоралик принципи асосида тайинланиши белгилаб қўйилди.

Мактаб ислоҳоти Ўзбекистондаги ҳуқуқ ва эркинликларни ижтимоий кафолатлаш тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Бунда халқнинг тарихий анъаналари ҳисобга олинади. Ундан кўзланган мақсад миллий анъаналар, дунё педагогикаси ютуқлари, ҳаммага баробарлик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик принципларига таянадиган таълимга асосланган мактаб яратишdir.

Атоқли файласуф А.Зиновьевнинг "Ёвузлик салтанати ҳалокати" (Россия фожиаси очерки) номли сўнгги китобида шундай мулоҳаза бор: "Бугунги Россияда яқин-яқинларгача дунёда энг зўр ҳисобланган болалар ва ёшларни тарбиялаш ва таълим бериш тизими йўқ... Бугунги ўсиб келаётган авлодлар бутунлай ўзга дунё, ўзга маданият ва ўзга инсонлар қавмига мансубдир. Уларнинг ишида ҳам, фояларида ҳам, қадриятлар тизимида ҳам ўз ўтмишдошларига тегишли бўлган тарихий илдизлар йўқ. Farb мамлакатларидаги барча иллатларга кўр-кўrona таклид қиливчи одамлар авлоди етишиб келмоқда. Ёмон таълим олган, ҳасадгўй, пул ва кўнгилхушликни қизғанувчи, болалигиданоқ ахлоқий мажрух, Ватан, фуқаролик бурчи тушунчаларидан маҳрум бир авлод ўсаётir. Бундай одамлар билан буюк ишларни амалга ошириш мумкин эмас".

Мен А.Зиновьевнинг кўпгина мулоҳазаларига қўшилмайман, лекин унинг ушбу нозик самимият ва алам билан йўғрилган фикрига қўшилмасдан иложим йўқ. Бу, ҳақиқатан ҳам, фожиаларни келтириб чиқарувчи муаммодир, у ҳал этилмаса, иқтисодиёт ҳам, маънавият ҳам ўз аҳамиятини йўқотади. Шуларни ҳисобга олганда, Ўзбекистонда мактабларни ислоҳ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг теран ва катта миёсга эга эканини англаб оласан, киши.

Президент Каримовнинг таълимни ислоҳ қилиш борасидаги айрим мулоҳазалари энг мақбул қарор қабул қилиш йўлларини ахтариш билан боғлиқ тинимсиз изланишлар маҳсулидир. У мактаб ўқувчисининг

ахборот билан ўралашиб қолиб, маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб қолишига қарши. Шу билан биргаликда, таълимнинг шахснинг ривожланиш имкониятларини кенгайтирадиган, унга эркинлик берадиган, ўзбеклар учун анъанавий бўлиб келган, катта ёшдаги болалар кичикларига ўргатадиган нодавлат, оиласи турларини ёқлади.

Куйидаги маълумотлардан давлат, ҳақиқатан ҳам, ўз худудида истиқомат қилаётган миллатларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналари га нечоғли ҳурмат билан қараётганини билиб олиш мумкин (1994 йил 1 сентябрдаги маълумотлар):

Ўқув тили	Мактаблар сони	Ўқувчилар миқдори (минг киши)
ўзбекча	7.716	3.856
русча	1.000	459.7
қозоқча	605	144.9
тожикча	381	129.9
қорақалпоқча	345	125
туркманча	70	18.2
киргизча	58	11.6

Бундан ташқари, 27 та мактабда корейс, 25 та мактабда қрим-татар, 11 та мактабда татар, 4 та мактабда юонон, 3 та мактабда уйғур, 1 та мактабда немис тили ўқитилмоқда. (Немис тилини хорижий тил сифатида 950 минг мактаб ўқувчиси ўрганмоқда.)

Республикада давлатдан имкон доирасидаги энг юқори ижтимоий ёрдам олаётган 550 минг нафар ўқитувчи бор: ўқув нагрузкаси камайтирилди (бу, айниқса, қишлоқ ўқитувчилари учун муҳим), бепул квартира олишда, иситиш, электр қувватидан бепул баҳраманд бўлишда, ер участкалари олишда ҳам уларга имтиёзлар берилган.

Хозирги кунда республикада 55 та олий ўқув юрти, шу жумладан, 16 та университет, 7 та тиббиёт институти, 6 та педагогика институти, 4 та қишлоқ хўжалик институти, 3 та маданият институти, 1 та темирийўл транспорти институти, 1 та алоқа институти бўлиб, уларда 317 минг нафар талаба, кундузги бўлимда эса 176 минг нафар талаба таълим олмоқда. Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг халқ хўжалиги учун 60 мингдан зиёд турли касбдаги мутахассислар тайёрлаб берилди. Олий таълим тизимида 25 минг ўқитувчи, шу жумладан, мингдан ошиқ фан докторлари, 11 мингдан ошиқ фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда.

Давлат илмий фаолиятнинг мутлақо янги шакллари вужудга келишига ёрдам бермоқда. Улар орасида кичик инновацион бизнес алоҳида ўрин эгаллайди, негаки унинг янги ғоялар ва қашфиётларни ҳаётга татбиқ этишдаги самарадорлигини дунё тажрибаси кўп бор исботланган.

Ўзбекистондаги маънавий маданиятнинг аҳволи ҳам яхши эмас. Унда ижобий силжишлар ва ечимини кутаётган муаммолар, эски танглик, ўн ийллар давомида йигилиб қолган муаммолар, янги қийинчиликлар ва зиддиятлар — барчаси қоришиб кетган. Бу ерда гап танглик ҳақида эмас, аксинча, маданиятнинг ўзига хос аҳволи тўғрисида кетмоқда. Чунки маданият ўз муаммоларини давлатнинг амалий ёрдами билан ўзи ҳал этиши керак бўлади. Маданият ҳам инсон ҳуқуқларининг ижтимоий кафолати соҳасига киради.

Ўзбекистон ҳукуматининг фуқаролар саломатлигини асрашга бераётган эътиборининг аҳамияти тўғрисида сўз кетганда, мен бир фактни келтиришни истардим. Бу мамлакатда дунёда биринчи бўлиб, икки даражали "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилди.

ХУЛОСА ЎРНИДА

1995 йилнинг бошларида немис журналларидан бирида бир кичик мақола босилиб чиқди. Унинг муаллифи Ўзбекистонда яшаб ишлаётган киши бўлиб, мақоласи Президент Каримов номига айтилган самимий гаплардан иборат эди. "Фокус" журнали уни "сарой хушомадгўй" деб атади. Федерал Президент Роман Херцог ҳам Ислом Каримов фаолиятини ижобий баҳолагани учун "таъзирини еди". Жаноб Херцогдан интервью олган мухбир: "ГФРда ва бошқа Farb мамлакатларида одамлар Сизнинг фикрингизга қўшилишига ишончингиз комилми?" — деб сўради. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Президентини мақташга ўзига хос тақиқ борга ўхшайди. Мен бу тақиқни бузишга уриниб кўрмоқчиман.

И.Каримов ҳамиша фурур билан: "Мен технократ ва амалиётчиман. Менинг кучим ҳам шунда", дейди. Шуни қўшимча қилишим мумкини, у ўз халқининг бешик ва мозорлари, уй ва мачитлари, жароҳатларини ўзида мужассам этган. Унинг кучи ҳам шунда.

Агар Президент Каримов ўз фаолияти давомида фақат қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида Ўш ва Ўзганда бўлган миллатлараро даҳшатли қирғинни тұхтатганда ҳам минглаб кишилар, уларнинг фарзандлари ва набирлари хотирасида сақланиб қолиши мумкин эди. Фарғона ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидағи қонли тұполонлар өфигида эс-хушини йўқотган оломоннинг йўлига ғов бўлгани учун ҳам уни алқаб, раҳматлар айтиб юрган кишилар қанча. Унинг бугунги Тожикистандаги нисбатан осойишталикка қўшган ҳиссасини қандай баҳолаш мумкин?

Ислом Каримов фақат шуни қилганида ҳам, америкалик атоқли нағоянда Уэндилл Филипснинг таъбири билан айтганда, "тарих солномачиси қаламини күёш нурига ботириб, унинг отини бошларимиз узромий кенгликларга рақам этиши мумкин эди".

Америкалик таниқли маърифатчи ва нотик Букер Т.Вашингтон бир ибратли воқеани қайта-қайта айтиб юришни канда қилмас эди. "Кема бошқарувни йўқотиб бир неча кун давомида океан қирғоғига яқин жойда, ёнига бошқа бир кема келгунча, сузиб юрди. Бошқарувни йўқотган кемадан: "Сув беринг, сув беринг, сувсизликдан ўлиб қоламиз" деган сигнал тарқатилди. Зум ўтмаёқ бошқа кемадан: "Ўзингиз турган жойда челякни сувга туширинг", деган жавоб сигнални келди. Ҳалокатга учраётган кемадан яна: "Сув, сув юборинг. Йўқса, ҳаммамиз қирилиб кетамиз", деган сигнал тарқалди. Жавоб яна қайтарилди: "Ўзингиз турган жойда челякни сувга туширинг". Ниҳоят, капитан маслаҳатга кулоқ со-

либ, челякни сувга туширишни буюрди. У тортиб олингандан, ҳақиқатан ҳам, топ-тоза сувга тұла әди. Маълум бўлишича, ўша жойда Амазонка дарёси оқими бор экан".

Бу қиссадан хисса шуки, аввало, одамларнинг ўзлари оғир вазиятдан кутулиш йўлларини излаши керак. Гарчи бир қараашда ундан чиқиб кетишнинг имкони йўқдай туюлса ҳам. Бу Президент Каримовнинг қатъий позицияси.

АҚШ Президенти Р.Рейган Москва университетининг талабалари билан учрашаётib, бир саволни ўртага ташлади: "Достоевский заминида ҳақиқат излаш, Кандинский ва Скрябин ватанида тасаввур, ўта бой маданият вакили бўлмиш Алишер Навоий заминида гўзаллик ва самимият тўғрисида сўзлаш зарурми?" Президент Каримов, зарур, деб ҳисоблайди.

У содик бўлган асосий принциплардан биттаси миллий гурурни уйғотиш ва ҳамма нарсадан боҳабар ҳамда маърифатли ватанпарварлайдир. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон бу мамлакат ўзи учун ва бутун дунё учун нимани англатишини ҳис этиши керак. Бу ҳиссиёт ҳар куни оиласда, мактабда, маданиятдан озуқа олиб, шаклланниши лозим.

Илдизлари теран, қүёш нурларидан баҳра олиб ўсадиган дарахтда йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳаёт сакланиб қолгани каби мамлакат ҳаётидаги рўй берәётган барча ижобий силжишлар моҳиятнан маданият, замин, оила ва жамоага таяниши керак. Улар абадий ҳақиқатлар ва ҳаётнинг ўз манбаси — ўзбекларда авлоддан-авлодга ўтиб келган эътиқоддан куч олиши даркор. Янги Ўзбекистонда сиёсий интилишларни ҳаракатлантирувчи куч ҳам, аслида, ана шудир.

Бу — Президент Ислом Каримовнинг йўли. У янги мустақил давлатлар раҳбарларидан биринчи бўлиб, танглиқдан чиқиши ўз халқининг куч-кудрати, тарихи, анъаналари, унинг ҳайратомуз миллий хусусияти ҳамда мамлакатнинг бой табиий ресурслари билан боғлади. Албатта, бу йўл равон ҳам эмасди, унга ҳеч ким анвойи гулларни сепиб, кутиб ҳам ўтиргани йўқ әди. Бироқ у муваффақиятлар келтирган ягона тўғри йўл бўлиб чиқди.

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигининг тўрт йили давомида барқарор ҳаёт кечирди. Бу иқтисодий ютуқлар асоси бўлди. Бунда объектив сабабларга кўра, эркинликни етарли даражада таъмин этиш имкони бўлмади, албатта. Энди Президент Каримов олдида буюк бир мақсад турибди, у ҳам бўлса, барқарорлик шароитида эркинликка, яъни Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёдаги ҳақиқий ошкоралик ва муроса мактабига айланишига эришишдир.

Барча собиқ коммунизм, айниқса, собиқ шўро мамлакатлари тажрибаси объектив шароит етилмаган бир пайтда демократик муассасаларни жорий этиш бузғунчиликларга олиб келиши мумкинлигини яна

бир бор тасдиқлади. Ўзбекистон хulosа чиқарган ушбу тажриба вақтинча нотулиқ демократия мэррасида туриш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу давлатчиликни мустаҳкамлаш ва демократияга таянч бўлишга хизмат қиласди.

Шу билан биргаликда Президент Каримов кейинги пайтларда дунё ҳамжамиятига авторитаризм Ўзбекистонда сиёсий тузум учун бирдан-бир мақбул усул эмаслигини, авторитаризм у ерда ортга қайтариб бўлмайдиган аҳволга келмаслиги учун бор куч-ғайратини сарфлаяжагини, демократик тараққиёт истиқболли эканини қайта-қайта намойиш этди.

Президентнинг бундай позицияси, асосан, ислоҳотларнинг янги босқичига номенклатуранинг мухолифлиги хавфининг олдини олиш зарурати билан боғлиқ бўлса ажаб эмас.

Бу ислоҳотлар, таъкидлаб ўтилганидай, бюрократиянинг маълум ва етарли таъсир кучига эга бўлган қатлами манфаатларига зид келиб қолганга ўхшайди. Ишчилар, дехқонлар, тадбиркорлар ва янги, ёш зиёлилар, қолаверса, Ўзбекистон халқининг аксарияти Президент томонида.

Ислом Каримов жамият ҳаётининг ярим авторитар ва чала демократик йўлдан ривожланиши соғ авторитар тараққиётдан мураккаброқдир. Бундай йўл ўта эҳтиёткорлик билан сиёсат юритиши, ҳокимият босган ҳар бир қадамда ярим авторитарлик ва ярим демократлик меъериини сақлашни, нафақат демократиянинг мавжуд унсурларини сақлаб қолиш имконини берадиган, балки, бундан буён демократия меъёлари ва муассасаларини кенгайтиришга замин ҳозирлайдиган ўзига хос авторитарлик чораларини қўллашни тақозо этади. Ислом Каримовнинг республикадаги бугунги ижтимоий ҳаёт воқеликларини айнан шундай тушуниши у эълон қилган тийилиш, мўтадиллик ва муроса сиёсатининг асосини ташкил этади.

Аср ва минг йиллик интиҳосида Ўзбекистон ўз ҳаётининг буюк олатасирлар ва ҳайратли ўзгаришлар даврини муносиб якунлаяпти ҳамда умид ва ишончларга тўла янги аср бўсағасида турибди.

Келинг, Ўзбекистон халқининг ўз ҳаётини ўзи англаб етиш ва англатиш, юлдузлар ичида ўз юлдузини, тарихининг қўриқчи маёкларидан ўз нурини сайлаб олиш ҳуқуқини ҳақиқат деб қабул қиласлилар.


Бу тарихда, Гёте таъбири билан айтганда, "Худойи таолонинг сеҳрли устахонасида" дунёнинг у ёки бу томонида ҳайратланарли изчилиллик билан тақрорланиб турадиган воқеалар бор. Айрим тарихчилар¹⁸ асрда содир бўлган икки — француз ва америка инқилоби тўғрисида мушиҳада юритаркан, тахминан, қўйидагиларни ёзишади: француз инқилоби Худони инкор қилди ва Якобин диктатураси қонга ботди. Аме-

рика инқилоби унинг ижодкорлари ва ижрочилари юрагидаги Худо билан амалга оширилди. Шунинг учун ҳам ғалаба қилди ва муваффақиятларининг кети кўринмайди. Бу бебаҳо мушоҳададир.

Шу тахлит ёндошилса, Ўзбекистон тақдиди юракларга некбинлик бағишлийди. Ўзбекистон ҳозирги ва келгуси авлодларнинг тақдиди умумий ҳамжамияти сифатида юракларда Аллоҳ ишқи билан яшаётган экан, унинг бу хайрли йўли нафақат ўз фуқароларини, балки, бутун жаҳонни қувонтирумаслиги мумкин эмас.

рика инқилоби унинг ижодкорлари ва ижрочилари юрагидаги Худо билан амалга оширилди. Шунинг учун ҳам ғалаба қилди ва муваффақиятларининг кети кўринмайди. Бу бебаҳо мушоҳададир.

Шу тахлит ёндошилса, Ўзбекистон тақдирни юракларга некбинлик бағишлийди. Ўзбекистон ҳозирги ва келгуси авлодларнинг тақдирни умумий ҳамжамияти сифатида юракларда Аллоҳ ишқи билан яшаётган экан, унинг бу хайрли йўли нафақат ўз фуқароларини, балки, бутун жаҳонни қувонтирумаслиги мумкин эмас.



Профессор доктор Левитин ва профессор доктор Карлайл томонидан битилган мазкур китобни тақдим этиш — биз, унинг ноширлари ва ҳомийлари учун катта қувонч ва шараф саналади.

Ҳар иккала муаллиф — Ўрта Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг етук мутахассислари ва билимдонлари. Бу нарса, шубҳасиз, ушбу китоб нашрининг Ўзбекистон ва Farb мамлакатлари ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушунишни яхшилашга, иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтиришга салмоқли ҳиссасини белгилайди.

GROTEC
ВЕНА/АВСТРИЯ

66.2 (5У)
Л 31

© Агротек, Вена, Австрия, 1995.
© "Ўзбекистон" нашриёти, Тошкент, 1996.

ISBN 5-640-02102-0

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги
Тошкент матбаа комбинатида босилди. Буюртма № Д—747